
Deckerhans von Knauß

*...Икки түрли киши ҳақиқий киши
аталади, бирі үргатувчи, бирі үрганувчи.*

Юсуф Хос Жожиб,
«Күтадгы билгі»

Махмуд Саттор

ЎЗБЕКНИНГ ГАЛИ ҚИЗИҚ

*Миллатнинг
кеңжа бўғинига*

«Tafakkur qanoti»
Тошкент — 2011

Махмуд Сатторнинг ушбу китоби ўзбек мақол ва иборалари намуналарининг қисқа шарҳи ва изоҳига багишланган. Унда инсоннинг вужуди, тана аъзолари ҳақида яратилган нақл, мақол, иборалар танлаб олинган. Сиз рисолада халқимизнинг теша тегмаган сўз, бирикма, ибораларининг қизиқарли таҳлили билан танишасиз.

Китоб аввало ёшларга, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-382-24-4

© «Tafakkur qanoti», 2011 й.

АЙТИЛГАН СҮЗ — ОТИЛГАН ЎК



А —

Арава синса – ялқовга ўтин. Арава – транспорт воситаси. Унга асосан, от, эшак қўшилади ва ҳар хил юклар ташилади. Узоқ яқин қилиниб, йўл таноби тортилади. Ялқов, дангаса, ишёқмас, танбал араваси синиб қолса, уни тузатиш, таъмирлаб ишга солишга эриниб, ўтин ўрнида ишлатади, дейиляпти. *Муқобили:* "Танбалга арава синса – ўтин, хўкиз ўлса – гўшт!" Танқид воситасида ҳар ишда тадбиркор бўлишга даъват.

Арzonнинг шўрваси татимас. Арzon, ориқ гўштнинг шўрваси татимсиз бўлади. Ота-боболар мол харид қилища яхши, сифатлисини олиш, арzon экан деб, яроқсиз нарсага пул сарфламаслик лозимлигини уқтириб келганлар. Чунки қиммат нарса сифатига яраша ҳар жиҳатдан яхши бўлади. Кам бўлса ҳам бирқанча арzon, сифатсиз

молнинг ўрнини босади. Бу фикрни қўйидаги муқобил мақоллар ҳам кувватлаб, тасдиқлайди: "Арzon – беиллат эмас, қиммат беҳикмат", "Қимматда бир ҳикмат бор, арzonда бир иллат", "Асл айнимас, олтин зангламас", "Ақл қаримас, асл чиримас", "Айби бор мол арzon юради", "Арzon алдайди", "Кераксиз нарса арzon бўлса ҳам – қиммат", "Арзимаса – арzonга ҳам олма".

6
*Агар оғодсен –
шоҳ сен.
Агар шоҳсен –
оғод сен.*

Алишер Навоий

Ариқни кимлар қазийди, сувини кимлар ичади?! Бу мақол меҳнатни бирор қилиб, роҳатини бошқалар кўришганда ишлатилади. Мақол қаҳрамонига нисбатан ачиниш, ҳайриҳоҳлик, меҳр мавжуд. Ҳар жабҳада адолатли иш кўришга чорлов. *Муқобили:* "Сув келтирган хорзору кўза синдириган азиз" мазмунида.

Арча хушбўйлигидан мингга киради. Арча кўп йиллик, умри узун дарахт. Кўчма, мажозий маънода ўйтит, панд-насиҳат мазмуни мужассам. "Инсон ҳам хуштабиат, хушмуомала, ширинсухан бўлса, узоқ умр кўради", дейилмоқчи. Агар арча қўланса ҳид таратувчи бўлганда, ўрмончилар уни дарҳол кесиб, йўқ қилиб ташлаган бўлардилар. Қўпол муомалали одам ҳам шундай. Ёқимсиз гали, инсонларга номуносиб муносабати билан атрофдагиларни ўзидан бездиради. Оқибат, ўз бошига ўзи, тили етади, деган маънони

беради. *Мұқобилари*: "Арча минг яшайды, ёнғоқ билан тенг яшайды". Эзгуликка дағыват.

Арғамчига қыл қувват. Арғамчи, арқон нуқул жундан түқілса, мұрт бүләди. Юк тушганда узилиб кетади. Шунинг учун жунга озроқ отнинг ёли ёки думидан қыл аралаشتыриб эшадилар. Нисбатан кам сонли ҳам арғамчига қувват бўлиб, уни пишиқ ва бақувват қилади. Халқимиз бу мақол билан мажозий маънода: "Қийналиб, муҳтож бўлиб турган одамга андак ёрдам ҳам қувват баҳш этади. У сенинг шу кичик ҳимматинг билан ўзини, ишини ўнгариб олиши мумкин", деган маслаҳатни беради. Жўн маъносида, кўпга бир қўшилса, оз бўлса ҳам қуввати ошади, деган мазмун ташийди. "Ит бўл, куш бўл – кўп бўл" мақоли муқобилликка яқин. Яхшилик, саховат, ёрдам дағывати.

Аталадан суюк чиқибди. Атала – қозонга ёғ, ун солиб, ийлаб, сув қуйиб, қайнатиб пиширилади. Мойли атала туққан аёлларга қувват бўләди. Унга гўшту бошқа масаллиқлар солинмайди. Шундай бўлгач, ундан суюк чиқиши мумкин эмас. Бу мақолни мажозий маънода, зиқна, хасис одамдан фавқулодда бир саховатли иш чиқиб қолса, ёхуд ҳеч вақо билмайдиган оми одамдан бирор маъноли сўз ёки мақбул фикр туғилса, "Қаранг, аталадан суюк чиқибди-я", дея ҳайрон ва қойил қолиб айтадилар. *Мұқобилари*: "Кесакдан олов чиқибди", "Қарқуноқдан булбул чиқибди". Фавқулоддалик, ҳайрат, ҳайриҳоҳлик эътирофи.

Аяган кўзга чўп тушар. *Мұқобилари*: "Аяган кўзга чўп тушар, ташландиққа тош тегмас", "Аяган отнинг оёғи синар". Баъзи ҳолларда кўз қорачиғидай авайлаб-асраб, папалаб келинаётган нарсага худди ўчакишгандек бирор шикаст етади. Аямай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган нарсага эса бало ҳам урмайди. Мазкур мақолларни шундай ҳоллар рўй берганда ишлатадилар. Мақолда бу ҳолга тушган инсонга нисбатан пушаймонлик, ачиниш, куюнчаклик ҳиссиётлари мужассам.

Б –

Беш қўл баравар эмас. Бу ўринда беш бармоқ назарда тутилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бармоқлар ўзининг жойлашиши ва вазифасига кўра узун-қисқа, ҳар хил бўләди. Мажозий маънода "Одам кўп, бироқ ҳаммаси бир хил эмас", дейилмоқчи. "Одамлар бир-

бирларидан фарқ қиласидар, улар орасида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам, ақлли ва ақдисизлари ҳам, одобли ва одобсизлари ҳам бўлади, кундалик ҳаётингда ушбу ақидани ҳамиша назарда тут", деган панд-насиҳат мақолидир.

Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур?! Бу мақол тулкининг тилидан айтилган. Тулки қўйруққа ўч бўлади. Ўтмишда овчилар тулкини тутиш учун қопқонни тупроққа кўмиб, устига бир парча думба ёғи қўйиб кетганлар. Тулки уни ейман деб, тумшуғидан қопқонга илинган. Аммо ҳамма тулкилар ҳам осонликча қўлга тушавермаган.

Чунки тулки ҳайвонлар ичида жуда сезгир, ҳушёр ва айёр жонивор бўлади. Мазкур мақол шунинг натижасида юзага келган бўлиб, мажозий маънода одамларни ҳушёrlикка, эҳтиёткорликка ундейди. *Муқобилиари*: "Бозордаги ботмон қўйруқ, тарозига тортган қўйруқ, бир балоси бўлмаса, нега шудгорда ётган қўйруқ?!?", "Бир балоси бўлмаса, саватда кабоб на қилур?!" . Бу кейинги мақол сичқоннинг тилидан айтилган. Зааркунанда сичқонни йўқотиш учун унинг каваги оғзига маргимуш сепилган жизза, кабоб жази қўйиб қўйилган.

8 Мақолда фавқулодда ҳайрат, ўйчанлик, ҳушёrlик ва сезгирикка даъват кучли.

Бир йигит қирқ йилда бино бўлади. Йигит, бу ерда "чин инсон, ҳар тарафлама етук одам" мазмунида ишлатилган. "Бир йигит қирқ йилда бунёд бўлади", деган муқобили ҳам бор. Киши дунёда қирқ йил, яъни анча-мунча яшагандан кейингина ҳар жиҳатдан камол топади. Ҳаётнинг паст-баландини тушуниб, аччиқ-чучугини тотади. Ўйланиб, бола-чақа ортириб, ҳақиқий ҳаёт йўлига тушиб олади, дейилмоқчи. Қирқ йил бу ерда кўп вақт, муайян замон маъносида келиб, инсоннинг одам бўлиши учун маълум бир муддат унинг муракқаб ҳаёт йўлини босиб ўтиши талаб қилиниши ифодаланмоқда.

Бир чўмилган дарёда қайта чўмилиб бўлмас. Рамзий, мажозий маънода қўлманилади. Аслида киши бир дарёда умр бўйи: болалиги, ёшлиги, ўрта яшарлиги, ҳатто кексалигида ҳам чўмилиши, ҳузурланиши мумкин. Мақол билан "Сен чўмилаетган дарё ўша, лекин суви бошқа, сен фусл қилган сувлар оқиб кетди, бу сув янгиси, у сув эмас, демакки, ўша дарё ҳам эмас", демоқчи бўладилар. Ҳақиқатан ҳам шундай. Шу сабаб ҳаётни оқар дарё, дейдилар. "Замон замонга ўхшамас" мақоли унга муқобил бўла олади.

Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака қочар. Оилада

бўлар-бўлмасга жанжал қилавермаслик, айниқса, эр билан хотин аҳил бўлиши зарурлигини уқтирувчи бу мақолнинг турли муқобиллари бор: "Бир кун уришганинг қирқ кун насибаси қирқилади", "Жанжалли уйдан барака қочар", "Жанжалли уй — азобли гўр", "Оила аҳил бўлса, омад ўзи оёғи билан келади" каби. Оила, маҳалла ва бу билан бутун мамлакат аҳиллик, бирликка чақирилиб, ўзбекнинг тинчлик-хотиржамликни улуғловчи мақолларидан бири сифатида ҳамма замонларда нутқимизда фаол қўлланилади.

Бир сават тухумга бир тепки кифоя. Муқобили: "Бир гала қарғага бир кесак кифоя". Бу мақоллар билан "Ў-хў, кўп экан, деб душмандан қўрқма, сиртидан кўп кўрингани билан, бир зарбалик ҳоли бор", деган маънода жангчиларга далда берилган. Мақолда аслида "тухум"га ачиниш, беэътиборлик билан кўп кунлик насибани қийиш, оиланинг озиқ манбани қуритиш, бўлажак кўп сонли жўжа ва товуқдан бехосдан маҳрум бўлиш маъноларида танқид мантиғи ҳукмрон.

Бир юзингни урушга қўй, бир юзингни ярашга. Бу ўринда "уруш" ва "уриш" сўзлари маъносини фарқлаш лозим. Мазкур мақолда бу сўз "уруш-жанжал" маъносини ташимоқда. Асло "уриш", "тарсаки тортиш", "шапатилаш" маъносида эмас. "Бирор билан урушганда, сўкишганда, кейин ярашадиган, муроса-мадора қилиб кетадиган тарафларини ҳам кўзлаб иш кўр, бутунлай юз кўрмас бўлиб кетадиган даражада қаттиқ уришиб-сўкишма", дейилмоқчи. Муқобили: "Борадиган эшигингни қаттиқ ёпма". Ўзбекона андиша, узоқни кўзлаб иш кўриш, жаҳл келганда ҳам ақдни қочирмаслик ўгити.

*Бу масалким,
отолмаган сопқон—
Бошу кетга тегар
отган он.*

Задуш

9

Г —

Гадой аразласа, тўрвасига зиён. Гадой — тиланчи. У нимасига, кимдан аразлайди?

Лекин шундай мақол борки, уни мажозий маънода ишлатадилар. Камбағал, қашшоқ, паст мартағали одам бўлса ҳам баъзилар орияти, номуси кучлилигидан амалдор ё бой-бадавлат одамнинг иродасига, зўравонлигига қарши боради, унга бўйин эгиси келмайди, орини

бермайди. Шундай одамларга кесатиқ, аччиқ истеҳзо ва киноя билан: "Қаерга ҳам борарди, бир кун бошини эгиб келади, унинг гина-кудурати, арази ўзининг рўзгорига, бола-чақаси ризқи-насибасига зиён", дея такаббурлик билан хулоса қиласидилар. Пировард-натижани эса ҳаёт кўрсатади. Такаббурлик, киборлик, каттазанлик, оёғи ердан узилганлик мақоли.

Гап кўп, кўмир оз. Қадимда узун қиш кечалари қўни-қўшни, ёр-аўстлар бир уйга йифилиб, танча атрофида ўтириб, гурунг-лашганлар. Шунда сұхбат узоқ чўзилиб кетса, сұхбатдошлардан бири ярим ҳазил, ярим чин қилиб, "Қиши ўчори тор, бор уйингга бор", дея "етар энди", вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, "уй-уйликка, тепа тўйликка", дейишган. *Муқобили:* "Иш кўп, темир оз, гап кўп, кўмир оз". Шоир Э. Воҳидов изоҳича, аслида ушбу накъ: "Гап кўп, умр оз" шаклида бўлган. Талаффуздаги диссимилляция туфайли "Гап кўпу кўмир оз" шаклига кириб қолган. Мақол инсонни бехуда сухандонлик, фойдасиз нутқдан тийиб, ҳаётни, одамларга муносабатни ниҳоятда қадрлаши ва ўйлаб гапиришга чақириши билан қимматлидир.

10 Гавҳар кўп бўлса, қадри бўлмайди. *Муқобили:* "Шакарнинг ози ширин", мажозий маънода, ҳар бир яхши нарсанинг ҳам ози яхши, қадрли бўлади. Кўп бўлса, кўнгилга уради, қадри кетади, деган мазмун ташийди. Ҳалқда "Бор ерда бол арzon, йўқ ерда туз қиммат" деган мақол ҳам бор. Кўп бўлса, қадрсиз, оз бўлса тансик мантиғи жойланган. Қавмларимиз ҳар нарсанинг меъёрида бўлиши, бойлик, мол-мулк ҳам эҳтиёжни қондирадиган даражада тўпланишини нормал ҳолат санаганлар. Меъёрдан ошиш, эҳтиёждан юқори дунёга эга бўлиш кишини ахлоқий-маиший жиҳатдан бузишини уқтириб келганлар.

Гапни гапир уққанга... Бу мақолнинг тўлиғи: "Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга, гап гапириб нетарсан, онаси бевақт туққанга" дейилади. "Бевақт туққан" — "Беникоҳ туққан" бирикмасига маънодош. Ҳароми одам гап уқмайди, гапнинг фаҳмига етмайди, англамайди, билса ҳам қадрига етмайди, демоқчи бўлади бу билан доно ҳалқимиз. Аждодларимиз ушбу мақол билан "гапни уқадиган, жон қулоги билан тинглайдиган, илтимосингни ерда қолдирмайдиган одамга гапир, ярамас, гап уқмас, бунга арзимас одамларга гапириб ўтирма, барибир уқтира олмайсан, суханинг зое кетади", дейишган.

Гул тикансиз бўлмас... Мажозий маънода ҳар қандай яхши нарсанинг ҳам бир ёмон томони бўлади, дейилади. **Муқобиллари:** "Бол бор ерда ари бор", "Гул тиконсиз бўлмас, сафо жафосиз"; "Гулни гул дерму киши гулнинг тикони бўлмаса, ёрни ёр дерму киши, ёрнинг жафоси бўлмаса", "Гулни севган тиконига ҳам чидайди" каби. Бу сингари мақоллар мумтоз шеъриятимизда ҳам гўзал инъикосини топган.

Д —

Давринг кепти — сур бегим, давронинг

кепти — ур бегим! Мақол ўтмишда золим, такаббур, одамларни хўрлай-

диган зўравонларга нисбатан киноя, кесатик маъносида ишлатилган. Ҳозирги замонда ҳам баъзи бир тасодифий, ҳаром йўл билан бойиган, босар-тусарини билмай қолган "бойвачча", "бек"ларга нисбатан кинояномуз ишлатилиб, "Кўрмаганнинг кўргани курсин" қабилида истеҳзо муносабати билдирилади. Кўчма маънода, "Давринг кептими, қылғилигинги қилиб ол, кайфу сафонгни, маишатингни уриб қол, бир кун бошинг бориб деворга урилганда биласан" дейилмоқчи. Мақолда сарказм, нафрат, фош этиш оҳангি кучли.

Дараҳт бир жойда кўкаради. Ҳақиқатан ҳам дараҳт ниҳолини жойдан жойга кўчираверсангиз сўлиб, охири қурийди. Бир жойда яхши парвариш қилинса, кўкариб, яйраб-яшнайди. Бу мақол билан "Ҳаётингни ўтказиб турган ерингнинг шарт-шароитига кўник. Агар бунга қониқмай, иссиқ жойингни совутсанг, борган жойингда қадр-қиммат топа олмайсан, ўз ерингга, бор тирикчилигинги қаноат қилсанг, ахийри камолга етиб, барака ва қадр топасан", деган маънода панд-насиҳат қилинади. Дараҳт мисолида инсон ҳаёти, табиати, турмуш тарзи кўзда тутилади.

Дард бошқа — ажал бошқа. Бемор кишиларга шу мақол билан таскин, тасалли берилади. Унга умид бахш этиб, далда берадилар. **Муқобиллари:** "Иссиқ жон иситмасиз бўлмас", "Бир тери ичидаги неча бор семириб, неча бор озади"; "Дард берган Худо, давосини ҳам беради"; "Ноумид шайтон" кабилар. Ҳақиқатан ҳам ҳаётда бу мақолнинг исботи кўп учрайди. Узоқ йиллар бирор тана аъзоси шифоталаблигидан нолиб юрган bemor бу ёқда қолиб,

туппа-тузук, соғлом юрган инсон тасодифий бир фалокат, ё юрак хуружи билан пақ этиб ўлиб кетаверади. Шундай ҳолларда беихтиёр, рост, "дард бошқа — ажал бошқа" дега ёқа ушлайсиз...

Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин. Қарздорлик ҳамма замонларда ҳам ҳар икки томон учун оғир кечган. Қарз берган — ололмай, олган вақтида — тўлолмай. Кексалар фарзандларига бу борада: "Болам, бериб ёмон бўлгандан, бермай ёмон бўл", дейдилар. **Муқобиллари:** "Олимсофинг бўлса бўлсин, беримсофинг бўлмасин", "Қарздорлик — қаҳри худо", "Қарз берувчи — арслон, қарз оловучи — сичқон", "Қарздорнинг ёнчиғи ёлғонга тўла", "Қарз олган қочар, қарз берган — қувар", "Қўлдан бериб, оёқдан тўзасан", "Олимсоқ кечикса, оёқ чиқаради", Халқимиз, "Қарз сўраганнинг бир юзи, бўла туриб бермаганнинг икки юзи қора", дега қарз олди-бердисини инсоний баҳолаб қўйган. Шу сабабли ҳам қавмларимиз "Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин", дейишиди.

Даромадга яраша буромад. Даромад — кирим. Буромад — чиқим. Бу мақол билан ота-боболар: "Киримингга қараб чиқим қил, ўз ҳолингга яраша иш кўр. Киримингнинг мазаси бўлмаса-ю, чиқимингни катта-катта қилиб юборсанг, кейин ўзингга қийин бўлади", деган андиша билан иқтисод ва тежамкорлик юзасидан таълим берганлар.

Деворнинг ҳам қулоғи бор. **Муқобиллари:** "Девор тагида гапирма, деворнинг ҳам қулоғи бор", "Деворнинг сичқони бор, сичқоннинг қулоғи бор", "Ўз уйим деб гапирма, уй орқасида одам бор", "Дўппининг тагида одам бор", "Эшигингни бекитма — тирқишини бекит". Мазкур мақоллар эҳтиёткорлик билан сўзлаш, сир сақлаш, ҳушёр, зийрак бўлишга чақиради. Сир сақлаш хусусида халқимиз: "Сирингни барчага айтишдан эҳтиёт бўл, чунки ақдли бўлиш деган сўз — эҳтиёткор бўлиш деганидир. Агар сирингни сақласанг, у сенинг асирингdir, ошкор қилсанг, сен сирингнинг асири бўлиб қоласан", деган ақидага эга.

"Деворнинг ҳам қулоғи бор" мақоли инсонни аввал ўйлаб, кейин сўйлашга, эҳтиёткор бўлишга, оғиздан ҳуда-бехуда сўз чиқармасликка чақириши билан барча замонлар учун долзарбdir.

Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб. Чин дўстдан фақат фойда тегади, у кишига ёмонлик соғинмайди, зиён-заҳмат етказмайди. Агар у қаттиқ-қурум гапирса ҳам бундан хафа бўлмаслик керак. Чунки у кишини нотўғри йўлдан қайтармоқ ниятида, куюнганидан шундай қиласи. Мазкур мақол ва унинг қўйидаги муқобилларида

шу ўгит қайта-қайта таъкидланади. "Дўст йиғлатар, душман кулдирап", "Шакарли тилга ишонма", "Дўст отган тош бош ёрмас", "Аччиқ сўз — аччиқ доридай дармон", "Дўст сўзини ташлама, ташлаб бошиңг қашлама". Мақол билан инсон одам танишга, дўст-душманнинг фарқига боришга, аслни қалбакидан ажратса билишга чақирилади, ҳушёrlиги оширилади.

E —

Еб тўймаган — ялаб тўймас. "Еб етти бўлмаган, ялаб етмиш бўларми?", "Мутаб тўймаган, мужиб тўярми?". Очкўз, баднафс одамларга нисбатан қўлланиладиган мазкур мақолларнинг қуийдаги мазмундошлари ҳам бор: "Қўзилигида сутга тўймаган тўқилигида турткисин қўймас", "Ўғизида тўймаган (ўғиз сути) — тўғизида (тўққиз ёшда ҳам) тўймас".

Мақол ҳарис, баднафс, сук одамларга нисбатан танқид маъноси ҳамда ҳамиша нафсни тийиш, кўзи, назари тўқ бўлишга даъвати билан аҳамиятлидир.

13

Еган оғиз уялар. Муқобили: "Оғиз еса — кўз уялар". Мазкур мақол билан ҳалқимиз "Бераверар экан деб бирорвнинг овқатини еяверма, нарсасини олаверма, оқибатини ўйла. Балки бу "ҳиммат" ортида ёмон ният яширгандир", демоқчи бўлади. Берганини еб, ундан манфаат кўриб юрган бўлсанг, бир куни келиб у ҳам сенга имконингдан ташқари илтимос қилиб қолса, ғайриқонуний бўлса ҳам бажаришга мажбур бўласан. Чунки еган оғиз уялар, деганларидаи, унинг олдида қарздор, бурчдор бўлиб қолгансан, деган ўйтитни беради. Мақол инсонни эркин ва холисликка, ўзгалар олдида тили қисиқ бўлиб қолмасликка чақиради.

Ема-ичма, бўл баҳил, бой бўлмасанг, мен кафил. Мақол киноя, кесатик, пичинг, нафратли танқид оҳангига эга. Ҳарис, зиқна, ҳасис, ичи қора, баҳил одамларни танқид қилиш мазмунида. Ҳақиқатан ҳам емай-ичмай, туф деб туғиб, баҳиллик билан топганини бирор билан баҳам кўрмай, оиласи, бола-чақасидан яшириб тўплаган, уйган, йиққан кимса бой бўлиши тайин. Лекин унинг бойлигидан кимга фойда?! Бу олчоқ мол-дунёсини нафақат ўзгалар, яқинлари, ҳатто ўзига ҳам раво кўрмайди. "Ўзи емас, итга бермас", деб шундай нокасларни айтадилар. Мақол

қаҳрамонини танқид қилиш билан инсонлар қўли очиқлик, саховат, серҳимматлиликка қақирилади.

Ер қаттиқ бўлса, ҳўқиз ҳўқиздан кўрар. Баъзан шундай ҳоллар бўладики, бажарилётган иш анча мушкул бўлиб, ишлаётганлар мўлжалдаги натижага эриша олмайдилар. Асаблари бузилиб, дикқат бўладилар. Шунда айбни бир-бирларига тўнкайдилар. Ваҳдоланки, сабаб, айб у ёки бу одамда эмас, бошқа нарсада. Аслида осмон йироқ, ер қаттиқ, дегандай гап ернинг қаттиқ-лигидадир.

Ер оғизни емас оғиз боғлар. Рўзаи моҳи рамазонда, саҳарлиқда "оғиз боғланади". Ифторлиқда "оғиз очилади". Бу удум ҳар бир мусулмонга яхши таниш. Мазкур мақол билан "Бир жойга борганингда, сендан бошқа меҳмонлар ҳам бўлса, қорнинг тўқ бўлса ҳам овқатдан тотиниб, чўқилаб тур. Ҳаммадан бурун дастурхондан қўл тортма. Сен қўл артсанг, сенга қараб бошқалар ҳам тановулни тўхтатишади", дейиляпти. Ўзгаларнинг ризқини қийган "Емас оғиз" танқид қилиняпти. Бу билан халқимиз, яқинларимиз ҳушёрликка, вазиятга қараб иш кўришга, оммадан узилмасликка, эл манфаатига ҳамдам бўлишга қақирилмоқда.

Ж –

Жалада қолган ёмғирдан қўрқмас. Бу мақол "Хаётда катта-кичик қийинчиликлар кўрган одам, унча-мунча машаққатдан чўчимайди. Чидайди, бардош беради", деган мазмунда ишлатилади. Қиёсда "Ёмғирдан қутулиб жалага тутилдим" мақоли ҳам борки, мазкур мақолнинг тескари мазмунини ифодалайди. Накъда қиёс, қатъият, ирова, ўзига, ўз эътиқодига ишонч руҳи мужассам.

Жўжали товуқдан дон ортмас. Муқобиллари: "Болали қушдан дон ортмас"; "Бузоқли сигирдан чўп ортмас"; "Қулунлаган биядан қудуқдаги сув ортмас"; "Болали уйдан нон ортмас" кабилар. Бу мақоллар билан "Рўзгори, оиласи катта, бола-чақаси кўп одамдан ҳеч нарса ортмайди, қўлида ортиқча маблағи ҳам бўлмайди. Бундай одамлардан бир нима умид, тاما қилма, сўрама, сўрасангу тополмаса, гина қилма" дейилмоқчи. Мақолда жўжабирдай жон

ўзбек оиласига хайрихоҳлик, инсоф-диёнат, саҳоват оҳанглари мавжуд.


Жўжани кузда санаймиз. *Муқобилари:* "Чучварани хомлигига санама, жўжани каллигига санама", "Чучварани пишириб сана, жўжани очириб". Жўжа баҳорда, оди ёз тухумдан очиб чиқади. У пайтда ҳали унинг бошига пар чиқмаганлиги учун "кал" деб атайдилар. Жўжалар то кузга боргунча анча катта бўлиб, ўзини-үзи эплай оладиган бўлгунча, қанчасини мушук, қалхат ва бошқалар еб кетади, қанчаси бирор шикаст топиб нобуд бўлади. Кузгача эсон-омон етиб олганларигина ҳақиқий жўжа, кейинчалик товук, хўроз бўлади.

Чучварани ҳам тутгилганидан кейин санаб ўтириш бефойда. Чунки у қозонга тушгандан кейин то пишгунича қанчаси очилиб, ёрилиб, сувга чиқиб кетади. Ушбу мақолларни ишлатиш билан ҳалқимиз, ҳали бир ишни бошламай туриб, ёхуд бир ишга эндингина қўл уриб, дарҳол овоза қилишга, мақтанишга тушма, демоқчи бўлади. Аждодлар, "Санамай саккиз дема" ақидаси билан ишни пишиқ қилиш, то натижасини кўрмагунча бир ишни тўхтатмаслик, айни пайтда инсонни вазмин, оқил, камтарин, холис бўлишга ча-қирғанлар.

3 –

15

Замон замонга ўхшамас. *Муқобилари:* "Одам одамга ўхшамас"; "Ҳар ишнинг ўз мавриди бор" ва ҳоказо.



Ҳақиқатан ҳам давр, замон, вақт оқар дарё, уни тўхтатиб бўлмайди. Замоннинг замонга ўхшамаслиги ҳам бор гап. Одатда мазкур мақолни замонанинг зайли билан қийинчиликка дуч келган, мушкул аҳволга тушган ва ўз аянчли ҳолидан нолийдиган одамларга таскин, тасалли сифатида ишлатадилар. Айни чоғда мақолда мажхул, холис, ижобий хулоса оҳангি бор. Келажакка умид ҳисси ҳам яширин.

Замон сенга боқмаса – сен замонга боқ. Муросай мадора мақоли. Замоннинг, даврнинг, ҳаёт босқичининг тартиб-қоидаларига кўниши, замонасоз бўлишга, қаноат ва бардошга даъват этувчи бу мақолнинг қуийдаги муқобиллари ҳам бор: "Замон сенга созлик қилмаса, сен замонга созлик қил", "Замон сенга бўйин қўймаса, сен замонга бўйин қўй", "Ел қаёққа эсса, елкан шу ёққа сузади",

"Шамол қаёққа эсса, бошоқ шу ёққа эгилади", "Замонанг қандай бўлса, бўркингни шундай кий", "Аравасига тушдингми, қўшигини ҳам айт", "Замонанг тулки бўлса, сен тозиси бўй".

Мазкур мақол билан: "Замон ҳамиша бирдай туравермайди, тобора ўзгариб, мураккаблашиб бораверади, шундай экан, сен ҳам ўз билиминг, дунёқарашинг, ҳунаринг билан чегараланиб қолмай, олдинга интилавер. Билимингта билим, ҳунарингта ҳунар қўшавер. Шундагина замон билан ҳамқадам, тенг юроласан, ундан ортда қолсанг, сенга қийин бўлади" деган маънода насиҳат қиласидар. Халқ бу борада ўз хуносасини ҳам чиқариб қўйган: "Замон ёмон эмас, замонга боқмаган ёмон".

Зиқна бирга унамай, дужавага тушади. Дужава дегани икки баравар, икки ҳисса деган маънони беради: "Мумсикнинг харжи икки баравар"; "Эринган икки сочар". Мазкур мақоллар билан халқимиз, зиқна, ҳасис одам арzon, камхарж, буюму нарсага учиб,чув тушади. Кейин икки-уч ҳисса ортиқ сарфлаб, бақоси бўлмаган арзонни қимматлаштиради, деялти. Мақолда қаҳрамонга ўғит, ачиниш, тўғри йўлга солиш, хайриҳоҳлик оҳанглари мавжуд.

Замона зўрники – томоша кўрники. Нотенглик, номуносиблик, нотабийликка қарши исён мақоли. Сурункали адолатсизлик рўй бериб турганда, ҳақиқат оёқости қилинганда, сен ҳақ бўлиб, ҳарифинг қўли баланд келиб турганда, борингки, барча катта-кичик воқеа-ҳодисаларда оқни қора деб топилганда, алам, изтироб, нафрат ҳисси билан айтилган.

Мақолнинг иккинчи қисми – "томуша кўрники" мажозий маъно ташиб, "бу воқеа-ҳодисаларни кўриб, кўрмасликка, эшишиб эшиитмасликка олиш керак. Бу замонда кўр ва сўқир бўлмоқ талаб қилинади" мазмунини ташийди. Мақол тоталитар тузум даврида айниқса, халқ орасида фаол қўлланилган, аммо илмий-маърифий нашр ва оммавий ахборот воситаларида ёзма равишда чоп этилмаган. Сарказм, киноя, сатирик руҳ, кучли.

Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Бирордан бирор нима сўралса-ю, у бўла туриб бермаса, шерикчиликда бирор иш қилинмоқчи бўлганда, иккинчи томон унамаса, яқин одаминг бошинингга мушкул иш тушиб турганда кўмакка келмаса, шу мақол ишлатилади. "Сўраб, илтимос қилиб қоламиз-у, зўрлик ёки зўравонлик қилмаймиз, наилож, бошга тушганни кўз кўради", дея ўз-ўзимизни юпатган бўламиз.

Мақолда ўқинч, афсус, ички норозилик, маълум маънода домонгирлик ҳисси мужассам. Ўзбек миллий характери, психологиясини ифодаловчи эътироф.

И -

Игнадек тешикдан түядек совуқ

киради. Бу мақолни тўғридан-тўғри шу маънода ҳам, мажозан

ҳам: "Озгина, кичкина, хавф-хатарга нисбатан беписанд бўлма, унинг кетидан катта зиён-заҳмат етиб келиши мумкин" деган маънода ҳам қўллайдилар. "Ёлғиз балога индамасанг, кўпаяди" мақоли билан ҳар қандай хавф-хатарга жиҳдий эътиборли бўлиш, дарҳол унга қарши чоралар кўриб, одини олишга чақирадилар.

Игна билан битадиган ишга жуволдиз тиқма. Бу юқоридаги мақолга қарама-қарши маънода ноўрин, бевақт ваҳима қилмаслик, васвасага берилмаслик, ақл билан иш кўришга чақириқ, даъватга асосланади. Ушбу мақол билан ёши улуғлар, ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, енгил битадиган ишга катта-кичикни аралаштириб, уларни овора қилмасликка чақирадилар. Ҳақиқатан ҳам игна йўргалайдиган жойда жуволдиз ноўрин бўлиб, "мато"ни зада қиласди. Назокат, нафосат, фаросат, таъб ва дид нозиклигига қурилган.

Икки қуённи қувган бирини ҳам тутолмас. Бу мақолни мажозан: "Бирданига катта фойда кўриш ниятида бирйўла икки ишнинг бошини тутма. Бундай қилсанг иккаласининг ҳам уддасидан чиқолмайсан", деган маънода қўллайдилар. "Икки кеманинг бошини тутган гарк бўлади" мақоли ҳам борки, буни юқорида айтилган маънода ҳам, "сотқин, иккиюзламачи одам ўз манфаати йўлида бир-бирига рақиб бўлган икки томонга ҳам маҳфий равишда хизмат қиласа, тез орада бу сир ошкор бўлади. Бу хиёнатнинг миси чиқади, ҳалокатга учрайди", деган маънода қўллайдилар.

*Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,
Кумуқ аноға улча имкон қилмоқ,
Зудри авад истасанг фаровон қилмоқ
Бил ани ато-аноға эҳсон қилмоқ!*

Алишер Навоий

Инсоф сари барака. Халқимиз инсоф-диёнат, ҳалолликни энг яхши инсоний фазилатлар сифатида бир умр қадрлаб келган. Шу сабаб умрнинг баракаси ҳам, инсоннинг ҳаётдан кўрадиган моддий манфаати ҳам, аввало инсофданdir, деб ҳисоблади. "Инсофи йўқнинг имони йўқ" деган мақол ҳам муқобил сифатида уни қўллаб-қувватлади. Имон, ишонч, кўнгилда қатъий диёнат билан касб-ҳунар, тадбиркорлик, ишбилармонлик, бизнес иши олиб бориш, инсон, жамоа, жамиятга кут-барака киритади. Акси – олчоқлик, кўзбўямачилик, ўзимбўлайчилик, хиёнат, беш қўлни оғизга тиқиши аввало имонни емиради, инсонни йўлдан оздиради, лаънатга, эл қарфишига учратади.

Ўтмишда аждодларимиз имонни яшнаб турган мевали дарахтга ўхшатишган. Бу "Имон дарахти"да беш катта шох мавжуд: инсоф, ҳаё, адолат, шафқат, марҳамат. Кишида мана шу фазилатнинг лоақал биттаси бўлса ҳам унинг имони бўлади. Бирортаси ҳам бўлмаса, бу унинг имонсизлигидан далолат, деб ҳисоблашган. "Инсофли одам ошини ер, инсофсиз одам бошини ер", деган мақол ҳам бор. Ушбу мақол иш одами, умуман ҳаёт учун шиор вазифасини ўтаси мумкин.

18

Ипни ҳар қанча бўяган билан ипак бўлмайди. Мақолда ҳар нарсанинг асли, зоти, ўзаги қандай бўлса, ўзи, сифати ҳам шундай бўлади, деган маъно уқтириляпти. Халқимиз бу ҳақда: "Қазисан, қартасан, асли наслингга тортасан", деган мақол ҳам яратган.

Ҳақиқатан ҳам ипни қанчалар бўяб-бежаманг, иплигича қолади. Ҳеч қачон ипак бўлмайди. Мақол сохта, қалбакилик, кўзбўяма-чиликни танқид, ростгўйлик, борига барака ақидаси билан иш кўришни олқишлишга бағишиланган.

Иш устасидан қўрқар. Ҳунар эгаллашга, ўз ишининг устаси бўлиб етишишга даъват этувчи мақол. Муқобиллари: "Иш билганиники, қилич тутганники"; "Темирчининг қўлида темир эриб сув бўлар"; "Иш – ишнинг кетига туш"; "Ҳар ишнинг кетига тушган – қўлига олмай қолмас"; "Ишлассанг – тишларсан"; "Ишнинг ўзи ишга ўргатади"; "Ишлаганинг – уйингга, ўрганганинг – ўзингга" қаби. Мехнат, ҳаракат, касб-кор, ҳунарни санъат даражасига кўтаришга чақириқ эътирофи.

Иштони йўқ тиззаси йиртиқقا кулибди. Киноя, кесатик, за-ҳархандалик, нафратга йўғрилган мақол. Ўзининг катта айби, гуноҳи бўлатуриб, ўзгларнинг айбига бонг уриб, улар устидан

кулувчи, масхараловчи одамларга нисбатан киноя тарзида қўлланилади. *Муқобиллари*: "Йиртиқ оғиз тиртиқ оғизга қулибди"; "Йиқилган қоқилганга қулибди"; "Эчкиники минг очилса айби йўқ, қўйники бир очилса – айб"; "Илон ўз эгрилигини билмай, тяянинг бўйини эгри дермиш" қабилар.

Ӣ -

Йигитнинг сазаси ўлгунча ҳўқизнинг

бўйни узилсин. Саза – илтимос, илтижо, таклиф. Ота-боболар, одатга кўра, йигитларни ниҳоятда ҳурмат қиласидар. Уларнинг сўзи-суханини ерда қолдирмайдилар. Мақолда шу одат ўз бадиий инъикосини топган. *Муқобиллари*: "Йигитнинг сазаси сингунча шайтоннинг бўйни узилсин"; "Йигитнинг сазаси ўлгандан ўзи ўлгани афзал"; "Йигит кўнгли подшо"; "Йигит кўнгли ипакдир, бир чигилса чўзилмас"; "Йигитнинг хуни юз йилқи, ори минг йилқи"; "Йигитнинг хўрлиги ўлимдан қаттиқ" сингари.

Йигит – миллат кўрфони, суюнган тофи, яшнаган бофи, ор-номуси, кучи-кудрати. Шу сабаб миллат орияти йигит тимсолида намоён бўлади.

19

Йиқилган – курашга тўймас. *Муқобиллари*: "Тўкилган тўлмас, ииқилган тўймас"; "Ютқазган ўйинга тўймас, ииқилган курашга". Бу мақолларни бирор ишнинг уддасидан чиқолмаса ҳам ҳадеб беҳуда уринаверадиган одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Йўл азоби – гўр азоби. Қиёс, таққос мақоли. Йўл юриб тортилган азоб, гуноҳкор банданинг мункарнакир сўроқлари олдидағи гўр азоби билан баробар, дейиляпти. Ҳозиргидаи темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспорти бўлмаган замонларда тuya карвони, от, эшакда, пиёда узоқ сафарга чиққан одам, масалан, Ҳаж зиёратига, бениҳоя катта азоб-уқубатларга дучор бўлган. Бундай уқубатни ота-боболар ушибу мақолда лўнда қилиб ифодалаганлар ва бу борада, йўл юриш, сафар, саёҳатга чиқиши бобида ўз маслаҳатлари билан ёрдамга келгандар:

"Юришдан аввал йўл ахтар"; "Йўл сўрамай, йўлга тушма"; "Йўлни билган қоқилмас"; "Бозор билган оч қолмас, йўлни билган кеч қолмас"; "Йўл кўрмаган йўл очар, кун кўрмаган кун очар"; "Йўл

билмасанг йўлчига боқ"; "Билмаган ёвуқ йўлдан билган йироқ йўл яхши"; "Синаган йўлингдан қолма, синамаган йўлингга борма"; "Ёмон ҳавода йўл босгандан тинч гўлаҳда кул босган яхши" (гўлаҳ — ҳаммом ўтхонаси); "Ели кун йўрт, ёғинли кун ёт"; "Бемаҳал юрган қоқилар"; "Бир кунлик йўлга чиқсанг бир ҳафгалик озиқ ол"; "Ёз ёпинчиғингни қўйма, қиши ўзинг биласан"; "Йўлга чиқсанг йўлдошли чиқ"; "Аввал йўлдош, кейин йўл"; "Йўл топгунча йўлдош топ"; "Йўлдошини ташлаган йўлда қолар" мақоллари шулар жумласидандир. Мақол ҳамма замонлар учун ҳам долзарблиги сабаб катта аҳамият касб этади. Бизнинг ривожланган етук замонамида ҳам чегара, божхона, ўтиш манзилларидағи нокулай вазиятлар мазкур мақолни бот-бот эсга солиб туради.

Йўқни йўндириб бўлмас, қушни қўндириб. Муқобиллари: "Кенг тор бўлмас, йўқ, бор бўлмас"; "Ўзингда йўқ — оламда йўқ"; "Йўққа юриб етолмайсан"; "Йўққа югурик етмайди, қумга қозик ўтмайди"; "Ўтган булатдан ёмғир кутма"; "Чиқмаган офтобга исинма"; "Йўққа югуриб, бордан ажрама" каби. Ушбу мақоллар билан ҳалқимиз, асли тагида йўқ, бўлмаган нарсани топаман деб овора бўлма, кучингни бехуда сарфлама, дея ўгит беради. Оддий мантиқ билан, йўқ нарсани йўндириб, ясад бўлмайди, қушни ўзи ихтиёр қилмаса, қўндириб бўлмайди. Йўқ нарсага хомтама бўлма, дея ҳаётий тажрибасини баён қиласди.

Йўқолган пичоқнинг сопи — олтин. Киноя, кесатиқ, пичинг мақоли. Муқобиллари: "Йўқолган болтанинг дастаси олтин"; "Кетган балиқ — кемадай". Бу мақоллар билан "Аввало бирордан омонат олинган нарсани вақтида қайтар, асло йўқотма, синдирма, узма, бузма. Акс ҳолда, таомилга кўра, ўрнига ундан яхшироқ буюм

қайтаришинг керак бўлади. Чунки мол эгаси ўзининг йўқолган нарсасини "ана ундоқ эди", "мана бундоқ эди" дея мақтаб баҳосини ошираверади. Тўлаган унчамунча нарсангни назарписанд қилмайди", де-

*Йўлга ҳара, йўлни кўрарлар кетди,
Бошла ўзинг, бошда юрарлар кетди.
Қавмининг бор, ҳолини сўр, қил йўқлов,
Йўқлаб сени ҳолинг сўрарлар кетди.*

Паҳлавон Маҳмуд

моқчи бўладилар. Мақолда буюм эгасига киноя, омонат олганга хайриҳоҳлик, ўгит маънолари мужассам.

K –**Кавланмаган чўф кул остида қолиб**

кетади. Бу мақол билан: "Ўтиб кетган эски гапни, гинахонликларни кавламасанг, бора-бора унтулиб, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Агар кавлайдиган бўлсанг, эски гиналар қайта қўзғалиб, асабингни, кайфиятингни бузади", демоқчи бўладилар. Бу – бир маъноси. Иккинчиси: "Чўф кавланиб топилса, тафти билан танчангни иситади, фойдаси тегади, ҳатто бошқа янги оловларга тутантариқ бўлиши, бозиллаган янги чўғлар ҳосил қилиши ҳам мумкин", деган маъноси ҳам борки, мақолдан кўзда тутилган мақсад шу мазмунни ифодалашга қаратилган. Рамз, тимсол, кося тагида нимкоса мантиғи ҳукмрон. Инсон ҳамиша чархланиб, такомиллашиб бориши, кул остидаги чўф каби қўзғаб, кавланиб турилиши тавсия қилинади.

Кемага тушганинг жони бир. Бирор фалокат, ҳалокат, хавфхатарнинг олдини олишда, бартараф этишда ҳамма баравар ҳаракат қилиши, жон куйдириши, бирор ишлаб, бирор четга чиқиб турмаслиги лозимлигини уқтирганда ва шунга ўхшаш бошқа вазиятларда мазкур мақолни ишлатадилар. Асл маъноси: "Кемага тушдингми, шоҳмисан, гадоми то манзилга эсон-омон етиб олгунча шу ҳаракат воситасининг асирисан. Худо кўрсатмасин, бирор корҳол бўлиб, фалокат рўй берса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади, яъни ҳамма баравар ғарқ бўлади", деган мазмун ташийди. Мен бу мақолга муқобил қилиб: "Кемага тушганинг сони бир" деган бўлардим. Чунки экипаж қанча одам бўлишидан қатъий назар, барчасининг жони каби сони ҳам бир, тақдири аъмоли бир хил бўлади. Рамз, тимсол, таваккал, худога солиш маънолари мужассам.

Киши ютида шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл. Ватанни севиш, унга содик ва фидойи бўлиш, ота юртнинг ҳар қандай жаннатмакон ўзга юртлардан ҳамиша афзалигини улуғловчи мақол. *Муқобиллари:* "Ўзга элнинг султони бўлгунча, ўз элингнинг чўпони бўл"; "Ўзга юртнинг боши бўлгунча, ўз юртингнинг тоши бўл"; "Узоқнинг қозиси бўлгунча, яқиннинг тозиси бўл"; "Ўзганинг тоқи равоқидан ўзингнинг айвонинг яхши"; "Ўзга юртнинг юз баҳори – ўз юртингнинг битта қори"; "Ўз элим олтин бешик, ўзга элнинг туби тешик"; "Ўз уйинг – ўлан тўшагинг" каби. Инсоний меҳр-муҳаббат, фидойилик, киндик қони тўкилган ерга

садоқат, одам зотининг табиат ва жамият фарзанди эканлиги инстинкти.

Коса тагида нимкоса. *Муқобиллари:* "Косанг-ку косанг, нимкосангдан қўрқаман"; "Гап тагида гап бор". Бу мақоллар бирор нарса, одам, буюм, воқеа-ҳодисага шама, имо-ишора қилинганда айтилади. Доно халқ томдан тараша тушгандек бир нуқсон, хатоингни бетингга шартта айтмай, андиша билан пардалаб, образга ўраб баён қиласи. "Қизим сенга айтаман, келиним сен эшиш" қабилида.

Кўза кунда эмас, кунида синади. Огоҳликка даъват, ҳушёрик, инсоф-диёнатга чорловчи мақол. Айримлар, ҳеч ким билмаяпти, индамаяпти дея ўғирлик, фирромлик, хиёнат, мўмай даромад орттириш йўлида ғайриқонуний ишлар билан шуғулланадилар. Халқ шундайларга, кўзингни оч, ўзингни йиғишириб ол, бир кунмас-бир кун сиринг ошкор бўлиб, бошингга мушкул иш тушади, ўшанда сўнгти пушаймон ўзингга душман бўлади, деган ўгитни беради. Образли қилиб, бу жараённи нозик, нафис кўзага ўхшатилади. У ҳар куни синавермайди, Аллоҳнинг ғазабига йўллиқкан бир кунинг синиб, чилпарчин бўлади, дейиляпти. Сўз санъати, образли ташбех ва қиёс, огоҳликка даъват руҳида.

22

Кўлнинг отини балиги чиқаради. Бу билан оиланинг, жамоанинг отини яхши, оқил фарзанд, ишбилармон, уддабурро ходимлари чиқаради. Донгини элга ёяди, демоқчи бўладилар. Элнинг донгини эса унинг мард, ботир, донгдор кишилари, буюк илм ва фан дарғалари дунёга ёядилар, дейилмоқчи. Рамзга йўғрилган қаноат, ифтихор, ишонч бадиий ифодаси.

Кўр бўлсанг бўл, кўрнамак бўлма. Кўрнамак – туз ичиб, тузлуғига тупурган, яхшилик кўрган одамига ёмонлик билан жавоб қилган, дўстлик, вафога хиёнат қилган, нонқўр одам. Халқимизнинг бундай кимсаларга нафрати шу қадарки, ундай одам сафида бўлгандан ёруғ оламни зулмат ичида кўрадиган кўр бўлишни афзал билади.

M –



Магиз аччик, бўлса пўстига ҳам уради. Одам тор кўнгил, тажанг, сержаҳд, тили аччик бўлса, буни унинг афт-ангоридан ҳам билиб олса бўлади, деган маънода ишлатадилар. Бундай шахсларга

**Мол йигишини сел
келиш деб ҳисобла,
Мол эгасин тош каби
юмалатар.**

Махмуд Қошғарий

очиқ-сочиқ ташлаб қўймай, эҳтиёт қилиши лозимлигини уқтириб, уни ҳушёрликка чорлайдиган ўгит мақол. *Муқобиллари*: "Ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма"; "Эгасиз этни ит тортар"; "Олган бир айбдор, олдирган икки айбдор"; "Асраган тўқлини бўри емас"; "Ўғрини ўғри қилган – молнинг эгаси" каби мақол билан "молинг ўғирланишига, бир ҳисобда, ўзинг ҳам сабабчи бўласан. Энди кўп сиқилаверма, сўнгги пушаймон – ўзингта душман. Келган бало-қазо шунга урсин. Бола-чақанг, молдавлатингдан садақа", деб жабр кўрган одамни юпатадилар.

Мол эгасига ўхшамаса – ҳаром. Хотинда эрнинг, эрда хотиннинг, ўғил ё қизда ота-онанинг феъл-атвори, зиқна, хасислиги, дилозорлиги, қўрслиги бўлса, унга нисбатан шу мақолни аччиқ киноя билан ишлатадилар. "Мол эгаси" қавмнинг уч-тўрт авлод нариси, катта бобо ё бувиси бўлиши ҳам мумкин. Суяқ сурган бу хислату сифатлар ҳақида "Бунинг авлодида бор, катта бобоси ҳам шундай эди, бу нуқс унинг қонида бор" деб мазкур мақол маъносини тасдиқладидилар.

Мушук ўзи ўйнаш топиб, ўзи жар солади. Бу мақолни оғзи бўш, мақтанчоқ, сирини ичига сиғдира олмайдиган, ўз сир-асрорини ўзи ошкор қилиб, одамлар орасида шармандаи шармисор бўладиган кишининг устидан истеҳзо билан кулганда айтадилар. Мушукнинг муайян мавсумда "мов" бўлиб, маҳаллани бошига кўтарганига қиёс қилиб, айрим одамлар қилимиши танқид остига олинади.

Мушукка ўйин – сичқонга қийин. *Муқобиллари*: "Мушукнинг ўйини – сичқоннинг ўлимни"; "Мушукнинг қаноти бўлса, чумчукнинг шўри қурирди". Баъзи одам бирорвга озор бериш, азоблаш, кулфатга солиш билан лаззатланади, завқланади. Унинг учун бу бир ўйин, роҳат туюлади. Аммо унинг бу эрмагидан азият чеккан одам учун бу

нисбатан "заҳар"; "одам эмас, илон"; "чаёндай чақади", дея озорланиб гапирадилар. Мақолда рамз, нозик қиёс, образли ташбех, салбий маъно бўртиб туради.

Мол чиқасига келса, эгаси сабабчи бўлади. Кишига мол-мулки, буюмларини

*Мұхаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсан мұхаббат иктиёр эт.*

Нодирабегим

"роҳат" қимматга тушади. Ҳатто ҳаёт билан видолашишига олиб боради. Мазкур мақолни шундай дилозор, бераҳм, бешафқат одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

H —

Нокастадан қарз қилма, қарз қилсанг ҳам харж қилма. Муқобиллари:

"Нокастадан қарз олма, олиб киссангга солма"; "Нокастадан қарз сўрагунча итдан суяқ сўраган афзал"; "Асланинг хатоси йўқ, нокаснинг атоси йўқ"; "Номаррдан ёрдам сўрама, юзингга солади"; "Нокастадан қарздор бўлсанг, ҳам йўлда тутар, ҳам гўрда". Нокас, нокаста — паст, беор, бетовфиқ, сур, диёнатсиз одам. Ундай кимсадан қарз-қаволадор бўлма, қистайвериб кўзингни очирмайди. Тилингни қисиқ қилиб қўяди, қарз олган бўлсанг ҳам тезда тайёрлаб, қайтарки, тобакай одамлар олдида хижолатда қолиб, мулзам бўлмагайсан, дейилмоқчи. Ҳаёт тажрибасидан келиб чиқсан панд-насиҳат, ўгит мақоли.

24 Нон пишгунча, кулча куяди. Муқобили: "Катта тўқоч пишгунча кичик тўқоч куийби". Тандирга ёпилган нонга иссиқ ўтгунча кулча қизаради, нон қизаргунча кулча куийб кетади. Бу — мақолнинг табиий, ўз тўғри маъноси. Мажозий, кўчма маъноси шуки, акаси уйлангунча, укаси ёхуд опаси эрга теккунча синглиси шошиб, ичикиб, маҳтал бўлиб кетади. Шундай ҳолларда мазкур мақолни шама, истехзо, ҳазил-мутойиба тарзида қўллайдилар. Бесабрлик, bemavridlik, унинг олдини олишга ундовчи самимий мақол.

Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма. Издихомда бир ҳовлиқма одам нонни катта-катта тишлаб, ўзи билиб-бilmagan гапларини катта-катта гапириб, кайвонилик, баковуллик қилмоқда. Ақли етмаса-да, илм-маърифатга, сиёсатга муносабат билдирияпти. Шундай кезларда, кўпни кўрган, тажрибали, оқсоқол одамлар ушбу мақолни қўллайдилар. Кўчма, мажозий маънода, бўйингдан баланд сакрашга уринма, ақлинг етмаган нарсага аралашма, тилингга эҳтиёт бўл қабилида ёш, тажриба ва савияси паст одамларга танбех, дашном сифатида қўлланилади.

Нотавон кўнгилга қўтири жомашов. Ўз ҳол-кудратидан, имкониятидан баланд, ўзига номуносиб нарсаларни орзу қиладиган

одамни "нотавон күнгил" деб мазах қиласылар. Жомашов – кир ювадиган сопол тоғора. Ичи ғадир-бұдур. Шундай тоғорани "күтир жомашов" дейдилар. Мазкур мақол билан: "Үзига номуносиб

нарсаларни истовчи, нотавон күнгилга, яроқсиз, ҳеч ким олмайдиган қүтир жомашов ҳам тегмайды", демоқчи бўладилар. Кекса одам ёш жувонга уйланса, қариса ҳам қуйилмай, сатанглигини қўймайдиган аёлга нисбатан ишлатадилар. Муқобилари: "Мағзава кўнгилга қўтир жомашов"; "Туя ҳаммомни орзу қилибди". Бироқ, барча замонларда: "Пул бўлса чангала шўрва" қаби ушбу мақол маъносини инкор қилувчи мақоллар ҳам яшаб, амал қилиб келган...

Нўноқ мерган оқсоқ қуёն излар. Кўлидан иш келмайдиган, нўноқ, эпсиз, ишёқмас, танбал, ношуд, бунинг устига дангаса ва баҳоначи одам сидқидил ҳаракат қилмай, нуқул ишнинг осон, ўнғай, хамирдан қил суғурғандек силлиқ битишини кўзласа, унинг устидан истеҳзо билан кулиб, шундай мақолни ишлатадилар. Албатта, нўноқ мерганга оқсоқ қуён учраши амримаҳол бўлганидай, бундай одамнинг иши юришиши, рўзгорига қут-барака кириши қийин. Шундай одамларни ҳаётда фаолликка, ҳаракат ва инсоний меҳнатга ундовчи беозор юморга йўғрилган рамз, тимсол мақоли.

О –

Ойни этак билан ёпиб бўлмас.

Мажозан: "Хиёнат, жиноят, айб, гуноҳ қилиб қўйган одам буни яширишга ҳарқанча уринмасин, барибир, бир кунмас бир кун ошкор бўлмай қолмайди. Кўлга тушиб, жазосини олади", деган маънода қўлланилади. Муқобиллари: "Чўғни ўраб, бекитиб бўлмас"; "Сояни чопиб йўқотиб бўлмас"; "Яғирни зар тўқум яшира олмас"; "Фалвирда сув турмас"; "Туя минган бўйин яшира олмас"; "Туяқуш бошин қумга тиқиб, мени ҳеч ким кўрмас дер"; "Касални яширанг, иситмаси ошкор қилади";

"Қинғир ишнинг қийифи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади".

Ҳақиқатга, адолатга, тўғрилик ва ростгўйликка чақириқ мақоли.

Отга тақа қоққанда, қурбақа оёғини кўтарар. Муқобиллари:

"Отга тақа қоққанда, эшак оёғини кўтариби"; "От арпа еса, эшак қулоғини солади". Бу мақолларни бирор нима қилса, шуни қилгиси, бирор нима кийса, шуни кийгиси келадиган, бирорвага кўр-кўронга эргашишга ҳаракат қиладиган одамларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич.

Муқобили: "Савдогарнинг моли

бешубҳа бўлса, йўл устида ёяди"; "Чолвори бутун хоҳлаганича ўтира олади". Мазкур мақоллар билан "ўзи, иши тўғри, ҳалол одам бўлсанг, бехавотир бўласан, ҳар киму ҳар нарсадан чўчиб, ҳадиксираб юрмайсан" демоқчи бўладилар. Ҳаётда ҳалол-поклик шиори.

26

Обрў мисқоллаб келиб, қадоқлаб кетади. Мисқол – оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, тўрт грамм атрофида. Қадоқ мисқолга нисбатан юз баробардан ортиқроқ катта. Тўрт юз грамм, баъзи жойларда беш юз-олти юз грамм чегарасида бўлган. Мазкур мақол билан: "Элу юрт ўртасида кишининг обрў-эътибор қозониши осон эмас. У узоқ муддат давомида қиладиган яхшиликлари эвазига жуда аста-секинлик билан обрў қозониб боради. Аммо ёмон хатти-ҳаракатлар қилгудек бўлса, дарҳол шунча ийққан обрўйини бир нафасда йўқотади", демоқчи бўладилар. Бу ҳақда: "обрўли обрўсидан қўрқар, обрўсиз нимадан қўрқар" деган нақл ҳам бор.

Оқбошдан ўтин бўлмас, ўйнашдан хотин. Оқбош – бўйи ярим метрча келадиган, сербарг, майда оқ, тўпгулли ёввойи ўт. Уни ўриб, қуритганинг билан, ёқсанг, гур этиб ёнади-кетади. Чўғ бериб, иситмайди, овқатингни пиширмайди. Шу каби ҳалқда "Ўйнашга ишониб эрсиз қолган бошим" киноявий мақоли ҳам бор. Бу мақоллар билан хоҳ эрга бўлсин, хоҳ хотинга "Кўнгилхушлик йўлига кириб, ўз оиласнгга, турмуш ўртоғингга, бола-чақангга бевафолик, хиёнат қилма. Бундай дилхушлик боқий эмас. Эсинг борида этагингни ёп", деган насиҳатни қиладилар. Ўзбек миллий мақолларидан.

**Олишда ҳам чунон олдинг,
хамирдан қил сугурғандек,
Бернишда юнг еган итдек
тиришгонингга салламно.**

Ҳалқ қўшиғидан

П —**Пахмоқ қизнинг баҳтини берсин.**

Пахмоқ қиз — сочи тараалмаган, бесаришта, бироз бегам, бетартиб қиз. Қариялар ёш қизалоқдарни "пахмоқ қиз" деб бошини силаб, эркалайдилар. Одатда одобу чиройда бекаму кўст, кўзга яқин қизлар у ёқда қолиб, шу сингари "пахмоқ қизлар"нинг баҳти очилиб, ўз вақтида, яхши жойларга узатилиб кетадилар. Шундай ҳолларда ҳазил-мутойиба билан ушбу мақолни қўлладилар. Бўйи етиб, вақти ўтиб, ўтириб қолган бўлса "Ўтирган қиз ўрнини топар", "Пахмоқ қизнинг баҳтини берсин", дея таскин, тасалли берадилар. Муқобили: "Девонанинг ишини ўзи ўнгласин" бўлиб, умид, юпанч, хайриҳоҳлик ҳисси мужассам.

Пичоқни олдин ўзингга ур, оғримаса бировга. Муқобиллари: "Бировга жуволдиз тиқмоқчи бўлсанг, олдин ўзингга игна ур"; "Ўтни ўзингга бос, ўтмаса ўзгага". Бу мақоллар билан кишини одамларга зинҳор ёмонлик соғинмасликка даъват этадилар. Мақолда тенглик ваadolатга чорлов, ўзига раво кўрмаган ишни ўзгага ҳам раво кўрмаслик, қиёс йўли билан инсонни одамийлик, инсоф-диёнатга чақириш, қизиган қонини совутиш ҳис-туйфуси мавжуд.

27

Пул бўлди — кул бўлди. Бу билан "Ўзингга керак бўлиб, бир куннингга яраб турган ёки ҳозирча керак бўлмаётган аммо бир кунмас-бир кун асқотиб қоладиган нарса ё буюмингни сотиб юборма. Чунки ундан орттирган пулинг унга-бунга сарфланиб, тез кунда йўқ бўлиб кетади, икки орада буюмингдан ажраганинг қолади", деган маънода насиҳат қиласилар. Муқобиллари: "Олдинг — битдинг, сотдинг — йитдинг"; "Пул тўпласанг кул бўлар, сомон тўплассанг — пул бўлар". Мақол, айниқса кўчмас мулкка нисбатан кенг қўлланиб, "Ер сотган эр бўлмайди, эр киши ер сотмайди" ақидаси билан ҳамоҳанг юради.

Пул бўлса — чангалда шўрва. Бу ўринда "чангал" сўзи инсон ё ҳайвоннинг қўли, чангали маъносида эмас, балки "жангал", яъни чангалзор, тиканзор дала, ташландиқ боғ-роғ маъносида келяпти. Бу билан ҳалқимиз, "Пулинг бўлса, нафақат катта шаҳару қишлоқда, ҳатто кимсасиз чўлу биёбон, дала-даштларда ҳам излаган нарсангни топишинг, ўзингга имкон яратишинг мумкин", деган фикрни баён қиласан. Кўчма, мажозий маъносида "Пул бўлса,

йўқни йўндириш, имконсиз нарсани топиш шароити яралади" демоқчи бўладилар.

**Парвонани
ишик
этмаса паст,
Ургайму
ўзини ўтқа
пайваст.**

Алишер Навоий

Пўлат пичноқ қинсиз қолмас. Ўғил уйлантиromoқчи бўлган ота-она ўзларига муносиб қиз тополмай нолиганларида ёки йигит ёши улгайиб унисини ўпок, бунисини сўпок деб, тарҳашлик қилганида, бу оиланинг дўстлари, қўшнилар: "Қўяверинг, вақти-соати келиб, муносиб келин ҳам топилади, Худо кўнглига солса, ўғлингиз ҳалимдек юмшаб, уйланиш ҳаракатига тушиб қолади", дея ушбу мақолни ишлатадилар. Ёинки, аксинча қизи ҳали ўқишим бор, йигитнинг бўйи ундан, ўйи бундай деб харҳаша қиладиган ота-оналарга яқинлари: "Сиқилаверманг, тешик мунчоқ ерда қолмас", дея таскин берадилар. Халқимиз нозик диidi, заковати, бадиий таъби акс этган образли мақол.

28

Семизликни қўй кўтарар. Ўз маъносида қўй кичик, ингичка түёқларида кўп пудли танани кўтариб, семириб юради. Мажозий маънода эса, мақол одамзотга нисбатан ишлатилиб, кўрмаган одамнинг кўргани курсин, дегандай, сал "жир битган" яъни амал теккан, бойиган, имконияти кенгайган дамларда босар-тусарини билмай қолган кишиларга қаратса киноя, кесатик, истеҳзо сифатида шу мақолни келтирадилар.

Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Тўғри маънода ўзинг билмаган, кўрмаган отнинг яқинига борма. Ҳуркак ва минилмаган бўлса, олдан тишлиши, кетдан тепиши мумкин, дея огоҳлантириляпти. Кўчма, мажозий маъносида эса, ўзинг яқиндан билмаган, ишонмаган, шубҳалантган ишингта бош қўшма, ҳар хил одамга қўшилма, боши берк кўчаларга кириб қолма, тўғри йўлдан адашма, ҳамиша зийрак ва ҳушёр бўл, деган панд-насиҳат сифатида қўлланилади. Муқобиллари: "Отни тепмайди, итни қопмайди дема"; "Юввош отнинг тепкиси қаттиқ бўлади".

Сув бир лойқаланмай, тинимас. Бу мақол асосан инсоний муносабатларга тааллуқли бўлиб, ёш оила, эр-хотин, янги дўстлар

ўртасида аввалига англашилмовчилик, қарама-қаршилик, конфликт чиқиб, сўнг сув бир лойқаланиб, тиниганидай улар ўргасида ўзаро дўстона, яхши муносабатлар қарор топади. Янги турмуш қурган келин-куёв ҳам дастлаб бир-бирининг феъл-атворига, келин янги тушган хонадоннинг шарт-шароитига кўнига олмайди. Натижада ўртада нари-бери гап-сўзлар, аччиғу аразлар бўлиши мумкин. Аммо бу вақтинча ҳодисага муроса-ю мадора билан бардош бериш керак. Тез орада ҳаммаси изга тушиб кетади, деган маънода қўлланилади.

Султон суюгини жўрламас. Икки маънода қўлланилади. Биринчиси, ижобийси, инсон ўз қавми, яқинлари, қариндош-уругини ҳамиша қўллаб-қувватлаши, ёрдам бериши, ўзникларга вафодор бўлиши лозим деган ақидада. Иккинчиси, салбийси, ўз одамлари, шахсий садоқат кишилари, ошна-оғайниси, ўйнашини, улар бунга нолойиқ бўлса-да, "ёғлиқ" лавозимларга кўтариб, ўз амалини суистеъмол қилган амалдорга нисбатан киноя, кесатик, истеҳзо, шама, танқид сифатида ишлатадилар. Султон – раҳбар, бошлиқ. Суяқ – яқини, қондоши, жигарни.

Сўраганинг бир юзи, бермаганинг икки юзи қора. Бу билан: "Бирор сендан ҳожати учун бирор нарса сўрагудек бўлса, неча хижолатлар тортади, юзини сарғайтиради. Шундай ҳолатдаги одамнинг ҳожатини имкон қадар чиқар. Йўқ бўлса авф мақомида йўқ, дегин. Бор бўла туриб, бермасанг, бу сенинг қизғанчиқлигинг, зиқналигинг аломати бўлади. Сен яширганинг билан Худо кўриб турибди. Бу қилмишинг сабаб, икки юзинг қаро бўлади, икки дунёинг куяди, дўзахи бўласан", деган гапни айтадилар.

T —

Така бўлсин, сут берсин. Муқобиллари: "Така бўлса ҳам сути бўлсин, қуён бўлса ҳам эти бўлсин";

"Эшак бўлсин, хайри бўлсин". Бу мақолларни ҳарис, сук, судхўр, ўз фойдаси деса ҳаром-ҳаришдан, омонатга хиёнатдан қайтмайдиган одамларга нисбатан kinoя тарзида ишлатадилар. Бир ишни қатъий вақтида ҳал қилиш, сувдан ҳолва ясаш

*Севиклининг
айби ҳам раво
кўринур,
Жами терс
иши ўнг, ками
тўлинур.*

Аҳмад Юғнакий

маъносида айрим раҳбарлар қўл остидагиларга буйруқ, зуғум сифатида қўллайдилар.

Текинга мушук офтобга чиқмайди. Муқобиллари: "Насияга маймун ўйнамайди"; "Қуруқ қўлга қуш қўнмас". Бундай мақолларни тамагир, қўлга қарайдиган, пораҳўр одамлар фаолиятига баҳо сифатида ишлатадилар. Бир ишингни битказишини истасанг, иш бажарувчи, маъмурнинг оғзини мойла, "Қуруқ қошиқ оғиз йиртар", маъносида қўллайдилар.

*То ҳирсу ҳавас хирманни бағбод ўлмас,
То нағсу ҳаво қасри барагфод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Алишер Навоий

Лайдилар. Ўз маъносида, мушукни офтобга чиқармоқчи бўлсанг, одига у хуш кўрган масаллиқни топиб қўй, демоқчи бўладилар.

Тенг тенги билан, тезак қопи билан. Мазкур мақол, халқимиз ичидаги ҳар ким ўз тенг-тўши, касбдоши, савиядоши билан даврадош бўлиши керак. "Ёшнинг йўриғи бошқа, қарининг тўриғи бошқа", дейе тенглик ва ҳамжиҳатликка чорлаганлар. Тенг тенги билан тирик, дегандек тезак ҳам қопи билан тик туради, ортилганда ҳам, сотилганда ҳам қопи билан сотилади, деган маъно англашилган. Муқобиллари: "Одам одам билан, писта бодом билан"; "Тенг тенги билан, тўн енги билан"; "Бош бошга, ёргучоқ тошга"; "Тезакчининг тенги бор, ўроқчининг ўрни бор".

30

Тошкентнинг тарифини еган чумчуқ Маккадан қайтиби. Булбул чаманин, инсон ватанин севар, дегандек ватанини, киндик қони тўкилган юртни улуғловчи мақол. Географик жойлашув ўрни, иклими, табиати, ноз-неъматлари, имконият ва шарт-шароитлари, бағрикенглиги билан Тошкент шаҳри қадимдан маъмур ва фаровон маскан сифатида шуҳрат топган. Сувлари обизамзам, нон шаҳри, азим ва қадим Шош нафақат унинг нонини еб, сувини ичган инсон зотини, ҳатто бир гал доналаган қушни ҳам бир умр ўзига боғлаб олади, дейилмоқчи. Мусулмон дунёсининг улуғ зиёратгоҳи Макка ҳам жонзотларга ризқ-насиба улашишда Тошкентга тенг келолмайди, деган юксак эътироф мақоли.

Туяning ташигани тилла, егани янтоқ. Мехнаткаш, заҳматкаш, жафокаш, ўз касби корига, оиласига садоқатли, фидойи одамларга рамз-тимсол сифатида ишлатадилар. Бу билан мазкур инсон ўз камтарин хизмати билан тилла ташиган тую каби хазина келтиряпти,

аммо ҳақига эл қатори "янтоқ еяпти", демоқчи бўладилар. Мехнатни, ҳунарни садоқат ва фидойиликни қадрлашга қаратилган халқ мақоли. Хайриҳоҳлик, меҳр, шарафлаш ҳисси мужассам.

Y -

Үйдаги гап қўчага тўғри келмайди.

Муқобиллари: "Үйдаги гап бозорга рост келмас"; "Үйдаги ҳисобни бозордаги нарх бузади". Одатда бирор режаланган иш белгиланганидек бўлиб чиқмаса, айтилган, буюрилган вазифани вақтида уддалаоммай мулзам бўлинса, шу мақолни ишлатадилар. Ўзбекда бундай ҳолларда ҳам юпатувчи, шукронага йўғрилган мақол ҳам борки "Мен қиласман жаҳду жадал, Худо қилур аҳду азал" мақоли ўлимдан бошқа ҳамма юмушнинг иложи бор, Худо бир томонга бошқарар, деб умид узмайдилар.

Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар. Мақол ўз маъносига тескари мазмунда. Аслида, "Уста кўрган шогирд ҳар мақомга йўрғалар", бўлиши керак. Ўн тўққизинчи аср олимлари ёзиб олган мақолда "Уста кўрган шогирд ҳар мақомга йўрғалур, уста кўрмаган шогирд ундин-бундин қармалур" дейилади. Бу билан, уста кўрган шогирд юмушни маҳорат билан ижро қиласи, кўрмагани ундан-бундан, ҳар соҳадан бир шингил қабилида адо этган бўлади, дейилмоқчи. **Муқобиллари:** "Отбоз кўрган от танир, устоз кўрган хат танир"; "Дарахтига қараб меваси, устасига қараб шогирди"; "Шогирд устасидан ўзмаса, кор йитар"; "Устаси гаранг, шогирди фаранг"; "Устаси вавақласа, шогирдлари бидбидиқлайди"; "Уста борида қўлингни тий, устоз борида тилингни".

Уялган буюргандан қуруқ қолиби. **Муқобиллари:** "Уятчан йигит қиздан қуруқ қолиби". (Халқда қиз ўрнида тана аъзоси келтирилади) "Юзи юпқалик ризқча зарар" каби нақллар билан халқимиз: "уят, андиша, камтарин, камсуқумлик кераг-у, лекин ўрни ва эви билан бўлиши лозим. Ҳаддидан ошган камтарлик – нодонлик, меъеридан ошган уятчанлик, тортингчоқлик кишини кўп нарсалардан маҳрум қиласи", деган маънода насиҳат қиласидилар.

Хатга тушдинг – ўтга тушдинг.

Муқобили: "Чўтга тушдинг – ўтга тушдинг". Келиб чиқиши Чор Россияси даврида мардикорликка, Совет ҳокимияти йилларида фронтта, армияга олиш рўйхатига тушишига нисбатан қўркув, ваҳима билан айтилган. Рус мақоли "Перо билан ёзилган нарсани болта билан чолиб ҳам ўчиролмайсан" мазмунидан келиб чиқсан. Ҳозирги замонда ушбу мақол "Бир рўйхатга кириб қолдингми, ўлгунингча ундан қутуолмайсан, шунинг учун ёмонлар сафида эмас, яхшилар рўйхатида бўлганинг афзал", деган маъно ташийди.

Хизматга тұхмат. Муқобили: "Ҳам хизмат, ҳам тұхмат". Бу мақолларни кишининг қилган хизматларини, яхшиликларини тақдирламайдиган, дарҳол унугтадиган, аксинча унга ёмонлик қилиб, тұхматлар ёпишитираладиган ноинсоф, кўрнамак, хиёнаткор одамларга нисбатан ишлатадилар. Халқ орасида бу мақолга ёндош "Яхшиликка ёмонлик" деган нақл ҳам бор. Яхшилик қилиб ёмонлик кўрган одамлар "Савобнинг кети тешик", дея ўзлари ва яқинларини юпатадилар.

32

Хушомад тили ялаб-ялаб яра қилас. Хушомадгўй, тилёғламачи, лаганбардорлар ўз манфаатлари йўлида бирор фойдаси тегадиган одамга чунонам яхши, илиқ-иссиқ муомалада бўладилар, бениҳоя ширинаханлик қилиб, унинг оёғини ўпгудек бўладилар. Киши

бундай сохталик, қалбакилиқдан эриб кетиб, алданганини сезмай ҳам қолади. Мазкур ва шунга ўхаш мақолларда бундай ҳолларда эҳтиёт бўлишга даъват этилади. "Хом кишини

*Халойиққа кўрма қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмаганини раво.*

Аляшер Навоий

хушомад хароб қиласи"; "Ширин гапга учма, мақтаганини қучма"; "Чиройли мақтодан хунук ҳақиқат яхши".

Хомсан – пишарсан, бу шаштингдан тушарсан. Бу мақолни ишлатиш билан "Ҳозир катта кетяпсан, мағрурланяпсан, ҳали ёш, тажрибасизсан. Лекин вақти-соати келиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрганингдан кейин пишасан. Ноўрин ҳаволан-майдиган, ўзингни камтарин тутадиган бўлиб қоласан", демоқчи

бўладилар. Ўпкаси баланд йигитнинг ҳовурини босиш учун "Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўлурсан менингдек", деган ҳавола гап ҳам қиласидар.

Хўроз қичқирмаса ҳам тонг отади. Муқобиллари: "Хўроз мен қичқирмасам тонг отмайди дер экан"; "Хўроз йўқ, жойда ҳам офтоб чиқаверади". Бу мақоллар билан: "Мен аралашмасам, ёрдам, маслаҳат бермасам, ҳеч бир ишинг битмайди, бошқа ҳеч ким бунинг уддасидан чиқа олмайди", дегувчиларга инкор жавоби қилинади. Бу билан шу тоифадаги одамларга: "Кўп мақтанимай, ўз баҳоингни оширмай қўя қол. Бу иш сенсиз ҳам битиб турибди" деган маънода муомала қиласидар. Рамз, тимсолга йўғрилган киноявий, истеҳзоли, кесатиқ мақоли.

Ч -

Чиранма фоз, ҳунаринг оз. Муқобили: "Керилма товук, кетингдан урар совук". Товук ёзда кулга,

тупроққа ўтириб, ағанаб, кетидан чиққан ва патларига ёпишган ахлатларни қуритиб, тушириб озодаланади, яъни сув йўғида таяммум дегандек сувсиз покланади. Қишида эса бундай кул ва тупроқ йўқ, одатига кўра ерга ўтириб, ағанаб, баттар ифлосланади. Мақол мажозий маънода, вақтингча эришилган ютуқларига керилувчи, ҳовлиқма одамларга нисбатан қўлланилади. Тўғри маъносида, фоз бегона одаму жон-жониворни кўрса, бўйинини чўзиб, ҳавотирланиб, "фоқ-фоқ" дей ҳужум қиласидар. Ва аслида, шу пўписа билан ўз йўлига равона бўлиб тўпига кўшилади. Шуни билганлар, "Чиранма фоз, ҳунаринг оз", дей мутойиба қиласидар.

Чиройинг борида чинорингни топ. Чинор энг узоқ умр кўрадиган дараҳтлардан бўлиб, абадийлик ва құдратли таянч тимсолидир. Одатда қизларга насиҳат тарзида айтиладиган мазкур мақол билан: "Хусн-жамолга тўлишган вақтингда, умр бўйи сенга ҳамроҳ, бўладиган, суюнчиғинг, жуфти ҳалолингни топиб ол. Вақтни ғанимат бил", демоқчи бўладилар. Умр каби ёшлиқ, чирой, хусну жамол ҳам ўткинчидир. Фафлатда қолма, дей огоҳлантирадилар.

Чиққан қиз – чиғириқдан ташқари. Узатилган, чиқарилган қиз рўзгор "тегирмони"дан ташқарида. У ўз оиласи, эри, қайнона-қайнотаси, болаларига эга. Шу сабаб ота рўзгори улушкига даъвогар

бўла олмайди, ўз ақидаси билан турмуш кечирган қавмларимиз, гўдаклиқдан қиз болаларни "Чиқсан қиз – чириқидан ташқари"

*Чун Навоий,
кўнгил синди эмди
лутфинг нечалиғе,
Ким ушатса
шишани бутмас яна
пайванд ила.*

Алишер Навоий

мақоли таълимида тарбиялаганлар. Нозик жинс вакиллари, ўзбекчиликда, илк қадамларидан ўз уйи, оиласи, рўзгори меҳри илинжида камол топишган.

Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин. Бу мақол кўпинча: "Бирорвга бир иш қилдирадиган бўлсанг у юмуш арзимаган, кичкина бўлса ҳам устасига, қўлидан келган одамга мурожаат қил" деган маънода айтилади. Чунки ҳар ишнинг устаси устоз, пир кўрган, улар оқ фотиҳасини олган, ҳалол мардум ҳисоб-

ланади. Аждодларимиз ҳар ишда тасодифий, ювуқсиз, фариштасиз кимсалардан ҳазар қилишган.

Чўтирнинг ҳам ўз ҳусни бор. Бу билан халқимиз, беайб парвардигор, бирорни ўпок, бошқасини сўпоқ дема, ҳар кимнинг ўзига ярапша ҳусни чиройи бор. Ҳамма гап инсоннинг таъби, диidi, дунё-қарашида, кимга қандай одам ёқади у ёлғиз ўзига-ю худога аён, деган ақидани илгари суради. Ҳар қандай ҳолатдан эзгулик, инсонийлик излаган қавмларимиз, бу билан инсон ички маданияти, қалб гўзаллиги, маънавиятига урғу бермоқчи бўлади.

34

III -

Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Муқобиллари:

"Елсиз терак тебранмас"; "Ўт бўлмаса

– тутун бўлмас"; "Ит қора кўрмаса, ҳуримас"; "Энгак қимирламаса, соқол ликилламайди"; "Тагсиз хабар тарқалмас". Бу мажозий мақоллар билан халқимиз, ҳеч бир иш, ҳодиса сабабсиз, асоссиз бўлмайди. Сабаб туфайли маълум оқибат, воқеа-ҳодиса келиб чиқади. Бирор жумбоқ, муаммо, мушкул ишга дуч келдингми, бунинг асл сабабларини изла, айб кимда, ўзингда эмасмикин, деган маъноларни кўзда тутади. Одамлар орасида сен ҳақингда бир гап чиқибдими, демак бунда бир мантиқ, жон бор, демоқчи бўлади.

Шериклик ошни ит ичмас. Одатда икки ит бир ялоқдан сарқит ичадиган бўлиб қолса, бир-бири билан талашиб, ириллашиб, қонишиб кетади. Бу мақолни шериклик иш қилиб, ўзаро битиша олмай, келишолмай уришиб-жанжаллашиб юрадиган одамларга қаратса истеҳзо ва киноя тарзида айтадилар. Шериклик ишларига доир яна шундай мақоллар ҳам бор. "Шериклик товуқдан ёлғиз тухум яхши"; "Шериклашиб ишлаганинг юраги шердай бўлади"; "Авваламбор мингашма, мингашган сўнг индашма".

Шолининг орқасидан курмак ҳам сув ичибди. Муқобили:

"Буғдоининг баҳонасида қорамуғ ҳам сув ичибди". Бу мақолларни бир одам иккинчи одам туфайли, унинг баҳонасида бир нимадан баҳраманд бўлиб қолса, яхши одам сабаб ёмон одам ҳам маълум манфаат кўрса, ё жиддий, ё ҳазил-мутойиба тарзида қўллайдилар. Ижобий маънода отанинг ҳурматига, болалар, бутун оила манфаат кўрса, салбий маънода эса бир яхши одамнинг ўз қасбининг устасини деб бир ёки бир қанча ёмон, арзимас одам гуноҳидан ўтилса, қониқиш ё афсус билан айтилади.

Э -

35

Эгилган бошни қилич кесмас. Гап

қиличда эмас, балки унинг эгасида.

Агар "гуноҳкор" ўз айбини бўйнига олиб, вақтида тавба-тазарру қилса, тўғри йўлга кирса, унинг билиб-бilmай қилган гуноҳидан кечилади. Йўқ, у такаббурлик билан, менинг билганим ҳам, қилганим ҳам тўғри, дея қайсалик қилса, жазосини олиб, жабрини тортади, дейилмоқчи. Қиличнинг ўзига қолса, унинг ақли борми, бошнинг тик ё эгилганига қарапмиди, демоқчи бўладилар. Мақол камтарлик, хокисорликка чақириб, инсонпарварликни улуғлашга қаратилган.

Эл оғзига элак тутиб бўлмас. Муқобилари: "Эл оғзини йиғиб, чеҳак оғзини бўғиб бўлмас"; "Эл оғзини ёпмоққа эллик қарич бўз керак"; "Кўп оғзига қалқон тутиб бўлмас"; "Бирорнинг оғзига тутма қадаб бўлмайди". Мақоллар бирор ҳақида пайдо бўлган гап, мишишнинг олдини олиб бўлмайди, чунки у тарқаб кетади, деган фикрни ифодалайди. Элак тутмоқчи бўлсангиз ҳам бунча элакни

қаердан оласиз? Топиб, тутдингиз ҳам дейлик, оғиздан чиқсан гапни элак туғиб қололмайди-ку! Масаланинг, мақолнинг моҳияти энди очилади. Элак — уни эл оғзига тутмоқчи, ҳукмрон доира учун "фильтр" вазифасини ўтайди. Тутилган фильтр гапни тозалаб, "истеъмолчи"га истаган қолипга тушириб беради. Ҳарқанча уринманг, валломатлик қилманг, бунинг иложини тополмайсиз, деган маъно яширинган мазкур мақолда. Бирдамлик, қатъият, ишонч, эътиқод ҳислари мужассам.

Эшагидан тушови қиммат. *Муқобиллари:* "Эшагидан тўқими қиммат"; "Тусидан қўнғироғи қиммат"; "Бошогидан сомони

қиммат". У ёки бу нарсанинг ўзидан ҳам бирор абзали, қисми, анжоми, кираси, ижараси қиммат бўлса, мазкур мақолларни қўлладидар. "Эшагидан тушови" мақолида киноя, норозилик, ноҳақликка нафрат ҳиссиётлари жамланган.

**Эл юзига боқсалар ўлармен,
Хуршидни, нетай ёшурса бўлмас.**

Лутфий

38

Эшак қирқقا кирганда қилиқ чиқаради. *Муқобиллари:* "Эшак қирқقا кирғанда ёли оқаради"; "Қари бўз қартайганда йўрға чиқаради". Баъзи одамлар, ёши улғайиб, соч-соқоли оқаргандан кейин ҳам қуйилмайди. Ёшлигидаги енгилтаклигини, ўйинқароқлигини, безорилигини "унутмай" тақрорлайди. Мазкур мақолни ана шундай, қариса ҳам қуюлмаган одамларга қарата киноя билан ишлатадилар. "Қаҳрамонлар" ҳам бу ҳолларда ўзларини оқлашади: "Ҳа, энди, қирқ йилда бир эшак ўйини-да, хом сут эмган банда, шунақаси ҳам бўлиб туар экан-да!"

Эшакнинг меҳнати ҳалол, гўшти ҳаром. Меҳнатга бағишланган мақоллардан. "Меҳнатни эшак ҳам қилади", деган киноявий, камситувчи ибора ҳам бор. Бу билан куч, меҳнат эшакда ҳам бор. Одамда ақл-идрок бўлиши керак, деган танбеҳга урғу бермоқчи бўладилар. Одатда, инсон меҳнати, фаолияти, салоҳияти ўз қадрини топмаса, киши ўзига муносиб иззат-ҳурмат кўрмаса, мажозан шу мақолни келтирадилар. Ўз маъносига кўра, мусулмончиликда иккаласи ҳам одамзотининг хизматини қилсада, отнинг гўшти ҳалол, эшакники ҳаром саналади, шунга қиёсан айтилган.

Югурганикни эмас, буюрганикни.

Муқобиллари: "Буюрган олур, югурган қолур"; "Ҳасип қилғанники эмас, насиб қилғанники"; "Насиб қиласа келур Шому Ироқдин, насиб қилмаса кетур қошу қобоқдин"; "Бераман деган қулига, чиқарып қўяр йўлига"; "Ўлмасин деган қулига ўлик балиқ йўлиқар"; "Буюрган ошга тиш тегар, ёз тегмаса қиши тегар"; "Қутлуққа қўша ёғар"; "Берганга беш қўллаб беради, бермаганни қўшқўллаб уради"; "Берганга қўша-қўша, бермаганга ўша-ўша". Тақдир, пешона, омад билан боғлиқ мақол. Одатда бир иш, буюм, нарса ёки маъшуқага югурган қолиб, бегона, алоқаси бўлмаган (буюрган) эга чиқиб қолади. Шундай ҳолларда ушибу мақол таскин, тасалли, юпанч, иқрор, ноиложлик сифатида келтирилади.

Юзта "сиз-биз"дан битта "жиз-биз" яхши. "Жиз-биз" деганда, қозон, масаллик, овқат тушунилади. Кўчма, мажозий маънода одамларга қуруқ гап, оғзаки ҳамду санодан кўра "жиз-биз" – оғзини мойлаш, едириб-ичириш, зиёфат, манфаатдор қилиш яхши, деган маънони беради. Тадбиркорлик, амалиётчилик, ҳаётйликка чақириқ мақолларидан. Кўпинча у ёки бу мансаб эгаси, амадор, мулозимга нисбатан муомала қилувчи шахсларга маслаҳат сифатида ишлатадилар.

Юзори ўтирурни ким тиласа, кишиликтин ани йироқ билгил, ўтирур сафда юзориликдин ўтирур сафни яхшироқ билгил.

Алишер Навоий

Изображение в виде пустого прямоугольника с тонкой рамкой.

Орган – дарё, ўтирган – бўйра. Муқобиллари: "Йўлни юрган енгар"; "Йўртган ўзар, ётган тўзар"; "Қимиirlаган қир ошар, тифизлаган тоғ ошар"; "Юрганинг йўли ўтар, ўтирганинг куни ўтар"; "Юрган йўлдан топади, ўтирган қайдан топади"; "Йўловчининг озиғи йўлида"; "Юрган - ютоқмас"; "Кўп излаган кўмма устидан чиқади" каби. Ҳаракатга, меҳнатга, интилиш ва изланишга чорловчи мақол. Ҳаракатдаги одам дарёдай оқади, ҳаётнинг ичига киради, яхши-ёмонни кўради, йўл танийди, одам танийди. Ўтирган кимса эса бўйра каби эскириб, бир жойда муқим қолиб кетади, тўзийди, демоқчи бўладилар мазкур мақолни эсга солиш билан.

Янгамнинг ошини ширин қилган акамнинг масаллиғи. Хотин, "янга" уйда ўтиrsa, "ака" кўча одами, ишлаб, топиб-тутиб келади. У қанчалик самарали меҳнат қилиб, кўп топса, рўзғорга шунчалик қут-барака киради. Натижада янга қилган таом аканинг "масаллиғи", топган-тутгани туфайли ширин бўлади, дейиляпти. Кўчма, мажозий маънода, бироннинг иши юришиши, омади чопиши, иккинчи одамга боғлик, агар у изн бермаса, қўллаб-қувватламаса, шароит яратмаса, мазкур ютуққа эриша олмасди, деган маънода қўллайдилар.

Янгини эски асрар. Муқобиллари: "Ўйлигини топмаган кўчалигин тўздирап"; "Ямасанг янги бўлади, янгининг тенги бўлади". Тежамкорлик, тадбиркорлик, рўзғорбопликка ундовчи мақол. Тўғри маъносида, ҳар қандай кийимингни эскиргач, ташлаб юборма, уйингда, яқин теварак-атрофга чиққанда киявер, янгисини хизматга, тўй-ҳашам, кўчаликка кий. Шундай қилсанг, янги кийиминг узоқ эскирмай, тўзимай, сенга хизмат қиласди, дейилмоқчи.

38

Кўчма, мажозий маънода эса, аввало, инсонга нисбатан ишлатилиб, қария, кекса отахону онахонлар, бола-чақалари, невара-эваралари, борингки, кейинги авлодларини дуо қилиб, насиҳату ўйт билан, ҳаётнинг паст-баландини кўрсатиб, шахсий намуна билан асраб-авайлайдилар. Бало-қазодан сақлайдилар. Талаб қилинса, авлодлар деб ўз жонларини фидо қиласдилар, деган мақсадда қўллайдилар. Нарса, буюм, уй-жой ҳам кўзда тутилади.

Яхши ният – ярим давлат. Муқобиллари: "Яхши ният – ярим мол"; "Яхши нафас – ярим мол"; "Эскини сўзлагунча янгини кўзла"; "Кам сўзла, кўп кўзла"; "Бугунни бир ўйласанг, эртани икки ўйла"; "Ҳавас бўлса, анқонинг уруғи ҳам топилади"; "Орзуга айб йўқ"; "Мақсадсиз ҳаёт – қушки беқанот" каби.

Ота-боболар, ҳамиша ниятни, тилакни яхши қилиш, эзгуликни орзулашни таъкидлаб келганлар. "Яхши гапга ҳам фаришталар омин дейди, ёмон гапга ҳам", деган ақида билан мудом кўнгилдан ҳам, оғиздан ҳам яхши гап чиқаришни талаб қиласлар. Мақол билан, инсон ютуққа, мол-давлатга, дунёга етишишни орзу қиласа, аввало ниятни пок, холис қиласин. Пок ният – ярим давлат саналади. Қолгани ҳалол меҳнат, ақл-идрок, тадбиркорликка

боғлиқ. Бандаси яхши ният, пок ихлос билан меҳнат қиласа, Оллоҳ унинг ризқ-насибасини етказади, орзусини амалга оширади, деган фикрни ифодалайдилар.

Яхшилик қиласанг – яшир, яхшилик кўрсанг – ошир.

Муқобиллари: "Берганингни озга сана, олганингни кўпига сана"; "Ўнг қўлинг берсин, чап қўлинг билмасин"; "Яхшилик қил, дарёга от, балиқ билар, балиқ билмаса, холиқ билар". Мақол билан бирорвга яхшилик қиласидиган бўлсанг, юрақдан чиқариб, худо йўлига, холис қилки, уни бирор билмасин. Ҳимматингни миннат қилиб, у одамнинг ўзига, бошқаларга билдирсанг, савоб ўрнига ўтмайди, дейиляпти.

Мақолнинг иккинчи ярми эса, инсонни ўзгалар яхшилигини қадрлаш, ҳеч қачон унутмасликка қаратилгани билан олийжаноблик ва инсонпарварликка чақиради. Бирордан кўрган яхшилигингни ҳамиша айтиб юр, ошириб айт, токи бу бошқаларга ҳам ибрат бўлади, демоқчи бўладилар.

Яхшини кўриб фикр қил, ёмонни кўриб шукр қил. *Муқобиллари:* "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил";

"Олдингдагини кўриб фикр қил, ортингдагини кўриб шукр қил". Мақол турмушда ақл-фаросат билан, яхшилардан ибрат олиб, ёмонларга ўҳшамаганидан шукур қилиб яшашга даъват этадиган панд-насиҳат нақлларидан бўлиб, инсонпарварлиги, ҳаётийлиги билан аҳамият касб этади. Маъно ва мазмун жиҳатидан соғ ўзбекона психологияяга асосланганлиги билан ажralиб туради.

39

Ў –

Ўз уйим – ўлан тўшагим. *Муқобиллари:* "Исли уйим, ризқли уйим"; "Ўз уйимнинг хушлиги – оёқ-қўлимнинг бўшлиги"; "Ўз юртингнинг қадри ўзга юртда билинади"; "Туққан ерга туғинг тик"; "Ерим шу, гўрим шу"; "Ўлсанг ўл, ватанингда бўл". Мазкур мақол билан: "Бирорнинг уйида, юртида юмшоқ тўشاқда ўтирганингдан кўра, тап-тақир ўлан тўшақда ўтиранг ҳам, ўз уйинг яхши", демоқчи бўладилар. Ҳар кимга ўз уй-жойи, она юрти, ватани нақадар қадр-қимматли эканлитини ифодалайди. "Ўзга юртнинг боғи билан боқчаси ўз юртингнинг янтоғича топилмас", деганда шоир Махтумқули нақадар ҳақ.

Ўзингдан чиққан балога – қайга борасан давога. Муқобиллари:

“Ўзакдан чиққан ўт ёмон, ўзингдан чиққан ёт ёмон”; “Ўзингниги ўзакдонингни қирқар”; “Яхши ота ёмон болага қирқ йил озиқ”; “Бир ота ўн ўғилни боқа олади, ўн ўғил битта отани боқа олмайди”.

**Ўтларинг кўнглумга тушгач
куйди ҳам кўз, ҳам бадан,
Ким куяр ҳўлу қуроф
чун найистонга тушти ўт.**

Алишер Навоий

“Ўзингдан чиққан бало” – бу бола-чақанг, қариндош-уруфинг, ватандош, миллатдошинг. У сенга ёв бўлса, додингни кимга айтишини билмайсан. Душманни душман, бегонани бегона дейсан, ўз қавминг сенга душман бўлиб чиқса-чи?! Мақол шундай ҳолларда ишлатилади. Одатда мақолдаги “бало” сўзига жавобан “доридармон” сифатида “даво” сўзи ишлатилади. Иккинчи ҳолатда бу сўзга жавобан “даъво” сўзи ҳам қўлланиладики, “ўзингдан чиққан балога қайга борасан даъвога” дейдилар.

Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма. Бу билан одамларга:

“Ҳар бир нарсангни аввало ўзинг эҳтиёт қил. Бирор буюмингни йўқотсанг, ё қўйган жойингни эслолмай, тополмасанг, бирордан кўрма. Бу туҳмат унга қаттиқ ботади. Ўртада хижолатпазлик юз беради. Совуқчилик туфайли юз кўрмас бўлиб кетиши мумкин”, деган ўгитни берадилар. Инсонни эҳтиёткорлик, ҳушёрилик, синчковлик, бағрикенгликтан ундовчи огоҳлик мақоли. Ўзбекчилиқда “Ноҳақ туҳматдан ўзинг асра”, дея тангри таолога тавалло қилганда, шундай ҳолатта тушмаслик илтижосини қиласидилар.

Ўтмас пичноқ қўл кесар. Бу тўғри маънода ҳаётда ҳар бир рўзфорда рўй бериб туради. Ўткирланган пичноқдан эҳтиёт бўлиб, ўтмас пичноқдан жароҳат оласиз. Кўчма, мажозий маъносида эса: “Киши писанд қилмаган, назарига илмаган нарсадан ёки кимсадан кутилмаганда зиён-заҳмат кўради, шикастланади”, деган маънода эҳтиёткорликка ундан айтилади. “Ўтмас пичноқ” иборасида “нокас, ножинс, номукаммал одам” мазмуни ҳам бор.

Ўхшатмасдан учратмас. Келин билан куёвнинг, қудаларнинг, икки дўстнинг чехра-чиройи, дунёқараши, табиати бир-бирига мос бўлса: “Оллоҳ чевар-да, қаранг, келин билан куёв қуиб қўйгандек бир-бирига ўхшайди-я”, дея завқланадилар. Аксинча, нокас одамлар бир-бирига ўхшаса, “Кўр кўрни қоронфуда топибди, ўхшатмасдан учратмас-да” дейишиб, уларга бўлган нафратларини изҳор этадилар.

Қ -**Қазисан, қартасан, ахир аслингга тор-**

тасан. *Муқобилари:* "Қазидир, қартадир, асолатини тортадир"; "Эт яхшиси қартадир, ахир аслига тортадир". Бу мақолларнинг түғри маъноси шуки, қази, айниқса, қарта ҳарқанча тансиғу, тотли таом бўлмасин, барибир хиди келиб туради, деган мазмун ташыйди. Мажозан эса: "Ёмондан туғилган, ёмон авлоддан чиққан одам минг яхши бўлиб кетмасин, барибир охир-оқибат асл зотига тортади", деган маънода қўлланилади. "Олмадан бодом бўлмас, таги паст одам бўлмас" мақоли шундан қолган.

Қассобга ёғ қайғуси, эчкига жон қайғуси. Бир иш, юмуш, одамдан ҳар ким ҳар нарса кутади, ўзига маъқул фойда истайди, дейилмоқчи. Конкрем жараёнда қассоб эчки жониворни сўйиб, гўштини сотишдан ташқари, ёғи — чарвисидан ҳам умидвор. Эчки бояқиш эса жонини золимдан халос қилиш илинжида. Рамзий, мажозий маънода, "Ман на дерману, қўбизим на дейди", ақидаси билан "Мушукнинг ўлими — сичқоннинг байрами" мазмуни ифодаланади. Қиёс, образлилик, талош түйғулар мақоли.

41

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. *Муқобили:* "Қушни қаноти учирар". Ҳаётда чин дўстларинг кўп бўлса, ёр-биродарларинг кўмаги, қўллаб-қувватлаши билан мушкулинг осон бўлади, асло хор-зор бўлмайсан, деган маънода ишлатилади. Ҳақиқатан ҳам, катта карвонда ўзинтга тегишли саҳро кемасидай нортуюнг бўлса, юкинг, молмулкинг ерда қолмайди, кўзланган манзилингга етказилади. Бирлик, ҳамкорлик, дўст-ёрни қадрлашга даъвагт мақоли.

Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит. Ўзбекнинг қочирим, шамага асосланган учирма иборалари кўп. Мазкур мақол шулар тоифасидан. Баъзан шундай бўладики, бир гапни турли сабабларга кўра, тегишли одамнинг юзига, бевосита айтмайдилар-да, унинг иштирокида, ёки йўғида бошқа бирорга айтадилар. Тегишли одам зийрак, фаросатли бўлса, бу гап унинг ўзига аталганини дарҳол

*Киляхшилику демакни
доҳил қилема,
Маният ила яхшиликни
ботил қилема.*

Алишер Навоий

англаб, шунга яраша иш тутади. "Қизим сенга айтаман, келиним сен эшиш" мақоли билан ана шундай ҳолларни кўзда тутадилар. Андишага йўғрилган соф миллий ифодаси билан ўзига хос.

Қуш уясида кўрганини қилади. Муқобили: "Қуш уясида нимани кўрса, учганида шуни олади". Бу мақоллар билан болаларнинг қандай ўсиб, вояга етиши, феъл-атворининг қандай шаклланиши, ота-онанинг қандай тарбия берганига, болалар олдида ўзларини қандай туттанига боғлиқ, яхши ишлари билан ибрат кўрсатиб, ўстирган бўлипса, ижобий, ёмон қилиқлари, хатти-ҳаракатлари билан таъсир ўтказган бўлса, салбий хислатли инсонлар бўлиб етишадилар, деган фикрни ифодаламоқчи бўладилар. Ҳақиқатан ҳам қуш уясида, бола ўз уйида нимани кўрса, шунинг таъсирида ўсиб-улғаяди ва шунгагина муносиб авлод бўлиб қолади.

F -

42

Ғат-ғат қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи. Муқобиллари:

"Тариқни еган чумчук, балога қолган бедана"; "Ғўзани түя ейди-ю, бўзчи балога қолади"; "Қатик ичган қутуди, хурмача ялаган тутилди"; "Отган қолмас балога, айтган қолар балога"; "Ўғри қутилар, тўғри тутилар"; "Сув келтирган хор-зору кўза синдириган азиз" каби. Тўғри маънода, "Алининг қасдини Валидан олибди", дегандек, кечаги тўйда ғат-ғати билан оламни бузган карнайчини тополмаган маҳалла безориси уйқудан қолдирганига унга шерик бўлган сурнайчини тутиб жазолайди. Кўчма, мажозий маънода гуноҳни қилган бу ёқда қолиб, бегуноҳ одамнинг жазо олиб кетишига ачиниб, афсус билан айтилади.

Фунажин кўзини сузмаса, буқача ипини узмайди. Фунажин – икки ёшдан ошган уррочи бузоқ. Мазкур мақол билан мажозан эркакларни, йигиту ўспириналарни йўлдан урадиган суюқёқ аёллар, қиз-жувонларга пардалаб, қочирим қиладилар. Содир бўлган ишқий можаронинг асосий сабабчиси –

*Ғанимат тут жамоли ҳусни даврин,
Масалдурким: "Яна бу дам топилмас".*

Атойи

уларнинг ўзи эканлигини қайд этадилар. Тўғри маънода, буқача сабабсиз арқонини узиб, висолга ошиқмайди, дейди жабр кўрган дехқон.

Фурурли фурбатга қолар. Бу ўринда "фурурли" сўзи ортиқча манманлик, такаббурлик, каттазанлик, ўзига бино қўйиш, бошқаларга беписанд қарашиб маъноларида қўлланиляпти. Муқобилари: "Суур — бир бошқа, кибру фурур — бир бошқа"; "Амал оздирар, амалга мағурурлик тўздирав"; "Бошинг осмонга етса ҳам, чоригингни унутма"; "Кеккайиш теракка ярашади"; "Тўқ бошоқ эгилади"; "Гердайган дарахтни довул синдирав"; "Қамиш бош кўтарди — бўриё бўлди, тупроқ бош эгди — тўтиё бўлди" каби. "Гадонинг душмани гадо бўлади" дейилганидек, такаббур бошнинг ҳам ўз кушандаси бўлади. "Зўрдан зўр чиқса, оёфи типир-типир" қабилида бир кун зўрнинг, "фурурли"нинг ҳам куни битади.

X -

Ҳаёсизга ҳар кун ҳайит. Муқобилари: "Уятлига уч кун ҳайит, уятсизга ҳар кун ҳайит";

"Ишчангага йилда байрам, ялқовга кунда байрам"; "Кунда-кунда тўй бўлса, ҳафтада ҳайит бўлса, ўртада бир кун бўлса, у ҳам жума кун бўлса". Бундай мақоллар дангаса, ялқов, ишёқмас, нуқул тўй-ҳашам, ҳайит-байрамни, майшатни кўзлайдиган танбал одам тилидан айтилган. Бу тоифа одамлар устидан кулиб, масхара, киноя, истеҳзо тарзида қўлланган мақоллар, халқнинг бундай кимсаларга муносабатини ифодалаган.

Ҳазил — ҳазилнинг таги зил. Муқобилари: "Ҳазидан зил чиқар, зилдан зилзила"; "Ўйиндан ўқ чиқади..."; "Ҳазил, ҳазилни тушунмаган кал фозил"; "Ҳазилни кўтарганга чиқарган" кабилар. Ҳазил-мутойиба, мазах-масхара, кулгу-аския бир-бирига яқин тушунчалар. Уларнинг ўз ўрни, меъёри, чегараси бор. Мана шу меъёр — чизик — чегарадан чиқилса, ҳазил кишининг иззат-

*Ҳар тарафга бўлмагил
ўзни уриб бетоблар,
Ойни ўн бешин қоронғу, ўн
бешин моҳтоблар.*

Муқимий

нафсига тегади, уни масхаралаб, хўрлаган, хорлаган бўлади. Ана шу бемаврид қилинган беандиша ҳазил яқин дўйстлар ўртасига раҳна солади. Ҳазилни кўтара олмаган дўйст сенинг ашаддий ёвингга айланиши мумкин. Мақол ана шундай ҳолатларни кўзда тутиб, кишини хушёр бўлишга, аввал ўйлаб, кейин сўйлашга, зинҳор тилга ихтиёrsиз бўлмасликка чақиради.

Ҳайит ўтгандан кейин хинани кетингга қўй. *Муқобиллари:* "Ҳайитдан кейин арафа" (аслида ҳайитдан олдин бўлиши керак); "Тўйдан кейин ноғора"; "Ёв кетгандан сўнг қиличингни ерга чоп"; "Намоз вақтида фарз" кабилар. Ўз маъносида, Рамазон ва Қурбон ҳайитларида, уч кун давомида хотин-халаж, бола-бақра ясанибтусаниб, ўсма-сурма, хина қўйиб, безаниб, ҳайитни байрам қиласидилар. Ундан кейинги бундай ҳаракат бемаъни ва кулгулидири. Яъни хинани ортига, кетига қўйиш билан баробар, демоқчи бўладилар. Мақолда сарказм, аччиқ киноя, кесатик маънолари бор. Кўчма, мажозий маъносида ҳар иш мавридида фарз. Ўз вақтида қилинмаган иш фойда келтирмайди, аксинча, кулгу-мазах уйғотади, кишини хижолатда қолдиради, деган фикрга урғу берилади.

ҚҰЙНІДАН ТҰКИЛГАНИ – ҚҰНЖИГА



Инсон ҳамма замонда ҳам бозордан айро тушмайды. Тирикчилик хариди бозорсиз ўтмайды. Шунинг учун ёшдир-қаридир бозор қонуналарини яхши билиши, унинг ёзилмаган қоидаларига риоя қилиши зарур. Бозор-ўчарга бағишланган иборалар бунинг айни ҳаётий сабоклари дир.

Отанг – бозор, онанг – бозор. Бунинг маъноси бозор сени ўз ҳукмига етаклади, баҳосини ўтказади, бозор қонуналарига риоя қилиш жоиз дегани. Ота-онага бўйсуниш шарт бўлганидек, бозорга, нарх-навога бўйин эгишга мажбурсан. Ҳатто, ота-онанг пешонангга битказолмаган мол-дунёни омон бўлсанг, омадинг юришса, қўлинг узунашса, бозордан оласан. Қўшни, ҳамкасб, қариндош-уругингга, дўст-оғайнингга, шогирдларингга саргайиб нима қилдинг?! Беминнат бозор бор. Турмуш, тирикчилик, ҳаёtingнги бозор белгилайди. Отанг – бозор, онанг – бозор. *Муқобили:* «Пул бўлса, чангала шўрва».

Бозор кўрган эчки. Кўчма маънода: кўлни кўрган одам, чапдаст, удабурро, тажрибали шахс. Эчки бозорда хўжайин, даллол, харидор танийди. Эчки-қўй, мол-ҳолнинг аҳволидан огоҳ бўлади. «Мусофир» бўлади. Бозор кўриш, турмуш сабогини олиш дегани. *Муқобили:* «бозор кўрган йигит», «бозор кўрган одам».

Бозор яқин – бойимас. Бозори яқиннинг майдага харажати кўп бўлади. Ҳа деганда, бозорга тушаверади. Харидни майдага-майдага, бот-бот қилиш, тежамкорликка зид, аслида бозорни улгуржи: қопи-қанори, араваси, тойи, суруви билан қилинса, кўп бора арzon тушади. Шунинг учун ота-боболар бозор яқин бойимас, деган ҳикматомуз иборани бизга мерос қолдириб кетишган. Мақолнинг шахсини аниқлашни унутманг: агар «бозори яқин бойимас» десак, мантиқан бошқа гап қиласиз. Ишбилармон, удабурро, ҳунарманд одамнинг бозори яқин бўлса, аксинча, у тезда бойиб кетади.

Бозорга кеч бор, эрта қайт. Сабаби бозор эрта тонгда қиммат бўлади. Чошгоҳга бориб қизийди. Тобора арzonлаша боради.

Харидингиз унумли, тежамли бўлади. Эрта қайтишнинг муҳимлиги сабаби, ҳар хил киссавуру ҳангоматалаб қаланғи-қасанғиларнинг хуружидан холи бўласиз. Қоронғуда келишингиз ўзингиз, жонингиз, молингиз учун хатарлидир. Шунинг учун ҳам бозорга кеч бор, эрта қайт, дейишган бобокалонларимиз.

Бу ҳам йўқ эди, отам бозордан келтирди. Бу ибора жанубий вилоятларда фаол ишлатилади. Болалар бирор таом, кийим-бош, буюм, ўқув қуролидан норози бўлиб, хархаша қилиб, инжиқлик билдирганда, шундай дейилади. Борига, топилганига шукур қил, шу ҳам аслида йўқ эди, даданг бозордан келтирди, дея мазкур буюмнинг нархи оширилади, баҳоси — қадри кўтарилади.

Ҳисобини билмаган, ҳамёнидан айрилар. Ҳамма нарсада режа, ҳисоб-китоб, тежамкорлик керак. Ҳисоб-китоблилик, режалилик кичик ҳиссадан катта давлат, бисот, бойлик келтиради. Оғзи очиқ, ландовур киши каби кўчма маънода ҳам ҳисобини билмаган ҳамёнидан жудо бўлиши тайин. Режасизлик, исрофгарчилик, тежамсизлик мулкнинг заволидир.

Ётиб еганга тоғ чидамайди. Бу ибора юқоридагисининг мантиқий давоми бўлиб, давлатинг ҳар қанча мўл бўлмасин, уни сарф қиласкансан, албатта ўрнини тўлдириб бор. Агар шундай қиласас экансан, тоғ бўлса ҳам емирилиб, адо бўлади. Оқибат, оч-наҳор қоласан. Турмуш-тирикчилигинг мушкуллашади, дея огоҳлантиради ажоддодлар.

47

Ёмғирда от танлама, ҳайитда қиз. Бунинг маъноси шуки, ёмғир ёғиб турганда ҳар қандай қари, тўриқ от ҳам сийна-сағриси товланиб, учқур аргумоқ бўлиб кўриниши мумкин. Бу пайтда отнинг зотини, тулпорнинг ёшини аниқлаб олиш қийин. Ҳайитда қиз танлаш ҳам кишини (айниқса, ёш йигитни) чалфитади.

Ҳайит (байрам) куни қизларнинг ҳаммаси ҳам ясаниб-тусантган, упа-элик суртган, ўсма-хина кўйган, гўзал либосларга бурканган бўлади. Байрамдан ўзга кунларда барча одам зоти каби қизлар ҳам табиий гўзаллик илиа кўринадилар. Мана шу сабаб, алҳол, машойихлар ушбу мақолни қолдириб кетганлар.

Ҳафтада бир бозор, уни ҳам ёмғир бузар. Бу қофияли жўмла бечора, камбағал деҳқоннинг кўнгил изҳори бўлиб ҳафтасига бир келадиган бозордан чамасидагидай наф кўролмаган одамнинг пушаймон-армонидир. Кўчма маъноси ҳам бўлиб, узоқ режалаштириб юрилган ишнинг фавқулодда тўсиқлар билан амалга ошмай қолганидан ранжиш ҳолатидир. *Муқобили:*

«Ойда-йилда бир бозор, уни ҳам ёмғир бузар». «Мен ўғирликка тушдиму ой ойдин бўлди» ва ҳоказо.

Бор жойда – бол арzon, йўқ жойда – туз қиммат. Бол асаларининг узоқ заҳматли, оқилона меҳнати, асалчининг шиҷоати мевасидир. У қимматбаҳо маҳсулот, бол-асал қадимдан қадри-қиммати баланд таом саналган. Бироқ у бор, айниқса кўп бўлган жойда, албатта, арzon юрган. Туз эса дарё, саҳро, тоғ тузи бўлишидан қатъи назар, кўплиги, табиий мавжуд неъматлиги, оз ишлатилиши жиҳатларидан арzon бўлган. Аммо, йўқ жойда, шу оддий туз ҳам қимматлиги таъкидланиши билан бозор молдан ташқари жой, мавсум, маҳсулотга боғлиқлиги кўзда тутиляпти.

Туя бир танга, қани бир танга, туя минг танга, мана минг танга.

Бу мақол бозорнинг арzon-қимматлигидан ташқари, инсоннинг имкон даражаси ҳақида маълумот беради. Туёқлар борасида энг катта, салмоқли тош босадигани түядир. Замонки бўлади шу туя, бир тангага сотилади, бироқ бир танганинг қадри-қиммати, кучи-куввати жуда баланд. Шу сабаб, бир тангага туя олишнинг имкони йўқ (Қани бир танга!). Тағин шундай бир давр келадики, туянинг нархи минг тангага чиқиб кетади. Аммо сиз шу минг тангага бўлса-да, туя олиш қурбига эгасиз.

Бунинг икки сабаби бор: Пулнинг қадри тушиб кетди-ю мол-мулк, ўлмас жиҳознинг нархи баландлашди. Иккинчиси: сиз ёш гўдак бола эдингиз, қўлингиз қисқа эди, вояга етиб пул топар; мол топар, мулкли, давлатли бўлдингиз. Энди имкониятингиз кенгайиб, қўлингиз узунлашди. Шу сабаб минг танга бўлса-да, туяни тап тортмай сотиб ололасиз (мана минг танга!). Кўчма маъносига: бойлигу камбағаллик, омадилигу омадсизлик, толею толесизлик кўзда тутилади.

Бозорга боряпти, бозордан қайтяпти. Хабар кўринишидаги бу содда ибораларнинг маъноси чуқур: Одам бозорга боряпти. Олдинда бозор, харид, саргузаштлар, омад, толе, интилиш, баҳт ва ёинки буларнинг акси... Одам бозордан қайтяпти. Харид қилинди. Ютдингми, ютқиздингми, тутдингми, тутқиздингми, толенинг ўнг келдими, терсми нима бўлганда ҳам бугунги бозоринг ўтди. Сафардан қайтдинг.

Кўчма маъносига: бозорга бориш вақти, иқболи, омади, демакки, истиқболи, келажаги олдинда бўлган ёш йигит рамзий тимсоли кўзда тутиляпти. Бозордан қайтишда эса, энди мавсуми ўтган кексалик, ижтимоий-сиёсий мавқеи тугаган, фаол умри поёнига

етаётган инсон образи гавдаланади. Тушкун руҳдагиси. Одам, мол бозорга боряпти. Умид, ишонч, илинж катта. Мол бозордан қайтди. Ишонч йўқолди. Умид сўнди, илинж узилди...

Бозор-ӯчар. Бозор кўтарилиш, фала-ғовур, оломон, ўт-олов, ҳаракат, дарё, денгиз, уйғоқлик, тўлқин, шиддат маъноларини ўзида мужассамлаштирган. Халқимиз: «Болалик уй — бозор» деганда, бу хонадоннинг сершовқинлиги, беғаразлиги, сиру синоатдан узоқлиги, уйғоқ, доим ҳаракатдалиги, истиқболи борлигини назарда тулади.

Бозор бир кўпчиб, кўтарилиб, ёнфинга айланиб, сўнг аста-секин тутаб сўнади. Оқибат ўчади. Шунинг учун ҳам «бозор-ӯчар» дейилади. Одатда ҳалқ бу иборани қўллаганда жой маъносида эмас, шу манзилдан қилинадиган ҳарид, тириқчилик манбай воситасини назарда тулади. Бозор-ӯчар ёниш ва сўниш, уйғониш ва уйқуга чўмиш, тириклик ва ўлим маъноларида ҳам ишлатилади.

Гадой аразласа, тўрвасига зиён. Одатда гадой ўз номи билан гадой. У аразламайди. Берганингизга шукур деб, дуо қилиб, йўлида давом этади. Бироқ ҳамонки, шундай мақол бор экан, гадойлар ҳам аразлаб, ноз, хархаша қилишар экан. Бу ўринда у ўзига, болачақасига зарар қиласди. Тўрвасига зиён келтиради. Тўрваси тўлмай, оёғидан қариб, саргардон кезажоради.

Кўчма маъноси. Муте, тобе одам устидан ҳоким, ўқтам одамнинг киноя билан кулиши, масхара қилишидан иборат. Йирик амалдор атрофида гирдикапалак, ўз хушомадгўйи, лаганбардори устидан шундай кулиб, бу иборани қўлмайди. Ота ҳимматига қониқмаган, ношукур фарзандга, меросга кўзи тўймаган қариндош-урур, болачақаларга нисбатан ҳам бу нақл ишлатиб келинади.

Гадой нарса топса, ҳалта тополмас. Мири кам дунё. Бирини топсанг, бирини тополмайсан. Юқоридаги иборага мазмун жиҳатидан яқин. Гадой омади чопиб, қўлига садақа тушиб, чангали ҳам тўлди. Бироқ уни қаерга жойлайди? Ҳалта, тўрва, идиши бўлмаса.

Бу ўринда киноя ҳам, танқид ҳам, ачиниш ҳам, ушбу ҳолатни табиий ҳодиса сифатида қабул қилиш ҳам бор. Одатда, қўли қисқалик қилиб, чорасиз қолиб, ўксиганда инсон оиласига, бола-чақасига, ҳатто ўзига-ўзи ҳам бу қадимий иборани ишлатади.

Камбағални туюнинг устида ит қопибди. Камбағал омади юришиб, туюга миниб қолди! (Толени қаранг-а). Бироқ баҳти ётгани шундаки, шунча баҳайбат, баланд, юксак жонивор — туюнинг устида ҳам уни ит талади, қопди-я! Камбағалнинг пешонаси қурсин.

Кўрган куни қурсин. Бу иборанинг муқобили сифатида халқ «насиб этса, келур шому Ироқдин, насиб этмаса, кетур қошу қабоқдин» нақлини ҳам истеъмолда қўллади.

Ушбу мавзумиз она тилининг бош манбаи гап ҳақида. Сиз тилшунослик китобларидан гапнинг таърифини яхши биласиз. Тил – муомала воситаси сифатида гап – жумла, ибора, бирикмалардан ташкил топади. Қуйига «гап» атамаси орқали ишлатиласиган айрим намуналар шарҳи, изоҳи, маъноси билан танишасиз.

Гап бор. Кишини сергаклаштирувчи, дикқатини тортувчи ибора.

Жиддий фикр, маслаҳат, ўйтит, сир-синоат ҳақида гап борганда бу бирикма қўлланилади. «Гап бор» ибораси муҳим маълумот ҳақида сени огоҳ, этмоқчиман, деган маънони беради.

Гап ташиди. Гап юқ эмас, уни ташисанг. Бироқ, орамизда шундай одамлар борки, бирорвнинг гапини бирорвга етказади, «ташийди». Ибора асосан салбий оҳанига эга. Чақмачақарлик, ўзидан қўшиб гапириш, ифво, туҳмат, ғаламислик, писмиқдик меваси. Одамлар орасида муносабатнинг бузилиши, кескинлашиши, йирик ихтилофга боришини таъминлайди.

50

Гап эшитди. Маълумот, ахборот олиш. Ўзидан катта ё тенгдошидан танбех, олиш, эшитиш. Кишидан ўзгаларнинг ранжиши. «Гап эшитди» ибораси танбех, олди, хижолат бўлди, уялиб қолди, изза бўлди, кайфияти бузилди, руҳи тушди маъноларини беради. Бу ўринда гап эшитиш адолатли, ўринли ё мутлақо адолатсиз, ўринсиз бўлиши мумкин. Ибора ҳолатни қайд этиш, бу ҳақда маълумот беришга қаратилган.

Гап ўтди. Гап таъсир қилди, худо инсофини берди, маъноси бор. Бироқ асосий кўчма маъноси орадан гап ўтди, муносабатларга дарз кетди, муомаласи бузилди маъноларида. Муқобили: «гапи қочди», «ораларидан қора мушук ўтди» «пўм чиқищди», «бира-бирининг мушугини пишт дейищди» кабилар.

Гапида жон бор. Айтилган фикрни қўллаб-қувватлаш, уни эътироф этиш, тан олиш. «Гапида жон бор» деганда образли қилиб, бу фикр ҳаётий, яшовчан, беиз кетмайдиган, амал қилса арзийдиган гап каби маънолар жамланган.

Гап кўп, кўмир оз. Маза-матрасиз, таъсирсиз, ҳеч қандай самарасиз гап бўлиб турганда мана шу ибора қўлланади. Афтидан, темирчи-косиблар дастгоҳи ёнида яратилган ибора бўлса керак. Кўмир йўқлиги, босқоннинг ишламаслиги, демакки, фойдали меҳнатнинг тўхтаб, темирчининг қўли бўш қолишига сабаб бўлади. Тағин бир маъноси: бу гапларда ўт, олов, тафт йўқ, кам деган мазмун ташийди. Фойдасиз гаплардан энса қотганда, ишончсизлик туғилганда одамлар одатда шундай дейишади. *Муқобили:* «кўп гап, эшакка юк».

Гап тегди. Бир неча маъноси бор: Гап навбати тегди, гап олинди, гапга киришилди. Асосий маъноси кўчмадир. Танбеҳ, эшитилди, шу гап орқали ёмон фикр билдирилди, мазмунида. *Муқобили:* «гап эшитди».

Гап чиқди. Бирор шахс ҳақида кутимаган фикр, хулоса, баҳонинг пайдо бўлиши. Шахсий ё ижтимоий ҳаётда, битим-шартномаларда бирор номукаммалликнинг пайдо бўлиши. Гап чиқиши асосан салбий маънода ишлатилади. Шунинг учун ҳам халқимиз ҳар ишда ҳам ҳалол, пишиқ-пухталикни талаб қилиб, орқасидан гапи чиқмасин, дейди.

Гап отиш. Гап тоши, кесак, ўқ бўлмаса-да, у ҳам отилади. Ибора салбий оҳангда қўлланилади. Йигитлар қизларга гап ташлашади, отишади. Қитмир, ҳазил, жиддий гап отилиши мумкин. Аксинча, қизлар йигитларга ҳам шундай муомалада бўлишлари, гап отишлари кузатилади. Гап отиш фақат ишқибозлик маъносида бўлмасдан, душманлик, дўстлик, қитмирлик, иғвогарлик, масалага аниқлик киритиш, луқма маъноларида ҳам бўлиши мумкин. *Муқобили:* «гап ташлаш», «гап олиш», «гап қотиш», «гап қўшиш», «гап очиши».

Гап сотиб олиш. Гап ҳам сотиладими? Одатда бир одам бошлиғи, ҳамкасби, оиласи олдида, кўча-кўйда йўқ ердан гап чиқариб, бир нарсани дафъатан эсга солади-ю ўзи балога қолади. Унга ҳужум бошланади, танбеҳ, берилади, айблашади. Мана шундай ҳолатларда бундай одам ҳақида: «ҳаҳ, ўзига ўзи гап сотиб олди-я, ўтирмаидими тилини тийиб, балога қолди энди», дейишади.

51

«Гап сотиш» ибораси билан «гап сотиб олиш» иборалари ўрталарида жуда катта тафовут бор. Гап сотиш – бекорчи, ишёқмас, танбал одамнинг машғулоти сифатида қораланса, «гап сотиб олиш» деганда дупла-дуруст одам беҳуда айбланиб турганига, шунингдек, айбдор кишига ачиниш, унга ҳамдардлик билдириш тушунилади.

Гап кўтармайди. Гап ҳам оғир, енгил, ўртача бўлади. Ўнинг ҳам ҳаммасини баравар кўтариш қийин. Юклар орасида, аслида энг оғири ҳам гапдир. Одамларга таъриф берганда, уларни гап кўтарадиган, гап кўтаролмайдиган тоифаларга бўлишади.

Бир хил кишилар ҳақида гап кетганда, бу одам гап кўтармайди, миннатлик ошни ичмайди, жуда ориятли, ўзига, шаънига доғ қўндирамайди, деган гапни айтишади. Гап кўтармаслик икки хил бўлади. Ўз кунини ўзи кўришга, мустақил бўлишга, beminnat ҳаёт кечиришга интилган, ҳалол одамлар борки, улар ҳақида бу ибора ишлатилади. Иккинчи тоифаси жирттаки, сиркаси сув кўтармайдиган, бурнидан баландроқ ғапирсангиз ловилаб кетадиган одамлардан иборат. Демак, бу ибора ҳам ижобий, ҳам салбий маъноларда қўлланилар экан.

Гапни ичига ютди. Юқоридағи иборага қарама-қарши ўлароқ гап кўтармайдиганлар каби гапни «ичига ютадиганлар» ҳам бўлади. Бундай одамлар оғир, вазмин, мулоҳазакорлиги, узоқни кўриши билан шундай қилишлари мумкин. Иккинчи тоифалари мутелиги, тобелиги, қўрқоқлиги, ожизлиги, лаганбардор ва хушомадлўйлиги сабабидан шу ишни қилишлари мумкин.

52

Одатда, гапни ичига ютадиган, индамас одамлар бирор кулфат, оғир хасталик, ўлимга йўлиқса, «ҳамма гапни ўзига олар, ичига ютаверар эди, ахир ўзининг бошига ўзи етди», дея унга ачинишади. Инсон кенг феълли, бағрикенг, далли-гулли бўлишига, ҳамма нарсани ўзига олавермасликка чақирилади.

Гап айланди. Бу бирикманинг маънолари: бирор масала бўйича гап бўлди, очилди, юритилди, кўзгалди, дегани. Иккинчи асосий маъноси салбий мазмунда бўлиб, бирор иш, шахс, воқеа, масала ҳақида гапнинг айлангани, шубҳали, гумонли, ёқимсиз, қўнгилни хижил қилувчи сўз бўлганлигидан хабар берилади.

Гапнинг айлангани яхшиликка олиб келмаслиги огоҳлантирилади. Халқда «гапни айлантирма» деган бирикма ҳам бор. Бу ўринда асосий масала қолиб, атайнин иккинчи даражали гап атрофида айланнаётган шахс тартибга чақирилади. Муқобили: «гапни ўёқ-бўёққа бурма».

Гапнинг тагига етди. Гап тагида гап бор, дейди халқ. Заковатли, донишманд одамлар ҳамиша гапни ўйлаб, етти ўлчаб, бир кесиб гапиришади. Гапнинг тагига етиш бир неча маънода қўлланилади. Пала- partiш, ўйламай-нетмай гапирилганда киши кутмаган маънодаги сўз, иборалар оғиздан чиқиб кетиши мумкин. Бундай

пайтда туппа-тузук иноқ дўйстларнинг оралари бузилиб қолади. Гапнинг тагига етаман, деб ҳатто судлашишгача боришади. Шунинг учун, ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, дейишади доноларимиз. Машойихлар қолдирган сермазмун, кўп маъноли ҳикмат, нақд, гаплар ўз магзини чақиши, тагига етишини талаб қиласди. Бунинг учун инсонда илми мантиқ, фалсафа, тил саводи-ю маданияти, турмуш тажрибасидан чуқур хабардорлик, муайян илмий тайёргарлик талаб қилинади. «Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга», деган мақолни бежиз қолдирмаган донишмандлар. Гапнинг тагига етиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Гапга тўн кийгизади. Одатда гапни лоф уриб гапирадиган, маҳмадона, сўзамол, ошириб-тоширадиган кимсаларга нисбатан бу ибора ишлатилади. «Гапга тўн кийгизиши» образли қилиб айтганда, гапни жонлантириб, уни одамга айлантириб, ҳатто чопон ҳам кийгизишдир. Икки хил маънода ишлатилади: ижобий, салбий. Ижобийсида совчилик, вакиллик, элчилик ишларида шундай гапга чечан, тўн кийгизадиган одамлар танланиб, юборилади. Салбийси ўзингизга маълум.

Гапи калтақдай. Бу бирикма кўпинча ана кетди, мана кетди бўлиб ётган кекса, бемор эмин-эркин сўзлашиб ўтирганда ёки ёш бола катталарнинг ганини қилиб, салмоқ билан сўзлаганда ишлатилади. Яна бир маъноси андишасиз одамнинг гапи совуқлиги, одамга ботиши, калтақдайлиги кўзда тутилиб, айтилади.

Калтақдай, деган сўзда салбий оҳанг кучли бўлиб, ўзига муносиб бўлмаган шахснинг гапи ўткирлигига киноя сифатида қўлланилади. Бу иборада танқидий майдан ташқари хайрихоҳлик, мутойиба, истеҳзо, беғубор кулги маънолари ҳам мавжуддир.

Гап қочди. «Гап қочди», «гапи қочди», деганда икки киши ўртасида муносабатнинг бузилишига, ораларидан қора мушук ўтиб қолишига айтилади. Гап қочганда гап ковланаверса, қувилаверса, у болалаб, урчиб, янада хавфли душманга айлана боради.

Гапи қочиб қолди, иборасида бу воқеадан афсусланиш, муносабатни имкон қадар тезроқ тикилаш истак-оҳанг мавжуд. Гап қочишни орани бузишгача олиб бормаслик керак. Бундай пайтда шайтонга ҳай бериш, халқ айтмоқчи «бир гапдан қолиш», «тилни тишиш», қўл келади.

Гап ўғирлаши. Гап пойлаш, гап ўғирлаш, гап сотиш, гапни олиб қочиш, гапни кўпайтириш, гапни чувалаштириш қадимги хуфяликнинг асосий усулларидандир. Пошшолик хуфялари эл

орасида: тўйларда, бозор-у чойхоналарда, гапу ғаштакларда бўлишиб, гап пойлаш, ўтираш, тарқатиш,чувалатиш каби ғаламислик ишлари билан шуғулланишган. Кейин бу муҳим маълумотларни саройга, пошшоликка сотишган.

Шундан ҳалқ: «тилингта эрк берма, огох бўл, деворнинг ҳам қулоғи бор», дея бир-бирини огоҳлантирган, ҳушёрикка чақирган. «Ўтираш» гап пошшолик сиёсатига, ҳоким синфга қарши қаратилган бўлса, нархи баланд турган. Гап ўтираш ҳамма замонларда, оддий турмушда ҳам кенг тарқалиб, қайнона-келин, куда-анда, қўни-қўшини ўрталарида гап ўтираш, гап ташиш, гап сотиш шаклларида ҳали-ҳамон мавжуд. Гап ўтираш ёмон хусусият бўлиб, одамлар, оиласлар, ҳатто давлатлар ораларининг бузилиб кетишига олиб келади.

Гап топмоқ. Ибора кўчма маънода ишлатилади. «Гап (топиш) топмоқ» ибораси одатда, бирор ишни битказиш, ҳал қилишда турли баҳоналар топиб, отангга бор, онангга бор қиласверилса, айтилади. Кўпинча, таниш-билишларингиздан, ҳамма қофозу ҳужжатларини тўғрилаб бердиму, барибир гап топди, ишимни битказиб бермади, деган фикрни эшишиб қоласиз. Бу совет давридан қолган ижтимоий иллат бўлиб, тамагирлик, пораҳурлик, тўрачилик ақидалари мевасидир. Муқобили: «баҳона қилди», «қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдирди» «калавамнинг учиничувалатди», «эрта келинг, индин келинг қилди» ва бошқалар.

54

Инсоннинг ҳаёт томири – жон атамаси билан боғлиқ. Жон куйдирмасанг – жонона қайда, тоқقا чиқмасанг – дўлана қайда. Жон койитмасанг жонинг ором топмайди. Жонингни тикмасанг – жонингни ҳовучлаб яшайсан. Жон бу инсон учун шаън-шавкат, номус-эътиқод, яратганинг эзгу, муқаддас мақсадлар йўлида тақдим этган олий инъоми. Жон – бу рух, тана, тириклик, ҳаёт.

Ўзбек жон деганда комил инсонни кўзда тутади. Энг суйган одамини жон, дейди. Ушбу ихчам сұҳбат жон атамаси билан боғлиқ,

Мол аччиғи – жон аччиғи. Пул жигардан бўлган, дейди ҳалқ. Пулга неки бойлик, бисот сотиб олиниб, жамгарилса, у жонга яқин бўлиб қолади. Шу бойлик, молни йўқотиш, қўлдан чиқариш, бой бериш-

ジョン чиқишига яқын келади. Шунинг учун ҳам ўзбек мол аччиғи – жон аччиғи, дейди. Молу бисот орага киргач, ота-она, фарзанд, ака-ука, оға-ини, дўсту улфат ўрталариға тиклаб бўлмас нифоқ, қутқу тушади. Пулим куйган деб бир камбағал аччик қаламнири чайнаган экан, деган гап бор. Мол аччиғи ёмон бўлади. У ҳар қандай яқинликка қарамай, одамлар ўртасида ҳаёт-мамот кураши, жангини келтириб чиқариши мумкин.

Жон бермаслик. Жон таслим қиласлик, бўй бермаслик, таслим бўлмаслик ибораларининг муқобили. Жон бермаслик – түғри маънода, ана кетди, мана кетди бўлиб ётган одамнинг жони узилавермаслиги, ҳаётдан кўз юмолмаслиги. Бундай пайтда бирор яқинига илҳақлик (ўғил-қиз, хотин-эр, ота-она ва ҳ.к.) туфайли шундай бўлди, дейишади. Кўзда тутилган шахс пайдо бўлгач, кўнгли жойига тушиб, сўнг ҳаёт билан видолашади. Маълум муддат Азроилга таслим бўлмаслик, жон бермаслик кўзда тутилади. Бошқа, кўчма маъносида бировнинг ўзгага бўйсунмаслиги, бўйин эгмаслиги, гапига кирмаслиги, таслим бўлмаслиги тушунилади. Жон бермаслик мустақиллик, тўқ бўйинлик, бели бақувватлик, ўзига тўқлик, мардонаворлик ифодасидир.

Жон демоқ. Шоир Миртемирнинг «Қорақалпок дафтари» туркумида «Янгажон» деган шеъри бор.

- Янгажон, – gedim.
- Қайним-ов, – dedi.
- Берроқ кел, – gedim.
- Айним-ов, – dedi...

Жон демоқ кишини жонга яқин олиш, жон ўрнида кўриш, ардоқлаш, кўз устида сақлаш: жон дейиш – маъқул кўриш, рози бўлиш, ижобий жавоб бериш; жон дейиш – ҳурмат-эъзоз қилиш, эркалаш, хушомад, ёқтириш, суйиши ҳис-туйғуларини ифодалайди. Ўзбек яхши кўрган ўғлонлари номига жон сифати кўшиб чақиради, жон демоқнинг аксар маъно жиҳатидан қарама-қарши муқобили ҳам бор. Бу жон деб жонингни олади (жоним-жонимлаб жонингни суғуради), деган иборадир.

Жонига оро кирмоқ. Кишига кўмак, ёрдам, яхшилик қилиш, оғирини енгил қилмоқ. Жонига оро кирмоқ одатда кутилган, орзу қилган, кўзда тутилгандан кўра даъфатан, кутилмаганда, бехосдан бўладики, шунда кишилар миннатдорлик билан, «илойим барака топсин-ея, фалончининг ўғли келиб қолди-ю, жонимга оро кирди-я, нақд жоним ҳиқилдоғимга тиқилиб қолувди-я», дейишади. Яхшиларга

шундай хосиятли кишилар мушкул дамларида бехос ёрдамга, кўмакка келиб қоладилар.

Шунинг учун халқимиз: Яхшилик қил, дарёга сол, балиқ билар, балиқ билмаса – холиқ билар, дейди яратганни назарда туғиб. Бу билан бирордан марҳаматингни дариф тутмагил, бирор билмаса, бошқаси билади, биридан қайтмаса, биридан қайтади, дея яхшилик, эзгулик илинжида умургузаронлик қилишади.

Жонига тегмоқ. Жон руҳ каби моддий бир аъзо эмас. Бироқ халқ, дард қайдা бўлса, жон шу жойда бўлади, дейди. Шу маънода дардли, оғрикли ерга тегиш – жонга тегиш, жонни оғритишидир. Кўчма маъносида эса, жонга тегиш, меъдага уриш, ғашга тегиш, тақрорланавериб, айтилавериб сийқаси чиқмоқ мазмунини беради. Жонига тегмоқ, безор бўлмоқ, безори жон бўлмоқ, бу машғулотни ҳазм қиломай қолиш, турмушни янги изга солишга уринишга олиб келади.

Жондан кечмоқ. Жон чекмоқ – жон кечмоқнинг айни маъно дошидир. Жонидан кечмоқ ўзини, жонини, борлигини бахшида қилмоқ, бағишлиамоқ демак. Фидойилик, жондан кечмасдан, Ватан тараққиётига, миллий мустақилликка, ёруғ истиқболга эришиш мумкин эмас. Жондан кечмоқ – ихтиёрий – маълум шахс томонидан адо этилиши, бунинг акси ўлароқ, рақиб куч томонидан, мажбуран, ихтилоф туфайли содир бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам бу фидойилик, қатъият, миллатпарварлик, ватанпарварлиқдир.

58

Жони кирди. Аслида жон чиқиб кетса, қайтиб танага кирмайди. Ўлган қайтиб тирилмайди. Жони кирди деганда, ўзбек бирор иш, воқеа-ҳодиса, кўмак бир кишига жуда қўл келди, унга ўта маъқул бўлди, айни ўрнига тушди, кўнгилдагидай бўлди каби маъноларни кўзда тутади. Жони кирмоқ – манфаат топмоқ, куттанидан ҳам аъло даражада лаззатланмоқ мазмунидадир. Шифокорлар юраги уришдан тўхтаётган беморни қайта дунёга келтиришганида бу ибора ишлатилиши ҳам мумкин. «Ичига иссиқ кирган» кексага, совуқдан музлаб-қотиб қолган кишига олов худди шундай «жон киргизиши» мумкин.

Жоним тасаддуқ. Жоним садقا, жоним садақа, жоним айлансин, жоним фидо, ўргулай ибораларининг муқобили. Ўта яқин муносабат, садоқат, сидқидиллик, ўзни бағишлиов, жонни тикиш ифодаси. Ушбу ибора аслида жонни, ҳақ йўлига тикиш маъносини ташийди. Ошиqlар яратганга, унинг висолига жонини тикишга

тайёрлиги маъносида шу иборани ишлатадилар. Кўчма маъносига: ошиқ-маъшуқлар бир-бирларига жон фидо қилиш, бағишлиш мазмунида ушбу иборани қўлладилар.

Жонини жабборга бермоқ. Илоҳий маънода юқоридаги «жоним тасаддуқ» иборасининг муқобили. Жонини тикмоқ, жон койитиб, куйдириб, сидқидилдан, вижданан меҳнат қилмоқ, фаолият кўрсатмоқ, эътиқод, қатъият билдиримоқ, сифиниш. Жонини жабборга бериш — киши ўз жонини жаббор — худо, ҳақ йўлига тикиши, бағишилашидир. Совет даврида лоқайдлик, эътиқодсизлик, худосизлик авж олганда, мақол-иборанинг маъноси, унга муносабат ўзгарди. «Намунча жонингни жабборга бермасанг: нима, ҳайкал қўйишармиди», деган ақида шундан пайдо бўлган. Лоқайдлик, ўзибўларчилик, ўз тақдирини ўзгалар ихтиёрига ташлаб қўйиш, қарамалик, боқимандалик, қуллик кайфияти — миллий инқироз бўлиб, давлат, ҳалқ тараққиётiga зиддир.

Жоним-отим. Жонфидолик, сидқидиллик, ихлос, зўр ишонч, эътиқод рамзи. Кексалар ёшларга насиҳат қилиб, йўл кўрсатганда, «бир иш қилсанг, сидқидилдан, жоним-отимлаб қил, қўл учида, хўжа кўрсинга, элкўрарга қилмагин», дейди. Жоним-отимлик — яхши тарбия кўрганлик, муайян иш, шахсга нисбатан ихлос ва садоқат тимсолидир.

57

Жонини тикмоқ. Ибора келиб чиқиши жиҳатидан қиморбозлик атамаси. Қимор ишқибозлари қуръага пули, моли, хотини, сўнг жонини тиккан. Жон тикмоқ — Ватан, оила шаън-шавкати, номус йўлида бўлиши мумкин. Жонини тикмоқ — асл маъносида юқоридагидай ҳақ йўлида, ҳар қандай қаршилик, мушкулга жон тикиш, ўзини бағишилов. Жонини тикмоқ — бирор ғоя, мафкурага қаттиқ берилиш, унга умри, ҳаётини бағишиш, уни ҳимоя қилиш йўлида ўз жонини гаровга қўйиш маъноларини ташийди.

Жонини ҳовучламоқ. Образли — хаёлий ибора. Жонни ушлаб-ҳовучлаб бўлмайди. Бироқ бирор нарсадан чўчиш, ҳадиксираш, қўрқиш, хавотирланиш, иккиланишга ҳалқимиз, жабрдийдага нисбатан «жонини ҳовучлаб ўтирибди» иборасини ишлатади. Жонини ҳовучламоқ — дардли, оғриқли жой — аъзони кафтда, ҳовучда қуршамоқ, оғриқдан азоб чекиш, уни даволамоқ, муолажа қилмоққа умидворлик. Рақиб ҳужуми, даф қилишидан ҳимоя.

Жони чиқмоқ. Оламдан кўз юмиш, сўнгги нафасни олиш, тириклик билан видолашиш. Кўчма маънода: «жони чиқмоқ» — ғазабланиш, ёқтирмаслик, жини сўймаслик, нафрати қўзиш атама ва иборалари муқобили.

Жон қулоғи билан. Ўта эътибор, ихлос билан тинглаш, қулоқ осиш, қулоқ солиш, қулоқ бериш. Жон қулоғи билан тинглаш – бутун вужудни қулоққа айлантириб тинглаш, эътибор бериш, диққатни қаратиш, сафарбар қилиш, жамлаш.

Жон ҳолатда. Образли ибора. Жон ҳолат – мажхул ҳолат. Кўчма маъно ташыйди. «Жон ҳолатда» деганда, ҳалқ ваҳима ичида, жон-жаҳди билан, дафъатан, кутилмагандан, ўлганининг кунидан қилинган хатти-ҳаракатни кўзда тутади. Асл маъносида ҳаётдан кўз юмаётган инсон талвасасида, сўнгги нафасда ўзини ўёқ-буёққа ташлаши, ҳаётдан кўнгил узолмаслиги, бола-чақа дийдори илинжида ажал билан курашиши, жон таслим қиласлигига айтилади.

Жонини койитмоқ. Жон куйдирмоқ, жонни жонга суқмоқ, жон фидо қилмоқ, жонини баҳшида қилмоқ, каби иборалар муқобили. Жонини койитмоқ – ширин жонни қийнамоқ, ўз оиласи, жамият манфаати йўлида, оғир, мушкул бўлса-да, ишга солмоқдир. Жон койитмади – файрат қилмади, лоқайд турди, кўмак бермади маъноларини англатади. Совет турмуш тарзидан бизга қўлни совук сувга урмаслик, жон койитмаслик, лоқайдлик, ўзи бўларчилик, бараварлик иллати мерос бўлиб қолди. «Менга тегмаган қозонда ахлат қайнасин», деган ақида билан ширин жонни қийнамаслик услуги ҳали ҳам сақланиб турибди. Янги авлод мана шу ички-руҳий душманни ҳайдаб чиқармаса, янги, илфор, тараққий топган жамият қуриши қийин.

Жони жасадига сифмаслик. Жон бирламчи бўлса-да тана ичида. Қалб бирламчи бўлса-да, қиёфа қуршовида тирик, ҳаётдир. Ўзбек «жони жасадига сифмайдиган одам» деганда, файрат-шижоати баланд, ўқтам, меҳнат қилиб чарчамайдиган, ўзидан, ҳалққа хизматидан қониқмайдиган, Ватан кори хайрига, яхши-ёмон кунига ярайдиган жувонмард инсонларни кўзда тутади. Бундай одамлар мустақил давлат, миллий истиқдол такомили йўлида хизмат қилиб, ҳаргиз толмайдилар, ўзларидан қониқмайдилар. Лозим бўлса, бу йўлда жонларини фидо қилишга тайёр турадилар.

Жонидан ўтмоқ. Пичоқ бориб суюкка етмоқ, жони оғримоқ иборалари унинг муқобили. «Жонидан ўтди» деганда, сабр косаси тўлди, чидам-бардоши тутади, энди буёғига чидашининг иложи йўқ, маъноси англашилади. Жонидан ўтиш, жонидан кечишнинг иккинчи, кўчма маъносида ҳукмдор айбдорни авф этди, жонига қасд қилиш, ҳаётдан маҳрум қилишдан воз кечди, мазмуни ҳам

бор. Бу ўринда «бир қошиқ қонидан кечди» ибораси муқобил бўла олади.

Жонидан тўймоқ. Безорижон бўлмоқ-безор бўлмоқ, ўлимига рози бўлиш, ўз умрига зомин бўлишга тайёргарлик маъноларини ташийди. Ҳеч ким, ҳеч қачон ихтиёрий равища жонидан тўймайди, кечмайди, ўз ўлимига ўзи рози бўлмайди. Бу мажбурий, зўравонлик, адолатсизлик ҳодисасидир. Жондан тўйиш ҳукуқ-сизлик, эрксизлик, қарамлик, мустамлакачилик дамларида қўпроқ содир бўлади. Совет даврида ўзига ўт қўйган қиз-жувонлар, партбюро қароридан кейин жонига қасд қилган кишилар сони кўп бўлган. Адолатсизлик шунга мажбур қилган.

Жони ачимоқ. Ичи ачимоқ, ичи куймоқ, қайгуриш, жон куйдириш ибораларининг муқобили. Халқ «жони ачиди» деганда, бироннинг қайфусига иккинчи бир одам қайфурди, кулфатига шерик бўлди мазмунини кўзда тутади. Жони ачимоқ – яқинга, фарзандга, қариндош-урукқа, оила, жамоа, Ватанга нисбатан ҳамдардлик, хайриҳоҳлик, меҳр-оқибат туйғуларида бўлишдир.

Жоним-жонимлаб, жонингни олади. Ўзбек бундай одамларни мулойим хунук дейди. Ундайлар ёмон, қўпол тапиришмайди. Силлиқ, маданий муомалада бўлишади. Бироқ самимиятдан йироқ, сохта гаплари, заҳил юзлари, заҳарли, илмоқли сўзлари билан ростданам жонингизни олишади. Миннатсиз, тамасиз бирор иш қилишмайди. Халқ бундай одамлардан қочади, четлаб ўтади. Жамоада, маҳалла-кўйда, заҳар, сассиқ, яккамохов лақабларини беради...

59

Жонига пул олмоқ. Жонини тикмоқ, жонини гаровга қўймоқ ибораларининг айни муқобили. Қимор учун жонини гаровга қўйиш. Кўчма маънода жонига пул олган – жонини бирор ваъда, буюм, бойлиқ эвазига сотмоқ, тикмоқ. Кексалар уддасидан чиқиш қийин бўлган ишга бел боғлаган ёшларга «қўй бу ишингни, нима, жонингга пул олдингми, бўладиган ишнинг бошини тут» деб танбех беришади.

Жон куйдирмасанг – жонона қайдা. Тоққа чиқмасанг – лўлана қайдা, хотин олмасанг – қайнона қайдা иборалари билан маъноси тўлдирилади. Мехнатни, кўзда тугилган ишни сидқидилдан, жоним-отимлаб, бажаришга даъват. Ҳақиқатан ҳам, қўл учиди иш қилиш билан мақсадга етишиш амримаҳол. Жон куйдирмасанг, жондан кечмасанг жонона висолига етишиш мушкул. Ибора табиатида ҳазил-мутойиба, ишқибозлик кайфият-оҳанглари мужассам.

Одамнинг боши тегирмоннинг тоши, дейди ҳалқ. Инсон бошидан не кунларни кечирмайди, дейсиз. Дунёда энг метин бардошли ҳам, кўнгли гулдек нозик ҳам инсон деб таъриф қилишади. Бош мавзуз чексиз-чегарасиз. Инсонга бағишланган ҳар қандай таърифу тавсифни унинг бошига нисбатан қўлмайверишингиз мумкин.

Бошинг тошдан бўлсин. Умринг узун бўлсин, бошингга тушган мушкуллар тумандек тарқаб кетсин, бошинг тоғдек, харсангдек бу савдоларнинг барчасига чидаш, бардош берсин, дегани бу. Бошинг тошдан бўлсин, ибораси қарғиши ибораларга қарама-қарши ўлароқ олқаш ибораси бўлиб, кекса бобо-буви, ота-онанинг ёшларга, фарзандларга яхши ниятидир.

Бошга тушганни кўз кўрар. Юқоридаги иборада айтилганидек, инсоннинг мураккаб ҳаёт йўлида унинг бошига кўп ишлар, ташвишлар, мушкуллар тушади. Буларнинг барчасини енгиб ўтиш учун бош тошдек, метиндек бардошга тўла бўлиши керак. Бошга тушганни эса кўз кўради, қалбинг ўртанади, жонинг қийналади, енгиб ўгишга мажбурсан.

Бошка маъноси бошга тушган зарбанинг дардини кўз чекади, йиғлаб-сиқтайди. Яна бири бировнинг бошига тушган ғам-ташвишни унинг энг яқин аъзоси – кўз кўради, оиласи, хотин, бола-чақаси тортади, ота-онаси баҳам кўради, деган гапдир. Тағин бир мазмуни – «қўрқиб-чўчиб ўтирасанми, таваккал қил, буёғи худо пошишо», «бошга тушганни кўз кўрар» қабилида бўлиб, одамнинг иккиланган, изтиробга тушган ҳолатларида бир ечим, холосага келиши қайдидир. *Муқобили:* «пешонангга ёзилганини кўрасан», «худо ёр бўлсин».

Бош омон бўлса – дўппи топилади. Ҳақиқатан ҳам, бош лаҳадда кирганда дўппининг кераги йўқ. Дўппи кийиш учун бошнинг омон, бор бўлиши шарт. Кўчма маънолари: «ташвишланма, жафо чекма, бу гал олдирган, ютқазган бўлсанг, янаги гал омадинг чопиб, оласан, ютасан, севган ишингдан, борингки, жонажон рўзгорингдан ажралдинг, надомат чекма, дадил бўл, фариб бошинг соғ-омон бўлса, дўппи топилиб ишли, рўзгор-оилали ҳам бўласан». Таваккал шаҳд, жаҳд маънолари ҳам бор. *Муқобили:* «пул бўлса, чангалда шўрва».

Бош олиб кетди. Бош ҳамиша инсон ҳамроҳи. Барча аъзолар каби ҳамиша ўзингиз билан бирга олиб юрасиз. Бирор кийим-бош сингари уни ечиб, қолдириб кетолмайсиз. Жангу жадалларда рақиблар бир-бирларининг бошларини кесишиб, пошишларнинг олтин табоқларига қўйганлар. «Бош олиб кетди»нинг асосий кўчма маъноси бир одамнинг бирор воқеа, гап, номусни буқадиган ҳодиса туфайли уйдан, қишлоқдан, яшаш манзилидан бош олиб, бошқа, киши билмас жойларга кетиб қолиши хабаридир.

Тагин бир маъноси ҳеч қандай мол-мулк, кийим-кечак, нарса-буюмсиз, бош олиб чиқиб кетганиликнинг дараги. Хафагарчилик, азоб, фожиа, изтироблар тасвири. *Муқобили:* «қўл силтаб чиқиб кетди», «қўлинин ювиб, қўлтирига артиб кетди», «елкамни чукури кўрсин, деб кетди».

Бош бўлди. Бош – тананинг тепаси. Ҳар ишга бош бўлиш, унга раҳбарлик, раҳнамолик қилишдир. Ҳалқ бош бўлди, деганда, бирор тўй, маърака, тадбирга, иш-фаолиятга бир шахснинг раҳбарлик қилганини кўзда тутади. Минг ишчига бир бошчи дегандай, жамоага, хўжаликка, оиласга албатта бир бошчи, раҳбар, кайвони бўлиши шартдир.

Ҳалқда бирор кўз, бирор қош, деган гап бор. Яқинлар, қавм-қариндош, дўст-оғайнинга нисбатан шундай дейилади. Бирор бош бўлди, дегани эса йўл бошлади, тепага чиқди, бошчилик қилди, раҳбар бўлди каби маъноларни беради.

Бош қўшди. Муайян иш, тадбирга бирор қўшилиб, хайриҳоҳлик қилади. Бошқа киши эса йўқ. Шу ҳолатларда ижобий йўриқ тутган шахсни ҳалқ қувватлаб, бош қўшди, дейди. Бироқ ёмон ишлар, турли жиноий тўдалар, ёмонликларга ҳам бирор билиб-билим аралашиб қолиши мумкин. Бу ўринда «бош қўшди» ибораси салбий, танқид оҳангидга айтилади.

Бош қўшмоқ-сафга кирмоқ, ҳамдардлик қилмоқ, юкнинг бир қисмини ўз зиммасига олмоқдир. Қишлоқда подага мол қўшган одамни ҳам бош (4 бош, 5 бош) қўшди дейилади. Бу ўринда мол-мулкнинг сони назарда тутилади.

Бошидан ўтганнинг қошидан ўтма. Бу иборанинг маъноси чукур, сермазмундир. Бирор ҳәётида кўп машаққатлар чекади, турли азоб-уқубатларга юзма-юз келади. Ноҳақ тухмат, бевақт ўлим, турли фожиалар уни эзиб, букиб қўяди. Бундай одамларни ҳалқ «бошидан кўп савдоларни кечирган, бошидан ўтган аччиқ тажрибали одам» дейди.

Иборанинг иккинчи қисми – қошидан ўтма, дейилгани – билиб-билимай бундай одамнинг кўнглини оғритма, қалбига озор берма, ёнидан, яқинидан ўтганингда ва ҳар бир муомалангда ҳам эҳтиёт бўйл, дея таъкидлашнинг тасвиридир. «Бошидан ўтган одам» келажак истиқболни ҳам яхши тушунади, у донишманд, пайғамбарсифат одам, қошидан ўтишда мана шуни ҳисобга ол, ҳурматини билиб, зиёрат қил, маънолари мужассам...

Бошини қашлади. Бош қичиса киши уни қашлайди. Кўчма маъносида бирор муаммо олдида лол, ожиз қолганда киши бошини қашлайди. Талаба имтиҳонда, бола отанинг ҳақди сўроқлари олдида бош эгиб, уни қашлаб турари гўёки зарур фикрни топиб, ўйлаб, жавоб қиласидигандай...

Боши қотди. Бош совқотиши, тик қотиши табиий. «Боши қотди» иборасининг маъноси инсон бирор муаммо олдида маълум хulosса, ечимга келолмай иккиланиб, ўйланиб қолиши. Атайлаб бош қотириш, чуқур, атрофлича ўйлаш учун яратилган ижодий ишлар бош қотириш дейилади. «Боши қотди» иборасида салбий, ижобий оҳанг йўқ. У мажхулдир.

62

Боши айланди. Баланддан пастта қарасангиз, қарама-қарши юриб бораётган поезд вагонлари орасида турсангиз, бошингиз айланади. Оқар сувга узоқ тикилиш ҳам шундай ҳолга олиб келиши мумкин. «Боши айланди»нинг кўчма маъноси кўп: 1. Муаммога ақди етмай, боши айланниб қолди. 2. Севги, муҳаббат бошини айлантириб ташлади. 3. Кутимаган катта амал ҳаволантириб, бошини айлантириб қўйди. 4. Очлик киши бошини айлантиради. 5. Кўғирчоқнинг бошини айлантириб қўйишингиз мумкин.

Бошини бойлади. Рўмол, мато билан бошини бойлаш. Кўчма маъноси: нон синдириб, унаштириб, йигитнинг, қизнинг бошини (тўйгача) бойлаб қўйиш. Бошини бойлаш – ўйликнинг танглайнини боғлаш маъносида ҳам тушунилиши мумкин. Сувнинг қулоғидан қайриб, бошини бойлаш ҳам бор. Бир ишнинг олдини олиш, зудлик билан ҳаракат қилиш. Салбий ва ижобий маъноларда қўлланилади.

Бошини иккита қилди. Ўз маъноси йўқ. Кўчмаси: ўйлантириб, бошини иккита, оёғини тўртта қилмоқ. Ола ҳуржунни (рўзғор) елкага ташламоқ. Халқда икки ёшни никоҳлаб, бир ёстиққа бош қўйдириш «бошини иккита қилиш» ибораси билан таърифланади.

Бошидан қолсин. Қарғиш ибора. Бирор ёмон кўрган одамнинг нарсасини олмоқчилигингизни айтсангиз, онангиз, турмуш ўртоғингиз, қизингиз «йўқотинг-е, бошидан қолсин», дейиши

мумкин. «Бу нокас одам билан алоқа қилиб нима қиласиз. Оч қорним, тинч қулогим, беғалва ўтирайлик. Ўз бошингизга ўзингиз ташниш сотиб олмәнг», дейишади. «Бошидан қолсин, у ярамас одам улсин-у шу (мазкур) нарсаси, матоҳи бошидан (ундан) қолсин», деган ёмон ният маъноси ҳам бор.

Боши осмонда. Одамнинг боши танасининг тепасида бўлиши аён.

Гўдак бола учун новча одамнинг боши осмонда бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Бироқ «боши осмонда» иборасининг кўчма маъноси талай: бирор ютуқ, хурсандчилик, муваффақиятдан қувониб, хурсанд юрган кишининг боши осмонда бўлади. Институтта кирган талаба шодлигидан дўпписини осмонга отиши мумкин. Севгилисдининг васлига етишган ошиқнинг «боши ҳам осмонга етади».

Лотореясига машина ютган одам ўша куни еттинчи осмонда учиб юради. «Боши осмонда» иборасини баъзан, «намунча босартусарини билмай қопти, боши осмонда-ку», деган маънода ҳам эшишиб қоласиз. Бу энди боягидай ижобий маънодаги «боши осмонда»дан кескин фарқ қилади. Кесатик, киноя, нафратга йўғрилган оҳанги бор.

Бошини кўтаролмай қолди. Қаттиқ бетоб бўлган одам бошини кўтаролмайди. Иборанинг кўчма маъносида бирор шахс, ноҳосдан ғайриахлоқий иш қилиб қўйса, берган ваъдасининг устидан чиқолмаса, даъфатан хижолатга тушса, бошини кўтаролмай қолади. Сабаби шеригининг, ўзга одамнинг кўзига тик қарашга уялади, истиҳола қилади.

Ўз қилмишидан ич-этини ейди, пушаймон бўлади. Бошини кўтаролмай қолиш салбий ҳолатнинг натижаси, якуни бўлса-да, ҳарқалай, ҳали ўша одамнинг ўз виждонини бутунлай ютиб юбормаганлигидан дарак беради. Билъакс, шундай шахслар бўладики, қўша-қўша, қат-қат ғайриахлоқий, ғайриинсоний жиноий ишлар қилишади, бироқ ўзларини бундан заррача айбдор, хижолатли сезишмайди. Ер чизиб, бошларини кўтаролмай қолишмайди. Ана шундайлардан худо асрасин: Уларнинг виждони, имони, худоси йўқ. Муқобили: «ер чизиб қолди», «бошини ҳам қилди», «бошини эгиб қолди».

Бошини баланд кўтарди. Кеккайганга кеккайгин, бошинг кўкка етгунча, эгилганга эгилгин, бошинг ерга теккунча, дейди халқимиз. Бошини баланд кўтариш асл маъносидан ташқари яна икки маънода ишлатилади. Ўзининг ҳақлиги,adolatпешалиги, тўғрилиги туфайли эл-халқ орасида бошини баланд кўтариб юришга ҳақли

киши. Аммо шундай одамлар ҳам бўладики, турган-биттани ифбо, бўйтон, ғаламислик, ўзгаларни кўролмаслиқдан иборат, кўкси тўла заҳар, бироқ эл кўзида намойишкорона кеккайиб юради.

Демак, бошини баланд кўтариб юриш ҳамиша ҳам ҳақлик, адолат белгиси бўлавермас экан. Одамнинг баҳосини бериш, унинг савобу гуноҳларини ўлчаб, мукофоту жазосини бериш ёлғиз яратганинг ишидир. *Муқобили:* «бошини роз тутди», «дўпписи осмонда», «боши осмонда».

Боши қўшилмади. Қирқ йил бир қозонда қайнатсанг ҳам қони қўшилмайди, деган гап бор. Шунга ўхшаш феъли-хуйи бир-бирига зид бўлган одамларни ҳар қандай қулай шароитда ҳам боши қўшилмайди. Бамисоли ўт билан сувдек бири-бирига қарама-қаршилигича қолаверади. *Муқобили:* «қони қўшилмади», «мижози тўғри келмади».

Бошига савдо тушди. Инсоннинг боши – тегирмоннинг тоши. Қўй бир тери ичида неча бор семириб, неча бор озади. Одамнинг бошидан не кунлар кечмайди. Бошига савдо тушди, деганда, бирор инсофли, диёнатли кишининг омади кетиб, бирор фожиага йўли-киши, тухматга қолиши, жиноятчига чиқиб қолиши ва ҳоказо ҳолатлар тушунилади. «Бошига савдо тушди» иборасида жабрдийдага ачиниш, унга ҳамдардлик туйфуси сезилиб туради. «Бошига савдо тушди»нинг яна бир маъноси бир одам, буюм, нарсага қаттиқ қизиқиб қолди, ошиқи шайдо бўлди, деган мазмунни ҳам ташийди. *Муқобили:* «савдойи бўлди», «савдоси ошди», «савдоси зўриқди».

Бошига етди. Ўз маъноси – эгатнинг, кўччанинг, сувнинг бошига етиш. Кўчма маъноси бирор одамнинг ўлимига сабабчи бўлиш. Бошқа бирорни йўлдан оздириш, ёмон кўчага киритиб юбориши. Қозонга яқин юрсанг қораси юқади, дейди халқ. Ёмонга ёндашавериш ахийри бир кун яхшининг бошига етиши тайин. Шунинг учун халқ бу иборани ишлатади. *Муқобили:* «бошини еди».

Боши охурда. Молхонадаги охурларга ем ташлаганда сигир-бузок, қўй-қўзи, от-туя ва ҳоказолар бўйинларини чўзиб, ем емоқ билан машғул бўладилар. Бундай пайтда улар ёнига бошқа уй ҳайвонлари ҳайдаб кирилса, эринибгина қараб қўйиб, тағин ёқимли машғулотларини давом эттирадилар. Мана шу кўринишни одамлар ҳам ўз ҳаётларига қиёс қилиб, образли гап билан, ўз иш ўринларида сидқидилдан хизмат (ижодий, илмий, таҳририй) вазифаларини бажариб турган ходимларга нисбатан бошлиқлар, «ҳамманинг боши охурда-ку», дея ҳазил қиласидилар.

Бошга бало бўлди. Бошнинг маъноси маълум. «Бало» мажхул атама бўлиб, ташвиш, оғриқ, ғашни келтирувчи, ёқимсиз тушунчаларига яқин келади. Бироннинг хуноби ортиб, хафа бўлиб турганда нима бўлди, деб сўрасангиз «бало бўлди, дард бўлди», деган жавобни эшитасиз. «Бало» «расво» сўзининг муқобили бўлиб ҳам келади. «Бошга бало бўлди»нинг мазмуни бир ишни ўйламай қилдиму, катта ташвиш ортириб олдим, энди ундан қутулишим мушкул, деган гапдир.

«Бало» сўзи ижобий маънода ҳам келади. Баъзиларнинг ҳеч кутмагандা уддабуронлик билан ишбилармонлик қилишидан ҳайратланиб кузатиб турганлар «бало-ку» дейишади. Бу мақтов сўзни зехни ўткир ёшлиар, болаларга нисбатан ҳам ишлатилади. *Муқобили:* «бош оғриғи», «жонимга тегди», «бошимга бало орттирдим».

Бош-кўздан садақа. Илгари замонда ҳар бир касб-хунарнинг ўз қавмлари, сулолалари бўларди. Шулар орасида маддоҳлар ҳам бозор-ўчар, маҳалла-кўй, қишлоғу шаҳарларда кезиб, ахлоқ-одоб, ҳадис намуналаридан қироат билан ёд ўқиб, кишиларни инсоф-диёнатга, охиратни ўйлашга чақирадилар. Айнан шу суюк сурувчи, қонуний маддоҳларга одамлар сидқидилдан хайр-садақа берар, уларнинг дуоларини олиб, ўз кўнгилларини хотиржам қиласар эдилар. Хайр-садақа асосан нон бўлиб, битта ёки яричга нон пешона, қош-кўзга суртилиб, маддоҳга узатилар, бу билан «бошу кўзимдан, болачақамдан, уй-жойимдан, мол-ҳолимдан Сизга садақа, хайр» деган маъно англашиларди. Гадой ҳам худди шундай нонни юз-кўзига суртиб қабул қилгач, дуои жонингизни қилиб, фотихага қўл очарди.

Хозирги кунда ҳам хайрия, садақа кўринишлари кўпайиб кетди. Аммо одамлар садақа-хайрга маънавий, моддий ҳаққи, эҳтиёжи бўлмаган, тайини йўқ кимсалар, гадолар, дайдиларни ноўрин сийламоқдалар. Уларга нон эмас, пул, мол, турли кийим-кечагу хайриялар бериб рағбатлантирумокдалар. Хайр-садақанинг ўз эгаси бўлади. Худойини ейдиган бор, емайдиган бор. Ўзига тўққа худойи бериш гуноҳи азимдир. Садақа инсон учун вожиб, фақат уни маънавий, ахлоқий ҳақ-хукуққа эга, художўй, тақводор кишиларга берган маъқул.

Бошига баҳт қуши қўнди. Машойихларнинг нақл қилишларича, йигит кишининг бошига умри давомида уч марта баҳт (давлат) қуши қўнтар экан. Бироқ жувонмард буни сезиши, хис қилиш ёинки мутлақо сезмай-бilmай қолиши мумкин. Бошга қўнган баҳт қушини тутиб, ундан фойдаланиб қолган йигит асл, бир умрлик

турмуш ҳамроҳи, кетмас давлат, қобил фарзандлару, юксак маргабаларга молик бўлар эмиш.

Бу уч галги «қўниш»нинг ҳеч бўлмаса биттаси йигитга вафо қилиб, унга буюрар экан. Гап фақат бу илоҳий ҳимматни, ярқираган толени тутиб қолиб, қўлдан чиқармаслиқда. Ҳалқ «бошига баҳт қуши қўнди», деганда ана шу нақдни кўзда тутади. **Муқобили:** «давлат қуши қўнди», «баҳти чопди», «омади келди», «толеи қулди».

Бошини деворга урди. Ибора ўз маъносида: руҳий азият чекиб, ўзини бошқара олмаган одам шундай қилади. Душман рақиб бошини деворга уриши мумкин. Одатда, оғир йўқотиш, яқин кишисидан айрилиш ҳолатларида одамлар бошларини деворга уриб йиглайдилар, худодан зорланадилар. «Бошини деворга уриш»нинг кўчма маъноси қилган ишидан пушаймон бўлди, афсус чекди, тавба-тазарру қилди, мазмунини беради.

Бошини ҳам қилди. Киши бошини эгади, қўл қовуштиради, одамларнинг иззат-хурматини қилади. Бироқ бирор ноҳуш воқеа-ҳодиса киши бошини ҳам қилиб, юзини ерга қаратиб қўйиши мумкин. Ўғил-қизнинг ўзидан тинмагани, ҳаёт ҳамроҳининг ғайриахлоқий ишларга бош қўшиши эркак кишининг бошини ҳам қилади. Бошини ҳам қилмоқ, оғир изтироб, тушкунлик, руҳан чўкиш натижасидир.

Ҳалқимиз яхши ният қилиб, ҳар кимнинг пешонасига берсин, дейди. Қўлдан берганга қуш тўймас, деган гап бор. Шунинг учун ҳам ўзбекки бор, ҳаммага бирдай рўшнолик, омаг ва толе тилаиди. Кўпга берсин, кўпнинг қаторида менинг оиласи-у бола-чақамга ҳам берсин, дейди. Бирордан бирорни кам қилмасин, одамни одамга сарғайтирасин, қаторда хато бўлмасин, дегя яхши ният қиласди. Ҳалқимизнинг байнамилалиги, кўпнинг ташвишини қилган, одамзотга баҳт-иқбол тилаган улуғ ва покиза табиатли қавм эканлигига далил бу. Пешона, тақдиди азал, тақдиди илоҳий ҳаммага ва айни пайтга ҳар бир алоҳига инсонга тааллуқли, даҳлдордир. Пешона, манглай билан демакки, инсоннинг тақдиди аъмоли билан боғлиқ иборалар мағзини чақишига ҳам уриниб кўрайлик-чи.

Пешонасига ёзилган. Ҳар бир инсоннинг бош суюги пешонасида чаноқ улого – чизиклар бўлади. Бу чизик илоҳиётда, ҳаётда инсон тақдиди-аъмоли билан боғланади. Иборанинг кўчма маъноси, киши

бирор оқибати номаълум ишга қўл урса, катталар унга, дадил бўй, пешонангга ёзилганини кўрасан, деб далда берадилар.

Одамнинг пешонасига унинг қилмишларига яраша яхшилик, ёмонлик – азоб-уқубат ёзилган бўлади. Бироннинг бошига мушкул савдо тушса, оғир фожиа юз берса, кексалар орқаворотдан, «нимада ҳам қиссин бояқиши, пешонасига ёзилгани шу экан-да», деб ўзларига таскин берадилар. «Пешонасига ёзилган» ибораси омадсизлик, қайфу, мағлублик ҳолатларига нисбатан қўлланилади.

Пешонасига битган. Пешонасига ёзилган иборасига яқин маънода.

Бироқ айни муқобили эмас. Пешонасига битган, дейилганда эрхотин, фарзанд, яқин қариндош, демак, асосан инсон кўзда тутилади. Гап одам ҳақида боради.

Фарзанд ҳақида яхши-ёмон гап бўлиб турганда яхшими, ёмонми, шу бола пешонамизга битган экан, дея ўзларини юпатишади. Баъзан ҳовли-жой, машина, бойлик, давлат, амал ҳақида ҳам бу ибора ишлатилиб қолинади. Омад, баҳт-саодат, толе, порлоқ истиқбол тўғрисида гап кетганда ҳам бу иборани қўллашади.

Пешонаси шўр (Шўрпешона). Одам берилиб меҳнат қиласа, кетмон чопса, пешона терлайди. Тер оқиб кўзга тушса, уни ачиштиради. Оғзингизга кирса, тернинг таъми шўрлигини ҳис қиласиз. Пешонанинг тери шўр. Пешонанинг ўзи шўрлигига баришланган бу ибора баҳтсизлик, омадсизлик, толесизлик маъноларини билдиради. Иши юришмай, тескари кетган, омадсиз, фоже тақдирли одамга нисбатан «пешонаси шўр» ибораси ишлатилади. Иборада инсонга ачиниш, муруват, ҳамдардлик, хайриҳоҳлик мазмуни мужассам. «Шўрпешона» атамаси бу иборанинг айни муқобилидир.

Пешонаси ярқироқ. Тепакал одамларнинг пешонаси ярқироқ бўлади. Тук, соч бўлмаганидан сүякка ёпишган тери силлиқ, ярқирағ туради. Кўчма маънода «пешонаси ярқироқ» деганда, омадли, келажаги порлоқ, истиқболга, баҳт-саодатга ёр бўлгувчи одам кўзда тутилади.

Кўпинча қобилияти, истеъдодли ёшлар тўғрисида халқ, «кўз тегмасин, шу болам йўлдан озмай, уринмай-суринмай камол топса, бунинг пешонаси ярқироқ», дейди. *Муқобили:* «омади чопган», «толеи кулган», «келажаги порлоқ».

Кўз бўлмаса пешона балони кўрсинми?! Дарҳақиқат, кўз бўлмаса, пешонанинг ўзи ҳеч нимани кўролмайди. Халқ шу гапни тасдиқлаш учунгина бу иборани яратмаган. Одатда, ушбу ибора киноя, истехзо, аччиқ-тизик, норозилик оҳангларида қўлланилади.

Кўра-била туриб, олдиндан огоҳлантирилганингиз ҳолда бошингизни бирор тўсиққа уриб олсангиз, қўлингиздаги чинни идишни сабабсиз тушириб синдирангиз, қўпол ҳаракат билан бирорни дафъатан туртиб юборсангиз ва ҳоказо ҳолатларда шу киноявий иборани ишлатадилар. Баъзан бу ибора ҳазил-мутойиба, кулги-юмор маъноларида ҳам қўлланилади. *Муқобили:* «кўзми, пўстакнинг йиртиғи?».

Пешонасига шапатилаб қолди. Пешонангизга хира паشا қўниб безовта қиласверса, унга шапатилайсиз. Кўчма маънода пешонага шапатилаш аттанг, афсус қилиш, пушаймон бўлиш мазмунини беради. Кутимаган бир воқеа содир бўлса-ю, Сиз шундай бўлиши эҳтимолини билганингиз ҳолда муайян чора-тадбир кўриб қўймаган бўлсангиз, надомат чекиб, пешонангизга шапатилайсиз. «Эҳ, пишмаган хом калла, пешонам қурсин, эсини еб қўйган одамман», дея ўзингизни ўзингиз койийсиз.

Пешонага шапатилаш шайтон йифиси тарзида ҳам бўлиши мумкин. Баъзи бир аёллар лўлиллик билан ўзларини хонавайрон бўлган қилиб кўрсатиб, пешоналарига шапатилаб, дод-вой соладилар. Афсус-надомат чеккан, пушаймон бўлган, тавба-тазарру қилган кишидай эчки қасами билан онт ҳам ичадилар. Ибора «пушаймон қилди», «тирсагини тишламоқчи бўлди, оғзи етмади» каби муқобилларига эга.

68

Пешонам қурсин. Ибора фақат кўчма маънода қўлланилади. Бошига кўп мушкул иш тушадиган, омадсиз, бечора кишилар, одатда, «пешонам қурсин, ўзи пешонам шўр менинг», деб афсус-надомат чекадилар. «Пешонага шапатилаш»га муқобил бўла олади. Ижобий, хайриҳоҳлик, ачиниш, ҳамдардлик мазмуни бор. «Пешонаси қурсин» муқобили ҳам кўп ишлатилади.

Қачон сендан пешонам терларкин? Пешона терлашининг сабаблари кўп. Мехнатдан, иссиқ овқатдан, хижолатдан, bemорлиқдан ва ҳоказолар. Қачон сендан пешонам терларкин, деган ибора-жумла мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида қўлланилади. Бунинг маъноси шундан иборат:

Буви ё бобо, ота- набира ё болага панд-насиҳат қилади, номақбул ишлари учун койиди, дашном беради. Сўнг шу иборани хulosаният сифатида ишлатади. Бу дегани қачон сен одам бўлиб, оила-рўзғор қиласану, мен сенинг рўзғорингдан рўшнолик кўриб, иссиқ овқатингни ичиб, пешонам терлаб, роҳатингни кўрарканман, деган яхши ниятдан иборатдир. *Муқобили:* «қачон хузур-ҳаловатингни

кўраман», «қачон роҳатингни кўраман», «сенинг уйланиб, бола-чақали бўлганингни кўриб ўлсам, армоним йўқ эди» ва бошқалар.

Пешонаси тиришди. Пешона тиришиб, ажинлашишига сабаб суюниш, куйиниш, ҳайратланиш, оғриқ, руҳий азоб-уқубат ва бошқалардан бўлиши мумкин. Кўчма маъносига «пешонаси тиришди»нинг мазмуни «боши қотди», «ўйланиб қолди», «суҳбатдошининг гапи, муомаласи ёқмади», «кайфияти бузилди» каби ифодаларни бериши мумкин. «Пешонаси тиришди» ибораси муаллифига нисбатан салбий муносабат оҳангидага айтилади. «Ёқтиргади», «хоҳиш билдиригади» маънолари ҳам бор.

Пешонаси ёруғ. Нур тушса, пешона ҳам ёруғлашади. Кўчма маънода ҳам шу. Бир одам ҳақида гап кетганда, бунинг «пешонаси шўр», бошқа бирори тўғрисида, мана бунинг «пешонаси ёруғ», деган фикрлар билдирилади. «Пешонаси ёруғ» деганда, бу одамнинг келажакда баҳтли-саодатли бўлиши учун, худо хоҳласа, барча омиллар мавжуд деб тушунилади.

Негаки, унда истеъдод бор, ҳаракатчанлик, изланиш кучли, моддий ва маънавий томондан ўзига тўқ, ақли бугун. Йўлдан озмай камол топса, истиқболи ёруғ бўлади. Кўп катта мартабаларга эришиди. Ватанга, халқга, жамиятга фойдаси тегади, деган мазмун ётади ушбу ибора замира. *Муқобили:* «пешонаси ярқираган», «толеи кулган», «омади юришган», «баҳти барқарор» ва ҳоказо.

Манглайи қора. «Пешонаси шўр»нинг муқобили. Хоразм, қорақалпоқ, туркман юртларида кўп қўлланилади. Баҳтсиз, омадсиз, толесиз одам мазмунини ҳам ташийди. «Манглайи қора» ибораси Хоразмда фаол қўлланиладиган иборалардан бири сифатида камбағал, бечора, шунчаки оддий бир одам маъноларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Ачиниш, ҳамдардлик, хайриҳоҳлик, баъзан ҳазил-мутойиба оҳангларида ҳам қўлланилади.

Пешонасига сифмади. Бирор буюм, идиш, халта, хум, кўзача, ҳатто кишининг қўли ҳовучига сифмаслиги мумкин. Тўғри маънода пешона идиш эмаски, унга бирор нарса сифса ё сифмаса. Кўчма маъносига «пешонасига сифмади» ибораси кўпинча энг яқин киши, жон-жигар, фарзанд маъноларида қўлланилиб, ажralиб қолиш, жудо бўлиш, худонинг кўп кўриши мазмунини ташийди.

Бу ўринда пешонадаги ёзуққа ишора бор. Ёзуқ инсон билан доимий ҳамроҳ. Ҳатто ундан давр ўтганда ҳам ёзуқ — чаноқ улоги қолади, буткул йўқолиб кетмайди, деган маъно кўзда тутилади. Пешонасига сифмаслик, шу ёзуққа сифмай, ундан тушиб қолиш, ажralиш,

узилиш маъносини ташийди. Одатда, кишилар жуда яқин одамларидан жудо бўлганларида шу ибора хайриҳоҳ одамлар томонидан қўлланилиб, жабрдийдага сабр-бардош тиланади, таскин берилади.

Пешонангдан кўр. «Пешонадан кўриш»нинг маъноси «толеингдан кўр», «омадинг билади», «пешонангга ёзилганини кўрасан» ибораларига ҳамоҳанг. «Пешонангда борини кўрасан» шаклидаги муқобили ҳам бор. Бу ҳам пешонадаги ўша ёзук, тақдири азал, тақдири илоҳийга ишорадир. Тақдири аъмолингдан кўр, таваккал қил, мазмуни бор. Гардкам, яъни чикка ё пикка, ё ютасан, ё ютқизасан, бу ёғи яратганинг иноятидан, деган мазмун ташийди.

Пешонамдан ўргилай. Пешона кўп ўринда тақдир, омад маъноларида ишлатилиб келинади. «Пешонамдан ўргилай» ибораси хурсанҷчилик, омад чопиши, толенинг кулиб боқиши, кутимлаганда катта ютуқ, муваффақиятга эришиб қолингандан айтилади. Айланиб-ўргилиш — меҳр-муҳаббат, садоқат, мурувват, ўзни бағишлиов ифодаларини бериб, «пешонадан ўргилиш» толенинг кулиб боққанидан ўта мамнунлик, хурсандчиликни ифодалайди.

Пешонасига берсин. Ҳар кимнинг пешонасига берсин, дейди ҳалқ. Бироннинг ризқини бирор бермайди, бироннинг бирини бошқаси икки қиломайди, пешонасига битгани, худонинг айтгани бўлади. «Мен қиласман жаҳду жадал, худо қилур аҳду азал», «ўзганинг давлатига ҳасад қилма, ҳавас қил, пешонангга битган бўлса, сен ундан ҳам мўл-кўлроқ, кетмас давлатта эга бўлишинг мумкин», дейишади ота-боболар. Бунда тақдири илоҳийга ишонч, умидворлик, садоқат билан бирга, ҳар кимнинг ўз ҳалол меҳнати, бунёдкорлиги, тинимсиз изланиши, ҳаракатда баракат борлиги кўзда тутилади.

Бироннинг баҳтини бирор яратолмайди. Айни вақтда бироннинг борини ўзга шахс йўқ қилиб юборолмайди, яратганинг кўзи ўнг бўлса, толеи ярқираб, яратганинг марҳаматига эришаверади, деган мазмун мужассам бунда. Ота-оналар, бобою бувилар, қўллари қисқалик қилиб фарзандларга сарпо-сурӯғ, рўзгор жихозларини таҳтлаб, ўрнига қўёлмасалар, ўзининг пешонасига берсин, биронники бирорга вафо қиласмиди, яратганинг ўзи марҳаматини аямасин, деб яхши ният қилганлар. Ибора яхши ният, ижобат, хайриҳоҳлик, дуохонлик, кайвонилик кайфият ва оҳангларини ифодалайди.

Пешонаси кенг. Ўзбекда, «қўчқор бўлар қўзининг пешонаси дўйнг

бўлур, оға бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур», деган мақол бор. Пешонанинг кенглиги миянинг тўлалигидан далолатdir. Мияси тўла одам ақлли, фаҳм-фаросатли, ишнинг кўзини билган бўлади. Даҳолар, файласуфлар, олиму фозил одамларнинг, одатда, пешоналари кенг бўлган. Пешонаси кенглик бағри кенглик, катта, хайрли ишларга бош-қош бўлиш, одамларнинг оғирини енгил қилиб, ҳожатини чиқариш кафолатини берган. Кенг пешона, фаришталик, истараси иссиқ каби атама ва бирикмалар унга муқобил бўла олади. Асосан ижобий, хайриҳоҳ, меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром, умидворлик, фахр-ифтихор оҳанглари мавжуд.

Пешонаси тор. Одатда, турли ҳайвон, жон-жониворларнинг ҳам қош ва соч ўртасидаги майдон – пешонаси жуда тор, энсиздир. Бундайлар ё жисмоний камчилиги, чалалиги ёинки ақдий ва жисмоний кам ривожланганлиги билан шу кўринишда бўладилар. Табиийки, бу тоифа кишиларда мия тамойилдагига нисбатан кам, демакки, ақл-фаросат ҳам шунга ярашадир.

Ривожланган мамлакатларда тоифалаб ўқитиш, ишлатиш, жамият вазифаларини тақсимлашда одамнинг бу сифатига алоҳида аҳамият берилади. Пешонаси торлик фикри заиф, ақди ноқислик, бир қайнови ичидаликдан далолатdir. Ибора-бирикманинг киноявий маънода, «қўндоқда теккан» муқобили бўла олади.

Ушбу мавзу юз сўзи, атамаси билан боғлиқ ибора, бирикмаларга бағишиланган. Юз – қалб кўзгуси. Кишининг юзига қараб фариштали-ёқимли, фариштасиз-ёқимсиз деб ажратишади. Юз ҳиссиятлари инсон ички гунёсининг товланишларини ифодалаб туради.

Юзидан ўтолмади. Бир ишни қилиш, хулоса чиқаришда обрўли шахснинг кўнглига қараб истиҳола қилиш, оқибатидан чўчиш, иззат қилиб юзидан ўтолмаслик, кўнглингда ўзингнинг мустақил фикринг бўлгани ҳолда дўстинг, оиласанг, раҳбарингнинг истагини адо этишинг. Халқнинг одобли-андишалилигини кўрсатади. Кўнгилчанликнинг салбий оқибатлари ҳам бор.

Бир латифада икки киши бир-бири билан даъволашиб қолибдию, даъвогар ҳам, айланувчи ҳам баравар қозига пора беришибди.

Даъво кўрилаётганда қозининг мужмал, иккиланиб, ишончсизлик билан сўроқ олиб бораётганидан ғаши келган даъвогар унга: «гапни қирқиб-қирқиб гапирсангиз-чи, намунча чайналасиз?», дебди берган қирқ тилласига ишора қилиб. «Қирқиб-қирқиб гапи-рардима, манавининг юзидан ўтолмай турибман-да», айбланувчидан олган юз тилласини кўзда тутиб жавоб қилиди қози.

Юзи шувит бўлди. Бирор ишда берган ваъдасининг устидан чиқолмаган шахс ўзга кишининг олдида уялиб, хижолат бўлиб қолади. Юзи шувитли (шивит – укроп, субҳидамда шабнамли бўлади), шабнамли, хижолатдан терлаши мумкин. Муқобили: «хижолат тортди», «бошини кўтаролмай қолди» ва ҳоказо.

Юзи иссиқлик қилди. Халқда, шартта бетига гапирадиму бироқ юзи иссиқлик қилди-да, деган гап бор. Бунинг маъноси: эски, қадрдон, юзи-юзга, кўзи-кўзга тушадиган одамга беодоблик қилса ҳам қаттиқ гапиролмадим, ўзи тушуниб юзи шувит бўлиб қолар, мазмунига эга. Муқобили: «юз амри ширин».

Юзи қаттиқ. Юзининг пардаси йўқ, юзига чарм қоплаган, юзи йўқ ибораларининг муқобили. Катта-кичикни, уят-номусни билмайдиган, тарбиясиз одамларга нисбатан айтилади. Юзи қаттиқнинг кўзи қаттиқ, бепарда, бешарм, беҳаё бўлади.

Юзга айтганнинг заҳри йўқ. Бирор кишининг ортидан гапиради, писмиқлик қилади. Айримлар одамнинг юзига камчилигини ошкора айтадилар. Ўша замон Сизга оғир ботиб, кўнглингиз оғрийди. Бироқ эртаси унутиб, камчилигинизни тузатиб оласиз. Бу гап, танбех, маълумотнинг юрагингизда заҳри, оғриғи қолмайди. Орқадан гапиришнинг эса заҳри ёмон. У сизни чаёндай чақиб, умрингизни қисқартиради. Шундан халқ юзга (бетга) айтганнинг заҳри йўқ, дейди. Ибора танбех, маълумот, гап олдидан ишлатилади.

Юзини ерга қаратди. Тўғри маънода: ерга қараш, юзини ерга буриш. Моҳияти кўчма маъносида. Юзини ерга қаратиш ота-онани, акаука, қариндош-уруғни уялтириб, ориятини букиб, қаттиқ хижолат остида қолдириш. Қизлар ота-онанинг гапидан чиқиб, ўзбошимчалик билан ёмон йўлга кирса, номуссизланса, бу ибора айтилади. Баъзан кундалик ҳаётда бирор иккинчи шахснинг ишончини оқламаса, уни уялтириб қўйса ҳам шу иборани ишлатадилар. Муқобили: «юзига қаролмаслик».

Юзини сарғайтирди. Бирорга ишининг тушиб боришинг – бу хижолат, иккиланиш, изтироблар натижасидир. Шундай пайтда албатта

мушкул ҳолатдаги кишининг «юзи сарғаяди», ўқинади, қийналади. Бу ҳолатни халқ, фалончи-писмадончига сарғайиб (юзини сарғайтириб) борди, дейди. Бу иборада борувчига нисбатан ачиниш, ҳамдардлик, хайрихоҳлик оҳангидариди.

«Юзини сарғайтири»нинг тагин бошқа маъноси мурожаат қилиб келган одамнинг юзига солиш, уни хўрлаш, ҳақоратлашдир. Бундай пайтдаги «юзини сарғайтириди» иборасида халқ мезбонни файриинсонийлик, бағритошлиқ, ғайриахлоқийлиқда айблайди, лаънатлади. *Муқобили:* «юзини заъфарон қилмоқ, «юзига солиб олмоқ».

Юзингда кўзинг борми, демайди. Шарттаки, олди-кетини ўйламай гапирадиган, ҳовлиқма кишиларга, уларнинг муомалаларига нисбатан ушбу ибора ишлатилади. Сурбет, беибо одам юзингда кўзинг борми демай, ёшинг, савиянг-мавқеинг билан ҳисоблашмай, оғир, ҳақоратомуз гапларни қилади. Кўнглингни қолдиради. *Муқобили:* «беандиша», «дилозор».

Юзини тескари қилсин. Тўғри маънода ишлатилмайди. Кўчма маъноси: ёқимсиз, беибо, бехосият одамга нисбатан уни хуш кўрмаслик мақсадида, юзини кўрмаслик учун «кўйинг, ўшани менга рўпара қилманг, юзини тескари қилсин», дейишади. Баъзан қарифш маъносида ҳам ишлатилади. *Муқобили:* «юзи курсин».

Юзи куйган. Бирор қилмиши, айб иши, хатоси, ёмонлиги билан яқин одамининг олдида хижолатпаз, тили қисиқ бўлиб қолган одамга нисбатан «юзи куйган» ибораси ишлатилади. «Юзи куйган» асл маъносида ҳам ишлатилиши мумкин. *Муқобили:* «юзи йўқ», «юзи бормайди».

Юзига оёқ қўймоқ. Йиқилган ё ҳаётдан кўз юмган одамнинг юзига ёмон ниятли рақиб қасдан оёқ қўйиши мумкин. Бу мазкур иборанинг ўз маъносида. Бироқ бу ибора асосан кўчма маънода қўлланилади. «Юзига оёқ қўймоқ» бирор одамга нисбатан ҳурмат-эътиборни сақламаслик, унинг мавқеини ҳисобга олмаслик. Яхшилик қилган кишини унугиб, унга қарши ишга бош қўшиш. Номардлик, нотантилик. Ибора аксарият салбий маъно ва оҳангда қўлланилади.

Юзига лой чапламоқ. Бирорни ўзи иштирокида ёки орқаворотдан ёмон отлиқ қилиш. Шарманда қилмоқ. Юзига лой чаплаб одамни ёмонлаш, уни айбдор, ярамас шахс қилиб кўрсатиш. Бу ибора бажарувчига нисбатан салбий оҳангга эга. Халқ орасида одамларнинг юзига лой чаплаб хизмат пиллапоясидан юқорилаш

ҳам мумкин экан-да, деган истеҳзо киноявий гап бор. Бу билан «ўзинг-ку варракдай, шамол қаёққа эсса ўша ёққа қараб вариллайсан, тағин ўзгаларнинг юзига лой чаплаганинг нимаси» дейилган бўлади.

Юз кўриш. Юз очиш, юзлашиш, юз кўрсатиш каби иборалар муқобили. Келинларни илк бор қайнона-қайнотасига, қариндош-уругларга кўрсатиш, юз очтириш маросими бор. Бу одат кўрмана бериш, танишиш, илк бор қавм-эл бўлиш ҳолатидир. Юз кўриш биринчи марта кўришмоқ, юз очиб кўриш, яқин олиш маъноларини ҳам беради.


Юзи қора. Халқда, сўраб борганинг бир юзи, бермаганинг икки юзи қора, деган гап бор. *Маъноси:* бирорга сарғайиб бирор нарса сўраш – юзни қаро қилиш билан баробардир. Ўзида бўла туриб шу нарсани бермаган, муҳтож одамнинг ҳожатини чиқармаган кишининг икки юзи ҳам қора дейишига лойикдир. «Юзи қора», «юзи шувит»нинг муқобили бўлиб, бирорнинг олдида инсоний, вижданний бурчани бажаролмай қолган ёки атайлаб бажармаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

74 Юзи очиқ. Сермањо: юзи очиқ – бети очиқ, андак салбий оҳанги, норозилик бор. Иккинчиси, юзи очиқ – чодрали, чачвонлининг тескариси, юзнинг очиқлиги. Учинчиси: юзи очиқ – хушмуомалалик, такаллуфли, меҳмоннавоз бўлиш, тўртинчиси – юзи очиқ, ўта салбий, танқидий оҳангда: бешарм, бети қаттиқ, ахлоқсиз, пардасиз одам маъноларида. Юзи очиқлик асосан, яхши одам, деган иборанинг муқобили бўла олади.

Юзи йўқ. Бир одам сиз билан арзимаган масалада сан-манга бориб, қаттиқ жанжаллашиб қолади. Орадан бир-икки кун ўтмай иши тушиб қолгач, тағин ўртада ҳеч гап ўтмагандай сизга юзини солиб келаверади. Шундай пайтларда «юзи йўқ эканку бунинг, кечаги гали қайдаю бугунгиси қайда», дейсиз. Юзи йўқнинг муқобили «уятсиз», «кандишасиз», «бети билан кети бир», «муттаҳам», «иккиюзламачи», «беор» ва ҳоказолар.

Юзига солмоқ. Бир маъноси юзга шапати тортмоқ, урмоқ, кўчма маънода кишининг камбағаллигини, bemorliginini, амал мавқеи pastliginini, ilgari ўтган aibи-гуноҳини атайлаб, ёмон ниятда эслатмоқ, юзига солмоқ. Юзга соловчига нисбатан салбий оҳангда айтилади. Номардлик, беодоблик, оқибатсизлик сифатида танқид этилади. *Муқобили:* «беандишлиқ», «бепардалик», «бешармлик».

Катталар бу ишни қилган ёшларга нисбатан ишора воситасида юзларини бармоқлари билан сийпаб, «уют, номус» деб ишора қиласылар.



Күзнинг таърифи ҳам азалий-абади. Құйкүз, қийиккүз, биткүз, жодукүз, шаҳло күз ва ҳоказо. Халқ: «кишининг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унинг кўзларига боқ», – дейди. Ҳа, кўз – кўнгил булоги. Унда инсоннинг ички дунёси мавжланиб туради. Кўнгил кўзларига бокувчи кўзларингиз нурга тўйла бўлсин. Кўз-кўзга тушиб турганига не етсин...

Кўзнинг эгаси бор. Инсондир, ҳайвондир, жону жонзот борки, ўз кўзининг эгаси эканлиги Сизга маълум. Лекин бу иборанинг мағзига бошқа маъно яширинган. Ҳаётда ҳар хил тасодифлар бўлиб туради. Бехосдан бирор отган тош ё кесак, ўзингиз ишлатиб турган ўрок, паншаха юзингизнинг бир жойига тегиб кетади. Қошингизга, юзингиз, пешонангизга, қулоғингиз, жағингиз, ёноғингизга.

75

Хайриятки, кўзингизга кирмайди. Шундай пайтда кексалар: «аввало худонинг ўзи асрасин-у, кўзнинг эгаси бор-да», дейишиб, шукrona қилишади. Дарҳол бош-кўздан садақа, ҳадя атаб юборишади. «Кўзнинг эгаси бор» дегани уни тангрига, илоҳиётга боғлашдир. Кўз-кўнгил булоги. Албатта, бу ҳодисада инсоннинг ақли бовар қилмайдиган сир-сехр бор. Демакки, кўзнинг эгаси бор...

Кўз тегди. Бу – иборанинг кўчма маъноси. Униб-ўсиб, ишлари ривожланиб кетаётган шахснинг бирдан омади кетиб, толеи терс келиб қолса, шу ибора ишлатилади. Йигитга кўз тегди, иши чаппасидан кетди, дейишиади. Халқ орасида «кўз»лик одамлар ҳам учраб туради. Улар кўз нури қуввати билан юриб кетаётган одамни, отни йиқитадилар, майиб қиласылар.

Буюк Британияда кўз нури таъсири билан баланд минорадаги қироллик соатларини тўхтатиб қўйган кароматли шахс ҳам бизнинг замондошимиздир. Кўз билан дардга чалинтирувчилар каби кўз нури, меҳри, қараши билан даволовчи, дардан фориф қилувчилар ҳам бор. «Кўз тегди», иборасининг муқобиллари: «кўзиқди», «учинди», ниятлар: «кўз тегмасин», «кўзикмасин» ва ҳоказо.

Кўзи қотган. Ҳаётий тажрибага эга бўлган, паст-баландни, катта-кичикни билган одамга нисбатан «кўзи қотган» ибораси ишлатилади. Бунинг икки маъноси бор: бири ижобий бўлиб, хайриҳоҳлик, ишонч билдириш. Иккинчиси — киноявий, танқидий, ёқтирасмаслик, хуш кўрмаслик билан боғлиқдир. Бирор ишни, қонни, ўлимни кўравериб бу одамнинг кўзи қотиб кетган, дейишади. *Муқобили:* «кўзи пишган».

Кўзига тикан бўлмоқ. Илоннинг ёқтиргмаган гиёҳи инининг оғзидан чиқади. Кишининг ёқтиргмаган, хуш кўрмаган одами доимо унга ҳамроҳ бўлиб ёнида юрса, шу гапни айтишади. «Кўзига тикан бўлмоқ»нинг муқобиллари: «кўзга чиқсан сўтаддай», «кўзмижжадай», «кўз оғриғидай». Одатда яхшига ҳамроҳ бўлган ёмон одам ҳақида кўлланади. Баъзан тескари маъносида ҳам ишлатилади.

Кўзини шамғалат қилмоқ. Бирорни алдаш. Унга нисбатан кўзбўямачилик қилиш. Алдам-қалдамлик, кўзига чўп солиши. Кўзини шамғалат қилмоқ — куппа-кундузи, кўра-била туриб, ҳамманинг олдида бирор ғайриахлоқий ишни чапдастлик билан уддалаш. Бажарувчига нисбатан танқид, ғазаб, нафрат, лаънат ифодаси, оҳангি бор.

Кўзининг паҳтаси чиқди. Кишининг жаҳолати қўзиб, ғазаби келганда, бақириб-чақиради, сўқинади, билак кучини ишга солиши ҳам мумкин. Шундай пайтда одамнинг кўзи ола-кула бўлиб, «паҳтаси чиқади», яъни катта очилганидан оқи тўла кўриниб, паҳтани эслатади. «Кўзининг паҳтаси чиқди» ибораси эгасига нисбатан салбий оҳанг, танқид маъно ташийди. *Муқобиллари:* «кўзини ола-кула қилди», «кўзининг оқини кўрсатди», «кўзи олайди», «кўзи қинидан чиқди» ва ҳоказо.

Кўзми, пўстакнинг йиртиғи? Қош, киприклар қуршовида кўз пўстакнинг тешигини, қийиб тешилган пўстак ҳам айни пайтда маскарадда кийилган ниқоб кўзни эслатади. Бирор киши ёнида турган одам, нарса, воқеани кўрмай, пайқамай қолса, унинг яқинлари шу иборани ишлатадилар. Мутойиба, ҳазил, эркалаш, сўз ўйини маънолари бор. *Муқобили:* «кўзми, пешонами?», «кўзни нимага чиқарган?»

Кўзининг оқу қароси. Инсон кўзининг оқи-қораси ўз вазифасини бажариб, одамга ёруғ дунё ато этади. Ибора кўчма маъносида одамнинг суйган зурриёти — ёлғиз ўғли ё қизи, севган фарзандига нисбатан қўлланилади. *Муқобили:* «кўз қорачифи», «кўзининг гавҳари».

Кўзини ёғ босибди. Кўз атрофини ёғ-гўшт, парда, томир босиши, унинг кўриш қуввати, нурини ожизлантириши мумкин. Бироқ бу ўринда, халқ фалончининг «кўзини ёғ босибди», деганда, бу одам, амал тегиб, пул топиб, ҳаволаниб кетибди, босар-тусарини билмай қолибди, ошна-оғайнисини танимай қолибди, «кўзини шира босиб қопти», дея афсусланади. Маъноси шу.

Кўзи ола (чап, ўнг, тўғри). «Кўзи ола» деганда бирорнинг бошқа кишига душманлик билан қараши англашилади. «Кўзи чап», дегани унга яхшиликраво кўрмайди, уни кўролмайди, ёқтирилмайди, деган мазмун касб этади. «Кўзи ўнг» – яхши муносабатда бўлади, қўллаб-қўлтиқлайди, ёрдам беради каби маъноларни ифодалайди. *Муқобили:* «кўзи тўғри».

Кўзини олиб қочди. Уят, хижолат, андиша, тарбиялийик маъноси. Кўзини яширди, олиб қочди, тик боқмади, ерга қаради ибораларининг муқобили. Яхши ёки ёмон муносабатда бўлишини мўлжаллаш ҳолатларини ифода этади. «Кўз остига олмоқ», ёр танлаш, сафдош, хизматдош, ҳамроҳ ажратишда қўл келади. Синашта, олдиндан назарда тутилган одам қўйнингизни пуч ёнгоққа тўлдирмайди. Аксарият, содик одамингиз бўлиб қолади. «Кўз остига олмоқ» ибораси назарда тутиш, кўзда тутиш, кўнгилда сақдаш ибораларига муқобилдир. *Тескариси:* кўздан қочирмоқ, назардан соқит қилмоқ, хаёлдан фаромуш (фориф) қилмоқ. Кўздан ўйқотиб қўймоқ.

Кўзи олма-кесак теради. Одатда ёш болалар ғарқ пишиб турган боғ ёнидан ўтаётганда бу неъматларга беэътибор ўтиб кетишолмайди Олмани кўрган кўз дафъатан кесак, тош, калтак қидириб қолади. Асл маъноси шундан олинган. Кўчма маъноси – салбий, танқидий оҳангда бўлиб, одамга нисбатан кўзи олма-кесак теради, деганда беҳаё, бешарм, кўзи қаттиқ атамалари мазмуни мужассам. Иборада рамзийлик, олма деганда қиз-жувонларга нисбат маъноси ҳам бор. *Муқобили:* «кўзи-боши ўйноқлаган», «кўзи бежо», «кўзида ажинаси бор», «сур», «тегажоқ».

Кўзга илмайди. Менсимайди, ўзига тенг кўрмайди, паст назар билан қарайди, бемехр маъноларини ташийди. Кўзга илмаслик, тақаббурлик, нохолислик, рақибга тўғри баҳо беролмаслик оқибатидир.

Кўз кўзга тушади. Халқда «бутунлай баҳридан ўтай, дедиму тағин кўз-кўзга тушади-да», деган гап бор. Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам билан учрашади, дейишади. Ҳақиқатан ҳам, барча

ёқтиргмаган одамингиз билан гаплашмай, баҳридан ўтиб кетаверсангиз, эрта-индин мулоқот қиласидиган одамингиз қолмайди. Шунинг учун ҳам юз амри ширин, дейсиз, кўз-кўзга тушади, дейсиз, муроса қиласиз. Хатосиз дўст қидирсанг дўстсиз қоласан, деб кетишган қадимгилар. Не бўлганда ҳам «кўз кўзга тушиб» турганига нима етсин.

Бирор кўз, бирор қош. Одатда, ходимларига нисбатан кескин чоралар кўролмайдиган раҳбар шу иборани қўллади: «нима қилай, кимни жазолай: бирор кўз, бирор қош бўлса?!» Бу билан, «ҳаммаси ҳам ўзимниклар, бегонаси йўқ. Шохига урсанг — туёғи зирқирайди, бир қулоқ чеккаси келиб менинг ўзимга тақалади», деган гапни айтмоқчи бўлади.

Кўзига қон тўлмоқ. Бу ҳолат кўз томирларининг шамоллашидан. Қутурган ит, ҳўқиз ҳақида шундай дейилади. Кўзи қонга тўлмоқ — қаттиқ ғазабланиш, эс-ҳушни йўқотиш, ҳар қандай ноҳуш ишга, жиноятга тайёрлик. Кўзига қон тўлиш — оғир руҳий, психологик жараён бўлиб, инсонни ҳеч кутмаган қилмишларга ундейди. Қон босими баланд одамларни (кўз қон босими) табиий ҳолда ҳам шундай дейишади.

Кўзим усти. Шоир Faфур Fуломда «Кўзим усти, миннатинг — бошимга дурра» мисраси бор. Бу ўринда «кўзим усти» — кўз қароги, кўз қорачиги, ибораларига муқобилдир. Кўз қорачиги қанчалик авайлаб асралса, «кўзим усти» иборасида ҳам шу азиз-аллонлик, жоннисорлик мазмуни мужассам. «Кўзим усти» бошга кўтариб юришга яқин, ундан нозик, юракка яқинроқдир. «Кўз остига олмоқ»нинг салбий маъносига қарама-қарши. Марҳамат, саховат, ҳиммат, юксак инсоний меҳр-мурувват, муҳаббат ифодаси бор.

Кўзи учди. Кўз қушмас, капалак ҳам эмас, учиб-қўниб юрса. Аммо кўз томирлари қорачиққа яқин жойлашган бўлса, ўз шакли — занжирсифатми, арқонсифатми бўлиб, бўшлиқ, фазога кўз югуртирангиз, «сузади», «учади». Халқимиз «кўзи учди»ни кўчма маънода ишлатади. Кўз учмоқ — кўз усти — қовоқнинг пир-пираши, тебраниши, титрашидир. Асабларнинг шамоллаши, чарчаш, руҳий юкнинг оғирлиги оқибати. Кўз учishi иримлар билан боғланади. Ўнг кўзнинг учishi — яхши хушхабар ҳадя қилиши, чап кўзнинг учishi эса ёмон хабар келтириши мумкин, деган ақида бор. Шунинг учун кишилар ирим қилиб, ўша заҳотиёқ қовоқларига уч бора бармоқ теккизиб ўпиш билан, чаҳорёrlарга

сифиниб, улардан мадад сўрайдилар. Қоғоз парчаси, кичик пахта бўлаги ёпишириб, учишни даволайдилар. Ёки маҳсус ният қилиб, гадолар, бева-бечораларга садақа берадилар. Кўз учиш ҳолати узоқ давом этса, бирор ис чиқариш, мушкулкушод сингари хатми қуръон билан борлиқ удумни ижро этадилар.

1

Ушбу мавзу қулоқ атамаси билан боғлиқдир. Халқимиз қулоқнинг таъриф-тавсифига кўра жуда кўп мақол, нақл, иборалар ижод қилган. Инсоннинг беш сезги аъзосидан бири бўлган ушбу аъзо ҳақидаги баъзи намуналар Сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Қулоқни қоматга келтирди. Одам, машина, трактор, механизм, момақалдириқ, ва бошқаларнинг овози жуда қаттиқ эшистилганда шундай ибора қўйланади. Қулоқни қоматга келтириш белгиланган, ўрганилган, мўътадил даражадан ортиқ овозни баланд кўйишидир. Муболагаси – бутун вужудни қулоқقا айлантириш. Баъзан бу ибора сўзамол, сергап, эзма одамлар тўғрисида ҳам айтилади. Муқобили: «қулоғимни узиб қўлимга берди».

79

Қулогини тишлиб қўйган. Бешиккетди одати. Ҳали бешиккети қизчага 4–5 яшар болани «ёр» қилиб, «ҳолва»нинг қулогини тишлитиш. Бу одат туркий ўзбек қавмлари орасида қадимдан мавжуд. «Қулоғи тишлиб қўйилган», деганда бирор иш, масала, олдиндан келишиб, ҳал қилиб қўйилган, маъноси англашилади. Муқобили: «ишини пишишиб қўйган».

Қулоқ қоқмади. Бир ишни, вазифани ҳеч иккиланмасдан, зудлик билан бажариш. Уёқ-буёққа ташламаслик. Қулоқ қоқмади – парво қилмади, ишни бажармади маъносида ҳам ишлатилади.

Қулогига илди. Кексалар олди ёз янги мевалар пиша бошлагандан, янаги йилларга ҳам етиб юрайлик деган ният билан гилос, олча кабиларни қулоқларига илиб, ўнг қулоқларидан ўтказиб, бошдан айлантириб оғизга соладилар, шундай ирим қиладилар. Қулоқقا илмоқнинг бошқа, кўчма маъноси айтилган фикр, гап, маслаҳатни қулоқقا олиб, уни бажариш, амал қилиш билан боғлиқ.

Қулогига гап кирмайди. Тўйнинг, маъраканинг, катта бир тадбирнинг ташвишида юрган одамнинг қулогига унча-мунча гап

кирмайди. Негаки, унинг боши ахбороту маълумотлардан ғовлаб кетган, қилар иши, ташвиши кўплигидан шундай дейишади. Бироқ шундай одамлар бўладики, амали катталиги, такаббурлиги, лоқайдлиги туфайли унча-мунча одамнинг гапини қулоғига олавермайди. Болалар ҳам ўтиш даврларида ҳардамхаёллик билан айтилган гапни тезда бажаравермайдилар, унутиб қўядилар. Шундай пайтда ушбу ибора ишлатилади. *Муқобили*: «у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқди.».

Қулоғидан кун кўриниб қопти. Мутойиба ибора. Янги уйланган йигит чилладан, чимилидиқдан чиққан кунлари ўртоқлари, катталар ҳазиллашиб шу иборани қўллайдилар. Бу билан: «ў-ҳў, фалончининг роса кучи-куввати кетиб, озиб-тўзиб, ҳатто қулоғидан кун кўриниб қопти-я», деган ҳазил-масхара, ҳавас ва хайриҳоҳлик билдирилади. Иккинчи маъносида ҳақиқатан ҳам, оғир хасталикка дучор бўлган, озиб-тўзиб кетган шахсга нисбатан орқаворотдан бу ибора ишлатилади.

Эшакнинг қулоғига танбур чертдимми? Бировга жон қўйдириб гап гапирсанг, фикр уқтирасанг, маслаҳат берсангу, бу гаплар унинг бу қулоғидан кириб, унисидан чиқиб кетаётганлигини сезиб қолсанг, худди шу иборани ишлатасан, киши. Одатда муаллимлар ўкувчиларига, ота-оналар болаларига, устозлар шогирдларига шундай дейдилар.

80

Қулоққа аzon айтмоқ. Мусулмончиликда бола туғилиб, кичик чилласи чиққач, бир мулла чақириб, унинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтирилади. Аzon айтилганда боланинг қулоғи очилади. Илк бор ўз номини эшлиши билан дунё товушлари, оҳангларини тинглай бошлайди.

Аzon айтиш бу ўринда ном қўйиш билан баробардир. Иккинчи маъноси бир гапни бир кишига жуда кўп такрорламоқ, таъкидламоқ, қулоғига солмоқ, деган мазмунни беради.

Қулоғи қаттиқ. Қулоқ — тоғай — қаттиқ ҳам, юмшоқ ҳам эмас. Бироқ, қулоғи юмшоқ, деган ибора йўғу, қулоғи қаттиқ, дегани бор. Бунинг маъноси бир одам айтилган гапни қулоғига олавермайдиган, бетаъсир, гап уқмас бўлса, шунга қулоғи қаттиқ, деган иборани ишлатадилар. Баъзан қулоғи қаттиқ, деганда қайсар, ўжар, тескаричи одам ҳам кўзда тутилади. Ота-оналар болаларини қулоғи қаттиклиқда айблаб, кўп танбех берадилар.

Қулоққа лағмон осмоқ. Алдаш, кўзбўямачилик қилиш, қўйнини пуч ёнгоққа тўлдириб, аҳмоқ қилиб кетиш. Содда, ишонувчан

одамни учар киши лақиллатиб кетиши. Йўқ ердаги гаплар билан кишига тоғ-тоғ бойлик ваъда қилиш. Содда одамни бўлмаган, тайини йўқ гапларга ишонтириш. *Муқобили*: «қулоққа тепмоқ», «аҳмоқ қўлмоқ».

Тешик қулоқ эшитади. Хабар гап. Ростдан ҳам тешик қулоқ, агар эгаси тирик, ҳаёт бўлса эшитади. Бироқ кўчма маъносида бу ибора ишлатилганда бирор воқеа-ҳодиса, яхши ё ёмон хабарни билган кишидан иккинчи киши ҳайратланиб, «бу гапнинг, воқеанинг устида бўлмаган бўлсангиз, қаердан эшитдингиз», деб сўраганида – «ҳа, тешик қулоқ эшитади-да», деб жавоб беради.

Узунқулоқ гап юрибди. Бирор шахс, воқеа, ҳодиса тўғрисида гапирилганда, мана шундай «узунқулоқ гап юрибди», деб эштилигдан хабарни айтишади. «Узунқулоқ» деганда рост-ёлғонлигини билмайман, узоқдан эштилигдан гап, деган маъно англашилади. Узунқулоқнинг тағин бир маъноси хуфялик. Шубҳали-гумонли, ишонса ҳам, ишонмаса ҳам бўлаверадиган гап ҳакида «узунқулоқ»атамаси қўлланилади. «Узунқулоқ» гап етказган, айтган одамга нисбатан ҳам халқ «узунқулоқ» номини бериб, салбий муносабат билдиради.

81

Қулогинг қани деса, оғзини кўрсатади. Одатда гўдак болаларга илк бор бу оғиз, бу бурун, бу кўз, буниси қулоқ деб кўрсатиб ўргатишади. Бола ҳали сўзни айтолмаса-да онанинг ишораси-ю саволи билан сўралган атъони ушлаб кўрсатади. Баъзан янгишиб, қулогинг қани деса, оғзини кўрсатади. Бу иборанинг биринчи маъноси. Мана шу ҳазиломуз ҳолат баёнидир. Иккинчи кўчма маъноси эса уқувсиз, эпакасиз, билимсиз, тажрибасиз, савияси паст одамга нисбатан қўлланилади. Содда, эпақасиз ва маълумот даражаси шу қадарки, «оғзинг қани деса, қулогини кўрсатади», дея халқ бундай одамлар устидан кулади, танқид қиласди.

Қулоқ боши. Ариқнинг, сувнинг бўлинган, ажралган жойи қулоқ дейилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ, дала, катта экин ерларига нисбатан қулоқнинг боши, қулоқнинг ўртаси, қулоқнинг охири иборалари фаол қўлланилади. Сувнинг миқдори шунга қараб белгиланган, аниқданган. Кўчма маъносига ҳар ишнинг боши, бошланиши, манбаи маъноларида қўлланилади.

Қулоги остида қолибди. Ҳар қандай оғир фожиали гап, ибора ҳам халқда баъзан мутойиба – юморга ўраб берилади. Шундай иборалардан бири – «қулоги остида қолибди»дир. Вафот этган, дунёдан ўтган одамлар асосан қариб-чириб, умри поёнига етган

мўйсафидлару, кекса кампирлар ҳақида шундай дейилади. Ёш болалар жанозадан қайтган оталарга, нима бўлибди, ким ўлибди, дея савол беришса, «фалончи бобонинг қулоги остида қолибди, тепкилаб-тепкилаб кўумиб келдик», дейишади. «Нега тепдингизлар», деган саволга, «қайтиб чиқиб келмасин дедик», дейишади. Бу билан 90 – 100 ёшга кирган мўйсафиднинг ўлими, унинг ҳам, қолганларнинг ҳам аслида тўйидир, деган ақидага ишора қилинади.

Қулогидан тортиб юрибди. Ўқиши, ишни, топширилган вазифани уddyалай олмайдиган кишини унинг ҳомийси, «тоғаси» доим қўллаб-қувватлаб, ёрдамлашиб, етаклаб юради. Бундай ҳолатни халқ, фалончи писмадончининг қулогидан тортиб юрибди, дейди. Тағин образли қилиб, бирор ишни сунистельмол қилиб, жиноятта бош қўшса, жарликка, ботқоқقا тушиб кетса, уни яна қайсиdir ҳомий, манфаатдор шахс қутқазиб қолса ҳам шу фикр айтилади.

Қулоқ қилинган. Совет ҳокимияти дастлабки даврининг энг даҳшатли ибораларидан бири. Раскулачивание, кулак каби рус сўзлари – ўзбекча муштумзўр, мушт маъноларини беради. Ленин ақидасига кўра ер, мол-мулк, жон-жонивор эгаси бўлган ҳар бир шахс ёвуз, муштумзўр бўлиб, камбағалга азоб берган. Шунинг учун бундай шахслар бераҳмларча жазоланган, яъни қулоқ қилинган.

Мана шу талотўни деб ўзбек халқининг ҳам асл, фозил, комил, ишбilarмон фарзандлари жувонмарг бўлиб кетишган. Уларнинг фарзандлари, набираларини муштумзўр – қулоқнинг авлоди деб совет даврида кўз очирмай, кун кўргизмай келишган. Иккинчидан, кўчма маъносига: йўқолиб кетган ширинликлар, ичкилик, турли ноёб буюму кийим-кечакларга нисбатан ҳазил, киноя билан, «нималар деялпиз, бу нарсаларнинг қулоқ бўлиб кетганига анча бўлди-ку», дейишади.

Деворнинг ҳам қулоги бор. Юқоридаги иборага ҳамоҳанг. Сталин қатагонидан юрак олдириб қўйган ўзбек халқи ҳамиша тилини тийишга, сиёсий масалаларга мутлақо аралашмасликка интилган. Деворнинг ҳам қулоги бор, деган ақида билан маълум хабар, фикр, маълумотни бир-бирига айтишга қўрқсан. Ҳамма жойда: кўчада, чойхонада, ҳатто ящаб турган уйининг ёнида қўни-қўшни гап ўғрилари шунчалик кўпайиб кетганки, ҳаммаёқни «хуфя-қулоқ» босиб кетган. Одамлар тўғри, муомаладаги гапини гапиришга ҳам маҳтал бўлиб қолишган. Шундан, эҳтиёт бўл, тилингга эрк берма, деворнинг ҳам қулоги бор, гапингни бузиб, керакли жойга чиқади, кетасан кейин қулогингни ушлаб, дея чўчишган.

Айтишларича, қулоқ қилиш талотүпи йилларида рүзғор камчиликларидан ҳадеб нолийверадиган, бунинг устига эрини раşк қилиб, нуқул йўқ ердаги аёллардан қизғаниб, уни айблайверадиган бир хотинга эри: «хотин, шу машмашангни бас қилсанг қилдинг, пичноқ бориб суюгимга етди. Бўлмаса, Сталинни бир чангитиб сўкаман-у кетавераман жандамни елкамга ташлаб», деган экан. Бу арпа дўқ, хотинни қўрқитиб қўйиш камбағалга жуда қимматга тушиб, бу гап бир қарич ер талашиб юрадиган ёв қўшнининг қулоғига етиб қолиб, ҳақиқатан ҳам, дажжол қўшни фалончи Сталинни чангитиб сўқди, дея НКВДга етказган, шўрлик эр хотинни қўрқитаман деб халқлар отасини ҳақорат қилишда айбланиб, халқ душмани сифатида 25 йилга кесиб юборилган экан. Шундан ўзбек «эҳтиёт бўл, оғзингга қараб гапир, деворнинг ҳам қулоғи бор», дейди.

Нонни қулогига емайди. Айримлар ўзини гўлликка, ўта соддаликка солиб, билганини билмаганиликка, билмаганини билганликка олади. Бир ишда тайсаллаб, бу вазифа қўлидан келмаслигини айтади. Аслида у тамагирлик билан ўз манфаати йўлида сиздан бирор нарса ундириш учун шундай, ўзини тарозига солаётган бўлади. Оқибат кўнглини топиб бирор нима узатиб, нафсини қондирсангиз, ишингизни битказади. Ана шундайларга нисбатан халқ, «бу мугомбир, нонни қулогига емайди, айёрлик қиласди», дейди.

83

Қулогингга сирға қилиб тақиб ол. Одатда, ота-оналар фарзандларига бирор мұхим насиҳат, ўгит, маслаҳат беришаётганда шу гапни айтишади. Бу гап эсингдан чиқмасин, бу қулогингдан кириб, унисидан чиқиб кетмасин, қулогингга илиниб қолсин, сирға бўлсин, дейишади. *Муқобили:* «қулогингга қўроғиндай қуйилсин».

Қулогига пахта тиқиб олган. Шамоллаб, қулогингиз санчса, оғриб оқса, албатта унга пахта тиқиб қўясиз. Дарднинг одини оласиз. Бу иборанинг кўчма маъносида бирор ўзганинг шикоятини, дардини, гапини, фикрини, маслаҳатларини эшитмаслиги учун атайлаб «қулогига пахта тиқиб олади», яъни Сизни тингламайди, эшитмайди, буни хоҳламайди. Шундай пайт халқ «бу эшитмайди, қулогига пахта тиқиб олган», дейди киноя, ғазаб ва нафрат билан. Баъзан «қулоқсиз», аслида, қалбсиз-юраксиз амалдор-раҳбарларга нисбатан ҳам бу ибора фаол қўлланади. *Муқобили:* «қулоғи том биттан», «қулоғи қаттиқ», «қулоқсиз», «қулоғи йўқ», «қулоқ қоқмайди», «қулоқ қоқиши қилмайди» ва ҳоказолар.

Инсону мавжудот жисмоний аъзоси бурун таърифи унинг кўчма, рамзий маънолари ҳақига ўзбек халқи кўп нақл-ҳикмат, масал, ибора-бирикмалар яратган. Сайқал берид, мазмунини чуқурлаштириб, авлодлардан-авлодларга ўтказиб, етказиб келган. Бутунги мавзумиз «бурун» атамаси асосидаги айрим жумлалар тавсифи, мазмунини чақиш ҳақида.

Бурни кўтарилган. «Димоғдор», «бурни танқайиб қолган», «димоги-дан курт ёилади», «димогига қурт кириб олган» ибораларининг муқобили. Такаббурлик, манманлик, ўзига бино қўйиш тавсифи, баҳоси. Ўта салбий мазмун касб этади. Ўз маъносида буруннинг кўтарилиши киши қоматини тик тутиб, бошини баланд кўтариб, бурнини юқори ҳаволантиришидир. Бундай пайтда киши халқ айтганидай, бурнидан нарини кўролмай, бирор ўнқир-чўнқирга тушиб, майиб бўлиши ҳеч гапмас. Одатда бевақт бурни кўтарилган одамнинг ҳаёт ўзи попугуни пасайтириб, ўрнига тушириб қўяди.

84

Бурнидан нарини кўролмайди. Биринчи маъноси юқорида айтилди. Кўчма маънода калтафаҳымлик, ҳафтафаҳымлик, одиннин, истиқболни кўраолмаслик. Савия, дунёқараашнинг пастилиги. Салбий оҳангда.

Бурни бўлмаса, бўқниям ейди. Ўта жирканч, имон-инсофсиз, таъвия одам ҳақида айтиладиган ибора. Бурни ҳид билиб ахлатни сезмаса, ўшани ҳам ейищдан тоймайдиган очофат, исқирт, тубан шахс ҳақида образли таъриф. Ҳеч қандай бадкиркорликдан тап тортмайдиган одам қиёфасидаги иблис баҳоси.

Бурнига сийган. Одатда қўчкор, такага нисбатан урғочисига қизиқиб қолгани — илк машгулоти сифатида таърифланса, кўчма маънода ўспирин йигитчаларнинг жинсий балоғатга етишиб қолган фасли кўзда тутилади. Қариялар бирорвнинг боласига баҳо берганда, ҳа, фалончиям бурнига сийиб қолди, отаси эрта-индин уйлантириш тадоригини кўраверса ҳам бўлади, дейишади. Муқобили: «бурнига сув кирган».

Димоқ-фироқ қилмоқ. Кўчма маънода ноз-карашма, хархаша, эркантантиқлик. Димоқда (бурун бўшлиғи юқори қисми) тантиқланиб гапириш, эркаланиш. Фироғи куйдириш, ялинтириш, ишқибозлик, хушторлик мазмунини ташийди. «Димоқ-фироғингдан ўргилдим», истеҳзоли-киноявий ибораси бор ўзбекнинг. Бу билан димоқ-фироқ ҳам ёшига, чиройига, қобилиятига яраша бўлиши керак. Ёшига,

савиясига мос келмайдыган димоқ-манқаланиш эшигүчүнинг ғашини келтирди, дейилмоқчи.

Димори чөф. Хурсанд, хушчақчақ, рухи, кайфияти күтариинки, иши юришган маңноларида. Күришув-сүрашувда халқымизда, димогингиз (димоқлар) чөфми, деган савол ибораси күп күлланилади. Димогнинг чөфлиги ўз маңносида, гап, мумала, иш яхши, ўз нормасида мазмунини ташийди. Күчма маңноси юқорида айтилди. *Мұқобили*: «кайфияти хуш», «ишлари зўр», «иши беш» ва ҳоказолар.

Димори куйған. «Димори чөф»нинг тескари ибораси. Аксинча, димори куйғанлик – кайфияти ёмон, иши юришмаган, бирор шахс, воқеа-ҳодисадан озурда бўлган, жабр чеккан, азобда қолган, қаттиқ ранжиган, панд еган маңноларини беради. Халқ бундай пайтда «камбағалнинг жуда димори куйиди-да», дейди.

Бурунни сассиқ деб кесиб ташлаб бўлмайди. Ўз маңноси – бурун мия нажаси манбаи. Бироқ, унинг бошқа муҳим вазифаси: киши жисмоний аъзоси, нафас олиш, ҳид билиш органи бўлганлиги учун бояги салбий хислатини деб кесиб ташлаб, воз кечиб бўлмайди, маңносини беради. Асосий күчма маңносида эса бирор фарзанд, қариндош-уруг, дўст-ўртоқни унинг феъли бад, ақли ноқис, тили заҳар, хулқ-атвори ёқимсиз бўлса-да, нима бўлганда ҳам бизнинг яқинимиз, ўз уругимиз, қавмимиз-ку, деб ундан воз кечиб бўлмаслигига ишора қилинади.

Бурнидан ип ўтказиб олинган. Одатда буқа боқилганда, яхши семиртириш, биронни сузиб олмаслиги, ортиқ эркин ҳаракат қилдирмаслик учун бурнига ҳалқа солиб, арқон билан боғлаб олишади. Бу ҳолатнинг күчма маңноси инсонга нисбатан ҳам фаол күлланилади. Бурнидан ип ўтказиб олинган одам ихтиёрини иродасизлик, субтусизлик билан ўзга шахсга топширган бўлади (ўйнаши, хотини, онаси, ишдаги раҳбари ва ҳоказо), «Оғзига чўп ўлчатиб олган» иборасининг муқобили.

Бурнига нарвон етмайди. «Бурни кўтарилган», «диморидан қурт ёғилади» иборалари муқобили. Каттазанлик, олифталик, такаб-бурлик, асоссиз ҳаволаниш белгиси. Гўёки шу қадар бурнини кўтарганки, ҳар қандай нарвон ҳам (рамзий маңнода) етмайди, деган мањно англашилади.

Бурнидан баланд гапириб бўлмайди. Бу ибора сарик, жиззаки, гап кўтартмайдиган одамларга нисбатан қўлланилади. Бундай шахслар ортиқча кибор, ўзига бино қўйган ёки тарбия

даражасининг пастлиги туфайли тўғри гап, танбех, насиҳатни тан олмайдилар. Яна бир маънодоши амали, дунёси, «ўпкаси» катта одамларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Бурнини жийирди. Юзини буриштириб, бурнини қисиши. Кўчма маъноси: ёқтирмаслик, тан олмаслик ва ҳоказолар. Ҳалқ «бурнингни жийираверма, шукур қил», дейди. Аслида ёқимсиз ҳиддан салбий таъсирланиш оқибати.

Бурнингни артиб ол. Ёш болалар, катгалар ҳам шамоллаганда пишқириб, бурни оқиб юрса, табиий шундай дейилади. Аммо кўчма маъноси гап отган йигитларга қизлар жуда ёқтирмай, малол кўришса, шу иборани айтадилар. Бу билан, ҳали сен мишиқига ошиклик не ҳавас, аввал бурнингни артиб ол, мазмунида жавоб қилинган. Ёшлиги, тажрибасизлиги, номуносиблиги таъкидланади. Катта-кичик шахслар, тенгдошлар ҳам бир-бирларини камситганда ушбу иборани қўллайдилар.

Бурнидан чиқди. Бола узум еганда, ҳовлиқиб, бирор донаси эзилмай, томоқ қолиб, бурун тешиги ҳаво йўлига ўтиб кетиши мумкин. Шундай пайт аксирганда узум бурундан чиқади. Кўчма маъноси чуқур ва теран. Мол-мулк йигиб, инсофисизлик билан беш қўлини оғзига тиқиб, оқибат турмуш кулфат билан якунланса, ўйламай бир ишни бошласаю оқибати хунук бўлиб чиқса, бировга ноҳақ жабр ўтказсаю ўзи худонинг фазабига йўлиқса, ҳалқ фалончининг бу қиммиши бурнидан чиқди, дейди. Танқид, сатира, шу ҳолдан норозилик, хайриҳоҳлик маънолари бор.

86

Бурнини тошга ишқалаш. Муносиб жазосини бериш, тобеъ қилиш, ўч олиш, калтаклаш ва бошқа маъноларни беради. Ҳалқ ёмон кўрган одамини «буни бурнини тошга ишқалаш керак», дейди. Ҳеч бўлмаса, «худо жазосини берсинг», деб қарғайди.

Пучук бурун. Жисмоний камчилик. Бироқ кўчма маъносида ёш қизчаларга нисбатан кекса чол-кампирлар «пучук бурун» деган бирикмани ишлатадилар. Бу эркалаш, суйиш, ҳазил-мутойиба қилиш мазмунига эга.

Бурнидан бўлак нимаси бор? Бу ибора йигитларга нисбатан қўлланилади. Йигитнинг бурни бўлса бўлгани, деган ибора ҳам борки, унга қўшимча сифатида бу ибора яратилган. Йигитнинг кўрки, чиройи, гўзаллиги шарт эмас, бурни келишган бўлса, юзнинг марказий аъзоси сифатида қолган аъзолар ҳам шунга муносиб бўлади, қабилида маъно тушунилган. Бурнидан бўлак нимаси бор, деганда йигитнинг мол-мулки, бойлиги, хунари, топар-тутари борми деган ҳақди савол англашилади.

Оғиз топиб гапирганни ҳам, қолиб гапирганни ҳам чиқараверади. Ҳамма гап инсонда, унинг феъли-хўйи, тарбияси, одоб-ахлоқи, савиясига боғлиқдир. Бу мавзумимиз халқ орасига кенг қўлланиладиган «оғиз» атамаси ибораю бирикмаларига бағишланган.

Оғзи очиқ. Ўз маъноси: одамнинг, буюм, идиш, мол-ҳолнинг оғзи очиқлиги. Кўчма маъносида анқайган, бўш-баёв, содда, лақма, лапашанг одамларга нисбатан ишлатилади. Салбий, танқидий оҳанги бор. Оғзи очиқликнинг сабаби: бирор фикр, иморат, нарса, буюмдан ҳайратланиш, анграйиш, ҳайрон бўлиш, ўта соддалик оғзи очиқдикка сабаб бўлади. Оғзи очиқликнинг ҳам даражаси бор. Оғзини ланг очди, оғзини қия очди, оғзини катта очди, иборалари бунинг мисолидир.

Оғзи катта. Биринчи маъноси оғизнинг табиий катталиги (юзнинг кўп қисмини эгаллаганлиги). Асосан кўчма маънода ишлатилади. Оғзи катта, деганда халқ ўйламай гапирадиган, такаббур, кўтарма, ҳовлиқма одамни кўзда тутади. Оғзи катталар, дейилганда амали, вазифаси катта кишилар ҳам назарда тутилиши мумкин. Маҳалла-кўйда оғзи катта одамни унча хуш кўришмайди. Бу гап кинояйив, истехҳзо тарзида ишлатилади.

87

Оғзидагини олдирган. Бу ибора оғзи очиқ бирикмасига мазмунан яқин туради. Бўшлиги, лапашанг-латталиги туфайли бор-будини, ҳатто оғзидагини ҳам олдириб ўтирган содда одам сифатида унга ачиниб фикр билдириш. Камбағални түянинг устида ит қопибди, бири икки бўлмаган, мақол-ибораларига маънодош.

Оғзига чўп ўлчатиб олган. Бироннинг гапи билан иш кўрадиган, ўз мустақил фикри бўлмаган, иродасиз одамга нисбатан ишлатилади. Гўёки бу одам хотини, онаси, бошлиғига ўз ихтиёрини шунчалик топшириб, тобеъ бўлиб қолганки, ҳатто иккинчи шахс унинг оғзига чўп ўлчаб олиб, оғзингни шу ўлчовдан катта очмайсан, яъни менинг гапимдан, чизган чизигимдан чиқмайсан, деб қўрқитиб қўйган. Оғзига чўп ўлчатиш, инсон учун тўтига ўхшаб бироннинг гапини тақрорлаб қолишдан иборатдир. Фақат салбий оҳанга қўлланилади.

Оғзининг таноби қочди. «Оғзи қулоғига етди» иборасининг муқобили. Оғизнинг таноби қочишига сабаб хушторлик, ўзганинг

гапи ёқимли, хушомадли, кулгили бўлишидандир. Андак салбий оҳангга ҳам эга. Ҳар қандай гапга оғзингнинг таноби қочавермасин, танбех жумласи ҳам фаол ишлатилади.

Оғзингта мой. Балли, раҳмат, барака топ, яшавор, оғзингга шакар, оғзингта бол, ибораларининг муқобили. Рағбатлантириш, розилик, миннатдорлик, ёқтирганлик, маъқул кўриш, хайриҳоҳлик ифодаси.

Оғзи кўйган. Сутдан оғзи кўйган қатиқни ҳам пуфлаб ичар, мақолининг қисқа шакли. Асл маънода ҳам қайноқ ичимлиқдан оғиз кўйиши мумкин. Кўчма маънода бу масаладан жабр кўрган, огоҳлантирилган, танбех олган, минбаъд тавба қилган мазмунларида ишлатилади.

Оғзига талқон солиб олган. Оғзига сув олган, оғзига қатиқ увитган, мум тишлаган ибораларининг муқобили. Индамас, ичимдагини топ кишиларга нисбатан кўлланилади. Оғзига талқон солган одам гапиролмайди. Салбий маъноси, ўзга кишининг топширифи билан гапирмаслик, индамаслик ҳам кўзда тутилади.

Оғзини катта очди. Оғзини кафти билан тўсди, қаттиқ эснади ибораларига маънодош. Бироқ кўчма маънода муайян касб эгалари орасида иш, илтимос эвазига катта пул, пора, мол сўради мазмунини ҳам англатади. Оғизни катта очиш инсофисизлик, бебилиски пул топиш сифатида қораланади. Беш қўлини оғзига тиқиши, нафси бузуқлик салбий оҳангларини беради.

Оғзига сиққанини айтади. Оғизни катта очишнинг айни муқобили. Катта сўраш, катта миқдорда пул, бойлик талаб қилиш. Бениҳоя инсофисизлик, сурбетлик кўриниши.

Оғизга тушди. Емакки бор, аввал оғизга тушиб, кейин жигилдонга кўчади. Ибора бу ҳақда эмас, оғизга тушди, деганда ўзбеклар бирор ҳофиз, полвон, суворий ўз қўшиғи, куч-куввати, чапдаст чавандозлиги билан элга танилиб, машҳур бўлиб кетганлигини билдиради. Оғизга тушиб яхши, эзгу гап билан, аксинча, ёмон, куракда турмас қилиқ билан ҳам бўлиши мумкин. Оғизга тушган одам, ҳайвон, воқеа-ҳодиса, буюм, муассаса, талотўл, жамоа ва ҳоказолар маълум бир муддат кўпчиликнинг дикқатини жалб қиласиди, кейин давр ўтиши билан унтулиб боради. *Муқобили:* «замони келди», «довруғи кетди», «номи чиқди», «даврини сурди», «машҳур бўлди» ва ҳоказолар.

Оғзи шалоқ. Арава шалоқ бўлиши мумкин. Бироқ айримларнинг оғизлари аравадан ҳам шалоқроқ бўлади. Оғзидан боди кириб шоди чиқади, сўконгич, тарбиясиз, ёшига ярашмаган қилиқ қилиб

сўз сўзловчи кишиларга нисбатан кескин танқид маъносида ишлатилади. Оғзи шалоқлик, яъни ҳақорат сўзлар, сўкиш, беибо гап айтиш, андишасизлик таърифи.

Оғзим бор деб гапираверасанми? Танбех, ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, мақолини содда жумладаги муқобили. Кишини хушёрликка чақириш, танбех ва танқид. Оғиз фақат гапиришга эмас, сукут, индамаслик, истиҳола, андиша учун ҳам яратилган лигини унутма, деган ўйтит.

Оғзининг суви келди. Ҳаваси келди, иштаҳаси очилди, кўнгли суст кетди, томоғи тушди ибораларининг муқобили. Оғизнинг суви келганига сўлаги оқди, салбий оҳангдаги ибораси ҳам маънодош бўла олади.

Оғзидан қони келсин. Қарғиш ният. Оғиз касаллик, беморлик, дафъатан фожиавий фалокатни кўриш. Оғзидан қон келиши ўлим рамзиdir. «Жувонмарг бўлсин» қарғиш иборанинг муқобили.

Оғзи-бурнини тўлдириди. Кўп маъноли ибора. Хум, идиш, халта, қопни ўта тўлатиш. Иккинчиси, бировга кўп миқдорда совға-салом, ҳадя, пора бериш. Учинчиси, кишини ножӯя сўзлар билан ҳаддан ортиқ ҳақоратлаш ифодасидир. Ижобий, кўпроқ салбий оҳанг, мазмунга эга.

89

Оғзи маҳкам. Идиш, сандиқ, халтадаги буюм, нарсанинг яхши сақланиши. Кўчма маъноси одамнинг оғзи маҳкамлиги, яъни қатъиятли, ишончли, сир сақлай оладиган, субутли шахс эканлиги, инсонлиги таърифиидир.

Оғзи бўш. Оғизнинг овқатдан, гапдан холи, бўшлиги. Кўчма маъносида «оғзи бўш» дейилганда сир-синоатни сақлай олмайдиган, ишониб бўлмайдиган кишилар кўзда тутилади. «Оғзида гап турмайди» иборасининг муқобилидир. «Оғзи бўш»нинг яна бир маъноси бўйни бўш, бўйсунувчан, ҳоксор, деган мазмун ташиши ҳам мумкин.

Оғизга олиб бўлмайди. Таом, тузи кўпайиб кетган, ачиған, сасиган, бузилган емакларга нисбатан ишлатилади. Оғизга олиб бўлмайди иборасининг иккинчи, кўчма маъноси бирор шахснинг айтган гапи шу қадар ҳақоратли, уятли, андишасизки, уни оғизга олиб, гапириб, айтиб, эслатиб бўлмайди, деган маъноларни беради.

Оғиз-бурун ўпишади. Ўзаро апоқ-чапоқлик. Манфаатлар мос келиши. Салбий маъноси кучли. Оғиз билан бурун ўпишмайди. Улар бошқа-бошқа мижозлар. Ўпишищдими, демак бунинг бир балоси бор. Вазифаси жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши,

тengsиз, ёт бўлган аъзоларнинг бу яқинлигида ялтоқилик, лаганбардорлик, бадиаустлик, хушомад каби кўпгина кўчма маънолар мазмуни англашилади.

Оғзи ошга етганда. Бу ибора афсус, надомат, ачиниш, раҳмидиллик, ҳамдардлик маъноларини беради. Бир шахснинг энди ишлари юришиб, меҳнати эвазига тайёрланган оши, таомини емакка ўтирганида бирор кулфат, фожиа, фалокатнинг содир бўлиши. Мана шундай ҳолатларда айтиладиган ибора.

Оғиз бойлар. Емас оғиз еяр оғизни бойлар, деган ибора бор. Издиҳомда қорни тўқ киши қорни оч билан шерик бўлиб қолиб, менинг қорним тўқ, деса, оч киши ҳам овқатни емаслик, кам ейишга мажбур бўлади. Яна бир маъноси «оғиз бойлар» рўза кунлари оғиз саҳарлик таоми ейилгандан кейин боғланади.

Оғиз очар. Ифторликда махсус зиёфат олдидан совуқ сув ичиш, боғланган, рўза туттган оғизни очиш, кейин таом тановул қилишта киришилади.

Оғзига туфламоқ. Бу одат қадимги муллалар, азайимхонлар, машҳур эшонлар, табиб, қушночлар томонидан амалга оширилган. Кўзиккан, ўқилиши, дуо қилиниши лозим бўлган боланинг отонаси уни номдор домла ҳузурига келтириб, бу табаррук зот этагини ўтиб, болам ҳам Сизга ўхшаб тақводор, хосиятли, элнинг назаридаги, иззат-хурматли одам бўлиб етишсин, деган мақсадда, оғзига туфлаб қўйиши, яъни ўзига ўхшатишини илтимос қилган.

Машҳур зот болага, қани, оғзингни оч-чи, тишинг нечта экан, бир кўрсат-чи, деркан, бола оғзини очиши заҳоти унга тупуради (бу одатнинг гигиеник томондан заарли, жирканчлиги бор). Шунда бу бола ҳақида гап кетганда, фалончи эшон, унинг оғзига туфлаганлар, бу бола хосиятли, истиқболли деб юришган. Албатта, бу таомил бола ва ота-она руҳиятининг кўнгилдагидай камол топишига ижобий ҳисса қўшган. Яна бир маъноси болани бирор ақли ноқис, телба ё жиннига ўхшатиб, уни камситмоқчи бўлганлар, «бунинг бўлган-тургани шу, чунки оғзига фалончи жинни туфлаган», деб масхара қилишган. «Оғзига туфлаган» ибораси шу одатнинг ифодаси бўлиб, ҳозирги кунда қўлланилмайдиган удумдир. Асосий кўчма маъноси бирорни бирорвга ўхшатиш қиёси.

Оғзига кучи етмаган. Йевогар, фисқу фасодчи, оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган кишиларга нисбатан қўлланиллади. Салбий оҳанг, танқид ифодаси кучли.

Халқимиз тишининг ризқ-насиба рамзи сифатига таърифлайди. Тиш – инсон саломатлигининг бош омиларидан биридир. «Тиш синса, оғиз ичида», деган ўзбек ўз табиатининг ор-номус, уят-андишага йўғрилганлигини ифодалайди. Бу аъзо ҳақида ҳам ҳалқ жуда кўп нақл, мақол, ҳикмат, ибора яратиб қолдирган. Қўйига шундай айрим намуналарга қисқа изоҳ берилади.

Тишининг кирини сўриб ётибди. Моддий томондан оғир вазиятга тушиб қолиш. Туя қиши, баҳор ичи то оғзи ўтга етгунча танасида олдин йиққан, тўплаган ўркач ёғини, мойини «ейди», шунинг эвазига кун кўради. Одам ҳам оғир кунида бисотидаги қаро кунга асраб кўйган «тишининг кавагида сақлаган» ғамламасини еб, тирикчилигини зўр-базўр ўтказади.

«Тишининг кирини сўриш» нотавонлик, ноиложлик, ўта қашшоқлик нишонасидир. Тағин бир маъноси: қаттиқлик, суллоҳлик, қурумсоқликка ҳам ишора мазмунига эга. Баъзан ўзига тўқ одамлар ҳам ўз захираларини узоқ сақлаш, кўзнинг очлиги туфайли, борини янада кўпайтириш мақсадида, эл кўзида «камбағал» бўлиб, қурумсоқлик билан «тишларининг кирини сўрадилар».

Тишининг оқини кўрсатди. Тиш оқ бўлиши табиий. Бошқа рангда бўлганда ҳам, одам атайлаб, тишининг оқини ажратиб кўрсатмайди. Лабларнинг кўтарилиши, ёйилиши, жийирилиши оқибатида тиш кўринади. Жилмайиш, тиржайиш, кулиш шундан ҳосил бўлади. Баъзибир, лаби энсиз, қисқа кишилар, мудом кулиб турганга ўхшаб туюлишади.

Тишининг оқини кўрсатмоқ – истар-истамас, мажбуран кулиш. Бу тақабурлиқ, истеҳзо, киноя ёинки, ҳалқ тили билан айтганда «ўлганинг кунидан кулиш»дир. Иборада салбий оҳанг кучли.

Тишининг кавагида сақлайди. Ганимат, омонат, энг тансик, топилмас матоҳ. Подшолар энг ноёб ганж, ёқут, гавҳар олмосларини қаро кунга «тишларининг кавагида сақлаганлар». Камбағал бисотидаги ота-боболаридан қолиб келаётган узук, зирақ каби яккаю-ягона бойликларини тиш кавагида сақлаб келади. Ноёб, қимматбаҳо, қадрли буюмлар ҳақида, кўз қорачиғидай асраладиган нарса хусусида шу ибора кўлланилади.

Тиш ёрмайди. Индамаслик, сукут, сир бой бермаслик. Уйдаги гапни кўчага чиқармаслик. «Тиш синса, оғиз ичида, бош ёрилса, дўппи остида»ақидасига риоя қилиш. Яъни ўз дард-ҳасратини ўзгаларга дастурхон қилиб, ёймаслик, изҳор этмаслик. Тишни тишга қўйиб, босиб турилса, ора ёрилмаса, очилмаса, гапирилмагани, индалмагани, сукут сақлангани шу бўлади. Демак, тиш ёрилмайди. Тиш ёрди — тиш чиқа бошлади маъносида. Тиш ёрмади эса асл маънода — тиш чиқмади, тиш ўсмади ифодасини беради.

Тиш берган, ризқ ҳам беради. Бу ўринда эга — Аллоҳ таоло кўзда тутилмоқда. Кишигаки худойим тиш берибди, ато қилибдими — унинг ризқ-насибасини ҳам ўзи етказади, дейди халқ яхши ният билан. Тиш ризқ-насибани чайнаш, ҳазм қилиш учун берилган.

Ибора тишни ризқ-насиба рамзи, манбай сифатида ифодалайди. Кишининг ёши ўтиши билан тишлари тўла тўкилиб кетиши ҳам мумкин. Бироқ бу энди одамнинг ризқи-насибаси қийилди, узилди, деган маънони бермайди. Балки бир пайтлар мавжуд бўлган тиш, худонинг бергани, умрининг кейинги қисми — камшуклик, тишсизлик даврига ҳам тааллуқлидир. Баъзи юздан ошган кексаларда қайтадан гурунчдай бўлиб тиш чиқиши ҳам кузатилади.

Тишини тишига босди. Оғир асабийлик, руҳий мувозанатнинг бузилиши ҳолати ифодаси. Тишни тишга қўйиш (босиш) жағнинг фаолияти емак истеъмол ва ҳазм қилиш воситасидир. Бу ибора кўчма маънода, оғир тухмат, чақув, ҳақорат, ғаламислик, ифвогарлик дамларида чидамли, бардошли, матонатли, иродали одамнинг ўзини босиқ тутиши ҳолатига нисбатан айтилади.

Халқда шундай нақл бор: Бир зиёли донишмандни подшо ўз саройига чақиртирибди. Уни хос мулозими ҳоқон ёнига бошлаб келиб, бир ёнда подшо ва донишманд сухбатларини тинглаб ўтирибди. Подшо мамлакатни бошқариш, айрим мунозарали масалаларда зиёлидан маслаҳатлар сўрабди. Донишманд очиқ юз, тавозе билан саволларга бафуржа, ақл или жавоблар қилиби. Сўнг подшо миннатдорчилик билдириб, хайр-хўшлашгач, мулозим зиёлини сарой айвонига бошлаб чиқиби.

Шу пайт ранги қув ўчиб кетган донишманд қўймичига қўл юбориб, «ҳах, зор қолгур-а!» дея бир нимани чанглаб, ерга улоқтирибди. Мулозим қарасаки, сап-сарик, заҳар бойлаб кетган катта чаён думини гажак қилиб турибди. Воқеага дафъатан ақди етган мулозим донишмандга ҳайрат билан боқиб: «Эй, сен, худонинг қандайин матонатли бандасисанки, ярим соат давомида қўймичингга заҳар

солиб ёттан чаён заҳрига бардош бериб, подшо билан хотиржам сухбат қилдинг?» — дебди. Донишманд: «Худонинг ердаги сояси билан мулоқотда ҳамиша бардош, матонат талаб қилинади, мен бу ақидани бузишим мумкинмиди?!» — дея ўз фикрини баён қилган экан...

Тиши газиллайди. Оғриқтишга тегиб кетсангиз, газиллаб, жонингизни олади. Кўчма маъносида бирор нимага, одамга ачиниш, афсусланиш, бирор воеа-ходисадан пушаймон бўлиш. Киши бир пайтлар қилган, қилмаган, улгурган, улгурмаган ишларига пушаймон ейиши, афсуснадомат чекиши мумкин. Тиши газиллаш — пушаймон бўлишнинг ўта ҳиссиётли, олий кўринишидир.

Тишлаб-тироғлаб. Бу ибора табиий кўринишда, вафо рамзи итга нисбатан ишлатилади. Ит болаларини тишлаб хавф-хатарсиз, қулай жойга келтиради, тироғлаб ўз оиласига жой ҳозирлайди. Мана шу кўриниш кўчма маънода одамга кўчирилган. Она ҳар қандай шароитда ҳам ўз оналик қудрати билан боласини «тишида тишлаб», оқ, ювиф, оқ, тараб, ҳаёт зарбаларидан ҳимоя қилиб, парваришлайди, вояга етказади.

Ҳатто залворли юкни тортадиган турмуш ҳамроҳисиз қолганда ҳам, иборада айтилганидай, тишлаб-тироғлаб, ўз зурриётини балоқазолардан омон олиб ўтади. Шунинг учун ҳам ҳалқ «отасиз етим — гул етим», «онасиз етим — ўл етим» деган нақл ижод қилган.

Тиши босгулик нима бор? Тиши оғриганда, унга дори-дармон, оғриқсизлантирувчи восита қидириб қилинган мурожаат. Кўчма маънода егулик, қоринни тўйдиргулик нима бор, саволи мазмунини ташийди. Гўшт, қази-қарта, нон, мева-чева, сабзавот «тишига босгулик нарса» саналади. Камбағал уйда мудом суюқ-саёқ, шилдир шўрва ичаверса, жонига тегиб, хотинига шу иборани ишлатади. Атала-буламиқ, пиёва қашшоқ одамнинг «ўлмаснинг қунидан» қоринни алдаш воситаси саналиб, у «тишига босгулик» нарсани жуда қадрлайди. Эскидан, «камбағалнинг бир тўйгани — бой бўлгани» деган нақл қолган.

Тиши синса оғиз ичида... Ўзбекнинг андишлилик ақидаси. Уйдаги гапни кўчага чиқармаслиги. Тишининг сингани, бирордан калтак ейилганини дўст-душманга изҳор этмаслик, оғиз ичида сакдаш. Кўчма маъноси: сир саклаш, ўз айбини ўзи очмаслик, борини ошириб, йўғини яшириш. Ибора мақолнинг иккинчи, уни тўлдирувчи қисми бор: «бош ёрилса, дўппи остида»... айбни, дардни ўзгалар кўзидан нари тутиш, билдирмаслик, сирини бермаслик.

Бардош, чидам, оқил-фозиллик, узоқни ўйлаш, босиқлик намунаси. Ибора кишини сабр-тоқатли, чидамли, матонатли бўлишга чақиради.

Тиши тишига тегмайди. Бу ибора киши бетобланиб, иситмаси кўтарилиб, безгак тутганда айтилади. Одамнинг қаттиқ совқотиб қолиши, уни совуқ уриши ҳолатларида ҳам шундай вазият содир бўлади. «Тиши тишига тегмайди» ибораси тишини тақиллатди, хув-хувлади, бирикмаларига муқобиладир.

Тиш оғригининг давоси омбир. Тишни «қурт еб кетган», уни даволашнинг иложи бўлмаса, ҳақиқатан ҳам, унинг давоси – омбир бўлади. Бироқ бу ўринда иборанинг кўчма маъноси ҳам борки, баъзи иллатлар, камчиликлар шахснинг, ҳатто вазиятнинг катта нуқсони саналганда, уни бутунлай суфуриб, йўқ қилиб ташламагунча ундан қутулиб бўлмайди, деган мазмун англашилади.

Тишини фижирлатди. Киши билмай тош, шоли, курмак, қум, очилмаган мoshни чайнаб юборса, тиши фижирлаб, асаби ўйнаб кетиши мумкин. Уйқунгизда тамшаниб, кавшаниб тишингизни фижирлатасиз. Тишни ўнгингизда, била-кўра фичирлатишингиз ҳам кузатилади. Бу асабийлашиш, ғазабга миниш, жаҳолатнинг босиб келиши ҳолатларида содир бўлади. Бундай ҳолларда ғазабингизнинг зўридан рақибингизни ғажиб ташлагингиз келади, беихтиёр тишингизни фижирлатасиз. Шу сабабли одамнинг ушбу кўринишини турли мавжудотларга яқинлаштириб: итнинг ириллаши, арслон-йўлбарснинг ўз ўлжасига ташланиш олдидағи ҳолатларга ўхшатилади.

Ушбу сұхбат «гап» мавзуининг мантиқий давоми бўлиб, «тил» атамаси билан боғлиқ бўлган ихчам иборалар мағзини чақишига бағцшланган. Тил – агадиётнинг, маданиятнинг бирламчиси, асосидир. Бошқа халқларда бўлгани сингари ўзбек халқининг тили ҳам бой, сержило, пурмаъно бўлиб, мазмунининг куюқ, қават-қаватлилиги билан ажralиб туради. Зеро, тилга эътибор, элга эътибор деб бежиз айтилмаган.

Тили чиқибди. Боланинг тиши, оёфи, тили чиқади. Бу гўдаклик фасли билан боғлиқ табиий ҳодиса. Аммо халқ тили чиқибди, деганда бу иборанинг кўчма маъносини кўзда тутади. Бирор ювош, гап

қайтармайдиган одам дафъатан ўзгариб, айтганингизни қилмай, ҳатто эътиroz билдириб, норозилик баён қилса, «ҳа, қизталоқ, тилинг чиқиб қолибди-я», дейсиз. Тили чиқмоқнинг мұқобили: «ўзгариб қолмоқ», «исенкорлашмоқ», «ҳокимлашмоқ», «мустақиллашмоқ» маъноларини беради.

Тилини тииди. Тил бир газ, бир қулоч, бир қарич эмас, бор-йүғи гүрт энлик сұяксız гүшт, холос. Аммо унинг шаъни-шавкати, тәърифу таъсифига минг бир баҳо берилади. Тил қирқ газлик пояндоз эмаски, чўзилиб, ёйилиб кетаверганига уни тийиш ҳақида бош қотирсангиз. Бироқ шундай ибора ҳалқ орасида мавжуд экан, унга эътибор талаб этилади: тилини тииди, бўлмаса оқибати нима билан тутарди, худо билади, дейишади.

Тилини тиймок, андишалилик, мулоҳазакорлик, вазминлик, одобилик, яхши тарбия кўрганлик мевасидир. Тилни тийган бой бўлади, дейди ҳалқ. Кишини ўтга отадиган ҳам, тожу таҳтга кўтарадиган ҳам тилдир. Тилни тийишнинг салбий оқибатлари ҳам бўлиши мумкин. Вақтида айтилмаган жавоб киши юрагини тиғлаб, бир умр ўртаб юради.

Тили қисиқ. Бу ибора фақат кўчма маънода қўлланади. Тили қисиқ, деганда бироннинг ўзга киши олдида муттаҳамлиги, сир бой берганлиги, тиш ёролмаслиги, мутеълиги кўзда тутилади. Тили қисиқлик айборликни, хатони бўйинга олиб юришдир. «Тили қисиқ» одам думини қисиб юрган қўрқоқ кучукка, шоқолга ўхшатилади.

Тилёғламалик. Тили ширин, заҳар, тили ўткир, тили чучук, тили ғализ иборалари деярли бир хил маъно-мазмунга эга. Тилёғламалик, атамаси кўп маъноли. Аввало тил ёғланган, мойланган, қуроллангани билан ўзига хос бўлса, энди у ишлатилиши, вазифаси жиҳатидан ҳам оригиналдир.

Ёғланган тил хушомад, лаганбардорлик, силаб-сийпаш, мақташу пахта қўйиш билан шуғулланади. Ундан фақат ширин, ёқимли, чучмал, хушомад сўзларнингина эшитиш мумкин. Бироқ бу тил вазиятга қараб жуда тез ўз қиёфасини ўзгартира олади. Унинг бош хусусияти хиёнаткорлиқдир. Буқаламун тилёғламалик дафъатан тиғли-тирсакли, бир қулоч тилга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Тили қуйган. Тил қайноқ чой, шўрва, сут ва ҳоказолардан куйиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳалқ орасида «сутдан оғзи қуйган қатиқни ҳам пуфлаб ичар», деган мақол бор. Бу мақолнинг

асл мазмуни бўлса-да, аслида унинг кўчма маъноси, мантиқли ва чуқурдир. Бирор ишдан зарар кўриб, озурда бўлган, касодга учраган, пушаймон қилган одамга нисбатан «унинг фалон нарсадан тили куйган» дейишади. *Муқобили*: «оғзи куйган», «таъзирини еган», «пўстаги қоқилган» каби иборалар.

Тили ғализ. Бу ибора, шахсга нисбатан эмас, бадий, илмий адабиёт, кино, теле, радио асарларга нисбатан фаол қўлланилади. Тили ғализ деганда асар тил нуқтаи назаридан меъёрига етмаган, маҳорат даражасига қўтарилмаган, санъат юксак талабларига жавоб беролмайдиган деган маънолардаги холоса келиб чиқади. *Муқобили*: «тили тўмтоқ».

Тили чучук. Тили ширин, тили заҳар, тилли-жагли ибораларининг маъноси ҳаммага маълум. Тили чучук, иборасиники анча мураккаб. Тил ҳам чучук-аччиқ бўладими, демайсиз. Чунки буларнинг кўчма маъноларини яхши ҳис қиласиз. Халқимиз жуда андишали, истиҳолали, заковатли, тарбияли халқ бўлгани учун одамга таъриф беришда ҳамиша инсоний назокатга амал қиласиди.

Дудук, айрим товуш, сўз, бирикмаларни ўрнига қўйиб айтолмайдиган, нутқида камчилиги бўлган миллатдошларни қўпоплик билан соқов, дудук, тилини қарға чўқиган, демайди-да, ёқимли қилиб, «тили чучук», дейди. Сиз билан биз эса бундан ўзбекнинг тили ширин деган қонуний холосага келамиз.

Тили қичиди. Тўғри, ўз маъносида тил қичиши мумкин. Бу ҳолатда одам тилини тишлайди. Бироқ бу иборанинг асл мазмуни унинг кўчма маъносида яширинган. Бирор мақтанчоқлик билан ўзига муносиб бўлмаган, курби, чамаси келмайдиган гапларни гапирса ёки ёлғон сафсаталар билан аравани қуруқ олиб қочса, уни тинглаб турган инсофли, диёнатли одам, «жуда тилим қичиди. шайтонга ҳай бердим-да», дейди. Бу билан, «бўладиган гапни гапирсангиз-чи ёлғон ҳам эви билан-да», деган танбех, англашилади. Тилим қичиди, бирикмаси оилада, ишхонада, қуда-андалар, дўст-оғайнилар ўртасида, турмушда жуда фаол қўлланилади.

Тилини тишлади. Бу иборанинг бир неча маъноси бор. Ҳайвонга нисбатан қўлланилганда, кўй, мол сўйилган чоғида, жон аччиғида тилини тишлаб жон беради. Қуёнчиқ қасаллигига йўлиққанлар дард хуруж қилганда тилини тишлаб қолиши мумкин. Соғлом инсонга нисбатан «тилини тишлади» ибораси «тили қичиди» бирикмасининг иккинчи босқичи, бир олманинг иккинчи палласи сифатида кўчма маънода ишлатилади.

Тили қичиди-ю ўзини босиб, тилини тишлади, деймиз. Учинчи маъноси муайян ҳодисадан лол қолиб, ҳайратланиб одам зоти «тилини тишлайди». Яна бири – илк маъноси одам тасодифан ўз тилини ўзи тишлаб олиши мумкин.

Тилингга тирсак чиққур. Қарғиши иборалардан бири бўлиб, тилинг кесилгур, тилинг танглайнингга ёпишгур, бирикмалари маъносига яқин туради. Луғавий маънолари: аслида тилдан тирсак ўсиб чиқмайди, яра чиқиши мумкин. Бу билан «шу заҳар тилинг айланмай қолсин», «тилинг узилсин», «ўз тилинг ўз бошингга етсин» каби қарғиши, ёмон ниятлар билдиришдан иборатдир.

Тилимнинг учида турибди. Суҳбатда, маърузада, гурунгда бирор гап, нарса-булом, исм; жой номи ёдингизга келавермайди. Биласиз, яхши танишсиз, бироқ хотира панд беради-ю айнан ўша сўз, ибора, бирикма муносиб ўрнига тушавермайди. Шундай пайтларда «ҳаҳ, зор қолгур, шундоқцина тилимнинг учида турибди-я, тополмаганимни қаранг», дея хижолат бўласиз.

99

Даврадагилар унинг маънодошлари, муқобилларини бирма-бир айта бошлашади. Бирор топқирроғи «тилингизнинг учида турган» ўша «қочоқ» гапни кўнглингиздагидай қилиб топиб айтади. «Ҳа, отангизга раҳмат, ўзи, худди ўзи», деб суҳбатингизни келган жойидан давом эттирасиз.

Тилли-жағли. Одамлар бўладики дамдўз, ичимдагини топ, индамас, зерикарли. Яна бир тоифаси унга қарамана-қарши ўлароқ далли-гулли, сўзамол, хушчақчақ, қизиқарли, қувноқ ва ҳазилкаш. Айнан шундай одамларни, фалончи тилли-жағли, одамни зериктирмайди, дейишади.

Сафарга, суҳбатга, гап-гаштакка шундай одамни ҳамроҳ қилишади. Аслини олганда ҳамма ҳам тилли-жағли. Бироқ барча инсон ҳам худо берган шу тилу жағни баравар ишлатавермайди. Уни суиистеъмол қилганларни ҳам халқ топиб баҳосини беради: гапни олиб қочади, худо гапдан берган, аравани қуруқ олиб қочади, тили бир қарич, жағ-жағ, шанғи, қулоқни қоматга келтиради, онаси гапга туққан, «рўпара бўлсанг, қулоқнинг расмини чиз-у қуён бўл» каби образли иборалар ишлатилади. *Муқобили:* «маҳмадона», «сўзамол», «тили ширин», «тили ўтқир», «нутқи равон».

Тили бошига етди. Тил тишга, лабга, соқол-мўйловгага етиши, уни ялаши мумкин. Бироқ бошга етмайди. Аммо асл маъноси – кўчма мазмунида тил кишининг ўз бошига, унинг оиласи, яқин-узоқ

одамлар бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кулфатларни келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам қадимдан ота-боболаримиз барча авлодларни ҳамиша ҳушёрликка, одоб-ахлоқقا, айниқса, тил одобига қатъий риоя қилишга чақириб келган. Кулдирадиган ҳам тил, ўлдирадиган ҳам тил.

Шунинг учун ҳам тилни бепарда, ношаръий, ғайриахлоқий сўзлардан тийиш талаб қилинган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Юғнакий, Маҳмуд Қошғарий асарлари бу мумтоз насиҳатнинг эски намуналаридир. Ҳозирги замонда ҳам шарттакилик қилиб, бетгачопарлик билан, каттани катта, кичикни кичик демай, тилига зўр берган одамнинг оқибат бошига мушкул иш тушиб, бунинг жазосини тортса, «ҳа, тавба дейлигу тили бошига етди-да», дейишади кўпни кўрган кекса кишилар.

Тили бир қарич. Тили узун, тили бир қулоч каби ибораларнинг муқобили бўлиб, асосан салбий оҳангда ишлатилади. Ҳеч кимга гап бермайдиган, сўзамол, маҳмадона одамга нисбатан бот-бот ишлатилади. Кўпроқ аёллар, келин ё қайноналарга, қуда-аңдаларга, маҳалланинг хотин-қизларига нисбатан қўлланилади.

Тилидан тутилди. Тилидан топди, иборасининг муқобили. Киши гап орасида бирор масалани хотирга келтиради сухбатдошининг дашномига, тазиқига, буйруғи ё мажбуриятига дучор бўлади. Сўнг тилини тиймагани, тишламаганига пушаймон бўлади. Ўзига ўзи, иш, ташвиш орттиради.

Қадимда бир камбағал, мақтанчоқлик қилиб, ўзга шаҳарлик мусоғирга бундан бўён шаҳарга тушадиган бўлсангиз, жой излаб овора бўлиб юрмасдан тўғри бизникига келаверинг, дея ўз манзилини айтиб юборган экан. Мусоғир кўп ўтмай танишини йўқлаб келибди. Меҳмон эшикни тақиллатиб, янги ошнаси билан кўришаркан, отни қаёққа боғлай, дебди. Тилимга боғланг, деган экан тилидан тутилган мезбон...

Йигитнинг сазаси ўлгунча – ҳўқизнинг бўйни узилсин, дейди халқ. Эр йигит ориятили, ўз сўзида собит турадиган, оиласи, жамоаси, давлати учун бўйнига зил-замбил юқ олишига тайёр, мард бўлади. Бўйин ва бел каби тана аъзолари йигит кишига нисбат сифатига норгуллик, куч-кувват, ғайрат-шижоат рамзи ҳисобланади. Бўйин тўғрисидаги иборалар ҳам кундалик турмушда фаол қўлланилади.

Бўй-бўйлашмоқ. Тенгдошлиқ, ёш ва қоматнинг нисбатан бараварлиги. Бўй-бўйлашиш – ўғилу қиз болалар йил сайин камолга етиб, бир-бирига тенглашиб, ўсиб боради. Тағин бир маъноси – бўй сўзини бир неча киши биргалиқда, бир пайтда баравар айтиши. Қишлоқда кўчадан бирор ўтса, (отлик, пиёда) ёш болалар, қизчалар пастак деворлардан мўралашиб, бўйлашишига ҳам шу ибора айтилади. Бўй, ўрни билан ҳид, ифор мазмунини ҳам ташиши мумкин.

«Бў» дейиш. Йигитлар (ўсмир-ўспириналар) орасида шундай ибора мавжуд. Бирор асоссиз равишда бирор ниманинг даъвосини қилса, унинг тенгдошлари, шунақами ҳали, «бў» дэнг бўлмаса, дейди. Бу билан, мен орият, номус, уятдан маҳрум одамман, «бў» дейишга тайёр нокасман, деган маъно англашилади. Одатда, ҳеч ким «бў» демайди. Бу атамани бўйнига олиш жувонмардлик, инсонийликдан воз кечиб, тавқи лаънатни бўйнига олишдир. «Бў» дейиш – кишини ҳайвон – ҳўқизга қиёслаш бўлиб ўзгалар томонидан киши шахси, ўзини ўзи ҳайвон қаторига қўшишдир.

Бўйинса. Бу атама тенгдош ёки деярли бир, бўйи, куч-кувати, ақл-фаросати баравар маъноларида ишлатилади. *Муқобили:* «хамбўй» «тенгдош», «тенгқур» ва ҳоказо.

Бўйни йўғон (тўқбўйин). Ҳўқизнинг бўйни йўғон, чумолиники қилдек ингичка. Одамларнинг бўйинларини ҳам ҳўқиз ё чумолиникига ўҳшатиш мумкин. Табиий равишда йўғон ингичкалигидан ташқари, бўйин кўчма маънода ҳам «йўғон» ва «бўш» шаклларида ишлатилади. Бўйни йўғон дегани – такаббур, ишёқмас ман-ман, олифта, зўравон, қайсар ва ўжар, ўзига бино қўйган каби муқобиллари билан янада аниқ-равшан маъно ташийди. Бўйни бўш – ҳоксор, мулойим, бўш-баёв маъноларида ишлатилади.

Бўйнига олди. *Муқобиллари:* «зиммасига олди», «гарданига олди», «елкасига олди». «Сўз берди», «таслим бўлди» ва ҳоказо. Бўйнига олиш бирор тўй-тадбирда масъулиятли вазифалардан бирини ўз зиммасига олиб, шу ишга киришиш. «Бўйнига олди»нинг асосий кўчма маъноси қилган айби, гуноҳи, жиноятини тан олиш ёки шунга мажбур бўлиш мазмунида. Ота ўз боласини, ака укасини тўғри маънода бўйнига олиши, ўтқазиши мумкин. Бўйнига олиш ўз зиммасига катта масъулият юклаш маъносини ҳам беради.

99

Бўйига қараб тўн бичмоқ. Кўрпангга қараб оёқ узат, тенг-тенги билан, тезак қопи билан, дейди доноларимиз. Бўйига қараб тўн

бичмоқ — эшагига яраша тушови, иборасининг муқобили. Кишининг моддий, маънавий, иқтисодий имкониятлари, савияси, мавқеи, жамиятда тутган ўрнига қараб унга баҳо берилади. Яъни образли қилиб айтганда, «бўйига қараб тўн бичилади». Тўн бўйдан узун, калта, кенг, тор бўлса, қалб билан қиёфанинг мувозанати бузилиб, номутаносиблиқ, кулги, масхара бўлишга олиб келади.

Бўй етмоқ. «Бўй» сўзи бўй-бўйлашмоқ, иборасида берилган шарҳдан ташқари, вояга етиш, камол топиш, оила ва турмуш қуришга тайёр бўлиш маъноларида ҳам бўлади. Бўй етиш, бўйига етмоқ иборалари болалик, ўсмирлик, ўспиринлиқдан ёшлик сари қадам ташлаган, турмушга чиқиш, уйланишга етилиб қолган қизу йигитларга нисбатан қўлланиладиган иборадир. Бошқа маънода — «бўйга етмоқ» қиз боланинг сочи бўйи билан тенг бўлиши, экилган ниҳол одамнинг бўйига тенглашиши, фарзанднинг ота-она бўйига ўсиб бараварлашиши каби мазмунларни ташиши мумкин.

Бўйида бўлмоқ. Жувон танасида ҳомиланинг пайдо бўлиб, вояга етиши. «Ҳомиладорлик», «бўғоз бўлиш», «қорнида боласи борлик» унинг муқобиллари. Бўйида бўлмоқ, икки жинс қўшилувининг табиий ҳосиласи. Авлод давомийлигининг омили.

Бўйин товламоқ. Бўйин товлаш — йўқ ишорасини қилиш, бўйинга олмаслик, бўйинга юқ туширмаслик. Бўйин товлаш — бўйинга олиш, бўйин беришнинг акси бўлиб, муайян иш-ҳаракат, вазифа, мастьулиятни тан олмаслик, зиммага, гарданига олмаслиқдир. Бўйин товламоқ — бўйни йўғонликнинг муқобили бўлиб, қайсарлик, манманлик, мастьулиятызлизик, номардлик, бетовфиқлик сифатида қораланади. Бўйни шамоллаб қотиб қолган одам уни офтобда товлаши, куннинг тифида даволаши ҳам мумкин. «Бўйин товловчи» кишига нисбатан қилган ишининг моҳиятига қараб ижобий, салбий баҳо бериш мумкин.

Бўйин эгмоқ. Кўп маъноли ибора. Бўйин эгиш — таъзим, хурмат-эҳтиром, эътибор, миннатдорлик маъноларида. Бўйин эгмоқ — ҳақиқат олдида тан бериш, душманга, рақибга таслим бўлиш, зўр олдида ожизлик, қўл кўтариш, бироннинг қули, қароли бўлиш. Бўйин эгиб таҳорат олиш, китоб ўқиш, тановул қилиш ва ҳоказо машғулотлар билан шуғулланиш мумкин. Бўйин эгмоқ сидқидилдан, чин истак билан, мажбуран, зўрлаб, ўлганнинг қунидан, шунчаки дипломатия кўринишларида бўлади. Бўйин эгган одам ҳамиша ҳам таслим бўлган ҳисобланавермайди. Муқобили: «бўйини ҳам қилмоқ».

Бўйнидан ип бойламоқ (ўтказмоқ). Бўйнидан бойланган ит овга ярамас, деган мақол бор. Бўйни боғлиқлик – эрки, мустақиллиги, ўз ҳуқуқ ва имтиёзларини бутунлай қўлдан бериб, ўзгага (рақиб, душман, бегона) қарам бўлиб қолишидир. Одамга нисбатан ишлатилганда шу маънолар кўзда тутилади. Бўйнидан бойланган – хавфсизлантирилган, одди олинган, бичилган қул сингари мазмун ташийди. Оғзига чўп ўлчатиб олган, бўйнини ҳам қилган, бўйни сув бўлган, бўйни бўш қаби ибораларига маъно жиҳатидан яқин.

Бўйнидан соқит қилмоқ. Тўғри маънода бўйнидаги юкни ерга ташлаш, ундан қутулиш. Кўчма маънода эса зиммага олинган, олиниши керак бўлган масъулиятдан ҳалос бўлмоқ. Бўйнидан соқит қилмоқлик шахсига қараб аниқланади. Сиз ўзингиз ўз бўйнингиздан маълум «юк»ни соқит қилишини из ёки иккичи шахс (дўстингиз, раҳбар, бошлиқ) Сизнинг бўйнингизда иш учса юкни соқит қилиб, юкингизни енгил, мушкулингизни осон қилиши мумкин. Холисанилло бўлса яхши, ёмони – тилингизни қисик, ўзингизни қарздор қилиб қўйиши ҳам бор.

Бўйин ёр бермаслик. Маълум иш-вазифа, масалага жоним-отимлаб, сидқидидан, хуш кўриб киришмаслик. Хоҳиш-истакнинг йўқлиги, хушёқмаслик, танбаллик. Бўйни ёр бермаслик образли, жонлантирилган ибора бўлиб, бизнингча, аслида, бўйни ёр бермаслик (бўйнидан «юк» учун жой, ўрин бермаслик) шакли ва мазмунида бўлган.

Бўйни қисик. Тили қисик, бўйни ҳам, бўйнини ичига олган (тортган) ибораларининг муқобили. Бўйни қисикдик қўрқоқлик, қарамлик, ўз ҳуқуқ-эркини қўлдан бериш, оғзига чўп ўлчатиб олиш, бўйнидан ип ўтказиб олиш билан баробардир. Аслида ибора ўз маъносида итга қиёсланиб, бўйнини, думини қисган, қўрқоқ, текинхўр ҳайвон қаби маънолар кўзда тутилган. Инсонга нисбатан қўчирилганда бундай шахсада инсонийлик қўлдан берилганлигига ишора қилинади.

Бўйнига қўймоқ. Тўғри маънода юкни кишининг бўйнига, елкасига, орқаси, белига қўймоқ, ортиб, ортмоқдамоқ. Кўчма маънода ҳам бирор «юк» – айб, гуноҳ, вазифа, масъулият, иш, масалани киши «бўйнига», яъни, зиммасига қўймоқдир. Бўйнига қўйиш – исбот билан, адолатли, аксинча, тухмат ва зўравонлик билан, руҳий ва жисмоний азоб бериш йўли билан зўрлаб амалга оширилиши мумкин. Бўйнига қўйиш, деган иборада шахста нисбатан жабрдийдалик, ачиниш, хайриҳоҳлик маънолари жамуужам.

Бўйнинг узилгур. Қарғиши-ният. Мусулмон нимаики тирик жонжоноворни луқмай ҳалол сифатида истеъмол қиласиган бўлса, бисмилло билан унинг бошини кесиб, сўнг шилиб, нимталаб, пишириб-куйдирив тановулга киришади (балиқ, товук, қўй-эчки, ҳўкиз ва ҳ.к.). Инсон фақат қадимги жангу жадалларда қилич билан атайлаб бир-бирининг бўйини чопган. Ҳарбнинг қонуни шу. Аёллар муштумзўр эрларини, ёқтирганинг эркакларни шундай ибора билан қарғайдилар.

Бўйнини ичига тортиб юрибди. Тили қисиқлик билан ўз шаънига дод туширадиган айб, гуноҳни билгани ҳолда, ўзини билмаганга солиб, индамай, лом-мим демай юрибди каби маънони беради. Бўйнини ичига тортиб юриш аслида совук, оғриқ, ёки табиий ҳодисалар туфайли бўлиши ҳам мумкин. Кўчма маъносида инсон шахсияти, ор-номуси, эрк-эрксизлиги кўзда тутилади. Бу хислат кўрқоқлик, ожизлик, оёқостилик, тупроққа тенг бўлиш билан баробардир.

Бўйнини сув қилмоқ. Роса ишлатиб, бўйнини терга пишиб, жонини олмоқ. Мажбур қилиб, уриб-сўкиб, кўзини қўрқитиб, мулла минган эшакдай қилиб қўйиш. Бўйнини сув қилиш – ўлдириб юбориб, ҳамма аъзолар ириб-чириб кетгани сингари бўйнининг ҳам бордан йўқ бўлиши, тупроққа айланishi кўзда тутилади. Бўйнини сув қилиш – ювиниш, бўйинни ҳўл қилиш каби оддий, тўғри маъно ташиши ҳам мумкин.

Бўйингдан аканг. Бўйингга қоқиндиқ, бўйингдан ўргилай, айланай, тасаддуқ сингари меҳр-муҳаббат, ишқибозлик, хуш кўриш, рағбат ибораси ифодасидир. Бўй – сарвқомат, гўзаллик, соғлом-бақувватлик, куч рамзи. Бўй – ошиқ меҳр-оқибати тимсоли. Ҳалқ орасида бўй инсоннинг энг яхши жисмоний фазилати – камолот рамзи сифатида улуғланиб, мадҳ этилади. «Бўйингдан аканг» ошиқнинг маъшуқага, йигитнинг қизга ишқибозлик, меҳр ифодаси. Бу ўринда учинчи, айлансин сўзи тушиб қолган бўлса-да, маъноси англашилиб туради.

Бўйидан баланд сакрамоқ. Эшагига яраша тушови, кўрпангта қараб оёқ узат, бўйига қараб тўн бич каби мақол, иборалар бор. Бироқ шундай кишилар борки, ўз бўйидан баланд сакрашга, имкониятларидан ортикроқ даражаларга, қобилиятларидан баландроқ мартабаларга интиладилар, даъво қиласидилар. Бундайларни ҳалқ ҳазил-мутойиба билан, отаси урмаган тўнғизни, боласи урмоқчи қўнғизни, дейди. Бу билан, ота-бобоси қилмаган ишни қилмоқчи,

деган маъно англашилади. Таваккалнинг боши қал, дегандай, баъзан бундай шахслар фавқулодда омадлари чопиб, ишлари юришиб кетиши ҳам мумкин. Аслида ота қасбидан чекинмаган, ўз бўйидан (ҳаддидан) баланд сакрамаган ютади. Мўътадил, осойишта ҳаёт кечиради.

Бўй чўзмоқ. Бу ибора ўз ва кўчма маъноларида фаол ишлатилади. Бўй чўзиш – қўл узатиш, бирор нарса-буюмга чўзилиш, узайиш, бутун тана узунлигига интилиш. Бўй чўзиш – вояга етиш, кўкариш, бўйнинг узунлашиши. Бўй чўзиш – турли ҳаракатлар билан ўз бўйини узайтиришга интилиш. Бўй чўзди, бўй кўрсатди, иборалари жисмоний томондан ташқари маънавий ҳодисаларга нисбатан ҳам кўлланилиши мумкин. Фалон таълимот бор бўй-басти билан намоён бўлди, янги сиёsat бўй кўрсатди ва ҳоказолар қабилида.

Бу сабогимиз «томоқ» мавзуига бағишиланган. Халқ қадимдан «тешик томоқ чиримас» дегя соғ-омон бўлсанг-у томоққа ямоқ топиб турсанг, тешик томоқдан лукмай ҳалол ўтиб турса, шунинг ўзига шукронга қил, қолган ишларинг ўз-ўзидан юришаверади, деб тушунишган.

Томоги тушди. Бу нарса бирор нарсага, егулик-ичгуликка кўзи тушиб, оғзи сув очиб, ҳаваси келсаю топиб еёлмаса, унга етишолмай қолганда айтилади. Она, боламнинг узумга томоги тушди, дейди. Томоги тушиш маълум неъматга етишолмай, томоқнинг сунъий равища тушиб кетиши, сўлак оқиши қабиладир. Хотин-қизларга нисбатан (ҳомиладорлик) бошқоронғи бўлиш деб ҳам юритилади.

Томоқ қирмоқ. Бу ибора бегона жойга бехосдан келинса, албатта бир-икки йўталинади, огоҳлантирувчи товуш берилади. Томоқ қириб, ярим йўталинади. Мезбоннинг эътибори жалб қилингач, салом-алик, муомалага кўчилади. Томоқ қириш ношаръий, файриахлоқий ҳодисаларни кўрганда ҳам, огоҳлантириш, тартибга чақириш, танбеҳ, бериш маъноларида ишлатилади. Ўз маъносида эса томоқда балғам тўтиланса, шамоллаганда, бошқа ҳолатларда томоқ қирилади. Томоқ қиришнинг мұқобили: йўталиш, яримта товуш.

Томогида тош пайдо бўлди. Бу ҳолат севинч ё хафалиқдан, ҳиссиётларнинг жунбушга келишидан ҳосил бўлади. Одам, каттадир-кичиқдир, бирор нарсадан кўнгли эриб, юмшаб, йиғлаб

юбориши олдидан, шундай, томоғига бир нима, тош тиқилади. Нафас ўтмай, ҳиқилдоқ лиқиллаб, томоққа тиқилади. Бу ҳолатни «фалончининг томогида тош пайдо бўлди», дейишади.

Томоги тақилламоқ. Лайлакнинг танглайи тақиллади. Инсонга нисбатан бу бирикма асосан ичувчи «пиёниста» ларга нисбат бериб айтилади. Томоги тақиллаш – ичкиликни, шаробни қўмсашибдир. Тақиллаган томоқ албатта шароб ютиши, ўзига келиши керак. Акс ҳолда, касаллик хуруж қилиб, «бемор»ни адо этади.

Томоққа ямоқ. Образли бирикма бўлиб, томоқ, нафсни қондириш учун таом, неъмат, егулик-ичгулик талаб қилинади. Томоққа ямоқ – тириклик, моддий ҳёт манбаидир.

Томогини мойламоқ. Тўғри маъносида ўзи ё ўзганинг томогини мойлаш, ҳўллаш, чой, овқат истеъмол қилиш. Кўчма маънода эса томогини мойлаш у ёки бу шахсга хушомад қилиш, шахсий манфаати йўлида унга пора бериш, едириб-ичириб, кийдириб, хуллас, шу йўл билан иш тутиб, керакли шахс кўнглини топиш, уни хурсанд қилиш. Томоқ мойлаш ароқ ичириш, яхши зиёфат қилиш, кўлига тутқазиб юбориш йўллари билан амалга оширилади.

104

Томогидан қийди. Ейиш-ичишдан ўзини тийди. Даволаниш, иқтисод, тежамкорлик, камбағаллик важларидан бўлиши мумкин. Томогидан қийиш ўзга яқин кишига ризқ-насиба илиниш сабабидан бўлиши ҳам мумкин. Одатда ота-она, бобо-буви ўз болалари, невараларига томоқларидан қийиб узум, нок, хурмо, қанд-курс асраб қўядилар. Кейин қўярда-қўймай бу неъматларни бола, набираларига едирадилар.

Томогидан ўтмади. Фарзанл емагунига қадар бирор таом ота-онанинг томогидан ўтмайди. Илинж иштаҳани қочиради. Бу иборанинг иккинчи маъноси ҳам бор. Инсоннинг жони узилиш олдидан томогидан луқма, ҳатто сув ҳам ўтмай қўяди.

Йиртиқ томоқ. Тешик томоқ, деган иборанинг муқобили бўлиб, ҳалқ, то тирик экансан, қанча еб-ичганинг билан тешик, йиртиқ томоқни тўлдириб бўлмайди, деган ҳаётий фалсафани яратган.

Томоқ емоқ. Томоқни еб бўлмайди. Бу ўринда томоқ таом, луқма, неъмат, овқат маъноларида ишлатилиб, таом истеъмол қилиш мазмунини беради.

Томоқ бермоқ. Таом тортмоқ, овқатлантирумок, зиёфат қилиш маъноларини беради.

Томоги йиртилди. Қичқириш, бақириб-чақириш, томоқни йиртгудек бўлиш. Томоги йиртилди, деган иборада салбий оҳанг бор.

Томоги титрамоқ. Товуши титради, овози, кўнгли бузилди маъноларини беради. Томоги титрамоқ ҳиссий, руҳий ҳаяжон натижасидир.

Томоги хириллади. Шамоллаганда, уйқуда хуррак тортганда, томоқ хириллайди. Бўғизланган жонзотлар шундай хириллаш овози чиқаради.

Тўймас томоқ. Тешик томоқнинг муқобили. Очкўз, мечкай, суқатой кишиларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин.

Текинтомоқ. Томоқнинг ўзининг киши аъзоси сифатида текину туллиги бўлмайди. Бироқ кўчма маънода алоҳида мазмун касб этади. Текинтомоқ, деганда ҳалқимиз хасис, қурумсоқ ва ис чиққан жойдан қолмайдиган, текинхўр, сур, мечкай одамларни кўнга туғади.

Текинтомоқ кишилар ўзгалар ҳисобидан кун кўришни хуш кўришади, меҳнатдан қочишади. Бу йўлда хатто инсоний шаънларини, қадр-қимматларини ҳам оёқсти қилишади. Бундай одамлар ҳақида ҳалқ «текин кафан топилса, ўлишга ҳам тайёр» деб таъриф беради. Текинтомоқлар жамият паразитлариdir. Оилада оқбилакроқ, ишёқмасроқ, эринчоқроқ фарзандларни текинтомоқ деб койишади. Бу билан ушбу ижтимоий касаллик олди олинади, тарбия берилади.

Ширин томоқ (ширин таъм). Оилада шириналликни: қанд-қурс, мевавчева, мураббо ва ҳоказоларни яхши кўрадиган болаларга нисбатан (баъзан айрим катталарга ҳам) ишлатиладиган ибора. Ширинтомуқнинг яна бир киноявий маъноси бор. Бу киши жуда ширинтомоқлар, дейилганда, мазкур кишининг нозиктаъб, нозикмижозлиги таъкидланади.

Бақбақа тўрам. Ҳалқ ҳаромхўр, текинтомоқ одамлардан ҳамиша нафратланиб келган. Бақбақа тўрам иборасида танқид, киноя, истеҳзо оҳанглари бўлиб, ўзгалар ҳисобидан кун кўриб, ҳузур-ҳаловатда юрган одам масхара қилинади. Одатда, одамнинг бирдан кўзга ташланадиган ташки аломатлари бўлади. Бироннинг ўзидан олдин хонага қорни киради, бошқа киши юзидаги холи, доғи билан ажralиб туради. Томоқдан тумшукқача бўлган «масофа»да жойлашган бақбақа ҳам баъзи кишиларнинг «безаги»дир. Бу «давлат» эгасининг анчайин лоқайд, ўзганинг дарди билан иши йўқ, ўзидан, ҳаётдан мамнун эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ҳалқ «бақбақа» ёнига «тўрам»ни қўшиб, бир атама яратаркан, маълум тоифа кишилар тимсолини яққол кўз ўнгимизга келтиради.

Бақбақангдан аканг. Бу иборада гап ташлаш, ҳаётсеварлик, ишқибозлик оҳанглари мавжуд. Тиллани лойга қориштирганингиз билан қадри тушмаганидек, айрим гўзал жувонларга кичик, ўзига, ёшига муносиб бақбақа ҳам ярашади, алоҳида жозиба бағишлади. Бундай жувонни кўрган чапани йигитлар хоҳ ошкора – овоз чиқариб, хоҳ секин, ёнидаги дўстига эшиттириб, «вой-дод, бақбақангдан аканг айлансин», деб юборишдан ўзини тиёлмай қолишади. Иборада хайриҳоҳлик, ишқибозлик, қойил қолиш, яхшилик ва омад тилаш мазмунлари мужассамлашган.

106

Елка инсон тана аъзоларининг бир қисми саналса-да, маъно кўламига кўра оғир юк кўтарили. Елка билан боғлиқ сўз, атама, ибораларда халқ инсоннинг ижобий ва салбий хислатларига муносабатини билдиради. Елкаси ерга тегмаган, елка тутмаган, елкасида тегирмон тошини ўйнатган ибораларида мардлик, паҳлавонлик, инсонпарварлик улуғланса, елкаси йўқ, елкасига миниб олган деганда учар, бироянинг ҳисобидан кун кўрадиган кишилар танқид остига олинади. Елкаси яғир бўлган, елкаси офтоб кўрмаган, елкаси титраги иборалари инсоннинг бошидан кечган оғир – мусибатли кунларга таъриф беради.

Елкаси ерга тегмаган. Бу иборани ишлатганда кишилар ҳеч қачон курашда енгилиб, йиқилиб, елкаси, кураги ерга тегмаган полвонларни олқишилашади. Ибора фақат кураш, мусобақани кўзда тутади. Негаки, ҳар қандай девсифат, паҳлавон ҳам маълум вакътларда ухлайди, ором олади, демакки, «елкаси ерга – кўрпа-гиламга тегади».

Елкаси йўқ. Инсонга нисбатан қўлланади. Одамнинг кенг бўлсин, тор бўлсин, елкаси бўлмаслиги мумкин эмас. Ўзбек, елкаси йўқ, деганда, нозиктаъблик билан ялтоқи, хушомадгўй, ўз манфаати йўлида, бошлиққа учраса, пойу патак бўладиган, шилқим одамни кўзда тутади. Бу билан елкаси йўқ, илондай ичингга, кетингга кириб кетади, деган истехゾ, киноя, кесатиқ, нафрат ифодаси берилади. Елкаси йўқларнинг миллати, ватани, қавми қариндоши бўлмайди. Улар учун шахсий манфаатдан муқаддас куч йўқ.

Елкамнинг чуқури кўрсинг. Ўта норозилик, озурда бўлиш, жонга тегиб кетиш, безорижонлик хулосаси. Бирор маъмурий

идорага, турқи совуқ мулозим ҳузурига қатнайвериб, иши битмай, ахир жонига ҳам тегиб, «бор-е, шу нокаста ёлвориб, юзимни солиб шу нарсага эришганимдан кўра бир умр эришмай кетай. Бу жойларни елкамнинг чуқури кўрсин», дейди. Бу билан минбаъд бу жойларга келмаганим бўлсин, дея қасам ичади. Елканинг чуқурида (ўмров суюги) сув турмайди. Унда сув сақдаш амримаҳол. Менинг бу ерга келишим, қасамимни бузишим ҳам худди шундай гап, деган қиёс қилинади.

Елкасига миниб олган. Гўдак бола отасининг елкасига миниб олади, отда-эшакда отаси олдига, эгар-тўқим елкасига миниши ҳам мумкин. Бу ўринда ибора катта одамлар ҳақида ишлатилиб, елкасига миниб олган, деганда бир киши иккинчи одам (ота-она, эр, ўйнаш, дўст-оғайни)нинг елкасига бутун оғирлиги, юки, ташвиши, ўлигини ташлаб олган, шунинг ҳисобидан кун кўрадиган текинхўрга айланган. Унинг кўзининг ёғини ялаб, бошини айлантириб, кўзини очирмай, эшак қилиб миниб юрибди, деган маъно англашилади.

Елкаси тиришди. Энсаси қотди, орқаси тутди, пешонаси тиришди ибораларининг муқобили. Елкаси тиришиш бирор буюрилган иш, вазифа, таклиф, илтимосни истамаслик, ёқтираслик, оғриниш, кўнгилга оғир олиш, ўз мавқеидан паст кўришдир. Елкаси тиришишнинг икки маъноси бор. Киши ҳақиқатан ҳам, ўз шаънига номуносиб, ҳақоратомуз таклифдан оғриниши, буни ҳазм қилолмаслиги мумкин. Иккincinnisi танбал, ишёқмас, текинтомоқдиги сабабидан бу таклифдан норози бўлиши ҳам кузатилади.

Елкаси офтоб кўрмаган. Мудом кийим ичida юрган елка офтоб кўрмайди, оқ бўлади. Бу ибора кўчма маънода бўлиб, елкаси офтоб кўрмаслик ҳаётда кун кўрмаганлик, рўшноликни билмаганлик, косаси оқармаганлик кўзда тутилади. Елкаси офтоб кўрмаган – пешонаси ёrlақамаган, бошига баҳт қуши қўнмаган, омади чопмаган, косаси оқармаган, иши юришмаган ибораларининг айни муқобили ҳисобланади.

Елкаси титрамоқ. Дафъатан электр қуввати урса, елкангиз титрайди, силкинади. Киши оғир руҳий изтиробга тушиб, ўксинса, йигласа, елкаси титрайди. Кузатув маъноли ибора бўлиб, ташқи қиёфа ҳолати орқали ички туйфу таъриф-тавсифини беради.

Елкасида тегирмон тоши ўйнатмоқ. Паҳлавон келбат, куч-қуввати мислсиз, жувонмард шахслар таърифи. Икки маънода: 1. Ижобий

половон, паҳлавон, мард. 2. Бирорга зуғум қилиб, унинг елкасига оғир, тегирмон тошидек зил-замбил юкни ортмоқламоқ. Атайин ўзгага ёмонлик раво кўриш.

Елка тутмоқ. Кўп маъноли ибора. 1. Юкка елка тутмоқ (орқа). 2. Кўришмоқчи бўлган кекса кампирга энгашиб (елкага қоқиши учун) елка тутмоқ. 3. Курашда рақибнинг елкасидан тутиш. 4. Дўст, фарид, мискин киши оғирини енгил қилиш учун унга елкадош бўлиш, кўмаклашиш, ёмон кунига яраш. 5. Тобуткашлик, сўнгги йўлга кузатилаётган марҳум тобутига елка тутиш (танишнотанишлигидан қатъи назар). Барча маъноларида ҳам елка тутишган шахс одамижон, жувонмард, имон-инсофли, диёнатли инсон сифатида улуғланади.

Елка қоқмоқ. Қоп кўтаргач, елкангизни қоқасиз. 2. Кампирлар сўрашганда (Тошкентда) елкангизга қоқишади. 3. Дафъатан томофингизга бир нима (овқат, сув) тиқилиб, йўталиб қолсангиз, елкангизга қоқиб, ўтказишади. 4. Болалардан бир гап сўрасангиз билмадим, деган маънода елка қоқишади (қисишиади). 5. Киши ўйнаганда – рақсга тушганда елка қоқиши мумкин. 6. Курашда половонлар елка қоқишади.

108

Елкасига олиш. Зиммага, гарданга, бўйинга олиш иборалари муқобили. Юк елкага олинади, мастьулиятни зиммага олишади, айб, гуноҳ гарданга тушади. Елкага олиш – бирор масалада вазифа, харажат, жавобгарликни бўйинга олишдир. Айрим ишоравий кўчма маънолари ҳам бор.

Елкадош бўлмоқ. 1. Тенгдошлиқ, ҳамбўйлик. 2. Сафдош, хизматдош бўлмоқ. 3. Оила-рўзгор олахуржунини елкага ортища елкадошлиқ, ҳамкорлик. 4. Бирорнинг катта тўй-тадбири, маъракаси ўлим-йитим мусибатига шерик бўлиб, унга ҳассакашлик қилиш. Инсонийлик, кўнгли оқдик, олижаноблик белгисидир.

Елка бурмоқ. Юз ўғирмоқ, терс бўлмоқ, қўл силтамоқ, иборалари муқобили. Елка буриш – норозилик, энса қотиш, жаҳл чиқиши ифодаси.

Елкаси яғир бўлмоқ. Ибора асл маънода мудом оғир юк ташишидан ва ҳалаҷўп зарбидан елкаси – бўйни яғир, яра, кир-чир бўлган эшакка нисбатан ишлатилади. Кир-чирлик, исқирглик ҳам яғирлик муқобили. Кўчма маънода, одамга нисбатан қўлланганда, бирорнинг хизматини қиласвериб косаси оқармаган, меҳр-оқибат, миннатдорлик кўрмаган, шўрпешона шахс кўзда тутилади.

Елкаси ямоқ. Камбағалнинг чопони қирқ еридан ямоқ бўлади. Этаги,

енги, тирсаги, ёқаси... Елкаси ямоқлиги – кишининг ҳаддан зиёд камбағал, ночор, бечоралигидан далолатдир. Елканинг ямоқлиги зил-замбил юкнинг кўплиги, ҳимоясизлик, чорасизлик дарагидир.

Елкасидан тоғ ағдарилиди. Аслида кишининг елкасига тоғ ортиш, уни ағдариш мумкин эмас. Кўчма маъноли ибора бўлиб, елкасидан тоғ ағдарилиди, деганда бирор кишининг юрагида ваҳима бўлиб, елкасини гўё зил-замбил юқдай босиб, орқасига ботиб ётган иш, тадбир, ташвишнинг ниҳоят бажарилиши, амалга ошиши, муз кўчиши тушунилади. Бу бирор тўй, тантана, тадбир, қурилиш, сафар, қарз кабилар бўлиши мумкин.

Елкаси чопон кўрмаган. Кўчма маънода камбағал, иззат-хурмат кўрмаган, қуда-андалик бўлмаган, меҳр-оқибат билмаган мазмунини ташийди. Иборада таги-зоти кўрмаган, паст, таги паст, кўрмаганинг қўргани қурсин каби такаббурона нақл мазмуни ҳам бор.

Елкасига шайтон минди. Йиссоннинг ўнг елкасида раҳмон, чапида шайтон фаришталари ўнашган бўлиб, уни яхшилик ва ёмонлик сари ундаб, отлантириб туради, дейишади. Шайтон – ёвузлик, йўлдан оздириш, ёмонликка бошлиш тимсоли. Елкасига шайтон минди, деганда ўзбеклар, бинойидай муомалада бўлиб турганди, бирдан феъли айнади, орқаси тутди, шайтони қўзиди, энди яқин ўртада уни инсофга, муросаю мадорага келтириш қийин мазмунидаги фикрни англашади.

109

Ривоят қилишларича, бир камбағални қозининг одамлари тутиб келишиб, қимаган гуноҳини бўйнуга қўйиш учун юзига, кўкрагига, қорнуга муштлай бошлишибди. Жабрдиша ҳар зарба тушганига «вой, орқам» деб зорланармиш. «Қорнингга ураётубмиз-у сен зангар намунча «вой, орқам»лаб додглайсан», дега ҳайрон бўлишибди қозининг одамлари. «Агар менинг орқамда меҳрибон одамим бўлиб, зарию зўри билан ҳимоя қилганда шу кунларга тушармишим. Орқам бўлмагач, «вой орқам» демай, не дейин», дега жавоб қилган экан бояқши...

Орқалик. Одамки бор – орқаси бор (елка, энса, курак). Орқалик атамаси кўчма мазмун ташийди. Одамнинг орқалиги кайфияти жуда тез ўзгариб турадиган бўлади. Бугун берган ваъдасига эртаси амал қилмайди. Субути, тайини, тутуриги бўлмайди. Бундай одамлар

ҳардамхаёл, кирди-чиқди, гап-сўзи алмойи-алжойи, кайфият бандаси бўлганилигидан уларнинг фикри, ваъдаси жиддий қабул қилинмайди. Орқалик кишилар руҳий мўътадиллиги бузилган, маълум маънода бемор кимсалардир.

Орқаси йўқ (орқасиз). Кўчма маънодаги ибора. Орқаси йўқ, деганда суюнадиган, ишонадиган, орқа қиласиган одам, кучи йўқ мазмуни кўзда тутилади. Орқаси йўқнинг тағин бир маъноси – ишлаш, меҳнат қилишда иродаси, қунти йўқ (кетини босиб ўтиrolмайди) деган фикр англашилади. Орқасизлик – сафдош, ҳимоячи, жон кўйдирадиган одамининг йўқлиги, кимсасизлик, фарибу мискинлик, беваю бечоралик ифодасидир.

Ит орқа. Қайсан, ўжар, орқалик, елкасига шайтон минган, итфеъл одам маънолари бор. Бундай шахсга ишониб, суюниб, бир иш қилиб бўлмайди. Ҳар қандай вазиятда у баҳор ҳавосидай айниб, тўнини тескари кийиб олиши мумкин деган хавотир, огоҳлантириш мазмуни бор.

Орқа қилмоқ. Тескари турмоқ, юз ўгирмоқ, терс турмоқ, орқа билан туриб қолмоқ маънолари бор. Кўчма мазмуни бирор ишончли, суюнган кишисига орқа қилиб, катта гапирмоқ, ваъда қилмоқ, дўй урмоқ, иш бажармоқ ва ҳоказолар.

110

Орқа тутмоқ. Елка тутмоқ, орқа ўгирмоқ, энгашмоқ маъноларида. 1. Кекса кампирга орқа тутиб, кўришиш. 2. Юк ортишга орқа тутиб, елкага олиш. Бирорга ишонмоқ, орқа кучга (дўст, ҳомий) суюниш, кўзда тутиш.

Орқа-олдига қарамай. Шошган ўрдак ҳам боши, ҳам думи билан шўнгийди, дейди ҳалқ. Орқа-олдига қарамай, иборасининг маънолари: тасодифий хавф-хатардан тирақайлаб қочиш, олдига қўйилган таомни баднафслик билан, бефаросатларча пақкос тушириш, гапни жойи, одами, мазмунига қарамай, оғзим бор деб гапиравериш ва ҳоказолар.

Орқасига олмоқ. Ортмоқламоқ, кўтармоқ, орқаламоқ маъноларида. Сурувга ҳужум қилган бўри қўйнинг бўғзидан тишлаб, дарҳол орқасига олар, елкасига ортмоқлаб қочар экан. Юк кўтаришдан ташқари, бирорни бирор ҳимоялаб, ўз орқасига, панасига олиши, ўтиши мумкин.

Орқа бўлмоқ. Суюнчиқ, сафдош, елкадош, ҳассакаш бўлмоқ. Ҳамдард, хайриҳоҳлик, кўмак, ёрдам, ҳимоячи маънолари бор. Туркий ҳалқлар орқадош деганда дўст, қардош, сафдош, яқин киши маъноларини кўзда тутишади.

Орқа отмоқ. Эшак мингандан бола уловини тезлатиш учун унинг елкасига хала босса, эшак силтаниб, икки орқа оёгини кўтариб ташлаб, орқа (кетини) отади. Орқа отиш, ибораси шу ҳолатга нисбатан ишлатилади. Одамга кўчирганда, сал танобингни тортганимдан жириллайсан, деган мазмун англашилади.

Орқаламоқ. Ўтин, тахта, қоп-қанор юкини орқада ташиш – орқалаш. Бирининг кетидан иккинчисининг юриши маънолари бор.

Орқаси тутди. Феъли айнади, елкасига шайтон минди, шайтони, жини қўзиди, ибораларининг муқобили. Орқаси тутмоқ – руҳий мўътадилликнинг бузилиши.

Орқа ўтироқ. Йигин, мажлис, маъракада ўрин-жой тақазоси билан бальзи одамларга тескари – орқа билан ўтириб қоласиз. Шундай дамларда нозиктаъ ўзбек, ҳурматли, ўзидан ёши улуғ кишиларга: «Сизга орқа билан ўтириб қолганим учун узр сўрайман», дейди. Бу одоб, андиша, инсонга ҳурмат ифодаси, нишонаси, белгисидир.

Орқаси тиришди. Авзойи бузилди, энсаси қотди, елкаси тиришди, ибораларининг муқобили. Ёқтирамади, норози бўлди, феъли айнади каби маънолари бор. Орқаси тиришмоқ – ёқимсиз одамнинг совук муомаласи ҳосиласидир. Илоннинг сўймаган ўти инининг оғзидан чиқади, деганлариdek, ҳаётда ҳам шундай, Сизга маъқул келавермайдиган шахс, ҳодиса, муомала, муносабат бот-бот учраб туради. Мири кам дунё деб шуни айтадилар-да.

Орқасига урмоқ. Тановул пайтида дафъятан бир нима томонингизга тиқилиб, (таом, сув) сурункали йўталиб қоласиз. Шунда кекса кишилар отангнинг (онангнинг) орқасига ур, тиқилиб қолибди, ўтиб кетсин, дейишади. Ҳақиқатан ҳам, уч-тўрг орқантизга урилгач, (қоқилгач) томоқقا тиқилган нарса ўтади, йўтал қолади. Ибора шу ҳолатда ишлатилади.

Орқамга ботиб ётувди. Ривоят қилишларича, бир қишлоқда келиб қолган қизча ўзини подшозода деб эълон қилибди. Уни синамоқ учун, кексалар, кечаси ухлаганида, етти қават кўрпаси остидан, гилам тагига бир мош яширишади. Эрталаб қиздан, кечаси ётганингизда, ҳеч нарса безовта қилмадими, деб сўрашганида қиз: кечаси билан биқинимга мөшдай бир нарса ботиб чиқди, деб жавоб қилади. Кексалар қизчанинг даъвоси ростлигини тан олиб, куллуқ қилишади. Орқамга ботиб ётувди, деганда, бир оғир, мушкул ишни амалга оширганлик ифодаланади. Кўз – қўрқоқ, кўл ботир, деганлариdek, бир ишингизга юрагингиз бетламай, журъат, қунт қилолмай юрасиз-у, вақти келиб, таваккал ё қасд қилиб, ишни бошлаб

юборасиз. Оҳ-воҳлаб, бошлаган ишингизни битириб ҳам оласиз. Шундай ўз-ўзингизга «хўп ажаб иш бўлди-да, роса орқамга ботиб ётувди-я», деб хурсанд бўласиз. Оғир, мушқул, дардли иш, хизматдан қутулиш, бўйни ёр бермаган ишни бажариб, енгил тортиш.

Орқайнлик. Орқайнин бўлиш, ишониш, кўзда тутиш, орқага ташлаш, эътиборсизлик сўз ва атамалари муқобили. Эринчоқлик, бепарволик сифатларига ҳам маънодош. Орқайн одам бир вазифа, тадбир, тошлирикни эрта қиласман, индин қиласман, бир кун қиласман-да, деб юраверади. Бу ўринда у ўзининг ақли-шуури, қобилияти, бошлиғи билан муносабатларининг яхшилиги, ҳали вақтнинг борлиги, шароит қулигига орқайнлик қилиб, ишонади. Аслида, ҳалқ айтмоқчи, бутунги ишни эртага қолдирмаслик даркор. Қолган ишга қор ёфиши эҳтимоли йўқ эмас. Орқайнлик бир-бирига суюниш, ишониш, кўнгилда хайриҳоҳ одам, дўст-биродарга орқа қилиш, кўмак кугиши маъноларида ҳам ишлатилади.

Орқасига тепмоқ. Ажрашмоқ, ҳайдамоқ, қувиб солмоқ, кетига тепмоқ каби атама-бирикмаларга маънодош. Орқасига тепмоқ, ўз маъносида тепкилаш, белга тепиш шакллари мазмунини ташиши ҳам мумкин.

112

Орқасидан эргашмоқ. Ота-онанинг ортидан бола-чақа эргашади. Сигир бузогини, қўй қўзисини эргаштиради, жўжалар товуқнинг кетидан қолмайди. Кўчма маънода бирор қилган ишга таассуб қилиб, унга эргашиш, қурби, чамаси, кучи етса-етмаса урф бўлган кийим-кечак олиб кийиш, дам олиш, саёҳатга бориш ва ҳоказо. Орқасидан эргашиш мустақил фикрнинг йўқлиги, ўйлов-андишасизлик, кўрпасига қараб оёқ узатмаслик оқибат-натижасидир. Бундай шахслар ҳаётда ота-она, оила, жамоага зарар келтиришса келтирадики, асло фойда келтирмайди...

Орқасидан бир балоси чиқмасин. Одатда, кекса, кўпни кўрган кишилар ҳаётда катта тажрибаларидан келиб чиқиб, бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур, мақолига амал қиладилар. Енгил топилган бойлик, бебилиска пул, номуносиб вазифа, савия ва мавқеидан баланд хизмат ва мартабага шубҳа билан қарайдилар. Ёшларга: эҳтиёт бўй, орқасидан бир балоси чиқмасин, дейдилар. Тағин шундай одамлар бўладики, ўзининг оғзи қуйгани, юрак олдиргани ёки ваҳимачи, вос-вослиги туфайли ҳар ишга, орқасидан бир балоси чиқмасин, дея ҳадиксирайверадилар. Бўлиб, битиб турган ишни, тадбирни йўққа чиқарадилар. Истиқболни кўролмай, бугунги ишни эртага қолдирадилар. Оқибат пушаймон бўладилар.

Халқимизга шифокорнинг, сартарошнинг, харидорнинг қўли енгил, деган ибора бот-бот ишлатиб туриласди. Бу ички ҳиссий түйғу ирим билан боғлиқ ҳодиса, ўзбекнинг ўзига хос удумларидан бирисидир. Қўли енгиллик муваффақият, ғалаба, яхшилик ва хосиятилик гарови. Ишим юришин, омадим чопсин дессангиз, вижони пок, ишнинг кўзини билган, қўли енгил одам билан ҳамкор бўлинг.

Қўл келди. Ёрдами тегди, қулай бўлди, фойдаси тегди маъноларида.

Бирор хунарни илгари ўрганиб қўйган бўлсангиз, масалан дейлик шоферлик, қурувчилик ва ҳоказо – машина олганингизда, уй қурганингизда фойдаси тегади. Шунда бу билимим қўл келди деб суюнасиз. Кишиларга яхшиликлар қилиб туриш ҳам худди шундай пайти келиб, сиз кутмаганингизда асқотиб қолади, бирор шогирдингиз, танишингиз, сизга катта яхшилик билан кечиккан миннатдорчилигини изҳор қилиб қолади. Сизга қўл келгани шу.

Қўл етмас. Қўл ярим метр, ундан ортиқроқ бўлиши мумкин.

Бўйингизни ҳам қўшганда икки метр ергача қўлингиз етар, қолганига етмайди. Кўчма маъносида бирор қизни келин қилмоқчи бўлсангиз-у келин бўлмишнинг авлодлари оқсуяклар бўлса, болангизга, улар жуда ҳавоси баланд, қўл етмас-ку, бундоқ одмироғидан топсанг-чи, дейсиз. Бажариб бўлмайдиган, қилиниши мушқул ишларга нисбатан «қўл етмас» ибораси ишлатилади. Юлдуз, ой, қуёшга қўл етмаслиги рост. Бироқ камбараж энг оддий кундалик эҳтиёжига ҳам курби етмагач, шу иборани ишлатган.

Қўлга олди. Созанда созини қўлга олди, ўқувчи қўлига қалам тутди, китоб ушлади. Миршаб жиноятчини қўлга олди, раҳбар жамоани қўлга олиб, уни бошқаришга киришди. Қўлга олмоқ – эгалик қилиш, фаолият бошлиш маъноларини ташийди.

Қўл олмоқ. Қўл олишнинг маънолари кўп. Қўл олиб кўришиш, сўрашиш, қўл олиб бошлиш, қўл олиб мурид бўлиш, сигиниш, қўл олиб рақс(танца)га тушиш. Қўл олиб устага шогирд бўлиш ва ҳоказолар. Саломлашганда қўл олинади (қўлнинг яроқдан холилигини исботлаш). Қўл олиб, бир неча йил шогирд бўлгач, то устанинг оқ фотиҳасини олгунча сидқидилдан хизмат қилинади. Ўзбек «қўл олиш» иборасига илохий ҳурмат билан муносабатда бўлади. Қўл берган пирига, устозига шаккоклик қилиш, унинг

кўнглини оғритиш, ранжитишни гуноҳ санайди. Устоз, пирни ота-онадан баланд тутиб, камдан-кам топиладиган бундай кимсаларни «буни устози, пири оқ қилган», деб бундай шахсдан ҳазар қиласи. Ҳаётда бу сингари шаккок кимсаларнинг бири икки бўлмайди, косаси оқармайди, иши илгари босмайди. Яқин тарихда ҳолол-ҳаромнинг фарқига борилмай, ялпи худосизликка ўтилган йиллари қадимгилар башорат қилганларидаи, «замона охир бўлса пир муридин излар» қабилидаги ишлар ҳам бўлиб ўтди.

Қўли узун (қисқа). Қўлнинг ўлчовини юқорида айтдик. Аслида одамларнинг ёши – бўй-бастига қараб, қўллари ҳам шу ёш ва гавдага муносиб бўлади. Улар бир-бирларидан узун-қисқалиқда табиий равишда жуда кам фарқ қиласидар. Кўчма маънода эса бу борада ер билан осмончалик тафовут бор. Қўли узунлар қурби етадиган, давлати, ошна-оғайниси, демакки, жамиятда мавқеи кўп баланд шахслардир. Улар зар ё зўрлари билан кўпда файриқонуний ишларни ҳам хамирдан қил суғургандек силлиқ бажариб кета оладилар. Қўли қисқаларнинг – пол-мулки, мавқеи, зарию зўри бўлмаганларнинг аҳволи ачинарли. Улар арзимаган тўқинликлар олдида ожиз қолиб, ранглари заъфарон бўлади. Амалдорнинг томогини мойлашга қурблари етмайди. Ишларини битказолмай хуноб бўладилар. Бора-бора бу ҳолга кўнишиб, ўзларини «қўли қисқалар» сафига қўшиб, кейин «кўрпаларига қараб оёқ узатадиган» бўладилар.

Қўлини пахса қилди. Фазаб, важоҳат ичида қўлни силкиб, шоп қилиб (қиличга, ханжарга ўхшатиб) гапириш. Пахса сўзи қалин девор маъносида бўлиб, лой (пахса) урилганда қават-қават қилиб урилади. Қўлнинг ғазаб билан, узатилган ҳолда баланд-пастга юриши пахса қаватларига ўхшатилади. *Муқобили:* «қўлини югуртириди», «қўлини кўтарди», «қўли югурик», «қўлини шоп қилди».

Қўлга қараган. Бирорнинг хасми, шунга қараб қолган, ким келса, қўлига қарайдиган – тамагир, суллоҳ маъноларини ташийди. Қўлга қараш – инсоф, диёнат, хоксорлик, шукроналик белгиси сифатида ҳам таърифланади. Маъноларига қараб муқобиллари ҳам кўп. Қўлга қараб қолган – кекса, бемор, ожиз, бечора. Қўлга қарайдиган – нафси ҳакалак отган пораҳўр, тамагир хотин. Қўлга қараган – имон-инсофли, яхши инсон.

Қўлга кирди, қўлдан чиқди. Қўл дарвоза, қоп-қанор, идиш эмас, унга нарса кирса ё чиқса. Кўчма маънода қўлга кирди, деганда бирор мулк, бойлик, нарса, буюм, мол-ҳолга эга бўлиш, уни қўлга

киритиши, ўз тасарруфига олиш тушунилади. Иборанинг тескари «қўлдан чиқди»да айнан шу нарсаларнинг киши тасарруфидан чиқиб, ўзганинг давлатнинг мулкига айланиб кетиши ёки совурилиб, талон-тарож бўлиши, ҳалқ тили билан айтганда, вафо қилмаслиги, буюрмаганлиги англашилади.

Қўли баракали. Бирордан гўшт, ёғ, гуруч, сабзи-пиёз олсангиз, нима сабабдандир узоқ истеъмол қилинади-ю, бошқа дўконлардан олганингиз ҳафта ўтмай адо бўла қолади. Гарчи иккаласининг ҳам тоши-тарозиси баравар бўлса-да, биринчисининг қўли баракали, иккинчисиники баракасиз дейсиз. Уйда икки-уч киши овқат қиласи: ойингиз, оилангиз, қиз ё келинингиз, шулардан онангизнинг овқатини баракали, дейсиз. Гунда маълум ҳикмат, мантиқ бор. Албатта, ҳалқ бу иборани бекорга яратмаган. Ўша биринчи дўкондор, қассоб сизга сабзи-пиёз, гўшт тортганда катта-йириклиридан, лаҳимроқ еридан тортган бўлади. Шундан масаллиғингиз узоқроқ чидайди. Онангизнинг турмуш тажрибаси уйдагиларнинг барчасидан ортиқ бўлганлиги туфайли, гўштни майдароқ бўлаклайди, сувни бир қошиқ ортиқроқ соладики, овқат баракали, ҳаммага етиб ортадиган бўлади. Муқобили: «қўли очиқ».

Қўлинин ювиб қўлтиғига артди. Тасаввур қилинг: яхши бир танишингиз тўй-маъракада сизга рўпара келиб қолди. Сиз тўй эгасининг яқини сифатида хизматдасиз, танишингизнинг қўлига сув қўймоқчи бўлдингиз, у бунга қарамай, жўмракни бураб, ўзи қўл ювди. Сиз шошиб елкангиздаги сочиқни унга тутдингиз. Ошнангиз сочиқни олмай, сиздан узоқлашиб бораркан, йўл-йўлакай қўлинин чўнтағига, қўлтиғига артиб кетди. Бу нима, паришонлик, ҳардамхаёлликми? Йўқ, нимадир бўлган, ўзингиз билиб-бilmай дўстингиз кўнглини оғриттансиз. У сиздан хафа, ўпка-гина қилиб юрибди. Шундан қўлинин ювиб, қўлтиғига артди. Менинг бундай дўстим йўқ, деди. Муқобили: «ҳафсаласи пир бўлди», «воз кечди», «қўл силтади», «орани узди».

Қўли қовушмайди. Киши қаттиқ совқотиб қолса, қўли тарашадек қотиб ҳадеганда ишга қовушавермайди. Ҳаётда ҳамма ишга қўли қовушиб кетаверадиган, эпчил, қўли гул, уддабурро йигитлар билан бир қаторда эпақасиз, қўли ишга бормайдиган, ҳар ишнинг уддасидан чиқавермайдиган, укувсиз, ношуд кишилар ҳам бисёр. Қўли қовушмади, деганда ишни қилмасликка турли сабаблар борлиги таъкидланади. Эпақасизлик, кўнгил қолганлик, билиб туриб, ёқтирмаган одами учун ишламаслик, кайфиятнинг ёмонлиги ва

ҳоказо. Бу иборада салбий оҳанг ва мажхуллик ҳукмрон. *Муқобили*: «қўли ишга бормади», «кўнгли чопмади», «кўнгли совиди».

Қўлдан берганга қуш тўймас. Бу иборанинг маъноси бирорнинг қўлига қарамлик, қўлига қараш кишини бемалол тўйдириб-оздирмайди, мустақил, ўзинг топиб-тутиб, еб-ичганингта, кун кўрганингга нима етсин, деганидир. Қўлдан берилганга ҳатто шу кичик жигилдон — қуш ҳам тўймайди, агар ўзи эмин-эркин териб еб-ичиб юрса, ҳам озод, ҳам тўқ-фаровон яшайди, дейилмоқчи.

Қўлнинг кири. Қўлнинг кири ювса кетар. Кўчма маънода: пулни ҳалқ қўлнинг кири дейди. Чунки у қўлга юқади, бирпас туриб сўнг яна кетади. Шунинг учун ҳам пулга кўп меҳр қўйиб, уни тўплашга рўжу қўйиш яхшиликка олиб бормайди. Кир тўпланиб қолса, турли юқумли касалликларни келтириб чиқаргани сингари, пулнинг кўпайиб, туриб қолиши ҳам киши билмас маънавий-ахлоқий хасталикларни келтириб чиқаради.

Қўлини сўради. Одамдан одам сигарет, қўшнилар бир-бирларидан элак, туз, гугурт сўрашлари мумкин. Бироқ кишилар бир-бирларидан қўлларини сўраб олмайдилар. Иборанинг кўчма маъносида қизни келинликка сўратиш, унга совчи юбориш. Мантиқан ҳам келин янги оиласа фарзанд, жон бўлиб қўшилар экан, қайнона-қайнатанинг хизматини қилади. Қўли гул, ширин, чаққон ва баракали бўлса, яхши келин деган ном орттиради. «Қўлини сўради» ибораси бир ёстиққа бош қўйиш, жуфти ҳалол бўлиш, рўзгор юкини бирга тортиш (қўш хўқиз) учун эркак аёлдан розилик сўради, мазмунидадир.

Қўли қичиди. Ўин топмаган бола ўт ўйнار, дейди ҳалқ. Бу иборанинг бир неча маъноси бор. Қўли қичиш, нима қиларини билмай, бирор шўхлик орқали ота-онага ташвиш орттирадиган (масалан, гугурт билан ўйнаб, ўз уйи ёки қўшниникига ўт қўйиб юборган) болага нисбатан катталар, зумрашанинг қўли қичигани жуда қимматга тушди-да, дейишади.

Бу ўринда қўли қичиш — ман қилинган, ножӯя иш билан шуғулланиш. Иккинчиси, қўл ҳақиқатан ҳам, қичишади-ю одамлар уни турли маъноларга йўйишади. Ўнг қўл қичишса, давлат, бойлик, пул келади, тушади: чап қўл қичишганда эса сендан давлат қочади, пул кетади, чиқади, дея ирим қилинади. Қўли қичимоқ иш, меҳнатсираш, бирор вазифани бажаришга чанқоқлик маъносида ҳам тушунилади.

Қўли қимирлаганинг оғзи қимирлайди. Бу дегани меҳнат билан

машғул бўлиб, шундан маълум даромад топган одамнинг тирикчилиги ҳалол, беминнат, яхши ўтади. Қўли қимирламай, олма пиш, оғзимга туш, деб ётадиган бўлса, куни ўтмай, оғзи қимирламай, ризқ-насиба тополмаслиги аниқ. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд «дил ба ёру даст ба кор» — яъни кўнгил худода-ю қўл ишда бўлсин, деганларида айнан шу ҳалол, фойдали меҳнатни кўзда тутганлар.

Қўли эгри (қилвир). Қўлингиз ёшлиқда чиқса, синса, жойига солинмаган, яхши даволанмаган бўлса, эгри, қийшиқ бўлиб қолиши мумкин. Бу ўринда қўли эгри кўчма маънода ишлатилиб, яъни, фалончидан эҳтиёт бўлинг, қайсики хонадонга кирса, албатта сездирмай бирор нимани ўмаридек кетиш одати бор, дейиляпти. Қўлнинг эгрилиги ўғирлик, қаллоблик, нопоклик тимсоллари дид.

Қўл қўйди. Қўл қўйишнинг турли маънолари бор. Қуръони Каримга қўл теккизиб, қасам, онт ичиш, елкага қўл қўйиш, ташлаш, ҳужжатга бармоқ сиёҳлаб босиш, ўз илмий-ижодий, раҳбарий иши, маҳсулоти остига имзо қўйиш. Инсон қўлини қўксига қўйиши ҳам кўп кузатилади. Қўл қўйиш — қўл қисишининг акс маъноси сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

Қўли чиқди. Иборанинг маънолари бир талай: кишининг билаги, тирсаги, елкасидан қўли (кўл суюги) чиқиб кетиши, бир ўргангандан машгулотини узоқ ташлаб қўйса, қўли қовушмай, чиқиб қолиши. Туппа-тузук, инсофли эрнинг хотинига нафрати ортиб, уни қалтакладиган бўлиши. Бехосдан эшик, туйнукка кириб, қисилиб қолган қўлнинг чиқиши ва ҳоказолар.

Қўли пок, ҳалқуми тоза. Кўчма маънодаги ибора. Ҳамма замонларда ҳам тамагир, жигидон бандаси, бирорвнинг ҳақи эвазига бойлик, давлат ортиришга интилган кимсалар бўлган, ҳозир ҳам бор. Аммо инсониятнинг, жумладан, ўзбек ҳалқининг баҳти, мустақиллик истиқболи шундаки, миллатдошлар орасида қўли пок, ҳалқуми тоза шахслар кўпчиликни ташкил қиласди. Иборанинг маъноси: Қўли пок — тоза, тамагирлик, пораҳӯрлик, бебилиска совфасаломдан ҳоли, қўлини ҳаромга булғамаган одам, ҳалқуми тоза — томогидан жигидони томон ҳаром луқма, бирорвнинг ҳақи ўтмаган киши. Ўзгаларнинг ризқини қийишдан, бирорвнинг ҳақига хиёнат қилишдан ҳазар қиласди шахс. Қўли пок, ҳалқуми тоза одамлар ҳар бир жамиятнинг энг олий нав бойлиги, бебаҳо ҳазинаси дид. Чунки улар ўзлари мисолида яшаб турган жамиятлари, давлатлари поклиги, тоза ва ҳалоллигини сақладилар, кейинги авлодларга бу бойликни маънавий мерос қилиб олиб ўтадилар.

Қўли енгил (оғир). Тирик одамнинг қўлини ҳеч ким тарозига қўйиб, оғир-енгиллигини ўлчаб кўрмаган. «Қўли енгил» ибораси айрим касб эгаларининг маҳоратли усталарига аталган. Яхши шифокор, жарроҳ бемор аъзосига тиф уриб, уни тиккач, тез битиб, соғайиб кетса, шу шифокорнинг қўли енгил дейишади. Аксинча ҳолни «қўли оғир» дея оғриниб гапиришади.

Иккинчиси, бозорга ул-бул харид қилгани борсангиз, саҳар молини бозорга олиб тушган дехқон ирим қилиб, савдосини эркак одамдан бошлиди. Негаки, эркак киши дехқончилик, савдо-тижоратда баракали бўлади. Бундан ташқари, Сиздан албатта, қўлингиз енгилми, оғирми, деб сўрайди. Қўлингиз енгиллигига кўзи етса, берган пулингизни маҳсулотига сийпаб, «илоҳим, баракасини берсин, бозорим енгил кўчсин», дея ният қилади.

Қўли ширин. Қўлнинг ўзи ширин-аччик бўлмайди, бироқ у тайёрлаган маҳсулот, овқат-озиқ, таом, неъмат шундай бўлиши мумкин. Одатда ширин таомлар, турли, ранг-баранг пишириқлар тайёрлайдиган одамнинг ошналари ё улфатлари шундай ибора билан таърифлашади. Бунинг акси бўлган ҳолда, қўли bemаза, деган ибора ишлатиларкан, бу ўринда ҳам маълум шахс тайёрлаган таомнинг ўҳшамаган, таъмсиз, тузсизлиги кўзда тутилади.

118

Қўли гул. Ибора ўз ишининг устаси бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Қўли гул деганда, ҳамма ишни уdda lab кетаверадиган, кўп қиррали қобилият эгаси бўлган шахс таърифи берилади. Маъноси: шунчалик ҳунарманд устаки, қўлда жонли гул ясад беришга ҳам қодир, дейилмоқчи. «Қўли гул» ибораси мақтов, ҳурмат, хайриҳоҳлик оҳангига эгадир.

Қўлига сув қуёлмайди. Одамларга баҳо берганда, бирорни бирорвага қиёслаб, фалончи писмадончининг қўлига сув ҳам қуёлмайди, деган ибора ишлатилади. Бу билан илму маърифат, билимдонлик, тажрибакорликда бу икки шахс савия жиҳатидан бир-бирларидан шу қадар йироқларки, биринчиси иккинчисининг қўлига сув куювчи, хизматкорликка ҳам ярамайди, деган холоса чиқарилади.

Бошка маъноси, бир фирибагрга иккинчиси қўлига сув қуйишга ҳам арзимайди, чунки униси шу қадар устаси фарангки, бунисини бир чўқища қочиради, деган маъно ётади. Қўлига сув қуёлмаслик у ёки бу масалада ўзидан зўрга тан бериш, таслим бўлиш.

Қўли қон. Кесиб олинса, бехосдан тифдор нарсага тегиб кетса, кишининг қўли қонаши, қон бўлиши мумкин. Бироқ «қўли қон» иборасининг мазмуни кўчма маънода. Одамлар бирор йўл билан,

урушда, тинчлик замонида, қатағонлик йилларида бевосита, айрим яхши одамларни ўлдирган ёки шу жараёнга билвосига сабабчи бўлган (чақув, ифво, юмалоқ хат ёзиб бериш йўли билан) кимсаларни, бунинг қўли қон, деб лаънатлади. Бундайлардан нафратланади. Қўли қон кишилар қанча муддат ҳаёт кечиришларидан қатъи назар, албатта, ўз қилмиш-қидирмишлари олдида жавобгар бўлишга маҳкумдирлар. Ҳатто, ўлим ҳам уларни жазодан қутқариб қололмайди.

Қўлиңг м уқобили : «қотил», «хиёнаткор», «жаллод», «одам умрига завол бўлган» каби атама ва бирикмалардир.

Қўлини ҳалоллади. Хатна, суннат тўйи ўтказиши. Ўғил бола жинсий аъзосининг уч терисини чилпиш, аъзо кўзини очиш. Бола ҳали гўдак экан, норасидалиги туфайли «қўли ҳалол» бўлади. У гўдаклиқдан болалик фаслига (3 – 7 ёш) ўтар экан, албатта суннат қилиниши, чинакамига қўли ҳалоланиши лозим. Бўлмаса, у мусулмон бўлмайди. Ушбу мусулмончилик одати ислом мамлакатларининг барчасида хукмрондир.

Қўли очиқ. «Қўли очиқ» деганда, сахийлик, серҳимматлик, олижаноблик кўзда тутилади. Мантиқан олганда ҳам қўл-кафт юмилгандা, нарса ўзида туради (тилла, танга) ёзилгач, очилганда эса тушиб, ўзгаларга тегади. Луғавий маъноси қўчма маъносини келтириб чиқарган. Қўли очиқлик – дунё кўрганлик, саховат, кўзи, назари тўқлик, ҳотамнасаблик белгисидир.

Қўли очиқ, деган иборанинг тағин бир маъноси унинг муқобили – «қўли очиқ кетди» билан боғлиқдир. Ривоят қилишларича, дунёning ярмини эгаллаган ёш лашкарбоши Искандар Зулқарнайн, Марказий Осиё қўшинлари билан бўлган жанг маҳали беомон қасаллик хуруж қилиб, фавқулодда вафот топади. Лашкарбоши ўлимидан бироз олдин, яқинларига васият қилиб, тобутимни кўтарганда, ўнг қўлимни ундан чиқариб, беш панжамни очиб қўйинг, токи жаҳон ҳалқлари билсингларки, дунёning ярмини эгаллаганим билан оқибат нариги дунёга ёлғиз бошимни олиб кетаётирман, ўзим билан ҳеч нима чанглаб кетаётганим йўқ, деган. Демак, инсон ҳар қанча мол-дунёга, давлатга меҳр қўймасин, нариги дунёга қўли очиқ кетади, бойлиги-бисоти жонига оро кирмайди, деган холосани қолдирган экан.

Қўли қўлига тегмайди. Чаққонлик, иш билан қаттиқ бандлик ифодаси. Қўли қўлига тегиш, қўли беҳуда бандлик, қўлни ташлаб ё қовуштириб юриш, қўлнинг ва унинг эгасининг бекорчилигидан дарак берса, қўли қўлига тегмаслик – файрат-шижоат билан

самарали иш қилинаётганлиги ифодасидир. Савдо ходимлари, бозорчи-дэҳқон, чаққон газетчи-хабарчилар меҳнатига, одатда, шундай баҳо берилади. Тўқувчи чеварлар, теримчи пахтакор, пиллакорнинг ишлари ҳам шундай қиёсланади.

Қўл қўлни танийди. Қўл билан қўл ошиқ-маъшуқ эмас, уларнинг қош-кўзлари, қалблари йўқ. Шунинг учун асл маъносида қўл-қўлни танимайди. Ибора кўчма маъносида алоҳида таъсир кучига эга. «Қўл қўлни танийди» деганда, ҳалқ қишилар ўртасидаги олди-берди, қарз-қавола, киши билмас, яширин муносабатларни кўзда тутади. Бир одамдан қарз кўтарган бўлсангиз, уни қайтариш, узишда ўғлингиздан юборганингиз тўғри эмас.

Уни қайтариш, узишда иложи бўлса, гувоҳ воситасида, бўлмаса, шахсан ўзингиз миннатдорчилик билдириб, (меҳмонга чақириб) ўз қўлингиз билан ўша одамнинг ўзига топширганингиз жоиз. Чунки шу қўлдан олинганми, қўлни таниб, шу қўлга қўшқўллаб топширинг, дейиляпти. Бошқа маъносида яширин, хуфя қилинган олди-берди назарда тутилади. Бундай нозик ишда ўзгани, бегонани аралаштирмаслик талаб қилинади. Чунки қўл қўлни танийди, шариат йўлни.

120 Қўлини совуқ сувга урмайди. Бу ибора танбал, эринчоқ, ишёқмас, оқбилак шахсларга нисбатан ишлатилади. Қўлини совуқ сувга урмаслик эрка-тантиқ ўсганлик, ўз кунини ўзи кўролмаслик, ҳамиша бирорвга (ота-онага) боқимандалик, ўзгаларга оғирини солишга олиб келади. Бундай одам ҳаётда ўз йўлини, демакки, баҳтини топиб кетиши гумон. Баъзилар, атайлаб, бирорвга аччиқ қилиб, ишёқмаслик билан қўлларини совуқ сувга урмайдилар. Барча муқобилларида ибора салбий, танқидий оҳангда ишлатилади.

Қўл учида иш қилмоқ. Ишёқмаслик, жон-жаҳди, истаги билан меҳнат қилмаслик. Қўл учида қилинган иш сифатсиз, самарасиз бўлади. Кўчма маънода қўл учида иш қилиш – номига ишлаш, кўзбўямачилик, қаллоблик мазмунини беради. Ота-оналар одатда, болалардан қўл учида эмас, сидқидил меҳнат қилишни талаб қиласидилар.

Қўл учида кун кўрмоқ. Камбағаллик, кам даромадлилик, оғир меҳнат воситасида камтар, ҳокисор кун кечириш, зўр-базўр умргузаронлик қилиш. Қўл учида, деганинг маъноси, қўл меҳнати билан, қўли, кафти тўлмасдан, ҳамда фавқулодда ҳолатда, қўл учидаги давлат, рўзгор тез тушиб, тўкилиб, йўқ бўлиб кетиши мумкин, маъноларини беради. *Муқобили:* «камбағални туюнинг устида ит қопибди», «камбағаллик айб эмас», «қўли қисқа», «илиги пуч».

Инсон юраги билан боғлиқ ибора, ҳикмат, нақллар беҳисоб. Юрак инсонийликнинг бош омили сифатига яхшилик ва ёмонликнинг, яратиш ва маҳв этишининг маңбаи хизматини ўтайди. Киши жисмоний аъзоси сифатига ҳалқ меъда, ошқозон ўрнига ҳам «юрак» атамасини ишлатади. «Юрагимга ботмаги», ҳазм қилолмагим, деганда ошқозон тушунилади.

Юракка яқин одамлар кўпайиши учун ўзингиз юраги тоза, яхши ниятлар соҳиби бўлишингиз даркор. Келинг, юрагимизни очиб гаплашайлик-чи...

Юраги қинидан чиқди. Юрак – киши жисмоний аъзоси. Унинг ўз қини, пардаси бўлади. Кўчма маънода «юракнинг қиндан чиқиши», унинг типирчилаши, ҳапқириши, «ёрилиши». Юрак эгасининг қаттиқ ваҳимага тушиши, кўрқиши, чўчиши, безовталаниши мазмунини ташийди. Бир одамнинг иккинчисига: бунча ҳовли-қаверма, сенга оғирим тушмайди, юрагинг қинидан чиқмасин, деган ибора ишлайдиганинг гувоҳи бўлгансиз. Салбий, танқид, таъна, танбех, нафратланиш оҳангига эга.

Юрак ютди. Чингизийлар ўз рақиб подшоликларининг кўзини кўрқитиши, руҳан майиб қилиш мақсадида уларнинг болалари, набираларини асир тушириб, барчанинг кўз ўнгида норасида гўдак кўкрагини ёриб, юрагини суғуриб олганлар ва... ютганлар, яъни ёш юракни еганлар. Ибора кўчма маънода, «юрак ютди» дейилганда, чўчиб, иккиланиб бўлса ҳам, шу ишни қилишга, шу фикрни айтишга журъат этди мазмунига этадир. Юрак ютиш – таваккал қилиш, жазм этиш, журъаткорлик, ўз-ўзини енгиш маъносини ташийди.

Юрагида ёли бор. Кишининг кўкрагида ёли (жуни) бўлиши мумкин. Бу йигитлик ва балоғат нишонасадир. Юрагида ёли бор, дегани бу шахс мард, танти, бир сўзли, ишонса, суняна бўладиган одам деган маънодадир. Қоплон юрак, арслон юракли, шерюрак, қаҳрамон, жасур каби сифатларнинг муқобили.

Юрагига ғулгула (ваҳима) тушди. Юраги увишди, юраги қинидан чиқди, юраги ёрилди, юраги сиқилди, юраги орқасига тортди, юраги тошди ибораларининг муқобили. Бирор ноҳушликни сезиб, безовталаниш, хавотир олиш ҳолати.

Юрагини ёғ босган. Бу ҳолат касалликка олиб келади. Кўчма маънода «юрагини ёғ босган», дегани – ўзига тўқ, бадавлат, мол-дунё

эгаси, қўли узун, дунёни сув босса тўпифига чиқмайди мазмунини беради.

Юраги йўқ. Инсондир, ҳайвондир юраги бўлмаса, у яшай олмайди. Юраги йўқ, кўчма маъно ташувчи ибора бўлиб, қўрқоқ, қуёнюрак, мудом чўчиб яшайдиган одам ҳақида айтиладиган иборадир. Бир ишни қилишдан чўчиб, «орқасидан бир балоси, чиқмасин» деб юрадиган шахсларга бу ибора жуда мос келади.

Юрагидан урди. Юрак – севги-муҳаббат рамзи. Юрагидан урди, дегандা образли қилиб, отилган камон ўқи, яъни гўзал қизнинг нигоҳи, жамоли нақд нишонга – юракка бехато бориб тегди, «яраланган» қаҳрамон ошиқ бўлиб қолди, мажнунликни бўйнига олди маъноларини ташийди.

Юраги яримта. Юраги хаста, дардкаш киши ҳақида шундай дейилади. «Юраги яримта», кўнгли яримта, кўнгли ярим, ибораларининг муқобили. Кўчма маънода, яқин кишисидан ажралган, ҳаётда рўшнолик кўрмаган, озурда одам мазмуни ифодаланади.

Юрагига яқин олди. Маънолари: 1. Ўзига яқин тутди, меҳр-оқибат кўрсатди. 2. Бирор ёқимсиз, ғаламислик билан айтилган гапни юрагига яқин олди. Шундан юраги хасталанди (инфаркт бўлди) мазмуни бор.

122

Юрагига қўл солди. Ҳозирги замонда жарроҳ bemornning юрагига қўл солиши, бармоқ теккизиши мумкин. Бироқ кўчма маънода юракка қўл солиш кишининг кўнглини билиш, фикри, нияти, мақсадини англашга интилиш ифодасидир. *Муқобиллари:* «кўнглига қаради», «ичидагини топди», «қалбига қулоқ солди», «юрагига калит топди», «юраги қулфини очди», «қулфи-дилини очди».

Юрак-бағри эзилди. Бағир – жигар дегани. Қаттиқ муштлашув, тасодифий фалокат, табиий офат туфайли жигар-бағир эзилиши мумкин. Кўчма мазмунда, хафа бўлди, кўнгли ўксиди, юраги эзилди, юраги ёнди, юраги тушди, юраги дард-ҳасратга тўлди ибораларининг муқобилидир. Халқ бундай ҳолатни бошдан кечирган одамни аяди, унга ҳамдard бўлади, хайриҳоҳлик қиласди.

Юрагига қил сифмайди. Бу ўринда кўнгил, қалб маъноларида ишлатилади. Кўнгли шунчалик хуфтон бўлган, қоронгулашган, руҳи тушганки, ҳозир унинг юрагига ҳатто қил ҳам сифмайди, деган ибора. Бирор оғир инсоний фожиани бошдан кечирса, қалби дарду аламга тўла бўлганлигидан унга бошқа нарса, гап, ташвиш, ҳавас сифмайди, дейилмоқчи. Юрагига сифмайди, юраги бир қилда, юраги дарду ғамга тўла, ғамбода сингари ибора ва сифатлари муқобил равища қўлланади.

Юрак олдирган. Одам тиш, соч-соқол, тирноқ олдириши мумкин. Бироқ юрак олдириб бўлмайди. Акс ҳолда, юраксиз, демакки, ҳаётсиз қоласиз. Халқ «юрак олдирган» иборасини ишлатганда, турли талотўплар туфайли яқин кишиларидан ажралиб қолган, кўп жабр-ситамлар кўрган, айрим шахсларнинг бошидан оғир кулфатларни кечиргандигини, кўнгли озурда бўлиб қолганлигини кўзда тутади. Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади мақолидагидай, бундай одам ўта андишали, мулоҳазали, ҳар нарсадан шубҳаланадиган, чўчийдиган, қўрқадиган бўлиб қолади. *Муқобили : «юраги урмай қўйди».*

Юраги тоза (қора, кир). Оққўнгил, содда, табиий, самимий, бузилмаган одам. Юрак шундоқ ҳам тоза бўлади, у тўгри маънода кирланмайди. Юраги тоза одам деганда у яхшилик, эзгулик, олижаноблик, муруват, меҳр-оқибатга тўла, ҳақиқий инсоннинг қалби маъносини беради. Аксинчаси кўнгли кир, юраги қора, юраги ғаразга тўла иборалари бўлиб, бундай таърифда одамнинг шахс сифатида бузилганлиги, тарбиясиз-ахлоқсизлиги,adolat-sizligi, паст, тубан одамлиги назарда тутилади.

Юраги қора одам ўзгаларга ғараз, ҳасад билан қарайди. Халқ тили билан айтганда, яхшиларни кўролмайди. Уларга албатта тужмат қилиб, қалбини заҳарлашга, зарба беришга интилиб яшайди. Қора юрак, юраги кир, ғаламис одам, извогар иборалари ва сифатлари муқобилидир.

Юрагида доғи қолди. Юрак хасталаниб, сурункали даволанса, унинг бирор ерида олдинги хасталик белгиси – доғи (бирор қора-қўнғир нуқта) қолиши мумкин. Бу ўринда кўчма маънода бўлиб, оғир дард, ўлим, йўқотиш, қаттиқ руҳий изтиробдан сўнг юракнинг озурда бўлиб қолиши. Бу дарднинг, барибир, юрақдан чиқмаслиги тасвири. Ўсма кетар, қош қолар, дегандай, дард кетар, унинг доғи қолар, дейди халқ. Узилган тор уланса, чандифи, улоғи қолади. Орадан гап қочиб, сўнг тагин ярашиб кетилса, унинг оғир изтироби юрагингизда узоқ вақт қолиб кетади.

Юраги тоқ бўлди. Сабри чидамади, тоқати тоқ бўлди, бардоши тугади, юраги безовта бўлди, ибораларининг муқобили. Тоқ – яккалик. Юраги тоқ бўлиши – кишининг яккаланиб, ўзини руҳан тушкун ҳис қилиши, юракнинг ҳаприқиши. Одам зоти борки, у – жуфтига: севимли ёр, садоқатли дўст, яхши одамлар меҳр-муҳаббати, мурувватига муштоқ, мунтазир бўлиб яшайди.

Арслон юрак (қоплон юрак, шерюрак). Баъзи тарихий шахслар,

хусусан Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари аждодларимиз тўғрисида халқимиз асрлар оша шу иборани — арслон юрак, шерюрак деб ишлатиб келади. Маълумки, арслон ҳайвонлар шоҳи, улар орасида энг кучли жонивордир. У салобати, важоҳати, зўрлиги-ю қудрати билан турли матал, нақл, афсоналар қаҳрамони бўлиб келган. Одамлар орасида тўғри сўз, адолатли, мард, тантан, жасур, паҳлавон кишиларга нисбатан мана шу сифат қўлланилади. **Муқобили:** «шерюрак», «қоплон юракли», «юраги отнинг калласидек».

Юрагидан чиқариб гапирди. Гап оғиздан, нафас йўли билан товуш ўпкадан чиқади. Юрагидан чиқариб гапирди, деганда халқ сидқидилдан, кўнгилдан, ёлғон, сохталик аралиштиrmай гапирди, деган маънони англайди. Юрагини тўкиб солди, юрагида борини айтди ибораларининг муқобили. Одам зоти одамига, вазиятга, ўз кайфиятига қараб, ҳаммавақт ҳам бор, тўғри гапни гапиравермайди. Киши баъзан-баъзан ёрилиши, гапнинг орқа-олдини ўйламай, юрак ёриши, кўнглидагини тўкиб солиши ҳолатига шундай иборани ишлатадилар. Ўзбекда мастлик-ростлик деган ибора ҳам борки, бу ҳол шу ибора мазмунига яқин келади.

124 Юрагига ўт тушди. Бир нарса, воқеа, кишига қаттиқ қизиқиб қолиш. Юракка ўт тушиши — севги-муҳаббат туйғуси билан боғлиқ. Бирор иккинчи бир шахсни (қизни) кўриб, қаттиқ севиб, юраги ишқ ўтида ўртаниб қолиши мумкин. Бирор яхши отга, итга, машинага, ҳовли-жойга, амалга ишқи тушиб, юрагида ўт ёниши ҳам кузатилади. **Муқобиллари:** «юраги ўртанди», «юраги ёнди», «юрагини бахшида қилди».

Юраги бақувват, заиф. Одамга нисбатан бақувват, заиф, паҳдавон, ожиз сифатлари ишлатилади. Юракка атаб қўллаганда, инсон вужудининг марказий аъзоси бўлмиш бир парча гўшт билан бир қаторда киши иродаси, сабр-бардоши, тоқат-матонати кўзда тутилади. Юраги бақувват, деганда бу одам саботли, қийинчилик-машаққатларни енгиб ўта олади, кўзлаган мақсадига ирова кучи билан етиша олади, деган ишонч ётади, тескариси юраги заиф бўлиб, тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам бир моҳият-мазмун касб этади. Жисмоний ожизлик билан бир қаторда иродавий заифлик ҳам кўзда тутилади.


Юрак ўйноғи. Юрак-томир қон юриш маромининг бузилиши, бетартиблашиши. Одам бундай пайтда мувозанати бузилиб, юрагига ваҳима, фулгула тушади, юраги тушиб, гумириб кетгандай бўлади, боши айланади, чайқалади. Бу ҳолатни тез-тез бошидан кечириб

турадиган кишиларни юрак ўйноғи касалига мубтало бўлган одам дейишади. Кўчма маъносига ноқобил фарзанд, хиёнаткор турмуш ҳамроҳи, садоқат сақламаган дўстлар ҳақида шундай дейилади. Бундай «яқинлар» тез-тез юрагингизни ўйнатиб, уни чанглаб қолишингизга мажбур қилиши билан Сизга «садик, хизмат қиладилар». Муқобиллари: «юрагини чангллади», «юраги увишди», «юраги тўхтаб қолди», «юраги урмай қўйди».

Юраги безиллайди. Ибора фақат кўчма маънода ишлатилади. Юрак безиллаши – қўрқув ва ваҳима аломати. Жабрдийда бола, нора-сида гўдак ё қизалоқ жоҳил ўтгай она, отадан, мактаб болалари жаллодсифат муаллимидан, ожиз аскарбола «бобой» хизматдошидан шундай юраги безиллаб чўчиши, қўрқиши мумкин. Чунки бу инсонийлик қиёфасини йўқотган кимсалар ожиз бечораларнинг жонига кўп азоб берган, хўрлаган, урган-сўйкан, ҳақоратлагандирлар. Юраги безиллаш инсонни оғир руҳий ҳолатларга олиб боради. Кутиммаганда бу муштипар, бечора, жабрдийда қасос ўти билан ўз рақибини отиб, пичоқлаб, заҳарлаб ва бошқа йўллар билан ўлдириб қўйиши мумкин. Бундай фожиаларнинг юз беришида энг аввало ўша жоҳил кимсалар, ундан сўнг ўзганинг, айниқса, ёш бўғиннинг тақдирига бефарқ, лоқайд қараган Сиз билан биз айбор бўламиз.

125

Юраги ачишади. Ўз маъносига юрак ачишади, оғрийди, ҳаприқади, санчади ва ҳоказо. Кўчма мазмун касб этганда, юракнинг ачиши бирорнинг бирорга, бирор жон-жониворга, нарса-буюмга ҳамдардлик, хайриҳоҳлик қилиши, унинг учун куюниши англашилади. Халқда, бегона бўлсанг, дардим йўқ, эди, лекин ўзимникисан, жигаримсан, юрагим ачишганидан гапираман, деган гап бор. НАфақат одам, вафодор итингиз беоқибат қўшнингиз қўли билан игна ютиб ўлиб қолса, яхши кўрган дараҳт ё гул кўчатингиз бевақт сўлиб қолса, дўстингизнинг юрак-бағри ғам-андуҳга тўлиб қолса, юрагингиз ачишади, жонингиз оғрийди. Муқобили: «юраги ачиди», «юрагига олди», «юраги кўтаролмади», «юраги оғриди» ва бошқалар.



Ўзбекнинг тили бой, ранг-баранг, ташбеҳлари беҳисоб. Кишининг кишиидан ранжишига доир бир ҳатор иборалар мавжуд. Улар орасига ўпка атамаси билан боғлиқлари кўпчиликни ташкил этади. «Ўпка-гина яқиндан» дейди халқимиз. Киши яхши кўрган, жон-жигар деб билган кишиисидан, умид

қилган, интилган одамидан гинаю күдурат қиласи. Инсон бегонадан ҳеч нарса тама қилмайди. Ўпка-гина инсоний ҳис-туйғу, одамнинг ғазабланиши, қамтиқ ранжиши ҳолатларини аниқ ифода этади.

Ўпкангизни босиб олинг. Кўчма маънода ҳовлиқма, қўттарма, қўпол кишиларга нисбатан ишлатиладиган ибора. Товуш ўпкадан чиқади. Қаттиқ, ғазаб билан гапирилганда у зўриқади, шишади. Шунга ишора қилиб ўпкангизни зўриқтирмай, мўътадилластиринг – босиб олинг, деган иборадир. *Муқобили*: «оғиррок бўлинг», «бир гапдан қолинг».

Ўпкасини қўлтиқлаган. Юқоридаги ибора мазмунидан келиб чиқадиган гап. Ўпкани қўлтиқлаб бўлмайди. Образли ифода бўлиб, шошқалоқ, ваҳимачи, вос-вос одамларга нисбатан ишлатилади. Яхши тарбия кўрган одамларда ҳам бундай ҳолат фавқулодда воқеа-ҳодисаларда содир бўлади. Киши қаттиқ чўчиб қолса, рухи, кайфияти тушиб кетса, ёки аксинча, кутимаган хурсандчиликдан шошиб, ҳовлиқиб қолса, «ўпкасини қўлтиқлаган» и кузатилади. Ёмоннинг яхши бўлиб қолганига ишониб бўлмаганидай, бундай ҳолларда дарҳол яхшини ҳам шошқалоқ, «ўпка бўлиб қолибди», деган холосага бормаслик керак. *Муқобили*: «ўпкасини қўлига олган».

128

Ўпкаси йўқ. Лофт иборалардан бири. Кишининг ўпкаси бўлмаса, яшай олмаслиги маълум. Ўпкаси йўқлик ўпкани қўлтиқлагандан ҳам баттар ҳовлиқмалиқ, ваҳимачилиқ намунаси. Гапнинг оддикетини ўйлаймайдиган ёки бирор катта вазифадаги суянчигига ишониб гапни жуда катта гапирадиган шахсларга нисбатан, одатда, орқаворотдан айтилади. Халқ «ўпкаси йўқ» деб ҳовлиқма, бақирок, амалпараст раҳбарларни ҳам киноя билан таърифлашади.

Ўпка-жигар бўлмоқ. Мол, қўй сўйилганда, унинг ўпка-жигари алоҳида идишга қўйилади. Яъни кўчма ҳолда, бир тоифага, бир сафга кириб, яқин бўлиш, туриш маъноси англашилади. Ўпка-жигар бўлмоқ – оғиз-бурун ўпишмоқ, иборасига яқин туради. Кўпчилиқдан, оммадан ажralиб қолиш маъноларини ҳам ташиши мумкин.

Ўпкасидан урган. Бу иборанинг бир неча маънолари бор. 1. Ўпкасини совук олдирган, бемор, бетоб бўлиб қолган. 2. Тамаки чекавериб ўпкаси ишдан чиққан. 3. Киноявий маънода бирор шахс, буюм, амални ёқтириб севиб қолингани хабари. «Ўпкасидан урган», ибораси бу ўринда жигаридан урган, юрагидан урган, ошиқи бекарор, мажнун бўлиб қолган ибораларининг маънодоши ҳам бўла олади.

Қип-қизил ўпка. Ўпка оч қизил, оқимтирил қизғиши рангда бўлади. Аввало шунга ишора. Иккинчиси, нақд ваҳимачи, худо урган

шошқалоқ, ўпкаси йўқ, ўпкасини қўлтиқлаган одам мазмунини ташийди. Бундай шахс ҳақида гап кетгандга бу одам билан гаплашиб муносабатда, мулоқотда бўлишнинг иложи йўқ, гапга қулоқ солмайди, бориб турган буйруқвоз деган мазмун англашилади.

Ўпкаси тушди. Чекувчилар қаттиқ йўталиб қолганларида кекса кампирлар: «вой худойим-ей, нақд ўпкаси тушди-я», дейишади. Бу билан йўталининг зўрлиги шунчаки, ўпкаси узилиб, оғзидан чикқудай бўляпти, деган фикрни баён қилишади. Иккинчиси, жоҳил ота ўғил-қизларини аямай урса, бобо-ю буви, «эсингни йиғиб олсанг-чи, бола пақирнинг нақд ўпкасини туширдинг-ку», деб ўртага тушишади. *Муқобили:* «ўпкаси узилди».

Ўпка-тина қилмоқ. Ўпкалади, ранжиди, кудурат қозонини очди, иборалари муқобили. Ўпкалашнинг ўз маъноси ҳиссий ҳаяжон туфайли ҳиқиллаш, йиглаб-сиқташ, ўпка мувозанатининг бузилиши. Ўпка-тина қилиш қариндош-уруг, айниқса кексалар узокда, маълум амал-вазифада юрган қариндошларини кўриб қолганда, оддин жигарлари (бояги йигитнинг ота-онаси)ни эслаб, кўнгиллари бузилиб, кўз ёши қилиб оладилар. Сўнгра жиянни оқибатсизликда айблаб, енгил ранжидилар.

Халқ шундан: «ўпка-тина яқиндан» деб, киши умид қилган, ўзига яқин олган, жон жигар деб билган одамидан ўпка-тина қиласди, бегонага ҳам қиссин-чи, дейди.

Ўпкаси қозондай. Юқоридаги иборага мазмунан яқин. Ўпка-тина қилган одамнинг энг ашаддий кўриниши. Бу одам ўз яқинидан шу қадар ранжиганки, хафа бўлганки, ўпкаши шишиб, қозондай бўлиб кетган, дейилмоқчи. Тағин бир маъноси, ўпкаси қозондай қорайиб қолган, уни тозалаб, чиройини очиш осонмас, мазмунини ташийди. Гина-кудурат касалига сурункали мубтало бўлиб қолган одамларга нисбатан фаол ишлатиладиган ибора. «Ҳеч кимнинг маъракасига бормасанг ҳам шуникига бор болам, бўлмаса ўпкаси қозондай бўлиб, бир умр қовоғидан қор ёғилиб юради», дейишади кексалар феълини яхши билган қариндошлари ҳақида.

Ўпка дори. Бошқа аъзолар каби инсон ўпкаси ҳам хасталанганда, кишига маълум дори-дармонлар муолажа учун тавсия этилади.

Ўпка дори деганда, киноявий, кесатик маъносида ўпкани аксинча ишдан чиқарадиган «дори» папирос, сигарет, тамаки маҳсулотлари кўзда тутилади. Кашандалар бир-бирларидан сигарет сўра-ганларида «ўпка дори топиладими?» деб мурожаат қилишади.

Ўпкасини босиб олган. Оғир, вазмин, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, босиқ одамлар ҳақида, бу одам ўпкасини босиб олган,

дэйишади. Иккинчи маъноси, бир иши чалкашиб, ҳаёти анча алғов-далғов бўлган одамнинг тағин турмуши изга тушиб, мўътадиллашса, ишлари юришиб кетса ҳам шу ибора ишлатилиб, «ўпкасини босиб олди», дэйишади.

Узоқдаги қўйруқдан яқиндаги ўпка яхши. Нақд ва насия нарса, озиқ-буюм ҳақида айтилади. Узоқдан яхши мол олиш, яқиндан ёмонроғини олишга нисбатан қимматга тушади, ҳам насия бўлиб, унинг униш-унмаслиги ноаниқдир. Яхши бўлса ҳам ундириб, то ўз хонадонингга келтириб ўзлаштиргунингча у ҳам ёмонлашиши, сифати бузилиши мумкин. Шунинг учун ҳар ишнинг тошу тарозусини яхши билган тажрибакор ҳалқ «ҳар жойни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу», дейди. «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши» мақоли ҳам бу иборанинг муқобилидир.

Ростданам ўзбекнинг гали қизиқ. Ичаги ингичка, образли ибораси инсоннинг имкониятлари чекланган, қўли қисқа, камбағалу ночорлигини билдиради. Аслига тирик организм сифатига ҳар бир жонзот йўғону ингичка ичаклар эгасидир. Ичак – кичик, тор ва ингичка бўлади. Шунинг учун ҳам «ичи тор», ибораси ўрнида ҳам «ичаги ингичка» муқобили қўлманади.

Ичини ит тирнайди. Киши бирор нарса, воқеа-ҳодисадан қаттиқ безовталанса, ҳаяжонини босиб ололмай, ҳовлиқса, шу ибора ишлатилади. Бу ўхшатиш ибора бўлиб, аслида кишининг ичига ит кириб, тирнамайди. Устини, ташқи аъзоларини ит қопиши, тирнаб-тирмалashi мумкин. «Ичидан қиринди ўтди» бу иборанинг муқобили. Киши ўзини бир жойга қўёлмай, ичига чироқ ёқса ёришмай, ҳаловат, хотиржамлик тополмаслиги, ич-этини ейиши ҳодисаси. Ичини ит тирнаган одам виждонли, имонли, ҳеч бўлмаганда, одамгарчилигини сақлаб қололган шахс саналади.

Ичаги ингичка. Одамда, ҳайвонда бўлсин, икки хил ичак бўлади. Йўғон (тўғри) ва ингичка(ўрам) ичак. Ингичка ичак – ичаги ингичка деганда, кўчма маънода инсоннинг қўли қисқа, имкониятлари чекланган, камбағалу ночорлиги, фақир киши эканлиги назарда тутилади. Ичаги ингичкалик – ичи торлик, жисман, табиатан камқувват, камимтиёзлилик маъноларини ҳам беради. Бундай одамлар ўз бўйларидан баланд сакрай олмайдилар, ҳадла-

рини билиб умргузаронлик қиладилар. Ичаги ингичкалик айни пайтда инсоф-диёнатлилик, ўз ўрни ва қобилиятини түғри баҳолаш ҳам ҳисобланади.

Ичакузди. Мол сўйсангиз, қорнини ёрганда, ичагини узасиз. Емак ичак бўлса, нарса тиқиб ҳасип қиласиз. Кўчма маънода «ичакузди» атамаси кулги, ҳангома, қизиқарлилик, ёқтирганликнинг зўридан ичак узилгудай бўлиб, роса тўйиб, зўриқиб кулиш, «бити тўкилиш», хуморидан чиқиш мазмунини ташийди. Асқия, қизиқчилик, мутойиба ҳосиласи.

Ичагига юқ бўлмайди. Истеъмол қилинган таом оғиз, қизилўнгач, жигифидон орқали ичакка ўтади. Халқ шундан ейилган овқатнинг камлигини назарда тутиб, «бу берганинг чап ичагимга юқ ҳам бўлмади», деган иборани ишлатади. Бу, еганим шу қадар камки, ичагим тўлиб ўтиш ў ёқда турсин, унга юқ (бир чеккасида қолган) ҳам бўлмади, маъноси англашилади. Ичагига юқ бўлмаслик, талабига нисбатан кам миқдорда бўлган барча нарса-ҳодисага нисбатан ишлатилиши мумкин.

Ичидан қиринди ўтди. «Ичини ит тирнаш»нинг муқобили. Бир иш, қилмишдан пушаймон бўлиш, ўта ҳаяжонланиш, ўзини қўярга жой тополмаслик. Маълумки, қиринди – темир, пўлат қипиғи, қириндиси тиғли, учли бўлганидан баданга тегса, тилади, тирнаб-кесиб ўтади. Ичақда юрса, инчинун. Гарчи киши ичига қиринди кирмаса-да, образли ўхшатиш ибора сифатида, ичидан қиринди ўтди, деганда бу одам руҳан ва жисман жуда изтироб чекди, қийналди, қилмишидан пушаймон бўлди, маънолари англашилади. «Ичидан қиринди ўтди»нинг тағин бир маъноси – дард кишининг ичиди, уни даволаш, малҳам кўйиш, енгиллатишнинг имкони йўқ, мазмунига ҳам эга.

129

Ичига чироқ ёқса, ёришмайди. Тунд, хафа, кайфияти ўта сўник одамга нисбатан бу ибора ишлатилади. Қоронгулик, зулмат, кайфиятнинг тушкунлиги шу даражадаки, бу кишининг ичини чироқ ёқиб, нур тушириб ёритиб, ойдинлаштириб бўлмайди. Бу ҳолат оғир дард, ташвиш, кулфат, қайфу-алам ҳосиласидир. Баъзи кишилар табиатан ўzlари шундай тунд, ичимдагини топ, дамдўз, бирор еб, улар қуруқ қолгандек ҳамиша турмушдан норози қиёфада юришади. Иборада шахсга нисбатан, одатда, ачиниш, ҳамдардлик, хайриҳоҳлик оҳсанги мавжуд.

Ичи ачийди. Бирор ёқимсиз, аччик, заҳарли нарсани дафъатан истеъмол қилсангиз, табиий, ичингиз ачийди. Бироқ, бу ўринда ибора кўчма маънода бўлиб, ич ачиш бирорнинг дардига ҳамдард

бўлиш, унга қайшиш, қайфуриш, хайриҳоҳлик қилиш кўзда тутилади. «Ичи ачишади» ибораси қариндошлиқ туйғуси билан ҳам боғлиқ. Инсон энг аввало, ўз оиласи – бола-чақаси, ота-онаси, қариндош-уруглари тақдири, соғлиғи; баҳти-иқболи учун қайфуриб, ичи ачиб, жони койийди. Ундан сўнг инсофли, диёнатли инсон сифатида қолган барча мўмин-мусулмонларга ёмон кунида ҳамдард, ҳассакаш бўлади. Ичи ачиди – «ичи ачишади», «жони ачишади», «ичи куяди» каби муқобилларига эга.

Ич-этини кемирмоқ. Кўп маъноли: 1. Чайнамоқ, истеъмол қилмоқ, ейиш, ютиш. 2. Ичак-чавори-ю гўштини ейиш. Кўчма маъносида ичини ит тирнамоқ, ичидан қиринди ўтмоқ, ичи ёнмоқ, ичи куймоқ, ичига чироқ ёқса ёришмаслик иборалари муқобили. Оғир пушаймонлик, армон, ўз хатоси, гуноҳи, қилмишидан афсус-надомат чекиш, чуқур изтиробга тушиш. Ич-этини кемириш, ибораси ҳамиша шахсга нисбатан хайриҳоҳлик оҳангига айтилади. Бундай одам имонли, диёнатли, инсофли шахс саналади.

Ичини оғритадими? Халқ, ишнинг кўзини, айниқса, ўз фойдасини билмаган ялқов кимсаларга нисбатан, олдидағи шу бир парча ерини чопиб, юмшатиб, ул-бул экиб, рўззорига яратса, топгани ичини оғритадими, деган иборани кўллади. Бу билан, «эй, мусулмон, мундоқ одамларга ўхшаб, бор имкониятингни ишга солиб, ўзинг-у бола-чақанг манфаатини ўиласанг-чи, ҳаракатингни қилмасанг худо сенга осмондан ташлайдими», демоқчи бўлади. «Ичини оғритадими» ибораси зарар қиладими, кони фойда-ку, ишнинг кўзини билса-чи, жумла-иборалари маъносига яқин туради.

Ичи қизиди. Бу ибора республикамизнинг жанубий вилоятларида кўп ишлатилади. Ишлаб турганда машинанинг ичи (мотори) қизиди. Ўт солсангиз танчанинг ичи қизиди, сўнг танангизни қиздириб, яйратади. Ичи қизимоқ – зерикиш, ташвишланиш, фойдали, ёқимли меҳнат, машгулотни соғиниш, қўймасаш туйғусидир. Ичи қизиш – инсоннинг ҳали ғайрат-шижоатдан маҳрум бўлмагани, кўп яхши ишларга қодир эканлиги ҳолатидир.

Ичини ёрди. Қассоб мол-қўйнинг ичини ёради. Мувофиқ мақсадини амалга оширади. Ич ёриш – кўчма маънода ичидаги дардини, гали, сири, маслаҳатини очиб, баён қилиш. «Ичини ёрди» деганда индамас, «ичимдагини топ» одам ўз дўсти, онаси, отаси, яқин кишисига дардини ёрди, кўнглини очди, гапини (сир) айтди, деган маънолар англашилади. Ич ёриш жиждий одамларда камдан-кам учрайди. Маст-аластлиқда эса киши оғзига теккакч, дўст-душ-

маннинг фарқига бормай, ичини ёраверади. Уйнинг гапи кўчага чиқади. Муқаддас туйгулар, сир-синоат дастурхон қилиб ёзилади.

Ичи қора. Ўт ёқилаверганигидан мўрининг ичи қора. Нур тушмаган уйнинг ичи ҳам қоронғи. Айрим одамларнинг ичи, кўкраги, юраги булардан-да қорароқ бўлади. Бу паст табиат, ҳасад, кўролмаслик, ўзгалар иқболидан изтиробга тушиш каби салбий туйгулар оқибати, ҳосиласидир. Ичи қора одамлар ҳамма яхши, олижаноб, фойдали ва инсоний туйгулардан азият чекишади. Ўзгаларнинг иши, омади юришишидан иchlари куяди. Бундай кимсанинг яхши кишиларга, жамиятга катта зарари тегади. Аммо сирлари ошкор бўлиб, отнинг қашқасидек танилиб қолгач, назардан қолишади. Ичи қоранинг иши қора, дейди ҳалқ. Бундай шахслар оқибат ўз умрларига ўзлари завол бўладилар.

Ичи ғаш. Кўнгли ғаш, ичига чироқ ёқса, ёришмайди, дили хуфтон, шашти паст, попуги пасайган, ибораларининг муқобили. Ичи ғашлик – руҳий мўътадилликнинг бузилиши, бирор нимадан ташвишга тушиш, хавфланиш, азият чекиш. Бунга маълум иш, гуноҳ, файриқонуний фаолият туртки бўлиши ёки аксинча, аниқ сабабнинг бўлмаслиги, ички интуиция, сезги-кечинмалар асосида бўлиши мумкин. Инсон ўз салоҳияти, ҳаётий тажрибаси, билим жамғармаси билан моддий ва маънавий дунё табиатини яхши билади. Шу туфайли маълум маънода башоратчилик ҳам қила олади.

Ичи тошди. Сут пишса – тошади, қочади. «Ичи тошди»нинг кўчма маъноси «ичи қизиди»га яқин туради. Ичи тошиш – зерикиш, тоқатсизланиш, бирор ишнинг ташвишини қилиш. Сабр-қаноатнинг тугаши. Ичи тошган одам уйда ўтиромайди. Саломатлиги, жисмоний, руҳий имкониятлари билан ҳисоблашмай, бўйидан баланд сакрашга ҳаракат қиласи. Толиқиб, узилиб қолса ҳам узоқдаги фарзандини бориб кўради, қариндош-уругининг яхши-ёмон кунига ярайди ва ҳоказо. Ичи тошиш туйғуси инсоннинг олий фазилатидир.

Ичи тушди. Одамга нисбатан ишлатилганда ибора ичак-чавоғи ағдарилди, ичаги узилди (тўғри маънода), ўпкаси томоғига тикилди, ўпкаси узилиб тушди кабилар муқобилидир. Одатда, қовун-тарвузга нисбатан «ичи тушган» дейилганда, ириб қолган, истеъмол сифати бузилган, вақти ўтган маъноларини ташийди. Ичи тушган, ичи пишган, пишиб турибди, ибораларига ҳам муқобил бўлиб, қария, кекса одамнинг мадори кетиб, сўнгти кунларини яшамоқда маъноси ҳам англашилади.

Ичи куйиб кетди. Ичи узилди, нафаси бўғзига тиқилди, ичига ўт тушиди каби иборалар муқобили. Электр аппаратлари қуввати ошиқча берилса, ичи куяди, ишдан чиқади. Одамнинг ичи куйиб кетиши узоқ югуриш, ҳаллослашдан ичи, юраги куйиши, сувсаб, чанқаб қолиши, нафас ростлаш, оромга интилиш тушунилади. Асосий, кўчма маъноси яқин одамнинг дарди-ҳасратидан, кулфатидан қаттиқ қайпуриш, ўлим-йўқотишлардан изтироб чекиш, мусибат. Бошига мушкул савдо тушган, яқин кишисидан бевақт ажralиб қолган одамга нисбатан бу ибора ишлатилади. «Ичи куйиб кетиши» оғир оқибатларга олиб келади. Кексалар бу кўргуликни кўтаролмай ҳаёт билан видолашибача борадилар.

Ичи кетмоқ. Ич кетиши тиши чиқаётган гўдакларда, ичи бузилган беморларда, хуллас ҳаммада бўлиши мумкин. Ичкетар (ичўтар) касали оғир заҳарланиш, номаъқул, бузилган овқат истеъмоли сабабли содир бўлиши мумкин. Кўчма маънода қаттиқ кўркувни англатади.

Аччиқ ичак. Ингичка ичакнинг тўплами, ғарамлиси. Одатда мол, қўй, қуённинг бундай ичаги итларга берилади. Аччиқ ичак, одамга нисбатан қўлланганда, эзма, ғаламис, гапни чўзиб, олиб қочадиган, қитмир кишилар кўзда тутилади. Хира, ёқимсиз, шилқим, шилдир кимсалар танқид қилинади. Гап ҳам бетамиз, бемаза бўлаверса, кишилар: «намунча аччиқ ичақдай чўзилавердинг, бас қил, қисқа қил», деган танбеҳни ишлатадилар. Аччиқ ичак одамларнинг гапида туз бўлмайди, гап кўп-у кўмир оз бўлади. Табиий равишда мол ичагини бир четидан тортсангиз чўзилавергани сайин, гапнинг ҳам чўзилаверишини аччиқ ичакка қиёс қилишади.

Ичак-чавоғи ағдарилди. Кўп маъноли ибора. Молнинг қорнини ёрсангиз, ичак-чавоғи осилиб-ағдарилиб тушади. Бехос одамга қилинган даф ҳам шундай ҳолга олиб келиши мумкин. Булар, тўғри, табиий маъносида. Жарроҳ ҳам зарурат туғилса – киши ичак-чавоғини ағдариб кўриши мумкин. Кўчма маъносида эса ичак-чавоғи ағдарилди, деганда, нотаниш йўлдан юқ машинасида тик ҳолда юрсангиз, қайсар, кетини, орқасини отадиган эшак минсангиз, чархпалакларда тез, шиддат билан учсангиз, ичак-чавоғингиз ағдарилади. Оёғингиз осмондан келади. Ичак-чавоғи ағдарилиш – киши бирор озиқни ҳазм қилолмаса, заҳарланса, қайт қилган ҳолда ҳам содир бўлади.

Ичагини бошига салла қилмоқ. Бу ибора ҳақорат, дағдага, сўкиш, менсимаслик бўлиб, айрим чапани йигитлар бир-бирларига даҳанаки даф қилишганларида ишлатиб қолишади. Ичагини

бошига салла қилиш, бирорни чавақлаб, ичак-чавоғини бошига илиш, унинг жонига қасд қилишдир.

Тўғри ичак. Катта ичак. Одатда, меъда-жигарга шимилган озиқ чиқити катта ичакка ўтиб, модда алмашинуви сари кетади. Баъзи одамларда ингичка ичак микдори ва ўлчовидан кам бўлиб, овқат ичакларда ушланиб, сўрилиб, киши танасига сингиши ўрнига тўғри ичакка, ундан ташқарига чиқиб кетади. Бундай одамларни «тўғри ичак одамлар», ундаиларга қанча еган-ичгани билан сингмайди, «юқмайди» дейишади.

Ичагини итлар есин. Қарғиш ибора. Одатда ҳаром ўлган моллар қишлоқнинг бир чеккасига чиқариб ташланса, аввало бўрилар, бўлмаса, дайди итлар унинг қорнини ёриб, ичак-чавоғидан бошлаб ейишга киришадилар. Одамга нисбатан факат қарғиш, ёмонлик соғиниш, норозилик, жабр кўрганлик ҳиссиёти сифатида ишлатилади.

Ичингда илонинг борми? Баъзи одамлар жуссаси кичик бўлса ҳам тўғри ичак бўлганидан еб тўймас бўлишади. Ҳаммадан кўп истеъмол қиласа ҳам нафси ором олмаган бундай кимсаларга кексалар: нима бало, ичингда илонинг борми, дейишади. Гўёки у еяпти, ютапти-ю, кимсанинг ичида жойлашиб олган илон оғизга тушган луқмани ютавериб, ҳақ деб қараб тургандай. Тағин бир маъноси, баъзи болаларнинг ичида илончаги – гижжаси бўлиб, егани ўзига юқмайди, ранги синик, ўзи рангпар, озғин бўлиб юради. Овқатни иштаҳа билан тушириб, сал нафси қониқкан шахсга нисбатан ҳам одамлар: «илонингнинг боши қайтдими, ҳайтовур», деган иборани ишлатишади.

Ичимга иссиқ кирди. Танамга жон кирди, ўзимга келдим, жонимни чакириб олдим, жоним жасадимга қайтди, ибораларининг муқобили. Ичимга иссиқ кирди, деганда ўлгудай совқотиб, тиришиб турган эдим ичим, бағрим, қўйним исиди маънолари мужассам. Ичи исиш – иссиқ киришининг сабаби – иссиқ овқат истеъмол қилинганидандир. Ароқ ҳам, лахча чўғ ўтин ҳам киши ичини иситиши, иссиқ бўлиб кириши мумкин.

Ичидан пишган. Хоразм қовунлари, лалми тарвузчалар кўринишида жуда кўримсиз, хамақдай туялса-да, аслида ичидан пишган, ширин бўлади. Инсон ҳаётига кўчирилганда, ичидан пишган ибораси жуда пишиқ, пухта, муғомбир, ишнинг кўзини биладиган, билгани ичида одам, маъноларини беради. Ичидан пишиб юрибди, деганда кекса кишиларни қовундай пишиб юрибди, бир кун узилганини билмай қоласан, дейишади. Ичидан пишган – кетидан қариган, иборасининг муқобилидир.

Қорин қайгуси қийин, жигилдон балоси ёмон, дейди халқ. Тирикчилик – қориннинг, жигилдоннинг ташвишини қиласанғиз ҳам бўлмайди. Бу икки атама ва уларга боғлиқ иборалар, асосан, салбий оҳангда ишлатилади. Қорин – ишкамба бандалари, жигилдон дўстлари танқид остига олинади. Қорнимгамас қадримга йиглайман, оч қорним – тинч қулогум, қорни тўйкунг қорни очдан не парвойи бор, дейди ўзбек минг ишллик турмуш тажрибасидан келиб чиқиб. Ижтимоий қарамлик, совет турмуш тарзининг мантиқ-тарозиси сифатига коғир тўй, мусулмон тинч деган мақол ҳам хотира бўлиб қолди. Ҳарқалай, қорин-у жигилдоннинг ҳам тилимизга ўз ўрни, турмушда муайян аҳамияти бор.

Қорнимга эмас, қадримга (йиглайман). Бу ибора инсоннинг қадр-қиммати, шаън-шавкати, оила, жамоада тутган ўрни билан боғлиқ бўлиб, қорнимгамас, қадримга йиглайман, деганда халқ қорним тўймагани, яхши едириб-ичириб, кийдириб, сарпо-сурӯф қилиб эъзозламаганига эмас, тўй-маъррака, йигин, кўпчилик олдида мени хурмат қилмай, назарга илмай, иззатимни қилмагани, қадримга етмагани, одам ўрнида кўрмаганидан хафаман, деган маъно англашилади. Ўзбек ўта андишали, кўнгилчан бўлиши билан бирга ўз иззат-нафсини, қадр-қимматини баланд тутган халқ бўлган-лигидан ўз ўрни, мавқеи, қадр-қимматини билади. Қадрсизлик, ўз шаънининг топталishi унинг учун ўлим билан баробардир. Бу ибора ўзбек халқи руҳиятининг ўзига хос ихчам тавсифидир.

Қорин қайғуси. Томок, томоққа ямоқ, атама ва иборалари каби қорин қайғуси ибораси тирикчилик, умргузаронликнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бўш қоп тик турмайди, дейди халқ. Танангиз тик юриши, соғлом бўлишингиз учун инсон тана аъзолари учун керак барча емак-ичмак истеъмол воситалари мавжуд бўлиши талаб этилади. Тирикчилик деб югуриб-еласиз. Рўзгор фор дейсизу бир умр уни тўлдиришга, юҳодек нафсини қондиришга тиришасиз. Салбий, ижобий оҳанг йўқ. Мажхул.

Оч қоринга аччик саримсоқ. Ўлганнинг устига тепган, ман на дейман, қўбизим на дейди каби мақоллар муқобили. Оч қоринга аччик саримсоқ деганда, ўзи-ку қорним ўлгудек оч, унга аччик саримсоқ бериб, янада очқатдинг, мазмуни англашилади. Саримсоқ одатда, иштаҳа очиш, овқатни кўпроқ истеъмол қилиш учун ейилади. Бу ҳолатда овқатнинг ўзи йўғ-у бу кимсага аччик саримсоқ бериб,

унинг иштаҳасини карнай қилишдан нима наф, деган истеҳзо, кесатик, мазах, енгил юмор англатилади.

Қорин пиёзнинг пўстидек бўлиб кетди. Қаттиқ очиқиш, иштаҳанинг қўзғалиши, овқат истеъмолининг кутилган вақтдан ўтиши, иштиёқи меҳнатдан сўнг қорин очиши — мана шундай пайтларда бу ибора қўлланилади. Бу дегани меҳнатнинг, очлик, парҳезнинг зўридан қориннинг ёғи, чарвиси, гўшти кетиб, озиб, ёлғиз териси қолди, у пиёзнинг пўсти (бир қавати) дай юпқа бўлиб қолди, маъносини беради. Иборада ҳазил-мутойиба, ҳаётсеварлик, хушчақчақлик кайфияти мавжуд.

Оч қорним — тинч қулоғим. Ибора ўзбекнинг ориятли, ўзига бек, назари тўқ, бироннинг таъна-ю дашномини кўтаролмаслиги тимсоли. Оч қорним — тинч қулоғимнинг маънолари бир неча. 1. Оч қолсам ҳам қулоғим тинч, кўнглим осойишта бўлгани маъқул. 2. Бироннинг таъна-ю маломати остида, унга қарам бўлиб, эрким-хукуқимни бериб, тўқ юрганимдан ўз эрким ўзимда, қулоғим тинч ҳолда оч бўлганим маъқул. 3. Қанчалик қорнинг тўқ — бойбадавлат бўлсанг, ташвишинг шу қадар ошади, меъёрни билганинг яхши. 4. Қанча камбағал, ҳоксор бўлсанг, ўзга назарлардан, гапсўздан, кўздан йироқ бўласан. Мақол салбий, ижобий оҳангдан маҳрум. Мажхул маъно ташийди.

Кофири тўқ — мусулмон тинч. Шарт эргаш гап сифатида кофири сендан сурункали манфаат кўриб, еб-ичиб, кийиб, майшатини қилиб, ялло этиб юрмаса, сени, мусулмонни тинч қўймайди, демоқчи. Қарамлик, мустамлақачилик, қуллик психологияси. Кофири тўқ, мусулмон тинч мақоли деярли ишлатилмай — оғзаки, ёзма таъқиқланиб келинган иборалардан. Танқидий, ўз-ўзидан норозилик оҳангি бор. Ватанпарварлик, изтироб, миллатпарварлик, ички дара руҳи мужассам.

Қорни очдан қорни тўқнинг не парвойи бор? Бу ибора ўз маъносида ҳам тўғри ва мантиқли. Яъни қорни тўқ одамнинг қорни оч киши билан неча пуллик иши бўлсин?! Кўчма маъносида эса унинг мазмуни янада чуқур. Бой камбағалга қайишадими? Тўқ очни ўз тўпига оладими? Бахтиёр киши гарип ва мискин билан ошна бўладими? Соғлом инсон дардманду бемор билан не хусусда гаплашсин?! Бу ибора қўлланилганда истеҳзо, ачиниш, хайрихоҳлик, такаббурона оҳанглари мавжуд бўлади.

Жигилдонинг тешилгур. Ибора нафси ҳакалак оттган, имон-инсофини ийғиштириб қўйган, бетсиз одамларга нисбатан ишлатилади. Бирор Сиз билан кўп ийлилк ҳамкасб, қадрдан бўлади-ю бироқ, дўстлик,

оқибатни ҳисобга олмайди, ўз манфаати, нафсини жиловлай олмай сиздан пора, совға, нарса-буюм тамъ қиласверишини қўймайди. Шундай кезларда учибу иборани ишлатасиз. Ҳаётда буйруқвоз ва тамагир, порахўр маъмурларга дуч келинганда, одам яқин кишисига ундан шикоят, ҳасрат қилас экан, шу иборани ишлатади.

Жигилдон (нафс) балоси. Тешик томок чиримас, қорин қайғуси, томоққа ямок, ибораларига муқобил. «Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга солодур», дейди ҳалқ. Нафс, жигилдон балоси, назари, кўзи очлик инсонни кўп балоларга гирифттор қиласди. Ота-онани фарзанддан, дўстни қадрдондан, қариндошни уруғдан ажратади. Бир қориндан талашиб тушган жон-жигарлар орасига нифоқ солади. Кўзи оч, нафси ёриқ, салбий оҳангли кўчма маъноларидан ташқари, жигилдон балоси шунчаки тирикчилик, умргузаронлик мажхул даражасида ҳам ишлатилиши мумкин.

Жигилдони қайнади. Ибора, ошқозонда кислотанинг кўпайиши оқибатида киши баъзи сувқатларни истеъмол қиласа, меъдаси қайнайди, яхши ҳазм қиласмайди — ушбу ҳолатда айтилади. Жигилдон қайнашининг иккинчи маъноси — вижданум қайнади, жаҳлим чиқди, юрагим ҳаприқиб кетди, жоним чиқиб кетди каби кўчма иборалар мазмунини ташийди. Бирорнинг совуқ, оқибатсиз, бефаросатлик, кўтармалик билан айтган гапи, каттазанлиги жаҳлимни чиқарди маъносида ишлатилади.

138

Жигилдонингта ўт тушгур. Нафси ёриқ, жигилдон бандаси, ибораларининг муқобили. Қарғиш ибора, жигилдонга ўт тушиши мумкин эмас. Бу ўринда заҳар тушиши кўзда тутилади. Инсофсиз, вижданисиз одамдан норозилик ифодаси. Жигилдон бандалари — тамагирларга лаънат.

Корнини ёрса алиф чиқмайди. Алифни калтак дейди, саводи ғовлаб кетган каби иборалар муқобили. Алиф — араб алифбосининг биринчи бош ҳарф-товуши, тўғри чизик шаклида. Корнини (ичини) ёрса, алиф чиқмайди, деганда билимлар дунёсидан бехабар, худо бехабар, ҳатто алифбенинг алифи ҳам йўқ унинг бошида, ақлида, кўнглида (ичида, қорнида) мазмуни кўзда тутилади. Ибора ўта салбий, танқидий, киноявий оҳанг касб этади.

Корни қажавадай. Ўхшатиш ибора. Корни катта, қорни мещдай, қорнига арқон етмайди, қорни корсондай ибораларининг муқобили. Қажава — икки тўлқинли тўқима сават. Пилланинг катталаштирилганини эслатади. Бир томони очик, ости ёпиқ, Эшак, от, туяга юқ (олма, анор, ёнғоқ, майиз) жойлаб ортишга қулай. Қорин аслида қажавадай бўлиши мумкин эмас. Ҳалқ очофат, текинтомоқ, беғам

кишиларни кажава қорин, қорни кажавадай, деб масхаралаб танқид қиласи. Мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида фаол қўлланилади.

Нафси ёриқ. Очофат, тамагир, манфаат бандаси, бойлик қули, вижданонини нафсига қўшиб ютган, имонсиз одамларнинг ихчам таърифи. Нафси ёриқ — образли ифода бўлиб, қанча егани билан тўймайди, чунки томоғи, нафси ёриқ, оғзига (ичига) кирганининг бир қисми тўклиб, сочилиб, ерга тушиб кетади, деган маъно ташийди. Шафқатсиз танқид, ҳазар қилиш, лаънат, ўта салбий баҳо, оҳанг бор.

Қорни (ўзи) тўйса ҳам кўзи тўймайди. Суқатой, ҳарис, кўзи оч, назари паст, кўрмаганнинг кўргани қурсин, таги зоти кўрмаган, ибораларига маънодош. Қорни тўйса ҳам кўзи тўймайди, деганда нафс балосига йўлиққан, манфаат дардидан халос бўлолмаган кимсалар кўзда тутилади. Кўчма маъносида назари паст, очофат, олчоқ, қадр-қіммат, инсонийликдан йироқ деган мазмун англышлади. Бундай одамлар кўзи очликдан тўйганини билмайди, нафсини тиёлмайди, ичига сифмаса ҳам дастурхондан кўз, кўнгил узолмайди. Суқ, ҳарис, очкўзлигича қолаверади. Ибора қаттиқ танқид, ҳазар қилиш, истехзо оҳангларини ташийди.

Тўқликка шўхлик. Тўқ бола шўхлик, ўйин-кулгига ружу қўйиши рост. Оч бўлса, овқат илинжида ғингшиб, ийғламсираб ўйинни, шўхликни ҳам йиғиштириб қўяди. Катталарга нисбатан ишлатилганда ўзига тўқ, мол-давлати етарли, рўзгори бут одам инсофини еб қўйса, шўхликка ўтади, ўйнаш тутади, майшатта берилади, топганини совуради, бола-чақасининг ризқини қияди — оқибат бирор касофатга йўлиқади, деган маъно кўзда тутилади. Бундай шахслар бир балога гирифтор бўлсалар, кексалар «семизликни қўй кўтаради, ўзини босиб ололмай қолди, тўқликка шўхлик қилди, ўз бошига ўзи етди», дея афсусланадилар. Салбий оҳангга эга.

Халқ тилига, белимни букиб қўйди, белимга мадор бўлди, бели оғримаганнинг нон ейшини кўр, ишнинг белига тенги каби нақл-ибораларни тез-тез учратиб турасиз. Белига белбоги бор, белнинг куввати каби иборалар ўзбекчиликга йигитга нисбат берилади. Куч-кувват, жувонмардлик, паҳлавонлик билан Ватанга хизмат қилиш, халқ ишончини оқлаш олқишлиланади.

Бел сўз-атамаси билан боғлиқ иборалар тилимизга талайгина. Қуйига улардан айримларининг шарҳи ва изоҳи билан танишасиз.

Бел бойламоқ. Белни чопон устидан, ичдан белбоғ билан бойламоқ...

Камар тақиши. Бел бойлаш, меҳнатнинг боши. Бел бойлаш, ўз ва ўзга томонидан бўлиши мумкин. Ўзбек ўзидан ташқари азиз меҳмони, куда-андаси, эътиборли-хурматли кишисига, сийлаб, чопон-дўппи кийгизади, белбоғ ўраб, белини бойлайди. Бели бойлоқли, деганда ўзига тўқ, меҳнатга тайёр, тайин, субутли шахс деган маънолар ҳам англашилади.

Бели бақувват. Ёш йигитнинг билагию бели бақувват, бемору қарияларники кучсиз-мадорсиз бўлиши маълум. Бели бақувватлик куч-қувват, шижаат, ғайратга тўлалик. Кўчма маънода ўзига тўқ, бой-бадавлат, бойлигу бисоти етарли, қўли узун, қўлинин қаёққа узатса етади, ибораларига муқобил бўла олади. Бели бақувватлик, бойваччалик, унча-мунча турмуш зарбаларини писанд қилмаслик, ўзига ишончи зўр одам маъноларини ҳам ифодалайди.

Ишнинг белига тепмоқ. Белга тепиш ўз маъносида бўлиши ҳам мумкин. Кўпроқ кўчма маънода ишлатилади. Белга тепиш, деганда ҳалақит бериш, қаршилик қилиш, атайин кишининг йўлини тўсиш тушунилади. Кишилар, «ишим яхши кетаётганди-ку, фалон воқеа белга тепди-да», деб койишади. Ишнинг белига тепмоқ – бўлиб, пишиб турган ишни бузиш, мақсадга етказмаслик, йўлдан уриш, оздириш маъноларини беради. Кўпроқ ачиниш, афсус-надомат чекиш, пушаймон бўлиш, хафа бўлиб, қайғуриш оҳанглари мавжуддир.

Белида белбоғи бор. Ўзбек одамнинг ишончли, тайинли, диёнат-лилигини билмоқчи бўлса, белида белбоғи борми, дейди. Белда белбоғнинг бўлиши – суюнса, ишонса, қўшилса бўладиган одам мазмунини ташийди. Бу ибора (белингда белбоғинг борми?!?) киши ҳамиятига тегиш, йигитмисан ўзи, қабилида рақибнинг жигига, ғашига тегиш мақсадида ҳам ишлатилади. Белида белбоғи борлик йигитлик, жувонмардлик, тайинли, субутли, диёнатлилик гарови.

Бели оғримаганинг нон ейишини кўр. Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг боласи гапирсин, иборасига муқобил. Баъзи фаҳм-фаросатсиз кимсалар текин томоқ топилса, орқа-олдиларига қарамай, паққос туширишади, катта-катта гап сотишади. Шундай пайтда, кўпни кўрган кексалар шу иборани ишлатадилар. Бу билан бу ҳафтағаҳм жон койитиб, бел оғритиб, бирор жойда ҳалол тер тўкиб, нон топибдими, бу неъматларни не азобда топиб-тугиб олдига қўйганингни қаердан билсин, деган фикрни билдиришади.

Бели синмоқ. Ибора ўз маъносида одам, жон-жонивор, буюм-нарсанинг қаттиқ шикастланиши, жароҳатланиши, ҳаётдан кўз юмишини ифодалайди. Асли, кўчма маъносида эса бели синди

деганда, инсоннинг бошига оғир мушқуллик тушди, хонавайрон бўлди, уйига ўт тушди, амалидан жудо бўлди, оиласида кулфат юз берди, каби мазмун англашилади. «Бели синмоқ» ибораси инсоннинг ҳаётда бундан бўён ўз мавкеини, рўзгор-тирикчилиги, умргузаронлигини қайтадан тиклаб, ўнгариб олиши мушкул деган фикр англашилади. Иборада кимга нисбатан (дўст, душман) ишлатилишидан қатъи назар, ачиниш, ҳамдардлик, хайриҳоҳлик туйфу-кайфияти оҳанглари мавжуд.

Бел олишмоқ. Полвонлар даврага чиқса қўл-бел олишиб, курашга киришишиади. «Бел олишмоқ»нинг кўчма маъноси икки рақиб томоннинг бир-бири билан ихтилофга, курашга киришиши, фоялар, мафкура, назариялар кураши ва ҳоказолар кўзда тутилади.

Белга мадор бўлмоқ. Қариганда кишининг белига ҳасса, бир қошиқ иссиқ овқат, жамғарган беш-үн тангаси мадор бўлади, кунига ярайди. Асл, кўчма маънода эса инсоннинг белига мадор унинг қобил фарзандлари, набиралари, оқибатли қариндош-уруг ва орттирган содик дўстларидир. Белга мадор бўлмоқ, деганда ўз меҳр-оқибати, саховати, садоқати билан қариганимда белимга қувват, кўзимга нур бўлди, яхши-ёмон кунимга яради, маънолари англашилади. Дўстга зор, душманга хор қилдириб қўймади. Берган тузимни оқлади, оқ сутимни унутмади, лея дуои жони қилинади. Табиий ва кўчма маънода бойлик, айниқса, олтин-кумушни белга мадор дейишиади.

Бели чиқиб кетди. Бели синди, бели узилди, бели синиб кетди, белини синдириди, ибораларининг муқобили. Киши ўз қувватидан ортиқча юкни кўтарса, бели чиқади. Ибора одатда, хоҳ ихтиёрий, хоҳ мажбурий ўз имкониятидан ортиқ даражада тўй-ҳашам, зиёфат бериб, оқибат катта қарзга ботиб, қора қозонини сувга ташлаб қўйган кимсаларга нисбатан ишлатилади. Бирор кулфат, мажбурият туфайли катта чиқимдор бўлиб қолган кишилар ҳам бели чиқиб кетган ҳисобланади. Кишининг бели чиқиши мўътадил ҳаётдан салбий томонга йўналиши, ишнинг чаппасидан кетиши, кўз тегиши, омаднинг юз ўгиришидир.

Белига уради. Ибора қиз-жуонларга нисбатан соч, жамалак, пўпак маъносида, «белига уради» тарзида ишлатилади. Беда, майса-ўт, турли гул-у ўсимлик бўй бериб, кишининг белига уриши – етиши мумкин. Белига уриб турган, белга уриб турибди шаклларида ҳам ишлатилади. Ҳис-ҳаяжон, жозиба, нозик туйгулар ифодаси.

Бели оғрийдими? Белини оғритадими, ичини оғритадими ибораларининг муқобили. Бели оғрийди, ибораси билан «бели оғрибдими» ўртасида тафовут бор. Бели оғрийдими, ичини

огритадими, фойдасини билса-чи, ўзини ўйласа-чи, маъноларида бўлиб, маълум шахсга қайишиш, унга хайриҳоҳлик қилиш бўлса, «бели оғрибдими»да киноя, кесатик, маълум шахснинг қилимишидан оғриниш, ишламай тишлашни танқид қилиш, уни ёқтираслик мазмуни ётади. Шу маънода «бели оғрибдими» мажҳул иборадир.

Қамишдан бел боғлаб. Қамиш эгиувчан, қайиш бўлгани туфайли образли қилиб, белни маҳкам, сидқидилдан боғлашни шундай ифодалашади. Қамишдан бел боғлаб хизмат — ҳурмат қилган, севган, ихлос қўйган одамига нисбатан қилинади. Халқимиз ёш авлодни элу юрт хизматида, ҳамиша кори хайрига яраб, камарбаста бўлишга чақириб, тайёрлаб, тарбиялаб келади. Хайриҳоҳлик, миннатдорлик, меҳр оҳангি бор.

Бели букилди. Бадан тарбияда белингизни букиб-ёзасиз. Қариганда инсоннинг бели букилиб, ҳассага таяниб қолади. Бел букилишининг кўчма маъноси инсон бошига мусибат тушганда, қаттиқ жисмоний, руҳий азоб-уқубат тортилган ҳолатларда қўлланилади. Бевақт ўлим, бошга кулфат тушиши киши белини букиб қўяди. Бели букиклини шахсдан халққа нисбатан ҳам йўйиш мумкин.

140

Бел бўлмоқ. Кўп маъноли ибора. Кишининг бели унинг куч-куввати, соғломлиги, жувонмардлиги рамзи. Қиз-жувонларга нисбатан хипчабел, нозик бел, бели қилдай, бели ингичка иборалари ишлатилади. Бел бўлмоқ, деганда ўзбек халқи бирор иш-ҳодисада маълум шахснинг ҳал қилувчи ҳисса қўшганлигини кўзда тутади. Бел тананинг ўртаси бўлганлиги учун бу ибора баъзан кўприк, боғловчи маъноларида ҳам ишлатилади. Бел бўлди, деганда икки кишининг иши битиши, юришишида учинчи шахс — бел воситачи бўлди мазмуни англашилади.

Бел белламоқ. Белкурак билан ерни чопмоқ, ағдармоқ, бел белламоқ иборасининг асл маъносидир. Бу қуролни ишлатишида гарчи оёқ хизматда бўлса-да, белнинг кучи қуввати мадор бўлгани туфайли жиҳоз номи ҳам бел номи билан аталади.

Бел босмоқ. Меҳнатдан толиққан одам кенжатой боласи, неварааларига белини бостиради. Юзтубан ётиб, оёғидан елкасигача юргизади, тептиради. Бу ўзига хос массаж, уқалаш, халқ муолажаси бўлиб, шу билан киши ўз ҳордифини чиқаради. Тағин бир маъноси юқорида айтилганидай «бел белламоқ»нинг муқобили бўлиб, белкурак билан ер ағдариш мазмунини ташийди.

Белини тикламоқ. Қадини тутмоқ, ўзини тутиб олмоқ, ибораларига маънодош. «Белини тикламоқ» олдин бир бели синиш, букилишдан

кейин қайта омаднинг чопиши, баҳт қулиб боқишидан бўлиши мумкин. Аслида ибора ёш авлоднинг камолга етиб, ўзини тута бориши, бири икки бўлиб, давр ўтиши билан қаддини тиклаб олиши, яъни ўзига тўқ ҳолга келиб, рўзғори бут, туриш-турмуши ҳавас қилгулик даражага етиши ифодасидир. Белини тиклаш ўз кучи, меҳнати билан, баъзан ўзга шахс ота-она, қайнота-қайнона, хотин, эр, ҳомий, воситачи ва бошқалар ёрдамида бўлиши мумкин.

Ўзбек ўзи меҳнаткаш, заҳматкаш ҳалқ бўлганлигидан табиатан шеҳёмас, танбал, алдам-қалдам кишиларни ёқтирмаиди. Сидқи-силликни, эпчи, чаққонликни, жон койитиб иш қилишни хуш кўради. Шунинг учун ҳам кўл-оёғи енгил, қамишдан бел боғлаб хизмат қиласиганларни олқишлиайди. Бу қисмда қўли олти-оёғи етти бўлган одамлар, итнинг кейинги оёғи бўлган танбалларга қарама-қарши кўйилади. Оёқ – инсон қадамининг қутлуғ ё хосиятсизлигига омилу сабаб бўлганидан бу ҳақда ўзбек иборалари ҳам бирталаӣ.

141

Оёғини қўлига олди. Ҳинҷ йоглари, ўзимизнинг курашчи йигитлар шундай машқни бажарадилар. Шошилиш, ишни тезлаштириш, хабар етказишни зуддик билан амалга ошириш. Катталар бир хабарни болага тайинлар эканлар «фалончи амакингнинг боласи армиядан қайтди, тез оёғингни қўлингга олиб қўшни қишлоққа хабар қилиб кел», дейдилар.

Оёғи куйган товуқдай. Товуқ оёғи куйса, қақофлайди, бир жойда туролмай, қанот ёзиб, ўзини ҳар томонга уради. Кўчма маънода, одамга нисбатан ишлатилиб, бирор ҳодисадан безовта, қалби куйган одамлар ҳолати шундай ифодаланади. Бундай одам ҳам «уф-уф»лаб, бир жойда муқим туролмай, ўёқдан бүёққа юради, тиним топмайди. Салбий маънода бесаришта, бардошсиз одамларга нисбатан кўлланади.

Оёғининг учида кўрсатади. Одатда бирорни узоқдан таништириш, кўрсатища бош имоси билан, жуда бўлмаса, қўл билан, ҳу, ҳайло, ана у одам, деб ажратилади. Оёқ ёки оёқнинг уни (бармоқ) билан кўрсатиш – ўзбекнинг лоғ муболагани ўрнига қўйишидан далолат. Кўчма маъносида, бир кишининг иккинчи одамни менсимаслиги, унга нисбатан такаббурлик қилиши тушунилади. Бирорни оёқ учида

кўрсатиш у ҳар қанча ярамас одам бўлса ҳам бу ишни бажарувчи шахсга нисбатан салбий, танқидий оҳангда айтилади. Катталик худога ярашади, дейди ҳалқ. Нонни катта тишлисанг ҳам гапни катта гапирма. Тағин кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни, деган нақд ҳам бор.

Оёғи олти, қўли етти (бўлмоқ). Эпчиллик, қўл-оёғи чаққон, ишга, меҳнатга сидқидилдан киришган. Тўй-маъракада йигитлар белларига қамишдан белбоғ боғлаб, югуриб-елиб хизмат қилишади. Шундай ҳолатларни ҳалқ, «оёғи олти, қўли етти бўлиб хизмат қилди», дейди. Чапдаст уддабуррон чойхоначи, дўкондор, қассоб, қурувчи, шифокор, ўғил, қиз, келин ва бошқа инсонларга таъриф сифатида қўлланилади.

Оёғини босмайдиган бўлди. Оёқ синса, чиқса, пайи тортилса, маълум муддат уни ерга босолмайсиз. Бу ўринда, кўчма маънода бўлиб, бирор иккинчи бир шахсдан: дўсти, ака-укаси, қариндош-уруғидан кўнгли қолса, гапи қочса, қаттиқ ранжийди, аразлайди, хафа бўлади-ю, шу қадрдан хонадонга келмайдиган, остонасига оёқ босмайдиган бўлиб кетади. Мана шу ҳолат ифодаси. Оёқ босмайдиган бўлди, ибораси икки оҳангда; оёқ узган одамга нисбатан ачиниш, ҳамдардлик, хайриҳоҳлик ва бундай шахсга нисбатан нафрат, танқид маъноларида ишлатилади. *Мұқобили:* «оёқ узди», «оёғини тортди», «қадам босмайдиган бўлди».

Оёқ (чот) орасидан шамол ўтсин. Образли ибора. Одамдир, ҳайвондир, тирик, соғлом бўлса, оёқда юриб турса, унинг оёқлари, чоти орасидан шамол ўтади. Ҳайдовчилар бу иборани машинага нисбатан ишлатадилар: фидирак орасидан шамол ўтиб турса, ишимиз беш, дейишади. Оёқ-чот орасидан шамол ўтиб тургани – кишининг соғломлиги, ишлари юришиб, бола-чақасига бош бўлиб тургани рамзиdir. Кекса дўстлар бир-бирларини учратиб қолганларида ҳол-аҳвол сўрашиб, чотнинг орасидан шамол ўтиб турибдими, ахир, шунисига шукур қилаверинг, деб мутойи-балашадилар.

Оёғига бош урмоқ. Бу ҳолат инсон зотининг энг оғир, ҳақоратли вазиятга тушиши ифодасидир. Илтимос, ялиниб-ёлвориш, ўтиниб сўрашнинг энг олий, тубан, манфур, инсон шаън-шавкатини ерга урадиган шакли, кўринишидир. Эски замонларда ўлимга ҳукм қилинган фуқаролар, подшони инсофга чақириб ёки инсоф қилганига миннатдорчилик билдириб, ҳукмрон оёқларига бош уриб, тавалло қилганлар.

Бир қошиқ қонимдан кечинг, ибораси шундан қолган. Тағин бир маъноси ота вафот этса, фарзандлари унинг оёғига бош уриб, ийғлаб сўнгти ҳурматини жойига қўядилар. Кейинги замонларда оёққа бош уриш лаганбардор, хушомадгўй, фирибгарларнинг ўз ҳокими – бошлиғига муомаласи, ҳурматининг одатдаги кўринишига айланиб қолди. Халқ бу ҳолатта икки хил: хайриҳоҳ-ижобий, лаънат-танқид, салбий баҳо беради. *Муқобили*: «ялиниб-ёлвориши», «бошини ерга, кетини осмонга қилиш», «калишини ялади».

Оёғидан олмоқ. Асл ва кўчма маънолари талай. Курашда тақиқланган усулни қўллаб, оёққа, нозик жойга ёпишиш. Оёқдан олиш деганда дафъатан дўстинг томонидан сенга нисбатан ҳужум бошланиши, дўст бўлиб, душманнинг ишини қилиши кўзда тутилади. Номардик, яхшиликка ёмонлик лаънатланади. Яна бир маъноси ичкиликнинг, хусусан, шампан виносини кўп истеъмол қилиш оёқдан олиш – юрганда мастона, чалкашиб қадам босиш ифодаси саналади. Кутимагандан ит, кўппак ҳам одамнинг оёғидан (почасидан) олади, тишлайди.

Оёқ босмоқ. Ўз ва кўчма маъноларида ишлатилади. Оёқ босмоқ – синиб, шикастланган аъзони даволаб илк ерга босиш, соғайиш белгиси. Гўдак боланинг 1 – 2 ёш оралиғида илк бор оёққа туриб, атак-чечак билан биринчи қадамларини босиши, оёғи чиқиши. Бирор жойга биринчи марта бориши, оёқ босиш. Оёқ босиш ҳовли бўсағасидан ичкари ё ташқари бўлади. Остонада турилмайди, оёқ босилмайди, кўришилмайди.

«Оёқ босиш» ўзбек халқ удуми ҳам бор. Келин-куёв илк бор чимилдиққа кирганда оёқ босиш одати амалга оширилади. Таомилга кўра ким кимнинг оёғини биринчи бўлиб босса, қурилаётган оила, рўзгорга шу бош бўлади, дейишиади. Мусулмончилик – ўзбекчиликда йигит оиласа бош бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам келин назокат билан, куёвига оёқ бостирап экан, сўнг иримига ўзи ҳам бегининг оёғини босган бўлади. «Оёқ босиш» иборасининг бир рамзий кўчма маъносида келин билан куёвнинг хилват муносабатларига ишора ҳам бор.

Аҳмоқ оёғидан қарийди. Муносабат-нақд. Кишининг ҳуда-бехуда, жонсараклик билан юравериши, бекорга вақт сарфлаши танқиди. Режасизлик, ишбilmаслик, уқув ва малаканинг йўқлиги, энг муҳими, бунга истакнинг бўлмаслиги кишини шу кўйга солади. «Аҳмоқ оёғидан қарийди» деганда, халқ ақли-заковати тўлишмаган, ақлига иш буормаган одам қимматли умрини бехуда, ҳеч қандай

самарасиз, оёқ устида ўтказиб юборади, уни оёғи қаритади, боши ишга солинмай, дунёдан бехабар ўтиб кетади, деган огоҳ-ибрат маъносини кўзда тутади.

Оёғи тойди. Музда, лойда оёқ тойиши, киши йиқилиши, бирор аъзоси лат ейиши, кутилмаган тасодифлар содир бўлиши мумкин. Бу ўринда, кўчма маънода оёқ тойиш – янгилишиш, адашиш, кутилмаган ишга бош қўшиб,чув тушиб қолиш мазмуни бор. Оёғи тойди, иборасида бу ҳолатга тушган кишига нисбатан хайриҳоҳлик, ҳамдардлик туйғуси мавжуд. *Муқобили*: «янгилиши», «билмайин босдим тиконни», «суринди», «ийқилиб турди».

Оёғи осмонда. Бадантарбия усталари, ёш йигитчалар қўли ерда, оёғи осмонда машқини осон бажарадилар. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр, мақоли ҳам бор. Бу ўринда бир гап, фикр, хулосани тескари тушунтириш, оёғини осмондан келтириб таърифлаш назарда тутилади. Оёғи осмонда, ибораси таслим бўлди, енгилди маъносини ҳам беради. Бу ҳолат фақат салбий оҳанг касб этади. Ибора қадимий ривоят – жазо усули билан боғлиқ.

144

Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда. Бу ибора кекса, мўйсафиид ёки оғир хаста ётган киши ҳақида айтилади. Одатда ўзбеклар кек-саларни ҳурмат қилиб, ҳамиша тўрга чиқаришади. Иборанинг иккинчи қисми маъноси – бир оёғи гўрда эканлиги – кекса одамнинг сафдош, тенгдошлари бирин-кетин оламдан ўтиб боради.

Шу муносабат билан мўйсафиид, ҳали оёқда юрган бўлса-да, ҳар замон, ҳар замонда марҳум дўсти, таниши, салафини кузатиб мачитга жанозага, мозорга у билан видолашгани, сўнгти манзили тупроқقا кўйгани бориб туради. Кейинги рамзий маъноси ўзининг ҳам умри поёнига етиб, охирати яқинлашиб қолган, қазои муаллақдан сўнг ўз қабри-гўрига киришига вақт яқин қолган ишораси кўзда тутилади.

Тағин бир маъноси, кексалар ўз авлодлари хилхонасидан жой ажратиб, ўзларига сағана солдириб қўядилар. Шундан, хилхона ва сағанадан хабар олиб, жорубкашлик қилиб турадилар.

Оёқ узатмок. Ибора маънолари: оёқни ёзмок, чўзмок, узатмок. Оёқнинг чигилини ёзмок. Гап-гаштак, издиҳомда емак-ичмақдан сўнг бемалол, оёқ узатиб, ёнбошлаб, тенгдошлар гурунглашишлари мумкин. Ота-оналар, бобо-бувиilar баъзан фарзандлари ҳақида гап кетганда, қачон буларни жой-жойига қўйману (узатаман, уйлантираман) сўнг бемалол оёғимни узатиб яшайман, дейишади.

Бу ўринда бола-чақа ташвишидан қутулиб, ҳаловат топиш, ота-

оналик қарзи, мажбуриятидан узилиш кўзда тутилади. Мутойиба маъноси ҳам бор. Зайниддин Восифий ҳикоятларида айтилишича, нозик бир издиҳомда, ҳазрат Мир Алишер Навоий ёнларидан жой олиб қолган Камолиддин Биноий оёғини ёзаётганда бехосдан ҳазрат этакларига тегиб кетади-ю шошиб бу ҳолат — хижолатпазликдан чиқиш учун асқия қилиб ундан баттар хол кўяди: бу замонда шоирлар шу қадар кўпайиб кетдики, оёқ узатсангиз, шоирга тегади, дейди. Ҳазрат Навоий унга маъноли тикилиб, «тўғри айтасиз, ҳатто оёғингизни йиғиб олсангиз ҳам шоирга тегади», деган эканлар... Оёқ узатмоқнинг яна бир рамзий кўчма маъноси инсоннинг ўлими, ҳаётдан кўз юмиши мазмунини ташиди.

Оёғини беип бойламоқ. Кексалар ўғли тийилмаётганлигидан нолиган ота-оналарга, оёғини бойлаб қўй, дейишади. Бу уйлантириб, бўйнига рўзгор олахўржинини ташла, ўзи билан ўзи овора бўлиб, ўз хонадони атрофида парвона бўлиб қолади, дегани. Шу ҳам оёқни беип болаш. Бошқа маъноси: Бирор сиз билан фалон соатда кўришишни ваъда қилиб қўйган. Вақтида келмайди, сиз энди қиласар ишингизни ҳам, кетиш-қолишингизни ҳам билмайсиз. Шундай дамларда «оббо, баччагар-ей, оёғимни беип бойлаб кетди-ку» дейсиз.

Оғир оёқ (оёғи оғир). Ёш жувонда ҳомила пайдо бўлиб, ой-куни яқинлагани сайин у «оғир оёқ» бўлиб вазминлашиб боради. Оғига юқ тушади. Одамнинг чордона қуриб, узоқ ўтирганидан оёғи увишиб, қони юришмай қолиши мумкин. Шундай пайтда ҳам, у, оёғим мунча оғирлашиб қолибди, дейди. Баъзи бир эпақасиз, сонсиз, қўл-оёғи шалвираган келин ё қизларингизга нисбатан «шунисини кўп оёғи оғир-да», дея ранжийсиз.

Суюқ оёқ. Оёқнинг суюқ-қуюги бўлмаслиги сизга яхши маълум. Бироқ «суюқ оёқ» ибораси ишлатилганда бунинг маъносига дарҳол етасиз, сергакланасиз. Суюқ оёқ — ёш аёл-жувонларнинг маълум бир, ахлоқсиз, одобсиз, тарбияси бузилган тоифаларига нисбатан ишлатилади. Бузуқчилик, хиёнат кўchasига кирган жувонларнинг рамзий баҳоси.

Оёғидан йитди. Аҳмоқ оёғидан қарииди, иборасининг хулоса — натижа кўриниши. Ҳар ерда саёқ юрган бесар оёқ охир-оқибат бир балога гирифтор бўлади. Шундай дамларда кўпни кўрган кишилар «ўзига ўзи қилди, ахир оёғидан йитди» дейдилар. Оёғидан йитиш — ёмон йўлларга кириб, нариги дунёга равона бўлиш маъноларини беради. Салбий оҳанг, мазмун ташиди.

Оёғига тушов бўлмоқ. Отнинг, эшакнинг оёғига эркин ҳаракат

қилиб, узоққа кетиб қолмаслиги учун тушов солиб қўйилади. Кўчма маънода одамга нисбатан ишлатилиб, «бу йигит қўп нарсаларга қодир-ку бироқ нобоп хотини оёғига тушов бўлиб юрибди-да» дейишади. Оёғига тушов бўлмоқ одамнинг иши илгари босишига тўсқинлик қилиш, турли йўллар билан қаршилик кўрсатишидир.

Оёғи лой. Баҳор, куз ойлари лойгарчиликда пиёда юрсангиз, оёғингиз лой бўлиши табиий. Бироқ бу ўринда халқимиз, одамнинг бирор айби, гуноҳи борлиги, шу шахснинг муайян жиноят ёки қалтис ишга дахлдорлигини кўзда тутади. Оёғи лой — бир пайтлар дўстига хиёнат қилган, бироннинг ҳақини еган, ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилмаган киши бўлиб, гарчи кейинги йиллар бу ёмон одатини ташлаб, гуноҳларини юваётган бўлса-да, уни яқиндан билувчи кишилар назарида гуноҳкор, айбдор банда бўлиб қолаверади. Умматининг савобу уволи орасига тушиш пайғамбаримиз саллаллоҳу вассалламнинг ишлари бўлиб, тавба-тазарру, тақвадорлик, ёлғиз оллои таолога сифиниб, ундан гуноҳларидан кечишини сўраб илтижо қилиш бандасининг вазифасидир.

Оёғига болта урмоқ. Тасодифан ўз оёғингизга ўтин ёраётib болта уриб олишингиз ёки душманингиз оёғингизга болта уриши мумкин. Бунинг азоби ёмон. Бироқ кўчма маънодаги «оёққа болта уриш»-нинг залвори бундан ҳам оғир. Оёғига болта урмоқ — пайини қирқмоқ, илдизини қуритмоқ, жигарига ханжар урмоқ каби ибораларнинг муқобилидир. Оёғига болта урди, деганда ҳам бироннинг биронни кўролмай қасдан унга ёмонлик қилишини кўзда тутади. Ижрочига нисбатан нафрат, қурбон бўлган шахсга нисбатан эса ачиниш, хайриҳоҳлик оҳангى мавжуд. Ибора «олдини олди», «томирини қирқди», «сувнинг бошини бойлади» каби кўчма маъноларда ҳам ишлатилади.

Оёғим тортмади. Бир ишни қилмоқчи, бир жойга бормоқчи бўласиз-у, дафъатан бунга хоҳишингиз сўнади. Йиккиланиб, айниб қоласиз, шундай пайтда ўзингизни зўрлаб, ўлганнинг кунидан мажбуран борасиз. Акси, бор-е, дея қўл силтаб сафарни, зиёратни йиғишириб қўясиз.

«Оёғим тортмади» ибораси фақат кўчма маънода ишлатилади. Шундай вазиятда ихтиёeringизга қарши ҳаракат қилсангиз, бирор кўнгилсиз воқеа, нохушлик юз беради, ёқтиргмаган одам, ҳодисага дуч келасиз. Ўз-ўзингиздан ранжийсиз, «нега ҳам келдим шу ерга, аслида оёғим тортмаган эди-я», дея пушаймон бўласиз.

Муқобили: «кўнглим чопмади», «бир қарорга келолмадим», «арвоҳ-

лар йўл бермади», «фаришталар омин демаган экан» ва ҳоказо. Ибора фақат салбий оҳанг ташийди.

Оёғидан тортмоқ. Тўғри маънода киши оёғидан иккинчи шахснинг чиққан аъзони жойига соллоқ мақсадида тортиши, чўзиши, оёқдан маҳси, этикни тортиб чиқазиш, ечиш. Кўчма маънода, ёмонлик ниятида кишининг ишига атайин халақит бериш, кейинга суриш. Ривоят қилишларича, икки баҳил шахс жиноят устида қўлга тушиб зинданбанд қилинибди. Бирин тунда чаққонлик билан ертўладан тепага ўрмалаб, қутулиб чиқишига бир баҳя қолганида, иккинчи баҳил уйғониб қолиб, «сен ёруғлиққа чиқиб, мен қоламанми» дея уни оёғидан тортиб зиндонга қайта туширган экан.

Адолатсизлик билан зинданбанд қилинган яна бир жуфт саховатли киши, бир-бирига елка тутиб шеригини зиндандан чиқарган, қутулгани эса барча воситаларни ишга солиб, ҳамроҳини ҳам тез кунда ҳибсдан қутқазиб олган экан...

Муқобили: «ишини орқага ташламоқ», «кўролмаслик», «ҳамроҳини бофини кўкартирмаслик», «chox қазиш». Ибора салбий, нафрат оҳангини ташийди.

Мундарижа

Айтилган сўз — отилган ўқ.....	5
Кўйнидан тўкилгани — қўнжига.....	45

Маърифий нашр

Маҳмуд Саттор

ЎЗБЕКНИНГ ГАПИ ҚИЗИҚ

Миллатнинг кенжабўғинига

Муҳаррир
Ш. Бўтаев

Дизайнер
Х. Сафаралиев

Мусаххих
Г. Азизова

Лицензия № 158. 23.12.2009 й.

Босишга руҳсат этилди. 15.02.2011 й. Бичими 60x84/16

BaltikaUz гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.

Шартли босма. т. 9,25. Ҳисоб нашриёт т. 8,0. Адади 1000 нусха.

Буюртма № 119

«Tafakkur qanoti» нашриёти. Тел.: 448-64-20, 945-50-87

Тошкент, 1-тор, Мирсолихова кўча, 13-уй.

Фаолият юрштубучи манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг

Faafur Fyulom nomidagi нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100128, Тошкент, Шайхонтохур кўчаси, 86-уй.